

Алан Фадлинг

ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ҲАЁТ

Исо кўрсатган ўрнатилган ҳаёт тарзи ва дам олиш мароми

Муаллифнинг фикрича, мунтазам равишда шошиб юрадиган инсонлар кучини беҳуда сарфлаб, ўзларини жисмонан, ақлан ва руҳан чарчатиб қўядилар. Худди шу ҳолат ҳаддан ортиқ банд бўлган масиҳий етакчилари орасида ҳам содир бўлмоқда: улар руҳий мувозанатни йўқотишмоқда, ибодатга совуққонлик билан ёндашмоқдалар ҳамда Худо бераётган имкониятларни бой беришмоқда. Муаллиф ўз китоби орқали мунтазам хизмат қилишига қарамай, шошма-шошарликсиз ҳаёт кечирган ва Ота билан мулоқот қилишга кўп вақт ажратган Исо Масиҳдан ўрнатилган ҳаёт тарзини таклиф қилади.

1 БОБ БЕҲАЛОВАТ ҲАЁТ

Мен тобеликдан даволаниш жараёнидаман. Гиёҳвандликдан эмас, йўқ, бироқ ундан зиёни кам бўлмаган тобеликдан, яъни, эсимни таниганимдан буён мени асир қилган шошқалоқликдан даволаняпман. Мен шосседа тезликка мўлжалланган қатор бўйлаб ҳаракатланишга, дўконда қисқа навбатни эгаллашга ва бошлаган ишини тезроқ тугаллашга интиладиган инсонлар тоифасиданман. Бундай шошқалоқликда қандайдир номутаносиблик бор. Лекин мен ҳам сиз каби доимо қаергадир шошадиган замонавий оламда яшаяпман. Агар шошқалоқлик юқумли бўлса, демак, бизнинг оламимиз эпидемияга чалинган, бироқ, шошқалоқликни секинлаштиришга мажбур қиладиган омиллар кузатилмаяпти. Афсуски, жамоат ҳам ушбу шиддатли пойгада иштирок этмоқда.

Мен даволанишни — тартибли ҳаётга эга бўлиш ҳаракатини йигирма ёшдан ошганимда бошлаганман. Ўша вақтларда Фуллер Илоҳиёт Семинарияси талабаси бўлиш билан бирга ёшлар гуруҳига чўпонлик қилардим ва энди уйланган пайтларим эди. Қанчалик ачинарли бўлмасин, ўша пайтларда менинг қадриятларим худди шу тарзда қўйилганини тан олишим керак. Кутилганидек, ҳеч қанча вақт ўтмай, бу аҳволда узоққа бормаслигимни англаб етдим. Мен бутун вақтимни бағишлашим лозим бўлган бу хизматга даъват қилинганимга шубҳа қилмаганман, лекин бу алфозда нафақат хизмат қилиш, балки яшай олмаслигимни ҳам тушундим. Менинг кучим ўттиз ёки қирқ йил у ёқда турсин яқин йиллар, ҳатто бир неча ойларгагина етиши мумкинлигига ақлим етганди. Пала-партиш ҳаёт тарзим мени йигирма ёшимдаёқ ҳиссий чарчоқлик синдромининг барча аломатларини намоён қилди*

Ўшанда Фуллер Семинариясидаги “Устозлик ва шогирдлик” курсига ёзилдим. Ёшлар гуруҳининг чўпони бўлганим бу танловимни тўғри эканлигини кўрсатди. Бу курсда маърузаларни тинглар эканман, кўпгина фойдали маълумотларни ўргандим ва чўпонлик маҳоратимни бойитдим, лекин ёдимда қолгани фақат бу эмасди, балки мажбурий дастурга киритилган иккита бир кунлик ретрит* машғулоти ҳам хотирамга муҳрланди. Бу машғулот менга барча алоқа воситаларидан воз кечиб, Худони эшитиш учун У билан сукунатда ёлғиз қолишга имкон берди. Худо билан ёлғиз қолишга биринчи уринишнинг ўзи ҳақиқий меҳнаткашликнинг барча белгиларини очиб берди, бу эса даволанишнинг биринчи ҳафтасида гиёҳванд инсонда бўладиган хуруждан кам эмасди. Мен кимнингдир муаммосини ҳал қилишдан, қаергадир шошишдан ёки кимгадир ёрдам беришга шошишдан ташқари, ўзимни яна нима билан банд қилишни билмасдим. Айни ўша пайтда ҳаётимдаги тартибсизлик аён бўлди. Худо билан ёлғиз қолиш У билан суҳбатлашишдан бошқа нарса эмас. Бу ретрит йўлимнинг бошланиши бўлди ва шу йўлда юрганимга йигирма йилдан ошди. Лекин ҳали кўзлаган мақсадимга етганим йўқ.

*Хиссий чарчоқ синдроми – бу ишдаги сурункали стресслар натижасида келиб чиқадиган хиссий, рухий ва жисмоний чарчоқдир. Бу синдром асосан, бошқаларга ёрдам берадиган касб эгаларида учрайди (тиббий ходимлар, ўқитувчилар, психологлар, ижтимоий хизматчилар, кутқарувчилар, ўт ўчирувчилар ва хукукни ҳимоя қилувчи орган ходимлари).

**Ретрит (ёлғиз қолиш, жамиятдан алоҳида бўлиш) инглизча сўз бўлиб, рухий машғулотга бағишланган вақтни англатувчи сўз сифатида бошқа тилларга кириб келган. Ретритларлар якка ҳолатда ва бир гуруҳдан иборат бўлиши мумкин. Айрим ретритлар сукунатда ўтади, баъзилари эса рухий анъаналар ва иштирокчиларнинг хусусиятларига қараб қизгин мулоқот билан ўтади. Ретритлар кўпинча, қишлоқ жойларда, тоғли жойларда ёки цивилизациядан олис бўлган жойларда ўтказилади. Монастрларни ўз ичига олган ретрит марказлар ҳам мавжуд).

ИСО БЕТАШВИШ БЎЛГАНМИ?

Жон Ортбергнинг китобини ўқиш пайтида ёдимда қолган қисқагина маслаҳатни ёдда тутган ҳолда ўзимнинг олис сафаримни бошладим. Руҳий изланиш пайтида у дўсти ва устози бўлган инсондан ёрдам сўрайди. У эса: “Сен шошқалоқликдан бутунлай воз кечишинг лозим”, деб маслаҳат беради. Қатъийликни шошмаслик билан боғлаган ҳолда, қайси йўлдан юришим кераклигини англаб етдим. Ортберг ўзининг “Ўзгаришга чанқоқлик” китобида “шошқалоқлик – шунчаки жадвални нотўғри тузиш эмас, шошқалоқлик – юракнинг нотўғри ҳолатидир” деган. Унинг фикрига қўшилмаслик мушкул. Шошқалоқлик ва шошилмаслик ҳақида гапирганда, тезликни ўлчаш асбобининг кўрсаткичини эмас, нотинч, ташвишли ва безовта юракнинг ҳолатини назарда тутяпман.

Яқинда дўстим Билл кўплаб замонавий етакчиларнинг руҳий ривожланишига катта таъсир кўрсатган Даллас Уиллард билан суҳбат қуриш шарафига муяссар бўлди. Даллас Биллга оддий савол билан мурожаат қилди: “Исони қайси сўз билан таърифлаган бўлар эдинг?” Танловинг қайси сўзга тўғри келади. Устозми? Раббийми? Меҳрибонми? Танлов катта. Биллнинг ўйланиб қолганини кўриб, Даллас ўзининг жавобини таклиф қилди: беташвиш. Беташвиш? Жиддий айтяпсизми? Бу сўз рўйхатимдаги сўзларга яқин ҳам келмайди. Бу сўз Биллнинг рўйхатида йўқ эди. Сизнинг рўйхатингизда-чи?

Беташвиш сўзи менга маъқул, деб айта олмайман. Бу таърифда дангасалик, масъулиятсизлик ва худбинликни эслатувчи маъно бор. Айниқса, Билл менга бу ҳикояни айтиб берганида Исонинг беташвишлиги ҳақида жиддий мулоҳаза қилиб кўриш кераклигини англадим. Энг асосийси, мен Исони вазмин Кутқарувчи сифатида билишни истардим. Ўзим учун уч кунлик ретрит режалаштирдим ва асосий вақтимни Хушхабарни ўрганишга ва мени ташвишга солган савол: “Исони беташвиш бўлган деб аташ мумкинми? У шошқалоқ бўлмаганми?” деган саволларга жавоб топишга сарфладим.

Муқаддас Калом устидаги изланиш соатлари кунларга уланганида, Исо замондошларига қараганда шошқалоқ бўлмаганига шубҳам қолмади. Ўттиз йиллик кутишдан сўнг хизматга киришганида У биринчи навбатда қилган иши – Муқаддас Руҳнинг бошқарувига итоат қилди ва қирқ кунни саҳрода ёлғизликда ўтказди. Қариндошлари Унга агар таниқли бўлишни истаса, Ўзини бутун оламга кўрсатиши кераклигини айтишди, лекин Исо уларнинг гапларига енгилмади (Юҳанно 7:4-6 га қаранг). Нима учун У синагога бошлиғининг ўлим тўшагида ётган қизини шифолашга шошилмади (Марк 5:22-43 га қаранг)? Нима учун ҳаста дўсти Лазар ўлгунича икки кун кутди (Юҳанно 11:1-43)? Исонинг тўғри вақтни танлаш лаёқати Унинг замондошларини ҳайратда қолдираар эди.

Исонинг тартибли ҳаёт тарзи йигирма биринчи асрдаги ҳаёт тарзидан кескин фарқ қилади. Мисол учун, менинг кўплаб буюк хизматчи дўстларим хизматга киришишдан аввал ўттиз ёшга тўлишини кутишмаган (Луқо 3:23 га қаранг). Билишимча, улардан ҳеч қайсиси бу тантанали ҳодисани чўлда қирқ кун рўза тутиш билан бошламаган (Луқо 4:1-2 га қаранг). Исони бошқарган Муқаддас Руҳ ҳеч қачон шошилмаган. Хўш, саҳрода нима содир бўлган? Исо рўза тутган ва иблиснинг ҳийлаларига қарши турган. Менимча, ёвуз шайтоннинг барча васвасаларидан мақсади битта бўлган: Исони Ота белгиланган вақтда Унга берилиши ваъда қилинган нарсаларни вақтидан аввал олишга ундаш бўлган. Бу ҳақда тўртинчи бобда батафсил гаплашамиз. Лекин назарида “бир кун минг йил каби”

(2Бутрус 3:8) бўлган Раббимизнинг вақт ҳақидаги тушунчаси бизнинг тушунчамиздан фарқ қилиши ҳайратланарли эмасми?

Ишонаманки, Исонинг шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзи ҳамда хизматига тақлид қилиш ҳозирги масиҳийларнинг руҳий тасаввурларини кенгайтиришга ва ифодалашга қодир. Шунга қарамай, бизларнинг кўпчилигимиз Худога бўлган садоқатимизни У учун қилган хизматларимизнинг сони билан ёки ягона мақсад билан – Унинг Шоҳлигини кенгайтириш учун якшанба кунлари бўладиган хизматларда мунтазам қатнашиш билан ўлчаёямиз. Тўғри, бизнинг қилган хизматларимиз Худони мамнун қилади, бироқ ўйлашимча, Унга бўлган самимий эътиборимиз ва дўстона муносабатимиз Уни кўпроқ қувонтиради.

Худо билан ёлғиз қолган ҳолда бу китобнинг биринчи боби устида ишлаганимга ажабланмаса ҳам бўлади. Муҳит жуда тинч эди. Хонанинг деразасидан дарахтлар билан безанган кенг майсазор кўриниб турарди, дарахтларнинг шоҳлари Худога ҳамду сано айтаётгандек, осмонга бўй чўзган. Қўл телефоним хизмат доирасидан ташқарида сукут сақларди. Авваллари буни ҳалал берадиган тўсиқ деб ҳисоблардим, ҳозир эса бундан жуда хурсандман. Атрофни қоплаган осойишталик ва сукунат бетартиб ҳаёт тарзига нисбатан ички қаршилигимни кучайтирди. Мен арзирли сабаб бўлмаса ҳам ҳар доим шошилиш кераклигини ҳис қиламан. Шошқалоқлик менинг оғриқли одатимга айланди, ҳар доим фавқулодда вазият ҳолатида юрадиган бўлиб қолдим. Ташқи вазиятлар босими остида бўлмасам ҳам фақат ўзимнинг тасаввуримда мавжуд бўлган бошқа “муҳим иш”га тезроқ ўтиш истаги пайдо бўлади. Бу патология. Ва Худонинг инояти орқали шифо топишга муҳтожман. Қандай қилиб осуда ва тинч ҳаёт кечиришни Исонинг Ўзидан ўрганишим керак.

Худонинг Руҳи қалбимни олдинга қараб беҳуда югуриш эмас, Унинг қўлидан тутиб, У билан бирга юриш истаги билан тўлдирди. Ниҳоят, шошма-шошарликсиз ҳаёт кечириш тарзининг дангасаликка ҳеч қандай алоқаси йўқлигини англаб етдим. Ҳақиқатан ҳам, тартибли ҳаёт – дангасаликнинг бутунлай аксидир.

БУНДАЙ ШОШҚАЛОҚЛИК ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛАДИ?

Менинг патологик шошқалоқлигим бир қатор сабаблар туфайли юзага келади. Эҳтимол, уларнинг айримлари сизларда ҳам бордир. Аввало, ёшлигимданоқ ишларни қанчалик тез бажарсам, шунчалик кўпроқ иш бажаришим мумкинлигига ишонтиришган. Албатта, бунда қайсидир даражада ҳақиқат бор. Лекин савол шуки, мен қилаётган ишлар Худо учун ёки ҳатто менинг ўзим учун шунчалик муҳимми? Албатта, телбалардек шошилиб ҳаракат қилсам, кўпроқ ишларга улгураман, лекин бу ишларни нима учун ва ким учун қилаётганимни унутиб қўйсам, бундан нима наф? Худонинг биринчи ва энг буюк амри ёдимда. Бу амр бизни “У учун иложи борица кўпроқ иш қилишга” даъват қилмайди. Биз ўз яқинларимизга Худонинг севгисини кўрсата олишимиз учун Уни бутун қалбимиз билан, бутун жонимиз билан ва бутун онгимиз билан севишимиз керак. Қолаверса, севги шошқалоқ эмас. Севгининг илк жиҳатини ҳаворий Павлус Коринфликларга йўллаган биринчи мактубининг машҳур ўн учинчи бобида тасвирлаган, бу – сабрдир. Сабр – шошқалоқликнинг акси. Эҳтимол, биздаги энг етишмаётган муҳим фазилят ҳам сабр бўлса керак. Ўзимнинг тезкорлигим ва шошқалоқлигим билан Худо мен учун нима қилмоқчи эканини ёки менга нима демоқчи эканини сезмай қоламан. Шошқалоқлик натижага қаратилган бўлади ва шунинг учун Унга етишиш йўлида қувончдан маҳрум қилади.

Банги одамдек тезликка тобе бўлиш жамиятимизда меъёрий ҳаёт тарзи ҳақидаги тасаввурларни ёмонлаштирмоқда. Биз шошқалоқликка дастурланганмиз. Маданиятли дунё тезлик, шошқалоқлик ва шижоатни қадрлайди. Биз кутишни ёқтирмаймиз. Бизнинг мақсадимиз – истаганимизни шу ерда, ҳозирнинг ўзида олиш. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Биз шунчалик интилаётган нарсаларга чиндан ҳам эҳтиёжimiz бор ёки йўқлиги ҳақида

ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Сўнгги йилларда шошқалоқлик бизнинг ҳаёт тарзимизга айланди ва бунда рекламаларнинг хизмати жуда катта!

Ҳатто замонавий инсоннинг нутқи ҳам унинг тезликка мойиллигидан далолат беради. «Секин» сўзининг маъносини луғатдан текшириш учун бир дақиқа вақтингизни ажратинг. Салбий қўшимчали таърифларнинг кўплиги тезда кўзга ташланади. «Секин» сўзининг компьютер луғати томонидан таклиф қилинган илк учта маъноси қуйидагича: пассив, осуда, тартибсиз, кўп вақт талаб қиладиган ва бемаъни. Уэбстер луғати* «секин» сўзи учун ўндан ортиқ таърифларни келтирган бўлиб, уларнинг биринчи ярми салбий маънони билдирса, қолган ярми бетарафлик маъносида берилган, фақат биттагина ижобий таъриф берилган – шошмайдиган. Тезкор сифатининг маъноси анча ижобийроқ.

*Уэбстер луғати - “Инглиз тилининг Америкада чоп этилган луғати” бўлиб, Ноа Уэбстер томонидан 19 асрнинг биринчи ярмида яратилган.

Энди шошқалоқлик ва зерикарлилиқ орасидаги боғлиқликни кўриб чиқайлик. Зерикарлилиқ бизнинг ҳаётимизга кириб келганига унчалик кўп вақт бўлмаганини биласизми? Бу тушунча бизнинг жўшқин фаолиятимиз давомида камдан-кам учрайдиган тўхталишларнинг ўрнини тўлдирувчи бўшлиқни белгилайди. Мен Калифорния штатининг Сакраменто деган жойида, чекка бир қишлоқда катта бўлганман. Ўтган асрнинг 60-йилларида одатий бўлган ҳаёт тарзини ҳозир фарзандларим зерикарли деб аташади. У пайтларда видео ўйинлар, DVD, уяли телефонлар ва шунга ўхшаш нарсалар йўқ эди. Ихтиёримизда битта кичкина телевизор бўлиб, битта федерал, бир ёки иккита маҳаллий канални кўрсатарди. Шанба куни эрталабки мультфильмлар бизга қувонч бағишларди, ахир мультфильмлар кунига 24 соат, ҳафтасига 7 кун берилмас эди-да.

Шошилмаслик дангасалик, бефарқлик, бепарволик ёки эҳтиётсизлик билан бир хил эмас. Бу тўртта сўз бизнинг дунёқарашимиздаги нотўғри тушунчаларни кўрсатади: “Тезкорлик самарали. Тезкорлик таъсирли. Тезкорлик менинг муҳим инсон эканимдан далолат беради”. “Ишлар қандай?” деган саволга нима деб жавоб беришимиз ёдингиздами? Одатда, “Ниҳоятда бандман”, “Ишларим бошимдан ошиб ётибди” ёки “Иш жуда кўп” деб жавоб берамиз. Кўпинча, бу иборалар ташвишни ёки чарчоқни енгил ифодаласа ҳам ич-ичимиздан агар ҳозир “Ҳа, амаллаб юрибман” ёки “Худога шукур, нолимайман, чунки бўйинтуруғим юмшоқ ва юким енгил” деб айтсам, одамлар мени иккинчи тоифали одам, деб ўйлашларига ишонамиз. Муваффақиятнинг яққол исботи сифатида иш билан банд бўлиш атрофдаги одамлар сизни қабул қилишлари учун туртки бўлади, деб ҳисоблаш албатта ёқимли. Бетартиб ҳаёт менда янада камроқ таассурот қолдиради. Агар яхшилаб ўйлаб кўрсак ва сал нарироққа назар ташласак, бундай ҳаёт чиндан ҳам самарали ёки самарасиз эканини билиш мумкин.

ИЛМИЙ-ТЕХНИК ТАРАҚҚИЁТ ВА ТЕЗЛИК

Қанчалик ажабланарли бўлмасин, ўтган асрнинг 60-70 – йилларидаги илмий-техник тараққиёт кўпроқ бўш вақт бўлишини ва инсониятга меъёрий ҳаётни ваъда қилган бўлса ҳам фақат оловга мой сепган, холос. Замонавий технологиялар одамларни бой қилиш ва ҳаддан зиёд банд қилиш орқали ҳаёт маромини тезлаштириб юборди. Бугунги кунда маълум вақт ичида жуда катта ҳажмдаги ишларни бажаришга имкон берувчи технологияларга эгамиз. Бироқ бундай банд ҳаёт бизни ҳолдан тойдираётганини англаб етмаяпмиз. Биз анча самарали бўлдик, лекин аҳмоқона ҳаёт мароми ҳаётимизни янада мазмунли қилганини ҳеч ким исбот қилиб беролмайди. Қолаверса, вақтга нотўғри муносабат билан боғлиқ патологияни ўрганувчи психологиянинг янги йўналиши пайдо бўлди. Бунга қуйидагилар киради: кам вақт ичида иложи борица кўпроқ ишга улгуришга ҳаракат қилиш, ҳар қандай тўхталишлар ёки кечикишлар пайтида асоссиз ташвишланиш. Аммо одамлар учун энг катта хавфни шошқалоқлик касаллиги келтириб чиқаради.

Шошқалоқлик – замонавий муаммо эканини таъкидлаб ўтирмайман. 1800-йилларда яшаган чўпон Перси Эйнсворт шундай деган:

«Бу дунёнинг шовқин-сурони сизни ташвишли қадамлар ва нотинч юрак уриши билан ҳайратга солади. Бундай шошқалоқликда камдан-кам инсон нафас ростлаб олишга муваффақ бўлади. Бирок, қалбингизда Масихнинг тинчлиги бўлса, бу сизнинг абадий тақдирингиз эканини англаган ҳолда ишда ҳам ташвишланмайсиз; қурбонлик қилиш муқаррар эканини англаган ҳолда, яқин кишингизнинг хизмати вақтида дам оласиз; Худонинг севгиси чексиз эканини билган ҳолда, биродарлар ва опа-сингиллар билан самимий муносабатда тинчликка эришасиз. Меъёрий ҳаёт мана шундай бўлади ва “Масихга ишонган” ҳар бир киши бунга эга бўлади».

Эйнсворт меъёрий ҳаёт ҳақида гапирган, мен уни шошма-шошарликсиз ҳаёт деб атаган бўлардим. Эйнсворт ҳикоя қилган шошма-шошарликсиз ҳаёт – менинг орзуимдаги ҳаёт. У ҳам худди мендек шовқин-сурондан қочишни ва тинчликка эришишни истаган, лекин 1909 йилда оламдан ўтган! Демак, юз йил аввал ҳам шошқалоқлик худди ҳозиргидек долзарб бўлган экан-да. Лекин бугунги кундаги технологиялар бизни янада тезроқ ҳаракат қилишга даъват қилмоқда. Бугунги кунда машинада беш юз миль, самолётда беш минг миль масофани босиб ўтишга кетадиган вақт юз йил олдин йигирма миль масофани босиб ўтишга кетган вақт билан тенг. Шошқалоқлик бундай жиддий муаммога айланиб қолгани ажабланарли эмас. Илмий-техника тараққиёти туфайли инсоният ўз руҳий тартибсизлигини жисмоний тезликка ўзгартирди.

Мени техника ёки транспорт соҳасидаги тезликнинг афзалликлари қадрига етмас экан, деб ўйламанглар. Мен интернетга киришим учун модем тезлиги орқали уланишни истамайман. Яна кўплаб қариндошларимни кўриш учун беш юз миль масофани аравада босиб ўтмоқчи ҳам эмасман. Уйимнинг остонасидан чиққан кунимдаёқ мени ер шарининг нариги чеккасига элтиб қўювчи самолётлар борлиги учун миннатдорман, акс ҳолда поездда ёки уммонда сузиш орқали ҳафталаб, эҳтимол ойлаб йўл юришимга тўғри келарди.

ВАН МИНДАО: ХУДО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ САЙР

Рональд Бойд-Макмиллан “Faith That Endures” китобида ўтган асрда қувғинга учраган Хитойнинг энг машҳур чўпони Ван Миндао билан қурган суҳбати ҳақида ёзган.

Илк учрашувимизда суҳбатимиз қуйидагича бўлди:

- Йигитча, сиз Худо билан қандай мулоқот қиласиз?

Мен Калом ўрганиш ва ибодат қилишдан ташқари бир қанча руҳий қоидаларни айтдим. Ван Миндао истехзо билан деди:

- Бу нотўғри. Худо билан мулоқотда энг асосийси – шошилмаслик.

Ван Миндаонинг сўzlари қалбимни тубигача титратиб юборди. Ҳаётимни ўзим пойгага айлантириб юборган бир пайтда қандай қилиб масихийча ҳаётни Худо билан юриш деб аташим мумкин? Тўғри, биз “мусобақада сабр билан чопамиз”, лекин ҳар доим ҳам “имонимизнинг илғори бўлган Исога кўз тикамизми” (Ибронийлар 12:1-2)? Худо бизни Ўзи билан бирга шошма-шошарликсиз сайр қилишга таклиф қилмоқда, биз эса жуда кўп ҳолларда Унинг ортидан бошимизни қимирлатамиз. Фарқини тушунаясизми?

Кейинги гал Бойд-Макмиллан Ван Миндаодан Хитойда Хушхабарни ваъз қилгани учун йигирма йилга қамалгани ҳақида гапириб беришини сўради. Қамокдаги камера Миндаога Худо билан шошма-шошарликсиз вақт ўтказишга мажбур бўлган жойга айланди. Яхшиямки, қамокда Худонинг ҳузурида бўлишдан бошқа қиладиган иш йўқ. Ва тез орада Миндао аслида муҳтож бўлган нарса шу экани аён бўлди. Бойд-Макмиллан Хитойлик чўпондан ўрганганларига қуйидагича хулоса қилди:

«Қувғинга учраган жамоат Худо ҳеч қачон шошилмаслигини англаган ҳолда имонда содиқ қолди. Худо инсоннинг қалбини куради. Биз эса шошқалоқмиз. Ишларимиз жуда кўп! Ишларимиз шунчалик кўпки, ҳеч қачон чин дилдан Худога яқинлашмаймиз. Аслида, Худо Адан боғини – мукамал мулоқот жойини яратганида, айнан шуни хоҳлаган

эди. Ван Миндаонинг озодликдан маҳрум қилиниши ва қамоқхона уни “сайр қилиш босқичига” қайтариши учун тезликни камайтириши ҳамда Худо билан тўғри мулоқот қилиш учун ўзини камтар тутишига имкон яратди».

ДОНИШМАНДЛАР НАЗАРИДА ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ҲАЁТ

Келинг, ҳозир шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзини ўзлаштиришни истаганлар учун ўтган асрда яшаган масиҳий муаллифларининг меҳнатлари ҳамда Муқаддас Калом қандай маслаҳатлар берганини кўриб чиқамиз.

Забури 45:11 ояти бизга тинчланишни таклиф қилмоқда: “Тўхтанг, билдинг, Мен Худоман”. Ташвишланманг ва бунинг ортида Ким турганини эсга олинг. Ўн еттинчи асрнинг руҳонийси, ўзини ночорларга хизмат қилишга бағишлаган Венсан де Поль шундай деган: “Шошилган инсон Худони кечиктиради”. Аслида, менинг ҳаёт тарзим бунинг аксини кўрсатади. Менимча, “шошилган одам Худо учун кўпроқ иш қила олади”. Лекин Венсан де Польнинг айтишича, ўта шошилган одам аслида орқада қолади. Бирок биз нима учундир шошқалоқлигимиз Худонинг режаларини амалга оширишни тезлаштиради, деб ишонамиз. Қизиқ, агар Ибром Худога ёрдам беришга шошилмаганида, воқеалар қандай ривожланган бўларди? Худонинг ваъдаси амалга ошишига ёрдам беришни истагани учун у Ҳожарнинг ўғлига ота бўлди (Ибтидо 16 бобга қаранг). Ибромнинг шошқалоқлиги Худонинг режалари амалга ошишига жиддий таъсир кўрсатди.

Ҳикматлар 19:2 оятда шундай айтилган: “Билимсиз истак яхши эмас, шошқалоқлар ҳам қоқилади”. Бу эса сабрсизлик ва шошқалоқнинг яна битта салбий томони бўлиб, худди ҳаёлпараст ҳайдовчига таниш бўлган вазво: “Афтидан, адашган кўринаман! Нима қилиш керак? Нима қилишни биламан! Тезликни ошираман!” Бундай бепарволик Худо биз учун режа қилган йўлдан оғиб кетиш хавфини келтириб чиқаради. Лекин биз нима учундир ҳамма нарсаларга ёпишиб олиб, Худога хизмат қилишда яхши самара келтирамиз, деб ўйлаймиз, лекин қоидага кўра, бунинг акси бўлади. Шошма-шошарликсиз ҳаёт бизга Худонинг ҳузури ва бошқарувига эътиборлироқ бўлишимизга имкон беради. Мен Худонинг инояти таъкидлаган ҳаёт маромида яшашни ўрганишни истайман. Ортда қолмасдан ва албатта, шошиб олдинга ўтиб кетмасдан яшашни хоҳлайман.

Чўпон ва бир қанча китоблар муаллифи Уэйн Мюллер олис масофага кўчиш вақтида бирдан тўхтаб, ерга ўтириб олган Жанубий Америка қабиласининг ғайриоддий одати ҳақида сўзлаган. Бундай ғайриоддий одатнинг сабабини сўраганларида, улар “руҳлари таналарига етиб олишлари учун вақти-вақти билан тўхташга мажбур” эканликларини айтишган. Эҳтимол, баъзиларимизга айрим пайтларда бекор қолиш фойда берар. Бундай танаффуслар шошиб юрадиган кўплаб инсонларнинг ўзларига келиб олишларига, уларнинг ортда қолиб кетган руҳларига эса ўз маконларига етиб олишларига имкон берган бўлар эди.

Ёзувчи Ж.Б.Филлипс ўзининг “Сенинг Худойинг жуда кичкина” деб номланган мумтоз масиҳийлик асарида Худонинг “ҳеч қачон шошмаслиги” ҳақида ёзган. Шошилиш Унинг усули эмас. Худонинг шошма-шошарликсиз ҳаракати бизга қандай иноят беришини англаб етганимизда, бизнинг ҳаёт тарзимиз ва хизматга бўлган муносабатимиз ўзгарадими? У билан қадамма-қадам юрганимизда нима содир бўлади? Бундай ҳаёт қандай кўринишга эга бўлади? Бу саволларга шу китобда жавоб беришга ҳаракат қиламан.

ИСО БИЛАН БИРГА

Шошилмайдиган Нажоткор билан мулоқот қилишнинг яққол афзалликларини кадрлайман. Мисол учун, меъёрий ҳаёт тарзи туфайли кўп жихатдан ўзимнинг хатти-ҳаракатларим нотўғри эканини кўра олдим. Бундан ташқари, “кўзланган мақсадга эришиш” лаёқати Худонинг ҳаётимизда қилаётган барча ишларини эътирозсиз қабул қилиш “Худонинг қудратли қўли остида ўзини камтар тутиш” лаёқатига йўл бўшатишини англаб етдим. Худо маълум ҳодисаларга йўл қўяди ва мен У билан ҳамкорлик қилсам

ақлли иш қилган бўламан. Кўпинча, айнан шошқалоқлик ҳаётимни ва хизматимни қийинлаштиради, Масихнинг кўмагисиз бунга ажабланмаса ҳам бўлади.

Мен ўта шошқалоқлигим туфайли Худонинг кўплаб очиқликлари, марҳаматлари ҳамда тарбиясидан маҳрум бўлганимни тушундим. Менинг бошқарувчимга айланиш орқали шошқалоқлик мени муваффақиятдан маҳрум қилди, холос. Исонинг шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзига қараб, У билан ёнма-ён юриш, Унинг ҳаёт мароми бўйича яшаш У мен учун тайёрлаб қўйган фаровон ҳаётга эришишнинг ягона йўли эканини англаб етдим.

Шунинг учун ўзимга савол бераман: агар биз – шошма-шошарликсиз маромига амал қилган Нажоткорнинг шогирдлари бўлсак, бизнинг ҳаёт маромимиз қандай бўлиши керак? Масалан, Исо кўпинча, Ота билан ёлғиз қолиши ва У билан хотиржам вақт ўтказиши учун Унга муҳтож бўлган инсонлардан узоқлашган. Эҳтимол, биз – Унинг издошлари ҳам шундай йўл тутишимиз керакдир? Исонинг ҳаётига назар солиш ва Унга тақлид қилиш орқали илоҳий иноят билан уйғунлашган кундалик ҳаётимиз қандай бўлиши кераклигини тасаввур қилишимиз мумкин. Қисман, иноятли ҳаёт маромини руҳий бошқарувнинг моҳияти деб аташ мумкин. Менимча, руҳий етакчилар бу замонaviй оламнинг шиддатли оқимида иноятли ҳаёт маромини ушлаб қола олиши керак; атрофдагилар ер юзида Худонинг Шоҳлигини яратишга берилган бир пайтда унинг ҳаёти таъсири, самарали, лекин ўлчовли бўлиши лозим.

Мен бу дунёнинг шовқин-сурони ҳокимияти остида эмасман, мен шошилмайдиган Нажоткоримнинг инояти остидаман.

КИТОБГА ҚИСҚАЧА НАЗАР

Бу китобда биз Исо тимсолида акс этган шошилмайдиган Нажоткорнинг фазилатларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Китобнинг иккинчи бобида Унинг илк шогирдларни шошилмасдан танлаш ва уларни тўлиқ ва бутунлай Худога ишонишга ўргатиш услуби билан танишамиз. Отага сўзсиз итоат қилиш уларга Хушхабарни ваъз қилишда ўзлари ҳатто орзу ҳам қилмайдиган қобилият берди. Ўз хизматим ҳақида гапирар эканман, турли даражадаги руҳий комилликка ва таъсирга эга бўлган масихийларга – ота-оналар, устозлар, жамоат қатнашчилари ёки хизмат етакчиларига фойдаси тегадиган фикрлар билан бўлишмоқчиман. Учинчи бобда самарадорлик ва бекорчилик ҳақида сўз боради. Мен фавқулодда ҳолатда яшагандан кўра, шошма-шошарликсиз ҳаёт маромида яшаш самаралироқ эканини исботлашга ҳаракат қиламан. Умидсизлик – шошилмасликнинг классик тури ҳақида ҳам гаплашамиз. Саҳрода шайтон Исони шошилтириш учун қилган ҳаракатига Исонинг қаршилиги бизга шуни ўргатадики, шошилмаслик – ҳаётимизни яхши томонга ўзгартира оладиган сабр ва ишонч билан таққосланмайдиган хатти-ҳаракатлардан энг яхши ҳимоядир (4 боб). Исонинг меҳрибон самариялик ҳақидаги масалини диққат билан ўқиганимизда, шошилишни унутиш орқали муҳтожликда қолган яқинларимизга ғамхўрлик кўрсатишимиз мумкинлигини кўрамиз (5 боб). Олтинчи бобда Исонинг шошма-шошарликсиз ибодатгўй ҳаёти ва хизмат тарзи берилган. Ота билан ҳоли жойда ёлғиз қолиш учун тез-тез вақт ажратган Зотнинг Ўзи (Луқо 5:16 га қаранг) бизни Ундан ўрнак олишга чақиради. Исо бизни Унинг ҳаётига тақлид қилишга даъват қилади.

Еттинчи бобдан ўн биринчи бобгача Исо бизни Унга тақлид қилишга даъват қилган шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзининг турли жиҳатларини кўриб чиқамиз. Еттинчи бобда биз Худонинг илк инъомларидан бири ҳақида суҳбатлашамиз: яратиш чоғида У шанба кунини дам олиш кунини қилиб белгиллаган. Кейинроқ, Худо Ўз халқига Исо ҳам амал қилган шанба кунига амал қилишни амр қилган. Саккизинчи бобда қийинчиликлар бўйича ўз тажрибам ҳақида, бизни бу бузилган оламимиз ҳақидаги ҳақиқатлар билан бўлишаман, бу нарсалар бизга шошилмаслигимиз кераклиги ҳақида сабоқ беради. Бундан ташқари, ҳаётимизнинг шиддатли оқимини секинлаштиришга қийинчиликлар ва азобларчалик ҳеч нима ёрдам бера олмайди.

Тўққизинчи боб масиҳий комилликка бағишланади, унда ҳиссий ва кутилмаган реакцияларнинг номукамаллиги акс эттирилади. Бироқ, руҳий камолотга бир кечада эришиб бўлмайди, ўз табиатига кўра, бу жараён анчайин узоқроқ кечади. Ўнинчи бобда ҳаётимизда Худонинг ҳузурини ҳис қилишни ва У билан янада оддийроқ ва яқинроқ муносабатни ривожлантиришимизга ёрдам берадиган бир қанча руҳий амалий тавсиялар таклиф қилинади. Ва ниҳоят, ўн биринчи бобда, бутун диққатимизни шошма-шошарликсиз кечадиган даврнинг юқори чўққиси – абадий ҳаётга қаратамиз. Масиҳ издошларининг сифати, агар *ҳозирнинг* ўзида абадий ҳаётда яшаётган бўлганимизда, ҳаётимиз мароми қанчалик даражада ўзгариб кетган бўларди? Абадий ҳаёт келажакка алоқадор қандайдир мавҳум ваъда эмас, аксинча, ҳақиқат экан, унда кундалик ҳаётимиз маромини ҳозирнинг ўзида қандай ўзгартиришимиз мумкин?

Ҳар бир бобнинг сўнгида мулоҳаза қилиш учун бир нечта саволлар, яъни “Худо билан шошма-шошарликсиз ўтказиладиган соатлар” номи остида эътиборингизга ҳавола қилинади. Китобнинг номини ёдда тутган ҳолда, кейинги бобга ўтишдан аввал бу саволларнинг ҳар бири ҳақида мулоҳаза қилиш учун вақт ажратишингизга умид қиламан. Агар бу китобни уй гуруҳларида ўрганаётган бўлсангиз, унда бу саволларни биргаликда муҳокама қилишингиз мумкин. Шахсий тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, буни амалда қўллаб кўриб, уни қанчалик марҳамат – сокин юрак, онг ва ҳаёт тарзи эканини англаб етдим.

Китобга қисқача назарнинг якунида, ижозатингиз билан, шошмай ҳаракат қилган Нажоткорга эргашишга тайёр бўлган инсонлар учун ибодат қилсам:

Эй, осмондаги Ота, бизга марҳаматли хизмат ва дам олиш намунасини берган Исо учун Сендан миннатдорман. Биз қанчалик даражада замонавий дунёнинг шошқалоқлиги қулига айланиб қолганимизни биласан. Биз ҳам Исодек шошма-шошарликсиз ҳаёт кечиришни ўрганишни истаймиз, лекин бу илм биз учун жуда қийин! Шунинг учун, Сендан илтимос, Сендан ўрганишимиз учун бизга Сени тинглайдиган қулоқ, диққатини Сенга қаратадиган юрак, Сенинг олдинда камтар турадиган онг бер. Эй, Қодир Эгам, шошқалоқсиз ҳаёт биз учун имконсиздек, лекин Сенинг қўлингдан келмайдиган иш йўқ. Омин!

ХУДО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ЎТКАЗИЛАДИГАН СОАТЛАР

1. Замонавий дунё нима учун тезликни қадрлаши ва секинликдан қочиши ҳақида яна бир бор ўйлаб кўринг. Бу мойиллик сизга танишми? Сизни шошилишга ундайдиган ташқи ва ички туртки нима? Қисқача ибодат қилиш ва меъёрий ҳаёт тарзи уни қанчалик самарали қилишини тасаввур қилиш учун бир неча дақиқа ажратишга ҳаракат қилинг.
2. Исонинг беташвишлиги ҳақидаги фикрингиз қандай? Сиз бу фикрга қўшиласизми ёки бутунлай инкор қиласизми? Ҳаётга бўлган муносабатингизни ўзгартиришга тайёرمىсиз? Бу ҳақда нима учун Исо билан гаплашиб кўрмайсиз?
3. Бу бобда берилган намуналардан ташқари Исонинг шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзини ифода қиладиган яна қандай намуналар ёдингизга тушди? Бу намуналар Исога эргашишда сизга ёрдам бераптими?

2 БОБ ШОШИЛМАЙДИГАН ШОГИРД

Тахминан йигирма йиллар олдин менинг ҳаётга ҳамда хизматга бўлган муносбатимни тубдан ўзгартириб юборган воқеа содир бўлди. Ҳал қилувчи ўша пайтгача мени фақат кўрсатгичлар қизиқтирган бўлиб, атрофимга иложи борица кўпроқ одам тўплашга уринганман, лекин биргаликда Исо Масихга эргашиш учун Худога содик масиҳийлар гуруҳини тузиш хаёлимга ҳам келмаганди. Ҳозир эса ўша пайтдаги хизматим беҳуда ва мағрурлик бўлганини ҳақли равишда айта оламан. Менинг асосий вазифам кун жадвалимни имкони борица кўпроқ тадбирлар билан, жамоатимиздаги ўриндикларни эса иложи борица кўпроқ одамлар билан тўлдириш деб ўйлаганман. Албатта, мен буни ҳеч қачон тан олмасдим, бироқ ҳар қандай синчков кузатувчи ҳам бошқача хулосага келиши эҳтимолдан ҳоли эди. Мен ўзимдан хурсанд эдим ва йиғилишга келадиган талабалар сони ортганида ўзимнинг муҳим инсон эканимга ишончим ортарди. Талабалар сони камайиб қолганида ёки кўпаймаганида хафа бўлардим ва ўзимнинг ҳеч нимага арзимаслигимдан қийналардим. Ўша вақтларда жамоатимиз хизматчилар орасида қуйидаги сўзлар кўп бора янграрди: “Биз одамлар сонини ҳисобга оламиз, чунки одам сонининг аҳамияти катта”. Бундай ҳисоб-китоб тажрибали хизматчилардан бошқа кимгадир ўз назарида руҳан ўсишига ёрдам берганига ишонмайман. Тағин билмадим...

Бир катта жамоатда ёшларга чўпонлик қилиш хизматимни бошлаганимда Худо билан сукунатда ва ибодатда ёлғиз қолиш кўникмасини ўргандим, бу эса менга Худони эшитишга имконини берди. Бир қанча руҳий адабиётларни ўқиб чиққанимдан кейин, бу усулнинг муҳимлигини билдим ва унинг ажойиб самарадорлигини таъкидлаган муаллифларнинг фикрига тўлиқ қўшилдим, бироқ бундай қоидадан ўзимда ҳеч қачон синаб кўрмагандим. Кундалик ташвишлар ва доимий шошқалоқлик туфайли шунчаки нимадан бошлашни билмасдим. (Сўнгги йигирма йилда худди шундай муаммога йўлиққан бир нечта биродарларни кўрдим.) Бироқ, Худо билан узоқ вақт ёлғиз қолиш руҳий ўсишим учун замин яратди.

Ўша кун “узоқ вақт ёлғиз қолиш” атиги бир соату ўн беш дақиқа вақтимни олди. Ретрит раҳбари Уэйн Андерсоннинг фикрича, бу вақтни академиклар бошқариши мумкин эди. Эҳтимол, у ҳақ бўлгандир. Бу вақт ичида жуда кўп қизиқ нарсалар содир бўлди, айниқса, охирги ўн ёки ўн беш дақиқада. Қалбимдаги чалкашликни бостиришим учун бир соат вақтим кетди. Худо нима учун жим ва ҳаракатсиз турганидан ажабландим. Менимча, ёниб тугамаётган бутани, очилган осмонни кўришга, ҳеч бўлмаса, ички овозни эшитишга умид қилган бўлсам керак, вақт ўтаётганидан асабийлашардим, чунки мен аҳмоққа ўхшаб ҳеч нимани эшитмай ўтирардим! Ниҳоят, мен сукунатдан завқланиб, сокин вақтни ҳис қилдим. Тўғриси айтганда, ретритни ташкил қилганлар ана шуни мақсад қилган эдилар.

Худо билан биринчи учрашув вақтида муҳим бир нарса содир бўлди. Худо менга бир нозик масалада ҳал қилинмаган муаммо, яъни гуноҳ борлигини эслатди. Бу гуноҳни мен билан бирга ретритда иштирок этаётган дўстим Крисга иқрор бўлишим керак эди. Аввалига, ўзимни худди Исони эшитмаётгандек тутдим. Биринчидан, ўзимнинг камчилигимни кимнингдир олдида эътироф этишни истамадим. Иккинчидан, Криснинг устози сифатида “Чўпон Алан” унинг олдида ноқулай ҳолатда туришини хоҳламадим. Бироқ, Худо билан ёлғиз қолишдан олдин агар мен қандайдир муҳим нарса эшитадиган бўлсам, уни ибодат дафтаримга ёзиб олишни ва кейин албатта, ўшани бажаришни Унга ваъда бергандим.

Шунинг учун, уйга қайтар эканман, бу васваса ҳақида Крисга қандай айтишни билмай, ўзим билан курашиб келдим. Ярим йўлга келганда журъатимни тўплаб, айбимга иқрор бўлдим. Гапимни тугатганимда Крис бир оғиз ҳам гапирмади. “Э, йўк! Нималар қилиб қўйдим? Наҳотки, дўстимнинг ишончини ва ҳурматини бир умрга йўқотган бўлсам?” деган хаёл онгимда чакнади. Бироз сукунатдан кейин Крис унга ишонганим учун миннатдорчилик билдирди, кейин ўз ҳаётидаги айрим қийинчиликлар ҳақида айтиб

берди. Бу ишончли суҳбат руҳан ўсишимизга ва Худо билан муносабатимиз мустаҳкамланишига туртки бўлди. Биз Худога итоат қилиб, бир-биримиз олдимизда қилган ишларимизни эътироф этганимиз учун Ўз сўзига содиқ Худо бизни ажойиб инояти билан шифолади ва ўзгартирди, шошқалоқлик билан хизмат қилган вақтимизда бундай нарса ҳаёлимизга ҳам келмаганди.

Бир неча кундан кейин якшанба куни, мен ёшлар хизмати етакчилари билан ҳафтада бир марта бўладиган йиғилиш ўтказдим. Улар билан олдимизда турган бир нечта тадбирлар тафсилоти ҳақида гаплашиб, мен уларга тинч жой топиш ва Худони эшитиш учун ўн беш дақиқа У билан юзма-юз қолишларини таклиф қилдим. Менинг бу таклифим етакчиларни ажаблантирди, лекин уларга бу таклиф жуда ёқди.

Бу руҳий амалиёт менинг ўзим учун ҳам янгилик эди. Жамоат атрофида айланиб юрар эканман, диққатимни бир жойга тўплай олмасдим, доим нимагадир чалғирдим, ҳаёлларим эса ҳар томонга олиб кетарди. Бир қанча вақтдан кейин Худо менга: “Тезликни камайтир” деди. Ўшанда ҳаётим ҳам, хизматим ҳам тигиз вақтга айланиб қолганини тушундим. Машина ҳайдаганда ҳам шошардим; пиёда юрганда ҳам шошилардим; ишларимни тезроқ тугатишга ҳам шошардим. Исо эса қилаётган ҳамма ишларимда секинлашишимни таклиф қилди.

Бироз тинчланиб олгач, Худонинг кейинги насиҳатини эшитдим: “Агар барча ташвишларни ўзинга олсанг, *ишонч* ҳақида гапирма”. Чўпон сифатида кўпинча, ўзим амал қилган ҳақиқатлар ҳақида ваъз қилардим. Нутқимда ҳам, хатти-ҳаракатларимда ҳам бир қатор ташвиш бўларди. (Баъзан ҳозир ҳам бўлиб туради). Исо эса саросимага тушмасликни, аксинча, Унга ишонимни таклиф қилганди.

Ишхонага келганимда Худонинг овозини яна бир бор эшитдим: “Вақти-вақти билан уй вазифаларини тўхтатиб, рафиқангни учрашувга таклиф қил”. Гап шундаки, курс ишларидан топширадиган қарзларим бор эди, бироқ рафиқам Жем дам олиш кунлари ёнимда бўлмади. Мен яна Худога итоат қилишга қарор қилдим ва жума кунги Исо билан учрашувим ҳақида айтишни унутмаган ҳолда бутун оқшомни рафиқам билан бирга ўтказдим. Вақти-вақти билан ўқишдан қолдим, лекин ҳам ҳаётдаги, ҳам хизматдаги иттифоқдошим билан самимий суҳбатлашиб ўтказадиган оқшом муҳимроқ эди.

ХУДО БИЛАН УЧРАШУВ

Кейинги учрашувда Худо билан ёлғиз ўтказилган ўн беш дақиқалик вақт мобайнида нималарни ҳис қилганимизни бир-биримизга айтиб бердик. Мен жума кунга ретрит ҳақидаги таассуротларимни дўстим Брайнга айтган эдим. У ҳар шанба Худо билан сокинлик ва тинчликда вақт ўтказишга қарор қилганини айтди. Унинг айтишича, Худонинг ҳузурида бўлган вақтда у икки марта бир хил қиёфани кўрган, лекин унга аҳамият бермаган. Аммо якшанба куни Худо билан ибодатда ўн беш дақиқа ёлғиз қолган вақтда Худо унга ўша ваҳийни эслатган: ваҳийда ичидаги ҳаво аста секин чиқиб кетаётган пуфакни кўрган. Пуфакдаги ҳаво чиқиб бўлганида, Брайн уни қайта-қайта пуфлаб шиширган. Бу ваҳий Брайнга хизматда ҳам, ўқишда ҳам фақат ўз кучига ишониб қолганини кўрсатган. Худо Брайнга Унинг қудратига таяниши кераклигини эслатган.

Бошқа талабалар ҳам Худо билан ёлғиз ўтказилган ўн беш дақиқалик вақт давомида олган ваҳийлари ҳақида айтиб беришди. Айрим тафсилотлари ёдимдан чиққан бўлса ҳам уларнинг гувоҳликлари қандайдир ажойиб қудратга тўла эканини ҳеч қачон унутмайман. Ахир, биргаликда режалар тузишга ёки муаммони ҳал қилишга сарфланган дақиқаларни Худо билан сокинликда мулоқот қилишга сарфланган дақиқалар билан таққослаб бўладими? Исо билан мулоқот бесамар кетмади. Бу вақт бизнинг масиҳийча ҳаёт ҳақидаги тасаввуримизни ўзгартариб юборди ва “Исога эргашган” ҳаётга айланди.

Ёлғизликда ва сукунатда Худонинг ҳузурида бўлиш машғулотини туфайли ҳаётим анча тартибга келди. Энди, Худо ҳақида гапириш ёки Унга хизмат қилиш ўрнига, вақтимнинг асосий қисмини Исони таниб билиш ва У билан мулоқот қилишга ажратадиган бўлдим. Бу албатта, чўпонлик хизматимда ҳам ўз таъсирини кўрсатди ва мен

талабаларни шунчаки Худо билан осуда мулоқот қилишда менга кўшилишларини таклиф қилдим. Биз биргаликда Исога эргашишни ўргандик. Биз Раббимиз учун нимадир қилиш ҳақида кўп ўйламасдик, чунки асосий эътиборимизни Исо билан мулоқотда бўлишга ва У билан ҳамкорлик қилишга қаратаётган эдик. Биз биргаликда Масиҳнинг издошлари бўлишни ўргандик, лекин ҳаётимда ҳам хизматимда ҳам қийин даврлар бўлганини яширмайман. Кўп жиҳатдан, эски ҳаёт доимий тадбирлар ва охири йўқ маслаҳатлар билан бизни чарчатган эди. Аслида, худди сичқондек ғилдирак ичида югуриш шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзини ўрганишни бошлашдан анча осонроқ экан.

Ўша йили рафиқам иккимиз хизматимизда бир қанча ўзгаришлар қилдик. Биз асосий эътиборимизни худди биздек талаба бўлган ва Худони таниб билишда бизга қўшилган тахминан ўн нафар ўсмир йигит ва қизлардан иборат уй гуруҳларига қаратдик. Уларнинг ҳаммаси турли тадбирлар, йиғилишлар ва семинарларга тайёргарлик кўриш билан жуда банд эдилар. Икки соатлик йиғилишимиз мобайнида Худо билан ёлғиз қолиш учун тез-тез ярим соатлик танаффус қилардик. Йиғилиш ўтказиладиган жойга қараб, биз ё жамоат биноси бўйлаб ёки кўчада жимгина сайр қилардик. Баъзан Худо ҳар биримизга Муқаддас Битиклар орқали гапираётганини эшитардик, баъзан эса биргаликда Худонинг хузурида турганимизда Муқаддас Рухнинг овозини эшитардик. Ҳар бир талаба бу руҳий машғулоти мустақил равишда бажаришини таклиф қилмоқчи бўлдим, лекин аввалги бетартиб ҳаётим ёдимга тушиб, уларни шошилтирмасликка қарор қилдим. Биз ҳаммамиз Исонинг: “Кел ва Менга эргаш” деган сўзларини амалда қўллашни биргаликда ўрганишимиз лозим эди.

Етакчилар йиғилишининг асосий мақсади Масиҳ билан вақт ўтказиш машғулотига айланишидан кейин Худонинг овозига итоат қилишни ва талабалар орасида имонлилар сони кўпайиши учун ибодат қилишни бошлаганимизда, Худо билан бирга шошма-шошарликсиз қадам ташлаш унчалик ҳам осон эмаслигини англаб етдик. Мисол учун, ўртаимизда турли келишмовчиликлар ва зиддиятли вазиятлар келиб чиқди. Қанчалик ғалати бўлмасин, биз бир-биримизнинг ҳаётимизга аралашишга ўрганмаганмиз. Авваллари ҳамма ўз ишини қиларди, энди эса, уй гуруҳларининг ҳафталик йиғилишларида аксарият вақтни кимнингдир қийинчиликларига ёрдам беришга ва ўзаро муносабатлардаги муаммоларни ҳал қилишга сарфлайдиган бўлдик. Баъзан ўз ҳафачилигимизни ва гуноҳимизни муҳокама қилиш учун гуруҳнинг икки ёки уч аъзоси кўшимча учрашишларига тўғри келди. Баъзан кутилмаганда васвасага дуч келган, бироқ хизмат билан банд бўлгани учун буни ҳатто ўзи ҳам билмаганлар учун талабалар ибодат қилиш мақсадида йиғилишган.

Йил охирида рафиқам ва бир гуруҳ талабалар билан бирга уч йилда бир маротаба ўтказиладиган масиҳий элчиларининг Олийгоҳлараро конференциясида қатнашиш учун бутун мамлакат бўйлаб, Иллинойс штатининг Урбана шаҳрига йўл олдик. Семинарларнинг бирида конференция иштирокчиларига беш-ўн дақиқа сукут сақлаб, биргаликда Худони тинглашни таклиф қилишди. Айтганча, залда тахминан ўн саккиз минг киши бор эди. Бир неча дақиқа ичида Жем иккимиз деярли бир хил очиклик олдик ва бундан жуда ажабландик, чунки Худодан бунақасини кутмаган эдик!

Кейинроқ Жемнинг айтишича, ваҳийда Худо унга бир хонани ва ўша хонада Жем иккимизни ўраб турган жуда кўп етакчиларни кўрсатган экан. Аввалига, у ўзини қизлар орасида, мени эса эркаklar орасида кўрибди, кейин эса иккимизни ҳам кўп сонли талаба етакчилар орасида кўрибди. У кўрган ваҳийда биз бемалол гаплашиб турган эканмиз. Мен кўрган ваҳийда эса, мен тўртбурчаклар чизилган катта харитага ўхшаш нарсани кўрдим. Пастки чап бурчакдаги тўртбурчакдан бошқа барча тўртбурчаклар кумуш рангга бўялган эди. Бу кўчалар, дарёлар ва барча тафсилотлар билан тасвирланган топографик харита эди. Худо менга келажакда бизнинг хизматимиз ўз таъсирини қандай кенгайтиришини кўрсатган эди.

Ўша йили Жем иккимиз ўттиз ёшга ҳам тўлмаган эдик ва бошқалар билан бўлишадиган ҳаётий тажрибамиз ҳам йўқ эди. Вақт ўтиши билан бизнинг ваҳийларимиз

Исонинг шогирдларини тайёрлаш учун даъват бўлганини англадик. Бироқ, аввалига биз ўзимиз Унинг издоши бўлишимиз, ундан кейингина бошқаларни биз танлаган қоидага қўшилишларига ёрдам беришимиз лозим эди. Бу ваҳий аввал ўз хоҳишимизга кўра, биз маҳкум бўлган ғилдиракли айланани тарк этишга, ўз кучимизга яраша Исонинг бўйинтуруғига қўшилишга, ана ундан кейин буни қилишда бошқаларга ёрдам беришга даъват қилди. Танловимиз нафақат ҳаётимизни ва хизматимизни, балки фикрларимизни ҳам ўзгартириб, ҳақиқий мақсадимизни англашимизга имкон берди.

ОЛОМОННИНГ МОҲИЯТИ

1900-йиллар ўрталаридаги масиҳийлик адабиётининг йирик намоёндаси ва файласуфи Элтон Трубладнинг “Оломоннинг моҳияти” китоби менда чуқур таассурот қолдирган бўлиб, ундаги боблардан бири асар номи билан аталади. Мазкур китобда у донолик билан қуйидагиларни қайд этган:

«Исо оломоннинг далдасига таянишдан воз кечган, чунки уларнинг фикри ўзгарувчанлигини биларди. У минглаб оломон орасидан бир кишининг ўзига хослигини сезмай ёки кўрмай қолиши мумкин эмасди. Исо шунчаки кўп инсонларнинг фикри барқарор эмаслигини биларди. Бошқача айтганда, бу барқарорлик бутунлай бошқача эди. Исонинг катта оломондан узоқлашиши Унинг севгиси етишмаслиги билан эмас, балки оломоннинг хатти-ҳаракатларидан норозилиги билан изоҳланади. Бизда Масиҳнинг Ўз атрофидаги оломонга бўлган севгиси ва уларга ачинганини исботловчи кучли далиллар бор. Бу ҳақда ҳеч бўлмаганда қуйидаги ибора гувоҳлик беради: “Исо оломонни кўриб, уларга ачиниб кетди, чунки улар чўпонсиз қўйлардай довдираган ва ҳолдан тойган эдилар” (Матто 9:36). Одамларнинг азоблари ва довдирашлари Исога шунчалик таъсир қилганидан ибодат қилиш ва яқин шогирдларига таълим бериш учун одамларни қайта-қайта ташлаб кетиш Унга осон бўлмаган».

Тан олишим керак, Исодан фарқли равишда, мен жамоатнинг фикрига мутлақо бепарқлигим билан мақтана олмайман. (Бундай васвасага тушиш учун жамоатнинг тўлақонли хизматчиси бўлиш шарт эмас.) Одамларнинг мени мақташлари менга ёқади ва ҳамма мени тан олишларини инкор қилмаган бўлардим. Оломонга мурожаат қилишнинг муқаррар имтиёзларидан бири тез суръатларда уларнинг ишончини қозонишдир. Лекин муаммо шундаки, бундай машхурлик инсонларни Исони таниб билишга яқинлаштирмайди, шунчаки шахсий мақсадларни амалга оширишга ва ўз эҳтиросларини қондиришга имкон беради, холос.

Бошқа томондан, худди Исо сингари, асл мақсади ва интилишлари нима эканини ҳар доим ҳам билавермаслигини тушунган инсонларга ёрдам беришни истайман. Ҳеч бир инсон илтижо билан Исога мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган эмас, лекин Раббимиз бизнинг ҳаётимизни қандай кўришини билиш учун ҳаммаям Ундан кўрсатма олишга шошмаяпти. Бундай шогирдлик учун вақт керак, чунки у шошма-шошарликсиз ўзгаришни талаб қилади. Мен ўзим ҳам Исо билан яқин муносабатда бўлиш истагини дарров ҳис қилмаганман. Янги имонга келган масиҳийларни бундай яқин муносабат қилиш кераклигига ишонтиришга уриниш ҳеч қандай фойда келтирмайди, айниқса, қисқа муддатда. Ҳатто уч йилдан кейин ҳам Исода мақтанишга арзирли ҳеч нима бўлмаган. Зеро, Унинг Ўз шогирдларининг ҳаётига бўлган таъсири ердаги йиллар билан чегараланмаган ва ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Масиҳийча хизматлар ёки йиғилишлар ҳақида сўз юритамиз. Жамоатда йиғилганида, масиҳийлар Худони янада кўпроқ таниб билишга интилишади, деб ҳисобланади. Лекин жамоат остонасига қадам қўйган ҳар бир киши шу мақсадга амал қиладими? Агар одамларнинг ҳаракатга келишларининг сабаби бошқа бўлса, улар нима учун бу сабабни ўзгартиришлари керак? Ўз ташвишлари билан бўлган инсонларни ўзидан кечиб, ўз хочини кўтариб, Исога эргашишга даъват қилишдан нима фойда? Бундан

ташқари, агар менинг хизмат қилишдан мақсадим иложи борица кўпроқ одамларни атрофимга тўплаш ва уларни ушлаб қолиш бўлса, қўл остимдаги сурувни хавфга қўймасликка ва уларни хафа қилмасликка интиламан. Ва албатта, ҳеч қачон уларни ўзидан кечишга даъват қилмайман, ҳатто бу марҳаматли ҳаёт учун ягона йўл бўлса ҳам.

Исонинг ортидан қолмай, Унга эргашган оломон ҳақида ўйласам, Исонинг илҳомлантирувчи таълимотлари ёки Худонинг Ўғлини яхшироқ билишга бўлган интилиш уларни жалб қилмаганини тушунаман. Улар Исонинг ортидан фақат ўз эҳтиёжларини қондириш учун эргашган. Эзилган оломон Унинг ваъдаларига ҳам, марҳаматларига ҳам қизиқмади, бу аччиқ ҳақиқат Исога жароҳат етказди. Бу оломон худбин ва ўзбошимча, беқарор ва ўзгарувчандир. Бугунги кунда оломонни етакчиларга жалб қилаётган нарсга эртага уларни узоқлаштириши мумкин. Оломон сизни бугун шарафлаши, эртага эса лаънатлаши мумкин. Шунинг учун, агар улар истаган нарсаларни ёки улар ўйлаётган нарсаларни ваъда қилсангиз, атрофингизга оломон тўплашнинг кераги йўқ.

Инсон табиатининг бу хусусиятини билиб, Исо ўн икки шогирдни танлаб, уларни Ўзига яқинлаштиришдан аввал ибодат қилиш учун тоққа чиқиб кетган ва бутун кечани Худога ибодат қилиб ўтказган. Ўн икки шогирд уч йил давомида Устозларидан айрилмадилар ва бу уларнинг ҳаётларини ўзгартирди. Улар Худони инсон танасида кўрганларидан бахтиёр эдилар. Ҳаммамиз ҳам мана шундай хизматни хоҳламаймизми? Имонлиларни шунчаки жамоат ўриндиғида ўтиришларига эмас, Исонинг оёғи остидан жой олишларига ёрдам беришни истамаймизми?

ОЛОМОННИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Энди эса, биз бор кучимиз билан атрофимизга оломон тўплашга ва иложи борица уларни мамнун қилишга ҳаракат қилаётган бир пайтда Исо оломондан иложи борица кўпроқ узоқлашишга урингани ҳақида ўйлаб кўрсак. Ўз хизматининг бошида Исо оломонни Ўзига жалб қилган, лекин кўп ўтмай, У бундан азият чеккан. Бунинг сабаби, У инсонларни севмагани учун эмас, балки ҳар бир киши Исо муҳим деб ҳисобламаган нарсани олишга ҳаракат қилганларида эди. Оломон Исо улар учун Нажоткор, Раб ва Худо эмас, балки ризқ берувчи ёки истакларни амалга оширувчи сеҳргар бўлишини исташган! Оломон маънавий ўзгариш учун эмас, қоринларини тўйдириш учун Исога эргашган. Уларни руҳий озик эмас, фақат дунёвий овқат қизиқтирган. Исо уларнинг истакларини қондирган вақтда улар Исони олқишлашди.

Агар Исо Ўзи истаганида, атрофига ўн минглаб одамни тўплаш Унга муаммо эмасди. Ҳеч ким Исодек ишончли, таъсирли нотиқ бўлмаган, Ундан бошқа ҳеч ким У қилган мўъжизаларни қила олмаган. Лекин нима учундир эргашувчиларнинг сони Исони қизиқтирмаган, У бир нечта шогирдларни тайёрлаш ва уларга таълим беришга Ўзини бағишлаган.

Исодан фарқли равишда мен ҳар доим кўпчиликни ҳайратга соладиган ва одамлар мени олқишлайдиган қандайдир оламшумул ишларни қилишни хоҳлаганман! Мен оломоннинг ўзгарувчанлигини биламан, лекин шунга қарамай, вақти келиб Исонинг содик издошлари бўладиган кичик гуруҳнинг ривожланиши учун ўзимни бағишлашим қийин.

Агар оломон Исонинг сўзларига қандай муносабатда бўлганини эсласангиз, уларнинг беқарорлиги ва ўзгарувчан бўлганлиги аён бўлади. Мисол учун, Исо хизматни бошлаганида оломон Унинг руҳий қудрати ва таълимотига тан берган (қаранг: Луқо 4:14-15). Лекин У анъанани бузганида, барча одамлар “ғазабга тўлди” ва Уни жарликка итариб юбормоқчи бўлишди (қаранг: Луқо 4:24-30). Исонинг донолик билан берган таълимоти ва мўъжизали тарзда шифолаши ҳақидаги гап-сўзлар оломонни Унга жалб қилаверди (қаранг: Луқо 5:15). Ҳаворий Луқонинг таъкидлашича, ўша вақтларда Исо кўпинча “сахрога бориб, ибодат қилган (халқ Унга эргашмаганми?)” (Луқо 5:16). Бошқа сафар, одамлар Исонинг шаҳарга келишини ҳаяжон билан кутиб олишди ва Унга яқинроқ бўлиш учун Уни “қисиб қўйишди” (қаранг: Луқо 8:40-42). Лекин Исо қизига шифо бериши сўраган синагога бошлиғига қизи ўлмаганини, шунчаки ухлаб ётганини айтганида, оломон

Унинг устидан кулди (қаранг: Луқо 8:53). Оломоннинг олқишни тўхтатиб, нафратга берилиши учун бир лаҳза кифоя.

Кейинроқ, Исо бу наслнинг гуноҳкорлигини айтган (Луқо 11:29 га қаранг). Бошқа сафар, оломонга мурожаат қилиб, шундай деган: “Менга эргашган одам Мени ота-онасидан, ака-ука ва опа-сингилларидан, ҳатто ўз жонидан ортиқ севиши керак, акс ҳолда, у Менинг шогирдим бўлолмайди. Ўз хочини кўтариб, ортимдан юрмаган одам ҳам Менинг шогирдим бўлолмайди” (қаранг: Луқо 14:26-27). Исо худди ўша оломон қуршовида Ерихога яқинлашганида, йўл бўйида ўтирган сўқир одамнинг баланд овоз билан: Исо, Довуднинг Ўғли! Менга раҳм қил!” деганини эшитди. Оломон уни овозини ўчиришга уринди, лекин Исо бундай қилмади (қаранг: Луқо 18:35-40). Оломон Исо билан бирга эди, лекин Унга *эргашмади*. Ва албатта, айнан оломон Исони озод қилишга эмас, хочга михлашга Пилатни кўндирди (қаранг: Луқо 23:18-24). Яқиндагина баланд овоз билан Раббимизни “Ҳамдлар бўлсин!”, деб олқишлаган ўша оломон, энди шовқин-сурон билан: “Уни хочга михла!”, деб талаб қилди.

Келинг, сиз чўпон бўласизми, уй гуруҳи етакчиси ёки жамоатнинг бошқа хизматчиси бўласизми, сизнинг хизматингиз нимага қаратилгани ҳақида мулоҳаза қиламиз. Сизнинг хизматингиз оломонни жалб қилишга қаратилганми ёки Масихнинг шогирдларини тайёрлашгами? “Муваффақият”ни қандай баҳолашингизга қараб, буни аниқлаш осон. Сиз учун “муваффақият” сонми ёки сифатми? Сиз нима ҳақида гапирасиз: жамоат аъзоларининг сонини кўпайтириш ҳақида, жамоат лойиҳаларида ўз таъсирингизни кўрсатувчи далиллар ҳақида ёки баҳолаш осон бўлган бошқа натижалар ҳақидами? Ёки Исонинг даъватига жавоб берувчи маълум инсонларнинг ҳаёти ҳақида қайғурасизми ва Хушхабар уруғлари ҳақиқий самара бериши ҳамда улар Масихга ўхшаб боришлари учун юракларини тайёрлайсизми?

Қолаверса, оломон шошилишни маъқуллайди. Ҳа, биз вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қиламиз, лекин натижани ўша заҳотиёқ баҳолаш мақсадида ўзгаришга уринамиз. Кўпроқ инсонларни жалб қилишга мўлжалланган масиҳийча лойиҳалар “муваффақиятли” ҳисобланади ва жамоатимиз ҳамда хизматимизнинг аҳамиятини исботловчи восита сифатида хизмат қилади. Биз руҳий ўсишни кўришни истаймиз. Буни ким ҳам истамайди? Аммо Америка жамиятининг назарида, хизматнинг самарадорлигини аниқловчи ва исботловчи ҳар қандай ўсиш муҳим аҳамиятга эга. Жамоат аъзолари сонининг кўплиги, жамоат биносининг кўплиги, кўп пул, кўп жамоат дастурлари – мана шулар Илоҳий марҳаматнинг яққол исботи. Ҳеч бўлмаганда арзимас бўлса ҳам ўсиш билан мақтана олмайдиган одам Худонинг ишончини оқлай олмаган омадсиз, деб ҳисобланади. Инсонларга Худо билан яқин муносабат ўрнатиш учун узоқ вақт сабр-тоқат билан ёрдам бериш осон вазифа бўлмагани учун кўпинча, янги имонга келганларга бизнинг берадиган кўмагимиз маълумотлар билан чекланади. Бундай “ўсишни” баҳолаш осон ва қилган ҳаракатимизнинг натижасини тезроқ кўриш мумкинлигини англатади. Бироқ, солиҳлик шунчаки оддий қоидаларни билишдан иборат эмас; солиҳлик – мана шу қоидаларга мувофиқ ҳаёт кечиришдир. Бундай таълимот кўп вақт талаб қилади.

Умуман олганда, бизнинг барча хизматларимиз келувчилар сонини кўпайтиришга қаратилган, лекин яхши нотик ҳамда ўзига жалб қилувчи тадбирлар билан келувчилар оқимини кўпайишини узоқ кутишга ҳожат қолмайди. Исода бундай муаммо бўлмаган. У қийналганларга чиндан ҳам ёрдам беришни истаган. Унинг назарида оломон чўпонсиз қўйлардек эди, лекин бу қўйлар қайсар бўлиб, чўпонга қулоқ солишни хоҳламас эди. Улар Исони халқнинг истагини қондирувчи мўъжиза яратувчи инсон сифатида кўришни хоҳлаган. Исо Унга қулоқ солиш ва Ундан ўрганиш учун Унга ишонишга, Унга эргашишга тайёр бўлган инсонлар билан Худонинг ҳақиқатини ва севгисини бўлишишга ҳаракат қилган.

ШОГИРДЛИК ВА РУҲИЙ ЕТАКЧИЛИК

Қандай руҳий етакчилик инсонларга Исонинг содиқ шогирди бўлишларига ёрдам бера олади? Бундай етакчилик қандай кўринишга эга? У қандай амал қилади? Масихнинг шогирди бўлишни истаган барчага ҳаворий Павлус шундай маслаҳат берган: “Мен Масихдан ўрнат олганим каби, сизлар ҳам мендан ўрнат олинглар” (1 Коринфликлар 11:1). Лекин масихийларни менинг ҳаёт тарзидан ўрнат олишга таклиф қилишга ҳаққим борми? Руҳий етакчилик фақат тарғиботлар билан чекланиши керакми ёки ўзим тарғиб қилаётган ҳаёт тарзига тўла мос келадиган ўрнат бўлиши керакми? Ҳаётим мен яшаётган жамият босими билан эмас, балки Худо уни Ўзи истаганидек шакллантириши учун кўлимдан келганча ҳаракат қиляпманми?

Агар етакчилик кенг кўламдаги таъсир, деган фикрга қўшилсак, демак, руҳий етакчиликни руҳий таъсир, дейиш мумкин. Менинг ҳаёт тарзим Худо менга ишониб топширган инсонларга қандай таъсир кўрсатаётганини ва менинг қўл остимдагилар қандай ҳаёт кечираётганликларини мунтазам равишда таҳлил қилиб туришим лозим. Менинг ҳаётим муносиб ўрнат бўла оляптими? Руҳий етакчилик қайсидир маънода руҳий намуна бўлиб, мағрурлик билан “менга қаранг!” деган гапга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Руҳий етакчилик – “Худди мендек, Масихдан ўрнат олинглар”, деган таклифдир. Масих шахсининг қайси жиҳатлари менда акс этади, агар шундай жиҳатлар бор бўлса, улар мендан ўрнат олиш истаги пайдо бўлиши учун етарли даражада сезиладими? Лекин, эҳтимол, менинг ҳаётим бошқаларга салбий таъсир қилаётгандир, агар шундай бўлса, улар қайсилар? Одамлар Масихдан юз ўгирадиган ёмон ўрнат кўрсатмаяпманми?

Масихнинг Руҳига тўлиш мени Унинг чексиз қудрати билан тўлдиришига ва Унинг издошларига ижобий таъсир кўрсатишимга имкон беришига ишонаманми? Агар бунга ишонсам, ўзим Унга қандай эргашаётганимга етарли даражада эътибор бериаяпманми? Ижобий руҳий таъсир ҳақида гап кетганда, ўзимни ўрнат бўлишга муносиб инсонлар қаторига қўша оламанми? Хулқим эътиқодимга мос келадими? Агар ундай бўлмаса, демак, менинг ҳаёт тарзим мукамал эмас. Мен самимий ва тартибли инсон бўлиб кўринишни эмас, балки чиндан ҳам шундай инсон бўлишни хоҳлайман. Қолаверса, етакчининг ўз заифликларини яширишга уринмасдан виждонан тан олиши унинг қўл остидаги шогирдлар ҳам учун фойдали бўлади.

Шунинг учун, Масихнинг бўлғуси ҳақиқий юмушчилари бўлишимизга имкон берадиган шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзининг имтиёзлари ҳақида гап кетганда, энг кўп тилга олинадиган оятларга қараш ва Раббимизнинг Ўзи шогирдлик ҳақида нима ўйлашини билиш мароқли бўлади.

ИККИ БУЮК ТОПШИРИҚ

Етакчилар тайёрлаш институтининг асосчиси ва ҳамкасбим Пол Женсен икки ёклама топшириқни нима деб аташи ҳақида ёзган. Гап албатта, Исонинг Ўз издошларига берган амри ҳақида бормокда: “...боринглар, барча халқларга ... ўргатинглар...” (Матто 28:19).

Женсен ушбу топшириқни Матто Хушхабари 28–бобнинг охирида берилган вазиятга боғлаган ҳолда кўриб чиқишга ҳақиради. У Раббимиз берган топшириқ ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтиришни хоҳлайди, шунинг учун 16-20–оятларни диққат билан ўқишни маслаҳат беради (аслида, Буюк топшириқ 18–оятдан бошланади, деб ҳисоблангани маъқул):

Ўн бир шогирд Жалила ҳудудига, Исо тайин этган тоққа бордилар. Шогирдлар Исони кўрганлари заҳоти, Унга сажда қилдилар, баъзилари эса иккиланиб қолдилар. Исо келиб, уларга деди: “Еру осмондаги бутун ҳокимият Менга берилган. Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдирилинглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Зотан, Мен ҳар доим, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан”.

Женсеннинг таъкидлашича, агар биз Исонинг сўзларига Калом бўйича кенгрок назар билан қарасак, куйидаги “ғаройиб хулоса”га қўшиламыз:

Олдимизда икки топшириқ бор: сирли (Худо билан шахсий муносабат) ва очик (дунё билан) муносабат. Биринчи топшириқни бажариш учун Исо шогирдларига тоққа чиқишни буюрди. Айнан ўша жойда улар Исо билан учрашишлари, Уни кўришлари, Уни улуғлашлари ҳамда Унинг шартсиз севгисини ҳис қилишлари мумкин эди, айниқса, шубҳада турган бир пайтда. Унинг биринчи топшириғини бажармай туриб, иккинчи топшириқни бажариш, яъни барча халқларни Масихнинг шогирдига айлантиришнинг иложи йўқ.

Буюк топшириқни бажаришга киришганимизда, Худонинг ҳузури бизни қоплаб олганини ҳис қиламизми, бу топшириқ берилган ўша тоғда У билан учрашганимизда, шубҳаларимизни очикчасига тан олиб, буюклиги учун Уни улуғлаймизми? Масихийларга Исо яқиндан таниб билишларига ёрдам беришда ўз тажрибамизга ва имтиёзларимизга таянмасдан, Унинг иродаси ҳамда амрларига итоат қилишни унутиб қўймаймизми? (Тўғриси айтсам, авваллари Исонинг топшириғини бажаришда У билан маслаҳат қилишга ҳаракат қилмасдим. Беҳуда уринишлар кўп, лекин натижа кам бўлган.)

Бу топшириқни бажаришга киришганимизда, нима учун бизда уни тезроқ амалга ошириш истаги пайдо бўлади? Афтидан, кўпчилик одамлар Исо шогирдларини жўнатаётганида, *боринглар*, деган сўзга урғу берган, деб ҳисоблашади. Лекин оятнинг асл нусхасида бу ибора: “*Сизлар борганингизда*, барча халқлардан шогирд орттиринглар”, деган маънода берилган. Асосийси, Исонинг даъватига жавоб қайтарган барча халқлар Унинг шогирди бўлсин. Буюк топшириқ амалда қандай бажариляпти?

Энг аввало, шогирдлик Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдиришдан бошланади. Даллас Уилларднинг айтишича, бу “Учбирликнинг ҳақиқатига чўмиш”ни англатади. Менинг болалигим баптистлар жамоатида ўтган. Бу жамоатда шогирдлик масаласи одатда, янги имонга келган инсон чўмдириш вақтида қанчалик ҳўл бўлиши керак, деган баҳс мунозаралардан иборат эди. Бундан ташқари, маросимдан кейин улар тўғридан-тўғри Исонинг шогирдлари сафига қўшилади, деб ишонганмиз, шунинг учун янги имонга келганларни бу босқичдан ўтишга қатъий ундаганмиз. Тан олишим керакки, Исонинг шогирдларини тайёрлашда шошқалоқлик қилмаслик бундай ҳаёт тарзининг асосига эга бўлишлари учун уларга Худонинг ҳузурида бўлишни ўргатган бўлар эди.

Исо биз нафақат *бориб*, одамларни *сувга чўмдиришимиз*, балки У бизга буюрган барча нарсаларга амал қилишни ҳам *ўргатишимиз* лозимлигини таъкидлаган. Баъзан мен янги имонга келганларга *қандай* итоат қилиш кераклигини ўргатяпман-у, *Кимга* итоат қилиш кераклигини ўргатмаётгандек ҳис қилганман. Эҳтимол, ўша пайтларда мен ўзим ҳам Исога итоат қилиш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаганман. Худога *қандай* қулоқ солишни ўргатиш анча осон. Лекин *нима учун* Унга қулоқ солиш зарурлигини ўргатиш анча мушкул. Бу муаммони ҳал қилиш шахсий ёндашув ҳамда шошилмасликни талаб қилади. Шахсий устозлик ҳамда уй гуруҳлари – шогирдликнинг энг яхши усулидир. Лекин мен ундан ҳам самарали усулини биламан: эндигина Масихга эргашишни бошлаган янги имонлиларга Худога итоат қилиш қанчалик *марҳамат* эканини тушунтираман. Уларга итоаткорлик қандай ажойиб ўзгаришлар қилишини ва янги, “танавий” қалб нима учун ўз Яратувчисига қулоқ солишни *истагини* тушунтираман.

Охирида, Исо шундай деди: “Зотан, Мен дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан”. Биз буни унутиб қўймаймизми? Масих даъват қилган ишларни бажариш хоҳиши бизда сусайиб қолмадими, Буюк топшириқни Раббимиз билан бирга бажараётганимизни унутиб қўймадикми? Биз ёлғиз эмасмиз, Худо бизни ташлаб кетмаган, қолаверса, Усиз ҳеч нарса қила олмаймиз.

“Барча халқларга ўргатиш” топшириғи Исо томонидан Унинг ердаги хизматининг сўнггида берилган, лекин у қаердан бошланган?

ИШАЁ ПАЙҒАМБАР КИТОБИ, 61 БОБ: СОЛИҲЛИК ЭМАНЛАРИ

Исонинг хизмати Унинг Ўз шаҳри Носирадаги синагогада бошланган, У ўша ерда ўрнидан туриб, Ишаё пайғамбарнинг китобидан оят ўқиган:

“Эгамизнинг Руҳи Мени қамради, йўқсилларга Хушхабар етказмоқ учун Эгам Мени танлади. Зиндондагиларга эркин бўласиз, деб айтмоқ учун, кўрларга, кўзларингиз очилади, деб хабар бермоқ учун, асирларни озод қилмоқ учун, Эгамизнинг марҳамат йилини эълон этмоқ учун Эгам Мени юборди”.

Луқо 4:18-19

Исо: “Сизлар эшитган бу калом шу бугун бажо бўлди” (21–оят), яъни, бошқача айтганда: “Мен шуларни амалга ошираман. Шуларни қилиш учун келдим” деганидан кейин, Исо Ишаё пайғамбарнинг кейинги: “Худонинг қасос оладиган кунини эълон қилсин”, деб ёзилган оятини ўқимади (Ишаё 61:2). Лекин Уни тинглаётганлар учун яққол аломат бўлган оятни ўқишда давом этганида, У қуйидаги оятни ўқиган бўлар эди:

“...энди уларни “Эгамиз Ўз шуҳрати учун эккан кўчатлар, Солиҳлик эманлари” деб аташади.

Ишаё 61:3

Менинг фикримча, бу шогирдликнинг кинояси (метафора) холос. Ишаё пайғамбар эзилган ва азоб чеккан инсонлар Масих орқали ўз эҳтиёжларини қондиришади, демаган. У Худонинг эзилган, қийналган, қул бўлган ва умидсиз фарзандларини солиҳлик эманларига айланишини башорат қилган.

Ишаё пайғамбар вақти келиб Шоҳликнинг келишини, унда камбағал ва камтар инсонлар Худонинг инояти билан мустаҳкамланиши ва кучга тўлиши ҳамда бу иноятни қийналаётган бошқа инсонлар билан бўлишини олдиндан кўрган. У раҳм-шафқат Шоҳлиги, тасалли, марҳамат, буюклик, руҳий очиқлик келишини ва Худода мустаҳкам ўрнашиши ҳақида; Худонинг фарзандлари “қадимги вайроналарни қайта тиклаши, азалий вайрона ерларни қайта ўнглаши, насллар оша вайрон ётган шаҳарларни қайта қуришини” башорат қилган (Ишаё 61:4). Биз, Раббимиз томонидан экилган солиҳлик эманлари сифатида, бу дунёнинг ҳайратига, завқига ва ажабланишига сабаб бўладиган нарсалардан фарқли равишда Унинг буюклигини ифода қиламиз. Самовий Отамизнинг буюклиги жуда сокин, аммо жуда кучли бўлиб, чуқур илдизга эга.

Эманлар кўп йил умр кўради. Кўчат катта бўлиб, соя берадиган бўлгунча йигирма йилдан ўттиз йилгача вақт керак бўлади, лекин шошма-шошарликсиз ўсувчи бу дарахтлар икки юз йилдан кўпроқ яшайди. Эманларнинг узоқ умр кўриши сабабларидан бири уларнинг пружинасимон илдизлари ер остига беш метргача кириб боради, бу эса қурғоқчиликка ҳам бардош беришини англатади. Эманлар чиндан ҳам мустаҳкам, бақувват ва кучли дарахт ҳисобланади, лекин бунга эришиш учун уларга кўп вақт керак бўлади. Бизнинг ҳам Масихда ўсишимиз ҳамда янги имонга келганларга Раббимизни таниб билишларига ёрдам беришимиз учун кўп вақт кераклигини тушунамизми? Агар буни тушунсак, бошқаларга Исонинг эътиборли ва итоаткор шогирдлари бўлишига, вақти келиб Унинг улуғворлиги билан порлашига ва Муқаддас Руҳнинг самарасини беришларига ёрдам бериш учун нима қиляпмиз? Нима қилсак ҳам, шошқалоқдан воз кечишимиз ва сабрли бўлишимиз лозим, деб ҳисоблайман. Ишонинг, масиҳийликда бу унчалик ҳам кўзга кўринган усул эмас.

Исо билан биргаликдаги йўлимизнинг бошида биз солиҳлик эманлари бўлиб кўринмаймиз. Биз кўпроқ У Ишаё китобидан ўқиган камбағал, азобланган, қул бўлган ожиз одамларга ўхшаймиз. Бироқ, Исо бизнинг ҳаётимизни тубдан ўзгартирмоқчи. У бизни ажойиб, узоқ яшайдиган, мустаҳкам илдизга эга бақувват эман сифатида кўришни истайди. Биз Унинг кўчатларимиз. Раббимиз бизга ғамхўрлик қилади. Бизнинг У билан муносабатимизни мустаҳкамлаш ва яхшилаш учун У барча ишларни қилади. Ишонинг,

бизни буюк ўзгаришлар кутмоқда! Бу қанча вақт ва меҳнат талаб қилади? Ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтишим мумкинки, шошқалоқлик ҳеч қандай ёрдам бермайди.

ХУЛОСА

Ер юзидаги умримизнинг поёнида қайси хотираларимиз қалбимизни қувончга ва миннатдорчиликка тўлдиради? Қайси хотираларни ғамгин ёки ачиниш билан ёдга оламиз? Умримнинг поёнида менинг сўзларимни ёки қилган ишларимни ёқтирган инсонларни ҳаяжон билан хотирлайман, деб ўйламайман. Ўз ҳузури билан оилаларимизни, уйларимизни, иш жойларимизни, мактаб ва жамоат биноларимизни жонлантирган Исога эргашишни мен билан бирга ўрганган инсонлар ҳақидаги хотиралар мени қувонтиришига ишонишни истардим. Уларнинг Раббимизга содиқлигини, руҳий самарадорлигини ва Раббимиз каби бошқа инсонларнинг ҳаётига таъсир кўрсатувчи лаёқатларини эсга олиб, чин қалбимдан қувонаман.

Исонинг шогирди бўлиш – У ҳар бир кунни синовга айлантирадиган ҳаётий олис сафарга чиқишни англатади. Бу синовдан ўтиш учун бизни Ўз суръатига қараб ўзгартириши учун Раббимизга имкон беришимиз лозим. Масиҳнинг даъватига диққат қилганларни Унинг издошига айлантириш учун ҳам вақт керак бўлади. Бу жараён диний таълимотлар бериш билан чекланиб қолмай, биздан онгли ва аниқ мақсадли ҳаракат талаб қилади. Одамлар билан бундай мақсадли иш учун вақт ўз-ўзидан *пайдо бўлмайди*. Бу учун ўзимиз вақт *ажратишимиз* керак. Шошмайдиган вақтни.

ХУДО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ЎТАДИГАН СОАТЛАР

1. Сиз олиб бораётган ёки иштирок этаётган хизмат ҳақида мулоҳаза қилинг. Оломонни жалб қилиш ва уларни мамнун қилиш учун кўп вақт ажратяпсизми? Ўзини Исога бағишлаган имонлиларнинг ҳаёти ва хулқ-атвори ўзгаришига ёрдам бериш учун қанча вақт ва кучингизни шахсий устозлик қилишга сарфлаяпсиз? Сизнингча, қайси ҳаракатлар “абадий қоладиган” ҳосил келтиради?
2. Ишхонадаги, уйдаги ва жамоатдаги ишларингиз кўплиги сизга Исо билан тўлақонли муносабат қилишингизга қай даражада халақит беряпти?
3. Қундалик қилишингиз лозим бўлган ишлар билан тўлдирилган жадвалингизга Исо билан учрашишга, сиз билан ҳамфикр инсонлар ҳамда Масиҳнинг издошлари билан гаплашишга вақт ажратиш учун қандай ўзгартиришлар киритиш мумкинлини ўйлаб кўринг.

3 БОБ САМАРАДОРЛИК: ШОШИЛМАСЛИК – ДАНГАСАЛИК ДЕГАНИ ЭМАС

Кичкина бола қизиб турган печкага яқин келса, эс-хуши жойида одам секин ҳаракат қиладими? Йўқ, болани ҳимоя қилиш учун у тез ҳаракат қилади. Бундай ҳолатда шошилиш жуда яхши.

Фавқулудда вазиятлар тез ҳаракат қилишни талаб этади. Буни тасдиқлаш учун Муқаддас Каломдан бир нечта оятларни келтиришим мумкин. Худо адолатли ҳукм чиқариб, Садўмни оловли ёмғир билан йўқ қилмоқчи бўлганида, шаҳарни тезроқ тарк этишлари учун Лут бўлажак куёвларини шошилтирган (қаранг: Ибтидо 19:14). Юсуф ҳам қурғоқчилик вақтида акаларини шошилтириб, уйга тез қайтишларини ва отасини олиб Мисрга, овқат бор жойга олиб келишларини айтган. “Тез бўлинглар, отамнинг олдига қайтиб боринглар, унга шундай деб айтинглар: “...кечиктирмай, йўлга отланинг” (Ибтидо 45:9). Фиръавннинг сарой аёнларидан баъзилари Мусо Худонинг номидан гапираётганига ишониб, ўз кулларини ва чорвасини дарров пана жойга олиб келдилар ва уларни офатдан сақлаб қолдилар (қаранг: Чиқиш 9:20). Кейинроқ, Худо бутун Миср халқини йўқ қилмасидан олдин Мисрликлар Исроил халқини тезроқ ерларидан чиқиб кетишга ундади (қаранг: Чиқиш 12:33). Ҳорунни Мусога қарши кўтарилган исёндан, гуноҳдан сақлаш учун Мусо Ҳорунга тезроқ қурбонгоҳдан олов олиб, халқнинг олдига боришни буюрди (қаранг: Саҳрода 16:46).

Фавқулудда вазиятларда шошилиш керак, бундай фавқулудда вазиятлар эса афсуски, бўлиб туради. Мисол учун, жароҳат олган ёки мазаси қочган кишини тезроқ касалхонага олиб бориш лозим. Ортга суриб бўлмайдиган муаммолар тезроқ кўриб чиқилиши ва зудлик билан ҳал қилиниши керак. Муаммо шундаки, ҳар қандай вазиятни, ҳатто ҳар куни бўлиб турадиган ҳолатларни ҳам фавқулудда ҳолат сифатида қабул қилиб, шошишга ўрганиб қоляпмиз. Бизнинг танамиз мунтазам равишда босим остида бўлиш учун яратилмаган, стресс эса руҳиятимиз учун фойдали эмас, бироқ вақтни бекорчилик билан ўтказиш ҳам ақлли қарор эмас.

ШОШИЛМАСЛИК - СУСТКАШЛИК БЎЛГАН ВАҚТ

Мен вақтни беҳуда совуришни назарда тутяпман. Худо бизни даъват қилган меъёрли ҳаёт суръатидан ташқари, яна бошқа турдаги шошилмаслик мавжуд, яъни Худонинг даъватига ва Унинг аниқ кўрсатган иродасига жавоб қайтаришда сусткашлик қилиш. Мазкур шошилмаслик мен бу китобда айтаётган шошилмаслик билан бир хил эмас. Бундай сусткашлик – нажот куни эртага эмас, балки *бугун* эканини англамасликдан бошқа нарса эмас. Шошилмаслик – Худонинг бошқарувига эътиборсизликни билдирмайди. Аксинча, Унинг овозига янада эътиборли ва сезгир қилади.

Шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзи ҳақида гапирганда, мен вақтни *бекорчиликда* ўтказишни назарда тутганим йўқ. Ҳикматлар китобида бекорчиликдан сақланиш ҳақида кўплаб огоҳлантиришлар бор, улардан бири шундай:

Эй танбал, чумолиларга бир қара, уларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб, доно бўл. Уларнинг на раҳбари, на назоратчиси, на ҳукмдори бор. Лекин улар ёзда озиқ тўплашади, ўрим пайтида дон-дун йиғишади. Сен-чи, танбал, қачонгача ухлайсан?! Қачон ўрнингдан турасан? “Бироз ухлай, бир мизғиб олай”, дейсан. Шунинг учун қашшоқлик йўлтўсардай, муҳтожлик қароқчидай устинга келади.

Ҳикматлар 6:6-11

Меҳнаткаш инсон ишнинг охирига етган пайтда ишга шижоат билан берилмаганни танбал дейишади. Олтин ўрталиқни қандай топиш мумкин? Шоҳ Сулаймон самарадорликни ер юзидаги энг кичкина жонзот – чумолидан ўрганишни маслаҳат беради.

Чумолилар қишда очликдан нобуд бўлмаслик учун ҳеч ким айтмаса ҳам ёзда озуқа тўплашади. Чумолилар сусткашлик қилишмайди, бугун қилиш мумкин бўлган ишни “сал кейинроқ қиларман”, бироз дам олай, деб эртанги кунга қолдиришмайди. Бугун қилинадиган ишни айни пайтда шошмасдан қилиш мумкин.

Солиҳликка оид тинчлик билан вақтни беҳуда ўтказиш бир-бирига зид тушунча. Бекорчилик фойдали эмас, балки зарарли, шунинг учун Худо ҳам буни маъқулламайди. Шундай экан, Худонинг тинчлигида нафас ростлаш ва дам олиш учун югуриш йўлакчасидан четга ўтиш ёки тез ҳаракатланадиган қатордан четга чиқиш ҳақида ўйлаб кўришни маслаҳат бераман. Худо билан бамайлихотир ўтадиган бундай сайрни танбаллик деб *бўлмайди*. Бошқалардан фарқли ўлароқ, Исо Самовий Ота билан мулоқотда бамайлихотир вақт ўтказиш кераклигини билган. Исога қандай таъриф берганимиз ёдингиздами? *Беташвиш*, деган эдик, беташвишлик эса танбалликни билдирмайди. Беташвиш одам эътиборли ва ҳушёр бўлиши мумкин. Спортчи старт чизигида югуришга шай, шу билан бирга хотиржам туради. Исонинг намунаси Худо билан бирга вақт ўтказиш – ҳақиқий дам олиш манбаи эканини кўрсатади.

Исонинг илоҳий ҳолати ҳамда намунасига қарамай, биз шошилмаслик ва танбаллик ўртасига *тенглик* белгисини қўйишда давом этяпмиз. Мисол учун, Жеральд Мэйнинг айтишича, юқори натижаларга эришишни мақсад қилиш бизни дам олишга худди йўл қўйиб бўлмайдиган худбинликка, масъулиятсизликка ва танбалликка қарагандек қарашга мажбур қилади: “Дам олишнинг зарурлигини англаган ҳолда, биз энди унинг қадрини бундай баҳоламаймиз; биз учун дам олиш – яна куч тўплаб олиш имкониятидир”. Шошилмаслик танбалликни англамайди. Раббимиз энг юқори даражада эътиборли, меҳнаткаш, аниқ мақсадли ва масъулиятли бўлган.

Бренда Юланд солиҳликка оид тинчлик билан вақтни беҳуда сарфлаш орасидаги фарқни қуйидагича изоҳлайди:

Агар сизнинг бўш вақтингиз шубҳа-гумонлар, ташвишлар, бўкиб овқатланиш ёки ҳаддан ташқари жисмоний чарчашга бағишланса, бундай “нафас ростлаш”ни фойдали ҳам, самарали ҳам деб бўлмайди. Кўпчилик одамлар ижодий машғулотга алмаштирадиган вақтни беҳуда ўтказиш (масалан, ўйламасдан кераксиз нарсаларни нашр қилиш) ҳам бефойда.

Вақтни беҳуда совуриш дам олиш, тетиклашиш, илҳом олишга имкон бермайди, мулоҳаза қилишга йўл қўймайди, ҳаётий қувватни қайта тикламайди.

УМИДСИЗЛИК: ВАҚТНИ БЕҲУДА СОВУРИШ

Вақтни беҳуда ўтказишнинг кўпчилик эшитмаган яна бир тури – *умидсизликдир* (ингл.*acedia*). *Acedia* сўзи юнонча *a* – (*эмас*) ва *keedos* (*севиш*) сўзидан келиб чиққан. Моҳиятан, умидсизлик – сева олмасликдан бошқа нарса эмас. Бу ўзига хос зерикиш тури бўлиб, бизни йўлнинг ўртасида, илҳом бахш этувчи старт чизиги билан марра чизигини кесиб ўтишдаги хурсандчилик ўртасида пойлаб туради. Иш вақтининг ўртасида ҳам, ҳаёт йўлининг ўртасида ҳам, спорт тадбирлари ўртасида ҳам ёки катта ишни тугатиш арафасида ҳам биз таслим бўлишга, қўл силташга ёки воз кечишга тайёرمىз.

Умидсизлик бизнинг қулоғимизга: “Қаерда бўлса ҳам майли, фақат бу ерда эмас!”, деб шивирлаб, олисдаги ҳаёлий нарсалар учун бугунги ҳаётимиздан воз кечишга ундайди. Умидсизлик бизни ҳаёлот оламига жалб қилишга, ўзимизда *бор* бўлган нарсалардан қувониш ўрнига, *эга бўлишимиз мумкин бўлган* нарсалар ҳақидаги васвасага берилишга ундайди. Тан оламан, бундай умидсизлик - шошмасдан ҳаракат қилишдек кўринади, лекин умидсизликнинг илдизи бесаранжомлик, ташвишланиш ва албатта, юракнинг мунтазам безовталигидир.

Кэтлин Норрис ўзининг “*Acedia and Me*” («Севгисизлик ва Мен») китобида шундай таъкидлайди: “Бугунги кунда бизни қийнаётган кўплаб туйғулар – номаълум соғинч, ҳақиқатдан қочиб кетиш истаги, турли хил фобиялар ва иложсизликнинг фалаж қилувчи

истаклари – буларнинг бари қадимий кийимларни замонавий либосга алмаштириб қўйган умидсизлик руҳидир”. Бу сизга таниш, тўғрими?

Эрамизнинг IV асрида яшаган масиҳий илоҳиётшунос, византиялик файласуф ва роҳиб Евагрий Понтийский бизга бир қанча қимматли маълумотлар қолдирган. Унинг ёзганларига кўра, умидсизликдан азоб чекаётган инсоннинг назарида “куёш жуда секин ҳаракатланаётгандек ёки умуман силжимаётгандек, кун эса эллик соатдан иборатдек туюлади. Кейин умидсизлик руҳи уни мунтазам деразадан қарашга ва тўққиз бўлишига яна қанча қолганини билиш учун куёшга қарашга ва атрофида биродарларидан ҳеч ким йўқлигини текшириш учун бошини кўтаришга мажбур қилади. Бундан ташқари, бу руҳ роҳибни танланган жойига, ҳаёт тарзига ва қилаётган ишига нисбатан нафрат уйғотишга ҳамда севгининг сўниб қолганига ва унга тасалли берадиган ҳеч ким йўқлигига ишонтиришга уринади”.

Тушкунлик бизни бефарқлик ва ҳаёлпарастликка берилишга ундайди ёки “майсалари яшилроқ” бўлган қўшни ўтлоққа жалб қилади. Нима бўлса ҳам фақат ҳозир ва шу ерда бўлмасанг бўлди. Мен бу ҳолатни руҳий чарчоқ, иштиёқнинг йўқолиши деб атаган бўлардим, бироқ бизда жадал ҳаёт маромини секинлаштирувчи ва Худо билан ёлғиз қолиш истагини уйғотувчи ягона туйғу ҳам мана шу. Раббимиз доимо биз билан бирга, тўғри, биз ҳар доим ҳам бу руҳий ҳақиқатни англаб етавермаймиз. Аксарият ҳолларда, биз худди Худо мавжуд эмасдек ёки У шунчалик узоқдаки, Унинг мавжудлиги аҳамиятсиздек ўзимизни тутамиз.

Руҳий заифлик, яъни тушкунлик бизни руҳий қонун қоидаларни зерикарли деб ҳисоблашга ва унга сарфланган вақтга ачинишга мажбур қилади. Натижада, руҳий ҳисларимизни йўқотамиз ва абадий ҳаёт – бизнинг бугунги кундаги ҳақиқатимиз эканини унутамиз. Ҳар бир кунни чексиз абадиятнинг бир лаҳзаси сифатида қабул қилиш орқали айни пайтда Худо бизга ишониб топширган хизматни шошилмасдан, шошма-шошарликсиз бажаришимиз мумкин. Ўзининг масъулиятига эътиборсизлик билан қараш ва шу билан бирга Худога бефарқ бўлиш инсон табиатига хос. “Истамайман” ибораси бизнинг бутунлай бефарқ эканимизни ифодалайди.

Умидсизлик – бугунги кундаги марҳаматларни қадрлай олмаслик экан, умидсизликка қарши синовдан ўтган восита бизнинг севимли ва ёқтирган ишимиз бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Биз умидсизлик васвасасига қарши турамиз ва узоқ-узоқлардаги тасаввур қилиб бўлмайдиган қандайдир ажойиб нарсаларни қидирмаймиз, бироқ ҳозир, шу ернинг ўзида ижобий томонларини кўришга ҳаракат қиламиз. Роҳиб ва профессор Колуба Стюарт шундай деган: “Авлиё Бенедикт бир-бирига хизмат қилиш, ўзаро итоакорлик, меҳнат, руҳий устозлик ва ҳар йили бўладиган Буюк рўза маросими роҳибларни кундалик ҳаётдаги зерикашлардан қутқариш усули эканини таъкидлаган”. Яхши нарсаларни янада яхшироғига алмаштириш ҳақидаги беҳуда орзуларга берилмасдан, сизга берилган нарсалардан завқланиб яшаш керак.

Қисқаси, умидсизликнинг акси – севги, Масиҳга бўлган садоқат, бошқа одамлар ҳақида чин юракдан қайғуришдир. Фикрларимиз чалкашиб кетишига йўл қўйсак, руҳий заковатни йўқотамиз ёки ўзимизнинг бошқа ўткинчи табиатимиз, шахват, ҳасад ва очкўзлик билан солиҳ ниятларимизни қуритамиз.

Баъзан иш кунимнинг ўртасида умидсизлик руҳи келиб, қулоғимга шивирлай бошлайди: “Қара, маърузалар ва бўладиган семинар устида қанчалик кўп ишладинг. Янги куч, янги ғайрат билан эртага яна давом этганинг яхши эмасми? Унгача ўзинг севган бир-иккита интернет сайтларга кир. Фейсбук ва Твиттердаги янгиликлардан хабар ол. Сенинг блогингга кимлар кирганини текшир. Қисқа танаффус қилиб, ўзинг севган видео ўйинлардан бирини ўйнаб, дам ол”. Умидсизлик руҳининг фосик, бефойда, кераксиз маслаҳатига кириб, Худо мана шу кун учун менга берган фойдали ва керакли ишни тўхтатаман.

Умидсизликнинг менга берган фикрларини рад қилиб, Худо Руҳининг ҳаёт бахш этувчи малҳамидан қувват оламан. Галатияликларга мактубнинг 5-бобида ҳаворий Павлус

аввал Муқаддас Рухга қаршилик қилиш ва У билан алоқани узиш орқали намоён бўладиган “танавий ишлар” ҳақида гапирган (буларга тўхталиб ўтирмаймиз), кейин эса Муқаддас Рухнинг самараси ҳақида айтган:

Севги. Муқаддас Рухсиз мен бепарво ва худбин, нафратланадиган ва нафратга учраган, бефарқ ва эътиборсиз бўлиб қоламан. Ким мен учун чиндан қадрли эканини англаб етмайман. Мен учун ким ҳақиқатан аҳамиятли эканини билмайман. Севги шошқалоқлик қилмайди.

Қувонч. Муқаддас Рухсиз мен тушкунликка тушаман, солиҳликдан завқланиш ўрнига аччиқ туйғулар пайдан бўламан. Суст, ҳатто беғам ва бепарво бўлиб қоламан. Қизиқишим сусаяди ва завқланиш учун қилган уринишларим қувонч келтирмайди. Қаердан куч оламан, ҳақиқий завқ манбаини қаердан топаман?

Тинчлик. Муқаддас Рухсиз мен ташвишланаман ва хавотирга тушаман, нотинч бўламан ва зўриқаман, ҳолдан тояман ва чарчайман. Менга тинчлик ва хотиржамликни нима беради? Тинчлик – шошилмасликнинг ҳосилдир.

Сабр-тоқат. Муқаддас Рухсиз мен осонликча назоратни йўқотаман. Бир зумда бетоқат бўлиб, ғазабга тўламан. Ҳар қандай арзимаган нарсалар ҳам мени мувозанатдан чиқариши мумкин. Сабр-тоқат – шошқалоқликка қарши малҳамдир.

Яхшилик. Муқаддас Рухсиз мен атрофдагиларга оддий яхшилик қилишга ҳам қодир эмасман. Мен шафқатсиз, қўпол ва ҳиссиз бўлиб қоламан. Ҳақиқий яхшилик шошилмасликни талаб қилади.

Меҳр-шафқат. Муқаддас Рухсиз менинг яхшиликларим ўзига ишончга айланади. Мен ўзимни миш-миш гаплардан тия олмаслигимни, носоғлом турмуш тарзим туфайли соғлигим ёмонлашаётганини сезаман. Меҳр-шафқат – ҳақиқий ва ягона яхши бўлган Зот – Худо билан шошмасдан мулоқот қилишнинг самарасидир.

Имон. Муқаддас Рухсиз мен асабий, ҳиссиётга берилувчан ва беқарор бўлиб қоламан. Садоқат – ўзгармас содиқликни ҳамда кўзланган мақсад учун ўзини бағишлашни ифода қилади.

Юмшоқлик. Муқаддас Рухсиз мен қўпол ва жаҳлдор, талабчан ва қаттиққўл бўлиб қоламан. Юмшоқлик шошқалоқлик нима эканини билмайди.

Ўзини тутиш. Муқаддас Рухсиз мен ўзимни назорат қила олмайман. Мен ўйин-кулгининг қулига айланаман, ҳукмронлик қилишга ҳаракат қиламан ва бефойда ишларни қиламан. Ўзини тутиш мени барча истакларимни амалга оширишга уринишдан сақлайди.

Биз Худо билан ва бошқа инсонлар билан муносабат қилиш учун етарлича вақт ажратганимизда ҳамда эътиборли бўлганимизда Муқаддас Рухнинг ҳақиқий самарадорлиги намоён бўлади. Рухий мустаҳкам илдиз отиши учун менга Худо ҳамда инсонлар билан муносабатимга кўпроқ вақт, шошмайдиган вақт керак. Айнан мана шу ҳақиқат Никодимнинг Исога қилган мурожаатида ўз ифодасини топган: “...Агар Худо Сиз билан бўлмаганда эди, Сиз бундай мўъжизаларни қила олмас эдингиз” (Юҳанно 3:2). Никодим Исонинг ишларида Худонинг марҳаматини кўрган. Аслида эса, Исода Отанинг ишлари ҳамда Муқаддас Рухнинг самараси намоён бўлганди.

Умидсизлик сизни ҳолдан тойдиргандек туюлмаяптими? Агар шундай туюлаётган бўлса, тўхтанг. Қулоқ солинг, ўзингизга шундай савол беринг: “Мен билан содир бўлаётган нарсаларда қандайдир яхши нарсаларга эътиборсиз қолмаяпманми? Миннадорчилик билдириш лозим бўлган нарсаларни, қувонишим ва яқин дўстимга айтишим керак бўлган нарсаларни ўтказиб юбормаяпманми? Мисол учун, аввалига зерикарли кўринган ҳозирги ажойиб ишим ҳақида?” Дикқат билан қаранг, енгингизни шимариб, бу марҳаматли ишни Худо билан бирга бошланг.

ЎТА БАНД БЎЛИШ НАҲОТКИ САМАРАЛИ БЎЛСА?

Бозор иқтисодиёти даврида омон қолиш ҳақида гапириб, Карл Оноре ўзининг “Оворагарчиликсиз: қандай қилиб шошқалоқликдан воз кечиш ҳамда яшашни бошлаш керак” номли китобида шундай деган:

Албатта, ишда тезлик муҳим аҳамият касб этади. Ишни тугаллашнинг сўнгги муддати эътиборли бўлишга ёрдам беради ва яхши натижага эришишга ундайди. Муаммо шундаки, бизларнинг кўпчилигимиз фавқулодда ҳолатга берилиб, ўзимизни бўш вақтдан, секинлашишдан ва янги куч тўплаб олиш имкониятидан маҳрум қиламиз. Стратегик режалар тузиш, ижодий фикрлаш, ўзаро муносабат қуриш каби шошмасдан ёндашиш зарур бўлган ишларга эса вақтимиз йўқ, буларга ажратилиши керак бўлган вақт эса аҳмоқона ишларга, орқада қолиб кетмасликка ёки шунчаки ўзини банд қилиб кўрсатишга сарфланади.

Меъёрий ҳаёт тарзи бизга тезроқ ва самаралироқ ишлашимиз керак бўлган ҳолларда ҳам халақит қилмайди. Қўл қовуштириб ўтиришдан ҳеч қандай фойда йўқ. Бу ҳаммага маълум. Ўзини ортиқча босимларсиз яхши ишлайдиган механизм каби ҳис қилиш яхши. Ўз ваҳийини англаш ва Худонинг даъватига ҳам руҳан, ҳам жисмонан тўлиқ бағишланишдан келадиган роҳатни ҳеч нима билан таққослаб бўлмайди. Биз газ тепкисини охиригача босганимизда муаммолар пайдо бўлади, шу билан меъёрий ҳаёт тарзининг аниқ талабларига жавоб бера олмаймиз.

Мен ва бошқа кўплаб инсонлар учун меъёрий ҳаёт тарзининг унчалик ҳам жозибали туюлмаслигининг асосий сабаби – “самарасиз” бўлиб қолиш ёки “Худо берган имкониятларни” қўлдан бой беришдан кўрқишдир. Қанчалик ғалати бўлмасин, ўзини бундай тутиш натижасида амалдаги иш унчалик ҳам самара бермаслигига амин бўлдим. Баъзан эшитиб қоламиз: “Камроқ – демак кўпроқ”. Баъзан эса кўпроқ – демак камроқ. Шундай ҳолатлар бўладики, биз қанчалик кўп ишласак ҳам натижа кам бўлади.

Ўта банд бўлиш муаммоси Исо билан яҳудий раҳнамолар ўртасидаги тортишувни ёдимга солди. Яҳудий раҳнамолар Исони шанба куни одамларга шифо бериб, ишлаганликда айблашган эди. Исо уларга шундай жавоб қайтарган: “Менинг Отам шу кунгача Ўз ишини қилиб келяпти, Мен ҳам Ўз ишимни қиялман... Сизларга чинини айтайин: Ўғил Ўз-ўзидан ҳеч нарса қила олмайди. Фақат Отасидан кўрган ишларни қилади. Осмондаги Ота нималарни қилса, Ўғил ҳам худди шуларни қилади” (Юҳанно 5:17, 19).

Исо Ўзини Отанинг Шогирди деб ҳисоблаган ва барча ишларда Унга тақлид қилган. У ҳеч қачон Ўзи истаганини қилмаган. Исо нима қилган бўлса ҳам аввал Отанинг ишларини текширган. Шунинг учун, иш билан ўта банд бўлишим нодонлигимдан далолат беради, деб ўйлайман. Агар хизматда ўз фирқларимга таянсам, ўзимни Исонинг издоши деб аташга ҳаққим борми? Отанинг нима қилаётгани, қандай қилаётгани билан қизиқиб кўришни унутиб қўймайманми? Менинг қўл остимдаги инсонларга нисбатан Унинг мақсади нима эканини биламанми? У истаганидек ҳаракат қиялманми ёки билмаган ҳолда Унинг иродасига қарши ҳаракат қиялманми? Қайсидир ишларни қилишда *ошириб юбормаяпманми*, кейин Худо бу ишларимни қайтадан *тўғрилаб чиқишига* тўғри келмайдими?

Исо Ўз истаганини қилмай, Отага тақлид қилган, деган фикр мени Исонинг менга ҳам тегишли бўлган сўзлари ҳақида ўйлаб кўришга мажбур қилади: “...Менсиз ҳеч нарса қилолмайсизлар” (Юҳанно 15:5). Мен Худо учун ҳамма нарсага тайёрман, токи У мен учун тайёр қилиб қўйган барча эзгу амалларни қилайин ва У менда, мен орқали ва менинг атрофимда қилаётган ишларини охирига етказсин. Муаммо шуки, У айнан нимани мақсад қилганини биламанми? Усиз кулоғимгача ишга ботишим мумкинлигини, бироқ бундан фойда жуда камлигини сездим. Ўта даражада банд бўлишим – бенуқсон эмаслигимнинг яна бир исботидир.

Исонинг хизматларидан ҳеч қандай ортиқча изоҳ талаб қилмайдиган яна бир ғаройиб хусусиятни билиб олдим: Исо қилган барча ишлар одамлар билан боғлиқ эди. У

одамларга таълим берди, шифолади, нопок руҳлардан озод қилди. Шубҳасиз, самарали меҳнат инсонлар учун хизмат қилади. Унда нима учун менинг ўта бандлигим одамларга ҳам уларнинг эҳтиёжига ҳам боғлиқ эмас? Менинг муҳим ишларимнинг аксарияти умуман ҳеч кимга керак эмас. Бефойда меҳнат – қоидага кўра, самарасиз меҳнатдир. У ҳолда, менинг бу ишимни бир зарра олтин топиш учун катта чуқур қазишга тенглаштира бўлади.

Замонавий технологиялар ҳамда илғор илмий-техник тараққиётлар туфайли янада самарадор бўлдикми? Вэнди Вассерштейн ўзининг “Танбал” китобида шундай савол берган: “Нихоятда банд, ўта фаол раҳбарлар аслида қандайдир янги нарсаяратишдими? Янги ҳокимият, жамият уларнинг ўзлари қилиши лозим бўлган вазифаларни бажаришяптими?” Уларни кўрган одамда “қаттиқ меҳнат қилипти, кулоғигача ишга кўмилгани учун доим уйқусираб юради”, деган таассурот уйғонади. Баъзи қилаётган ишларимиз оҳақка сув қуйишдек гап. Қолаверса, қанчалик ғалати бўлмасин, бундай зўриқишни фойдасиз дейиш мумкин. Бажарилган ишнинг кўлами ҳайратга солиши мумкин, лекин на ижодий завқ, на қувонч келтирмайдиган бундай нарсалар тиним билмай ишлашга арзийдими? Мана шу нуқтаи назардан, айрим муҳим ишлар бефойда бўлиши мумкин.

Таққослаш учун Доминикан Республикасининг Кордильер тумани ғарбида жойлашган кичкинагина қишлоққа қилган сафар таассуротларимни айтиб беришим мумкин. Дўстим иккимизни бир ёш оила кучоқ очиб кутиб олди. Уларнинг уйи оддий уй бўлиб, Съеага-де-Манабао деган жойда эди. Уларнинг кичкина, жуда ихчам уйи бетон плита устига қурилган эди. Уйнинг рандаланмаган ёғочдан ясалган деворлари тўқ яшил рангга бўялган, катта тунука эса том вазифасини ўтарди. Уйдаги жиҳозлар ва бошқа анжомлар оддий, лекин дид билан ясалган эди. Етти кишидан иборат оила яшайдиган бу уйнинг умумий майдони Америкадаги кўплаб уй бекаларининг ётоқхонасидан ҳам кичик эди. Уй бекаси Элли бизни гуруч, ловия ва товуқ гўшtidан тайёрланган овқат билан меҳмон қилди (бу товуқ биз келмасимиздан сал олдин ҳовлида юрган эди). Бу таомни гулханда пиширишган.

Менинг таржимон дўстим Сэмюель Эллининг турмуш ўртоғи Хулиодан шароитлари бор ҳамда ривожланган шаҳарга кўчиб ўтиш истаги бор йўқлигини сўради. Хулио унга тахминан шундай жавоб қайтарди: “Менга бу ерда ҳукм сурадиган осойишталик ва хотиржамлик ёқади. Оиламда керакли барча нарсалар бор. Болаларимнинг атрофида уларни севадиган инсонлар бор, улар билан мулоқот қилишим учун вақтим етарли эканидан мен ҳам хурсандман. Бой одамлар қишлоғимиздан ер сотиб олиб, дам олиш кунлари келиб дам олиш учун катта уйлар қуришяпти. Мен эса шу ерда яшайман ва улар билан ўрин алмашиш ниятим йўқ”.

Мен бу инсонларнинг оддий ҳаётини бўрттириб кўрсатмоқчи эмасман. Уларнинг айримлари ўта ночор бўлиб, тирик қолиш учун ёрдамга муҳтож. Жуда кўпчилигининг тиббий ёрдам олиш имкони йўқ. Аргентинада, Буэнос-Айрес шаҳридаги қамағаллар орасида яшайдиган ва ишлайдиган дўстим маҳаллий аҳолининг шошиб юриши ва беҳуда ишлар билан шуғулланишини кўп жиҳатдан тирик қолиш зарурати билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Албатта, ҳамма камбағал одамларнинг ҳаёти бир хил демоқчи эмасман, лекин Хулио ва Эллининг ҳаётини кўркмасдан самарали ҳаёт деб айта оламан. Кимлар учундир оддий ва аҳамиятсиз кўринса ҳам улар ажойиб натижаларга эришган. Улар хотиржамлик ва қувончни сақлаб қола олдилар. Бизнинг саволларимизга жавоб берар экан, Хулио рафикасини кучиб қўйди, мана шу оддий амалнинг ўзиёқ бу жуфтлик жуда кўп америкаликлар эга бўлмаган катта бойликка – ҳаётдан, инсонлардан, ҳатто Худодан лаззат олиш имконини берувчи бўш вақтга ва осойишта жойга эга эканини кўрсатади.

Бу ёш оила билан суҳбатлашар эканман, доимий шошилиб юришим сабабли ўзимни қанчалик чалкашиб кетганимни англадим, чунки бир инсонга зарур бўлганидан ҳам кўпроқ нарсаларга эга бўла туриб, аслида ўта ночор эканимни тушундим. Оломон орасида турган йигитга Исонинг айтган сўзлари нақадар тўғри экани менинг хулосаларим

қанчалик ачинарли эканини тасдиқлади: “Эҳтиёт бўлинглар, ўзингизни ҳар қандай очкўзликдан сақланглар. Зеро, инсоннинг умри мол-мулкининг кўплигига боғлиқ эмас” (Лука 12:15). Фаровон ҳаёт, мўл-кўл ҳаёт, мазмунли ҳаёт – кўпроқ моддий бойликка эга бўлиш дегани эмас. Лекин мен яшаётган жамият айнан мана шу бойликлар ҳаётимизни яхшилашига ишонади. Маданиятнинг бундай ишончига ҳеч ким шубҳа қилмагани учун кўпроқ пул топиб, моддий аҳволимни янада ўнглашим ҳаётимни яхшилади, деган мақсадда бойликка эга бўлиш учун янада кўпроқ ишлашимга тўғри келса ҳам камдан-кам ҳолларда ўзимга бу саволларни бераман. Кўпроқ нарсаларга эга бўлишга уриниш шошилишга ундайди.

Бизда бор бўлган барча бойликка қарамай, ўзимни ва бошқа кўплаб америкаликларни қанчалик қашшоқ эканини ангаб етиш учун уйимдан минглаб миль узоққа боришимга тўғри келди. Роберт Бэнкснинг сўзларига кўра, “Моддий бойликлар туфайли АҚШ жамияти вақтнинг етишмаслигидан қийналади. Бу пайтда учинчи оламнинг кўплаб мамлакатлари бунинг акси – вақти кўп, лекин молиявий аҳволи ночорлигидан қийналмоқда. Бундай мамлакат одамлари ҳеч қаерга шошилмайдилар. Улар агар керак бўлиб қолса, бирон ишни қилиш учун етарли вақтлари борлигига ишонч билан яшамоқдалар”. Ҳа, ночор инсонлар менда бор бўлган имконият ва қулайликларга эга эмасдир, бироқ бўш вақтга бой. Биз, биринчи олам фуқароларига охири йўқ шошқалоқнинг асл қадрини англаб етиш вақти келди.

ЖАМОАТДА ҲАМ ВАҚТНИ БЕҲУДА ЎТКАЗИШ МУМКИНМИ?

Масиҳийлик хизмати ҳақида гап кетганда, баъзан жамоатга келганларга турли хилдаги топшириқлар ва масъулиятлар юклаб қўйишга ҳаракат қилаётгандек туюлишини тан олишимиз керак. Генри Нувен ўзининг “In The Way of the Heart” («Юракка элтувчи йўл») китобида бошқа мақсадни таклиф қилади:

“Асосийси, кўпинча сезилмаса ҳам Худонинг ҳузури чиндан мавжуд эканлигига эътибор беришда одамларга ёрдам бериш керак. Шунинг учун, жамоат етакчилари олдида турган вазифа одамларни банд қилиш эмас, балки уларни Худонинг шивирлаб айтган сўзларини эшитишга тўсқинлик қиладиган ўта бандликдан сақлашдир”.

Худони эшита олиш лаёқатигина самарали яшаш ва меҳнат қилиш имконини беради. Ҳаддан ташқари бандлик кутилган самарадорликни йўққа чиқариши мумкин.

Нувеннинг сўзлари жамоатда кенг қўлланилаётган амалиётга мос келмаётганлиги тасдиқланмоқда. Шундай бўлсада, қаердаки бўлмасин иложи борица, бизни шошилишдан сақлайдиган ва Худонинг овозига эътиборли бўлишимизга имкон берадиган руҳий амалиётни ривожлантириш лозим. Шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзи бизга нафақат ҳақиқий нарсаларни, балки беҳудалик ортида турган, бизда ва атрофимизда Худо қилган ишларни кўрсатади. Худо билан мунтазам равишда ёлғиз бўлиш мени ҳақиқий ҳаётга қайтарди. Одатда, “ҳақиқий ҳаёт” деганда мен қиладиган ишларимни, электрон ёзишмаларни, ҳисоб-китобларни, режалар ва ҳар куни бажарадиган бошқа майда ишларни тушунаман. Лекин ҳақиқий ҳаёт – Исонинг Ўзидир. Исо билан муносабатдаги ҳақиқий ҳаёт бизнинг олдимизда абадийликка ва чексиз маконга йўл очади, унда озодликнинг чегараси йўқ. Ҳақиқий ҳаёт чексиз ва шошма-шошарликсиз ҳаётдир. Шошқалоқлик дунёқарашимни ўзгартириб, мени асосий нарсани иккинчи даражали нарсадан ажрата олмайдиган қоғоқ инсонга айлантиради.

Бу фикрлар менга кўп йиллар давомида ўта бандликда ўтган вақтга ачинишларини ортиқ яширмайдиган инсонларни эслатади. Улар бир неча йиллар давомида ваъда қилинган руҳий етукликка, масиҳийча мукамалликка эришиш умидида садоқат билан хизмат қилишган, натижада эса, бундай бандлик Рухда ўсишларига ҳамда Раббимиз билан мустаҳкам муносабатга эришишларига ёрдам бермади. Бундай пушаймонлик уларнинг

меҳнатлари руҳий ҳаётни ривожлантиришга қаратилмаганини кўрсатади. Бир чўпон шундай тан олади:

“Кўплаб инсонлар Худони топиш учун жамоатга келаётганларини кўриб, хурсанд бўламан... Лекин бу ҳолат менинг омадли чўпон эканимни билдирадими? Эҳтимол ҳа, эҳтимол йўқ. Буни омад дейишим билан бирга муаммоларим ортди, деб айтишим мумкин”.

Баъзи пайтларда ўта бандлик шундан далолат берадики, кўпчилигимиз нимадир *қилаётганимизда* ўзимизни яхши ҳис қиламиз. Бироқ, *бандлик* – бу ҳали *самарадорлик*, дегани эмас. Жеральд Мэй қуйидаги кузатувларини маълум қилади:

Бугунги кунда кўпчилигимиз самарадорлик учун, айвонда сояда дам олиш учун ибодат қилганимизда, бу бизга эҳтиётсизлик, масъулиятсизлик, бекорчилик, хатто худбинлик бўлиб кўринади. Дам олишнинг зарурлигини англаган ҳолда, биз энди уни қадрият деб ҳисобламаймиз; дам олиш биз учун – янада самаралироқ бўлиш учун куч тўплаб олиш имконияти, холос.

Бизларнинг кўпчилигимиз қилишимиз керак бўлган ишлар рўйхатини кўздан кечириш орқали ўзимизни аҳамиятли эканимизни ҳис қиламиз. Шунинг учун, бизга мутлақо нотаниш бўлган бир дақиқалик дам олишни катта қийинчилик билан ўзимизга раво кўрамиз.

Таъкидлаб ўтганимдек, самарали меҳнат – самарали дам олиш маҳсулидир (бу ҳақда еттинчи бобда кенгроқ тушунтириб бераман). Афсуски, бу усул мен учун ҳам ўзим амал қилмайдиган энг яхши усулдир. Ўзимча, шон-шухрат учун кўп меҳнат қилдим, деб ўйлайман, аслида эса, қандайдир арзирли иш қилиш ўрнига айлана бўйлаб югурдим, холос.

XX асрнинг энг машҳур ва нуфузли инглиззабон ёзувчиларидан бири, монах-траппист* Томас Мертон ҳам бу мавзунини эътибордан четда қолдирмаган:

Агар бизнинг хатти-ҳаракатларимиз Худога хизмат қилишга қаратилган бўлса, бу эзгу мақсадимиз бутун вақтимизни ва кучимизни йўққа чиқаришига йўл қўйиш орқали ўзимизга зарар қилишдан қафолатланганимизни билдирмайди. Хизмат қилиш фойдали ва зарур, бироқ бу хизматлар ўта кўпайиб кетганида, руҳий мувозанатни йўқотамиз, ибодатимиз совийди, бағритош бўлиб қоламиз ва илоҳий тамойилларни кўриш қобилиятимиз йўқолади. Бундай бағритошликка йўлқмаслик учун жиддий ҳаракат қилиш ва шу билан бирга йўқотишлардан қўрқмаслигимиз керак.

*Траппист – 1664 йилда пайдо бўлган католик монахлик нишони аъзоси, ўта қатъий низомга эга.

Чарчоқлик юракни тошга айлантиради. Одатда, тиним билмай ишлайдиганлар кўпроқ атеросклероз (артерия қон томирининг торайиши) касаллигига учрайдилар. Бундай даражада кўп ишлаш бизнинг руҳий қалбимизни ҳам қаттиқлаштириши мумкин. Лекин бизнинг хатти-ҳаракатларимиз Худога хизмат қилишга қаратилган, деб ҳисобласак, нима қилишимиз керак? “Раббимиз учун ҳолдан тойиш” каби бундай вазиятга тушиб қолганда нима қилиш лозим? Нима учун бундай вазиятга тушиб қоламиз?

Баъзан бундай чалкашликда ўзимизни айблаймиз – қилаётган ишларимиз кимлигимизни намоён қилади. Иш бизнинг шахсимизни намоён қилади, бироқ шахсимизни белгиламайди. Бирламчи шахсни иккиламчи шахсга алмаштириш носоғлом фаолиятга ва қалбимиз учун ҳалокатли тузоққа олиб келиши мумкин. Бундай ўта фаоллик бир қатор натижалар билан лол қолдириши мумкин, бироқ юрагимизни тошга айлантиради орқали Муқаддас Рухнинг фаолияти ҳамда қилган барча меҳнатимизни тўғри баҳолаш туйғусини сусайтиради. Сўзларимнинг тасдиғи сифатида Худонинг майдонида ҳолдан тойган бундай етакчиларнинг ҳаётида Муқаддас Рухнинг қайси самаралари

етишмаётганини эслатиб ўтмоқчиман. Албатта, булар сабр-тоқат, меҳр-шафқат, тинчлик ва мулоимлик.

Масиҳийча хизматларимиз миқдори руҳий етукликка безътибор қолиб кетишга арзийди, деб ўйлаймизми? Бизнинг ютуқларимиз ортида Худонинг Руҳи турмаганини ҳамда бизнинг “ҳосилимиз” шубҳали эканини билиб туриб ҳам юзаки муваффақиятимиздан қониқишга тайёرمىзми?

Томас Мертон бизларнинг ҳар биримиз учун Худо тайёрлаб қўйган шошма-шошарликсиз ҳаёт инъомидан беҳабар бўлганлар ҳақида гапириб, нима учун шундай эканини изоҳлаган:

Бундай шижоатли масиҳийлар ўзлари муҳим деб ўйлаган хизматга ўта фаол берилишади. Хизматга жон-жаҳди билан киришиш, ҳар доим янги муваффақиятларни англаш, янги, кўзга кўринадиган ва сезиларли натижаларга қоникмаслик ортидан улар ўзларини бир вақтда ўнлаб хизматларни қилмасалар Худога нима маъқул келишига ишона олмайдиган даражага олиб келишади. Баъзан улар шунчалик банд бўлганларидан ҳатто ибодат қилишга ҳам вақтлари йўқлигини айтиб, шикоят қилишади. Улар ўзларининг ёлғонларига шунчалик берилиб кетишганки, ҳатто кўз ёшлари сохталигини ҳам англаб етишмайди. Улар нафақат янги янги масъулиятларни зиммаларига олишади, балки ўзларини яна нима биландир банд қилиш учун доимо изланишади.

Мен ўзим ҳам энг аввало “Худонинг Шоҳлиги ва Унинг иродаси” пайдан бўлишдан олдин Унга хизмат қилишга интилаётганларнинг биттасиман. Исонинг “Сенинг Шоҳлигинг келсин, Сенинг ироданг бажо бўлсин”, деган ибодатига чин юракдан жавоб бериш ўрнига, менинг ибодатларим кўпроқ қуйидагича бўлади: “Менинг истагим бажо бўлсин, барча режаларим амалга ошсин”.

Бу муаммо яқинда пайдо бўлиб қолгани йўқ, икки аср илгари масиҳийлар бундай муаммога учрашмаган, деб айта олмаймиз. Айтишларича, ўн тўртинчи асрда яшаб ўтган файласуф ва теолог Екатерина Сиенская бир куни Худодан нима учун У илк жамоат давридаги масиҳийлар учун ҳақиқий Худо бўлган-у, ўзининг замондошлари учун У умуман мавжуд эмасдек туюлишини сўраган экан. Худонинг унга берган жавоби ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган:

Инжил воқеалари давридаги Исо Унга ишонган одамлар учун шу даражада ҳақиқий бўлиб туюлардики, Унга содиқ шогирдлар сифатида келишарди. Улар Исонинг илҳом бағишлашини кутишган ва У Ўз ўчоғида эритган олтин ёки У Ўз қўллари билан ёзган мўйқалам бўлишни исташган. Исо уларнинг қалбларига севги қонунини ёзиши учун улар ўз юракларини Унга бағишлаган. Екатерина Сиенская даврида яшаган имонлилар эса ўзларини гўё Худо уларни кўрмайдигандек, эшитмайдигандек тутишган. Улар ўзлари истаганини қилишни ва гапиришни хошлашган ҳамда ўз ишлари билан шунчалик банд бўлишганки, Худо учун қалб эшиклари ёпилиб қолган.

Ўн тўртинчи асрда, ваҳоланки, йигирма биринчи асрда ҳам масиҳийлар Худонинг хузурини ҳис қилмасликларининг сабабларидан бири шошқалоқликдир.

Бугунги кундаги жамоатлар ҳақида нима дейиш мумкин? Афтидан, барча одамлар садоқатли ва ўзини Худога бағишлаган масиҳий жамоат ҳаётида (ҳеч бўлмаса, хизматларнинг бирида) фаол иштирок этиши шарт, деган хулосага келганга ўхшайди. У ҳар якшанба куни хизматда иштирок этиши, ёшидан келиб чиқиб, ўсмирлар ёки ёшлар гуруҳига қўшилиши, жинсига қараб — эркаклар ёки аёллар гуруҳига қўшилиши керак; бундан ташқари, уй гуруҳлари билан шуғулланишга улгуриши, имкониятга қараб, жамоат хизматчиларига хизмат қилиши керак ва ҳоказолар. Нима деб ўйлайсиз, Худодан завқланиш, Унга эргашиш ва Унинг ҳаётимизда аниқ мақсадлар билан Унга хизмат қилиш

ҳақидаги таклифини эшитиш учун бу “ишларни” вақтинча тўхтатиш, жой бўшатиш ва шошилмайдиган вақт ажратиш мумкин эмасми?

“Шошилмайдиган вақт”га бағишланган китоб устида ишлар эканман, шошқалоқлик янада *кўпроқ* хато қилишимизга сабаб бўлишини янгидан-янги далилларига дуч келдим. Масиҳнинг шогирдлари Устозни эшитиш, У аслида биздан нимани исташини билиш учун тезликни камайтиришлари лозим.

Хўш, масиҳийнинг самарали ҳаёти ва ҳақиқий самарали хизмати нимага ўхшайди?

ИНОЯТ МЕВАЛАРИ

Асл самарадорлик ҳамда солиҳликка оид шошилмаслик қандай бўлади? Ҳаворий Павлуснинг эътирофи ҳаёлга келади, осон бўлмаган хизматида унга куч бағишлаган манбани у ҳеч қачон яширмаган: “Аммо Худонинг инояти туфайли энди ҳаворийман. Унинг менга кўрсатган инояти зое кетмади, зеро, мен ҳаворийларнинг ҳаммасидан ҳам кўпроқ меҳнат қилдим. Лекин аслида меҳнат қилган мен эмас, Худонинг иноятидир” (1 Коринфликлар 15:10). Иноят бизга самарали меҳнат қилиш қобилиятини беради, лекин самара бермайдиган ишлар билан банд бўлишга ҳеч қачон мажбур қилмайди.

Қисқача матал айтиб берай. Бир шоҳ бўлиб, унинг иккита хизматкори бўлган экан. Хизматкорлардан бири хўжайинга ёқмай қолишдан кўрқиб, ҳар куни куёш чиқиши билан уйқудан тураркан ва хўжайини бажарилишини хоҳлайди, деб ўйлаган ишларни қиларкан. Хўжайини ундан айнан қайси ишларни қилишини исташини сўраш учун шоҳни безовта қилишни хоҳламай, эрталабдан кечгача тиним билмай меҳнат қиларкан. Иккинчи хизматкор ҳам хўжайинини мамнун қилишга интилиб, барвақт тураркан. Лекин иш бошладан аввал бугун айнан қайси ишларни бажарилганини кўришни исташини сўраш мақсадида шоҳнинг ҳузурига кириш учун бир неча дақиқа вақт ажратар экан. Хўжайинидан жавоб олганидан кейингина иккинчи хизматкор ишга киришиб, шоҳ тайинлаган ишларни қиларкан. Бу пайтда эса, шошқалоқ хизматкор аллақачон ишга киришган ва анчайин ишларни қилишга улгурган бўларкан. Энди савол туғилади, улардан қайси бири хўжайиннинг хоҳишини бажариб, уни хурсанд қилган? Ҳақиқий самарадорлик эрталабдан кечгача Худога хизмат қилиш эмас, балки бугунги кун учун Худо бизга тайинлаган ишларни муваффақиятли бажаришдир. Ҳақиқий самарадорлик – биз шунчаки хизматкор эмас, Шоҳнинг Самовий Ота Шоҳлигида хизматга даъват қилинган ўғил ва қизлари эканимизга ишонишни англатади. Хўш, сиз ҳалиям Унинг топшириқларини кутяпсизми ёки аллақачон маълум топшириқларни бажаришга киришдингизми?

Бизнинг икки йиллик “The Journey” дастуримизни битирувчиларидан бири семинарда менга айтиб берган ҳикоя ҳеч ёдимдан чикмайди. Мен етакчилар тайёрлаш Институти ходимлари билан бирга бу дастурни олиб бораман. Бу дастур олти ретрит ҳамда руҳий шаклланиш ва етакчилик сифатларини ривожлантиришдан иборат. Бу дастурда масиҳийлар йигирма ёки йигирма бешта талабадан иборат гуруҳларда биргаликда таълим олишади. Ўша битирувчи қиз бундай йиғилишларда тез-тез олқишлаш қисмини олиб боришга муваффақ бўлган. Бир сафар турли давлатлардан келган хизматчилар йиғилишда иштирок этаётганларида, бу қиз Худони эшитиш ва Унга жавоб қайтариш учун икки дақиқалик сукут сақлашни таклиф қилибди. Бундай йиғилиш учун ноодатий машғулот! Кимдир унинг бу таклифини вақтни беҳуда ўтказиш, деб ҳисоблаши мумкин. Лекин Худо Ўзига ажратилган сокин дақиқадан унумли фойдаланган.

Етакчилар йиғилишида қатнашганлардан бири қатъий тартиб ҳукм сураётган мамлакатда кенг миқёсда хизмат олиб бораётган инсон эди. У ҳукумат масиҳийларни шафқатсизларча таъқиб қилишни бошлаганидан буён уларнинг бошига тушган азоблар ҳақида сўзлаб берган эди. Икки дақиқалик сукунатда Худо бу етакчига бундай вазиятда қандай йўл тутиш кераклигини кўрсатди. Бу режа Худо иноятининг ёрқин далили бўлиб, Худодан келганига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди. Икки дақиқалик сукунат (айрим етакчилар вақтни беҳуда сарфлаш, деб ўйлаган икки дақиқа) бу етакчига илоҳий донолик ва илоҳий

бошқарувни англашига ёрдам берди. Ҳақиқий самарадорлик – Худонинг Руҳи билан фаол ҳамкорликдан бошқа нарса эмас.

Менинг хизматимда Худонинг инояти, менда амал қилаётган инояти акс этадими? Менинг ҳаётим Масиҳнинг ҳаётидек бир маромдами? Менинг хизматларимнинг маҳсули бошидан охиригача менда амал қилаётган Худо иноятининг маҳсули деб, ишонч билан айта оламанми? Ёки мен қилаётган ишлар ўз кучимнинг ва машаққатли меҳнатимнинг самарасими? Бу икки самарадан қайси бири абадий? Худонинг ҳузурида бўлган ҳолда шошилмасдан хизмат қилишни ўргандимми? Исо ҳам шундай қилмаганми? Раббимиз бирон марта шошилгани ҳақида ҳеч қандай далил топа олмадик. Тўғриси айтганда, кўпинча, Исо Ўз издошларини ҳайрон қолдирган, чунки У умуман шошилмаган. Исо шошма-шошарликсиз ва самарали ҳаёт кечирган. Кўпчилигимиз учун бу тушунарсиз.

ХУДО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ЎТАДИГАН СОАТЛАР

1. Охирги марта тез ҳаракат қилишингизга тўғри келган вақтни эслай оласизми? Бошқача айтганда, айнан Муқаддас Рух сизни шошилтирган вақтни эслайсизми?
2. Васвасага енгилиб, вақтни беҳуда совурган пайтларингизни эслайсизми? Қайси самарали ишлар, аввал эътиборга олмагансиз-у, лекин энди маълум бўлишича, Муқаддас Рухнинг даъвати бўлган?
3. Эҳтимол, бу китобдаги меъёрий ҳаётнинг имтиёзлари ҳақидаги фикрлар сизни пассив фикрлаш, пассив ҳаёт кечириш, пассив хизмат қилишга ундаётгандир?
4. Ҳаётингизнинг қайси соҳаларида тушкунликка тушаяпсиз ёки у билан курашяпсиз?
5. Ўзингизни муҳим инсон эканингизга ишонтириш учун беҳуда ҳаракат қилиш васвасаси биз ҳаракат қилаётгандек, Худо билан самарали мулоқотда бўлишга қандай ҳалал бериши мумкин?

4 БОБ ВАСВАСАГА ШОШМАСДАН ҚАРШИ ТУРИШ

Марк – йирик бир компания раҳбари. У атрофдаги инсонларда яхши таассурот қолдиришни қойил қилади. У хонага кирганида ҳамманинг эътиборини ўзига тортади, худди буйруққа итоат қилгандек, ҳамма унга қарайди. Жамиятдаги мавқеи ва таъсирли ривожланиши сабабли унга эътибор бермасликнинг иложи йўқ. Умуман олганда, Марк “ботқоқдан подшоҳликга”ча кўтарилди, унга қараб туриб, бошлаган ҳар қандай ишида муваффақиятга эришади, деган таассурот уйғонади кишида.

Боб – Маркнинг энг ишончли ва тажрибали маслаҳатчиси: у бирон марта ҳам дўстига панд бермаган. Кўп йиллардан бери Боб Марк раҳбарлик қилаётган компаниянинг бошқарув эъзоси бўлибгина қолмай, Маркнинг руҳий устози ҳамдир. Марк Боб берган маслаҳатларнинг биронтаси омадсиз бўлганини эслай олмайди. Бизнесменлар орасида Боб ҳақиқий ишбилармон доҳий ҳисобланади, Марк эса ўз жамоасида шундай қимматли ўйинчи борлигидан мамнун. Улар деярли талабалик давридан таниш бўлиб, Марк ўз дўстига бутунлай ишонади. Уларнинг дўстлиги худди ота ва ўғил ўртасидаги муносабатга ўхшайди, тўғри, сўнгги пайтларда уларнинг дўстлиги жиддий синовларга дуч келди.

Маркнинг компанияси ўз тарихидаги энг катта шартномани имзолашга тайёр, лекин уларнинг ортида улардан ҳам кучлироқ йирик компания турибди. Бундай масъулиятли вазиятда имзоланиши лозим бўлган шартноманинг ҳар битта майда тафсилотигача танишиб чиқиш керак. Қўйилган биргина ножўя қадам ҳам компанияни хавфга қўйиши мумкинлиги сабаб, хато қилиш мумкин эмас. Хуллас, ўртага Маркнинг компанияси тикилган эди.

Вазиятнинг ҳар томонлама жиддийлигини англаган Боб шартноманинг алоҳида бандларини ҳуқуқий томондан яхшилаб ўрганиб чиқиш лозимлигини Маркка айтди. Бобнинг бир қатор шубҳалари бор эди ва Маркка роппа-роса бир ҳафтадан кейин у билан алоқага чиқмагунча ҳеч нарса қилмасликни тайинлади. Текширувлар тугамагунча Марк ҳеч қандай қарор чиқармаслиги ва ҳеч қандай ҳужжатга имзо чекмаслиги керак эди. “Буни менга қўйиб бер”, - деди Боб, Марк ҳам истамайгина рози бўлди. Ахир, Боб бошлиқ, қарор қабул қилиш ҳам унинг ихтиёрида, фақат қадрдон дўстининг маслаҳатигина уни тўхтатиб турарди.

Кун ўтгани сайин Марк янада кўпроқ асабийлаша бошлади. Йирик компания уни ташвишга солар ва муҳим шартномани бекор қилиш билан таҳдид қиларди. Марк телефон орқали Боб билан боғланишга ҳаракат қилар, лекин Боб қўнғироққа жавоб бермасди. У ҳатто СМСга ҳам, овозли хабарга ҳам, электрон почтага ҳам жавоб қайтармасди, худди сувга тушган тошдек жим эди. Марк эса ўзини қўйгани жой топа олмас, идорадагиларнинг барчаси худди кишанлангандек юрар эди. Ҳафта охирлаб қолса ҳам Бобдан ҳеч қандай хабар йўқ эди. Маркнинг эса жаҳли чиққан. Унинг назарида битим хавф остида эди. Энди ортиқ сусткашлик қилиш мумкин эмас. Боб жуда узоқ вақт қолиб кетди. У нималарни аниқлашининг аҳамияти йўқ. Агар рақобатчи компания битимни имзолашга яқин турган бўлса, унинг ҳаракатлари беҳуда.

Шунинг учун шартмадан маҳрум бўлишдан чўчиб, Марк бир-иккита қўнғироқ қилганидан сўнг битимни имзолади. Ташвиш ортда қолди, Марк ғалабани нишонлади, бироқ сўзида турмаган дўстидан хафа бўлди. Ниҳоят, у Бобга ўзининг ажойиб ғалабаси ҳақида айтишни сабрсизлик билан кутаётган эди. Марк битим имзоланганини тасдиқлаш учун навбатдаги қўнғироқни амалга ошириб, гўшакни қўйган лаҳзада, унинг хонасига Боб кириб келади:

- Дўстим, сен барча тафсилотларни яхшилаб ўрганиш учун кетган вақтга ачинмайсан. Битим, биз ўйлагандек фойдали эмас. Мен диққат билан текшириб чиққанимда, унда ўта ножўяликларни топдим. Бу битим минага ўхшайди ва уни

имзолаган ҳар қандай инсон қаттиқ пушаймон бўлади. Бу шубҳали иш. Ундан воз кечиш керак, дарҳол!

Маркнинг қиёфаси ўзгарганини кўриб, Боб нима бўлганини сўради.

- Мен аллақачон барчаси билан келишиб қўйдим. Битим бузилай деб турганди, бизга рақобатчи бўлган компания уларга фойдалироқ таклиф билан чиқишган, яна бироз кечиктирсак, шартномани улар қўлга киритишар эди. Шу сабабдан мен кўнғироқ қилиб, шартнома имзоланганини тасдиқладим.

Боб қичқириб юборди:

- Нима ҳақида ўйладинг? Лоақал ўйлаб кўрдингми ўзи? Бутун компанияни хавф остига қўйдинг-ку! Бу битимнинг бефойда экани маълум бўлгач, барча акцияларимизнинг нархи қадрсизланиб кетади. Марк, директорлар кенгаши бошингни талаб қилади. Сенинг кўшигинг қуйлаб бўлинди.

ШОУЛ ВА ШОМУИЛ

Бу вазият Эски Аҳддаги шоҳ Шоул ва унинг маслаҳатчиси Шомуил ҳақидаги воқеани эсга солади. Шоул – Исроил халқига хизмат қилувчи шоҳ, Шомуил эса Худонинг пайғамбари бўлиб, Шоулнинг доно ва ишончли маслаҳатчиси эди. Шомуил Шоулдан у қайтиб келиб, Исроил халқини ҳимоя қилиши учун Худога куйдирилган қурбонлик келтиргунича кутиб туришини тайинлайди (қаранг: 1 Шоҳлик 13:8). Чиндан ҳам Шоул етти кун кутади, лекин олдинда турган хавф ҳамда қўшиннинг талвасага тушганини кўриб, пайғамбарни кутмасдан, Худога қурбонлик қилади. Шоҳ қурбонликни қилиб бўлиши билан Шомуил келиб қолади. Шомуил аввалдан келишилгандек, роппа-роса бир ҳафтада қайтиб келган эди. Худонинг пайғамбари ўз сўзида туришига ишониш ҳамда Худога таяниш ўрнига Шоул фавқулодда қарор чиқарди. Шошқалоқлик билан чиқарилган бу қарор унинг тахтдан қулашига – шошқалоқлик учун жуда қиммат нарх тўлашига сабаб бўлди. Муқаддас Битикларда шошқалоқлик қилган, Худонинг режасига эътиборсиз бўлган ёки Худо ваъда қилганларни тезроқ олиш умидида бошқа йўлни танлаганлар ҳақида кўплаб фожиали воқеалар баён этилган.

Шошқалоқлик билан чиқарилган қарорлар қимматга тушиши мумкин, лекин Шоулнинг ҳолатида у ниҳоятда қимматга тушди. Бироқ шошилмаслик бундан ҳам қийин. Замонавий жамиятда етакчиларнинг тез қарор чиқариши, тўлиқ иш жадвали ҳамда режалаштирилган ишларнинг кўплиги ҳурматга сазовор ҳисобланади. Ўта даражада бандлик ўзига хос юқори мавқе рамзи бўлиши мумкин. Лекин юқорида берилганларнинг биронтаси ҳам Раббимизнинг ердаги ҳаёт тарзига мос келмайди.

Ҳеч бўлмаса, Лазарнинг аҳволи ҳақида хабар топганидан кейин Исо қандай йўл тутганини ёдга олайлик. Яқин дўсти ҳаста эканини эшитиб, унинг ҳузурига “шошилиш” ўрнига, Исо яна икки кун кутди. Сиз қандай ўйлайсиз билмадим-у, лекин буни шошилиш деб бўлмайди. Яирнинг ўлим тўшагида ётгани қизининг ҳузурига Исо шунчалик “шошилдики”, йўл-йўлакай қон кетишдан қийналаётган аёлни ҳам шифолашга улгурди. Исо ғайратли ва фаол, шу билан бирга хотиржам ва шошилмас эди.

Берган ваъдасини бажариш ва Ибромга ўғил ато қилишдан аввал йигирма беш йил кутган Худони шошқалоқликда айблаш мумкинми? Йўқ, Ибром билан Сорай Ўз ваъдасини бажариши учун Худога “ёрдам” бериш мақсадида шошқалоқлик қилиб, ўша даврнинг маданий анъанаси бўйича Ҳожарнинг ёрдамида Исмоилни дунёга келтиришди. Назарида бир кун минг йилдек бўлган Худо учун шошишнинг нима кераги бор? (қаранг: 2Бутрус 3:8)

Шошқалоқлик – кучли васваса. Шошқалоқлик жаҳл билан, ўйламасдан ҳаракат қиладиган инсоний реакцияни намоён қилади: “Мен қаттиқ ҳаракат қилишим керак, акс ҳолда имкониятни қўлдан бой бераман!” Шошқалоқлик – агар дарҳол ушлаб қолинмаса, исталган имконият бир умрга қўлдан кетади, деган ёлғон фикр билан бизни алдайди. Исо Иордан дарёсида сувга чўмганидан кейин Муқаддас Рух Уни саҳрога олиб боргани ва Исонинг иблис билан учрашгани васвасага оид шошқалоқ ҳамда бу васвасага солиҳлик

билан қарши туришни акс эттиради. Исо ёвуз шайтоннинг барча васвасаларига моҳирлик билан жавоб қайтаради.

МУҚАДДАС РУҲНИНГ БОШҚАРУВИ

“Осмондан эса: “Сен Менинг севиқли Ўғлимсан, Сендан ниҳоятда мамнунман”, деган овоз келди!”, Руҳ Исони “саҳрога бошлаб кетди” (Луқо 3:22; 4:1). Саҳрода эса васваса қилувчи иблис Худонинг сўзларини саволга айлантирмоқда. Худо нуқта қўйган (ёки ундов белгисини қўйган жойларга ҳам) васваса қилувчи иблис сўроқ белгисини қўяди. У Худонинг ўзгармас ваъдаларига *агар* деган сўзни қўшади. У Худонинг инъомларини Худони алдаш йўли билан эришиш мумкин бўлган муқофотга айлантиришга уринади. Арча остига қўйилган янги йил совғалари устига унинг нархи ёпиштирилганини кимдир кўрганми?

Муқаддас Руҳ Исони саҳрога олиб боради ва у ерда қирқ кун давомида “иблис Уни синовдан ўтказди”. Худди Исога ўхшаб, сиз ҳам хизматга киришишдан аввал ўттиз йил кутишингизни тасаввур қилинг. Хизматингизнинг бошланишини шундай тасаввур қилган бўлармидингиз? Бу ерда ҳам Худонинг йўллари бизнинг йўлларимиз эканини кўрсак бўлади. Биз ҳам ўз йўлларимизни тикиштирмасдан, Исонинг йўлларида юришни ўрганишимиз керак. Ҳа, ўттиз йил кутганига қарамасдан, хизматни бошлашдан аввал Исо яна қирқ кунга саҳрога кетди. Бу ҳам Унинг ҳеч қачон шошилмаганини яна бир бор исботлайди.

Муқаддас Руҳнинг бошқаруви ҳақида ўйлаганда қайси биримиз саҳрода бўлиб қолишни орзу қиламиз? Менимча, ҳеч ким. Одатда, биз марҳаматли, осойишта ва қулай шароитда бўлишга умид қилган ҳолда бутунлай бошқа йўналишни кутамиз. Лекин Муқаддас Руҳ Исони оғир синовлар, қийинчилик ва ноқулайлик томон етаклади. Қирқ кунлик бундай “марҳамат” бир кундек ўтиб кетмайди. Бундай вақт жуда секин ўтади ва шошмаслик ҳар доим ҳам бизга кўзни қамаштирувчи бахтни ваъда қилмаслигини тушунамиз.

Бу қирқ кунлик рўза давомида Исо “иблиснинг синовидан ўтганини” биламиз. Ўйлайманки, бу васвасани иблиснинг Исони шошиштиришга қилган ҳаракати деб ҳисоблаш мумкин. Иблис Исони У муҳтож бўлган нарсани олишга ва бажариши лозим бўлган ишни Худонинг иродасисиз бажаришга ундайди: “Қани бўл! Ўзингга керак бўлган нарсани ол! Худо Сенга топширган ишни қил! Қани олға! Нимани кутяпсан?” Лекин Исо шошқалоқлик васвасасига қарши турди. Қандай ажойиб! Биз учун нақадар ғаройиб намуна!

Исо саҳрода бўлган вақтда рўза тутиши Унинг шошмаслик хусусиятини қийинлаштирган ҳолос. Ҳар гал рўза тутганимда (аслида ҳеч қачон қирқ кунлик рўза тутмаганман) секинроқ ҳаракат қилишга мажбур бўламан: овқат емаганим учун жисмоний имкониятларим сустлашади. Тезликнинг бундай сустлашиши танам калорияга тўлиб-тошган одатий ҳолдагига қараганда кўпроқ руҳий ҳақиқатга диққат қилишимга ёрдам берган.

Васвасага қарши энг катта курашимиз ёлғиз қолганимизда муҳтожлик ёки очликни ҳис қилганимизда содир бўлишини ҳайрон қоладиган жойи йўқ! Исонинг тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳатто жисмоний ҳолати яхши бўлмаса ҳам У васвасага қарши туришга қодир. Исо кимга хизмат қилиши, кимга сажда қилиши, кимга Ўз ҳаётини бағишлаши ва кимдан қочиши кераклиги яхши биларди. Шундай бўлса ҳам, биз кўпинча катта қийинчилик билан тўғри танлов қиламиз. Бундай ҳолларда, Худонинг Руҳи бизни саҳрога етаклаганида нима учун худди Худо бизни ташлаб қўйгандек туюлишини яхши биламиз. Аслида бундай вазиятларда биз Худо билан янада яқинроқ бўламиз ва Унинг овозини эшитиш орқали биз Унинг кудратига тўлиқ тобе эканимизни англаймиз.

Кимдир Одам Ато дуч келган васвасани Исо дуч келган васваса билан таққослашга уринган: Одам Ато қирқ кун рўза тутмаган бўлса ҳам васвасага енгилди, қирқ кун рўза тутган Исо эса иблисга қарши тура олди. Одам Ато жаннат боғида васвасага йўлиқди, Исо

эса жазирама сахрода. Одам Ато боғдаги битта дарахтнинг мевасидан бошқа ҳар қандай мевалар билан қорнини тўйғазиши мумкин эди, Исода эса ҳеч қандай имконият йўқ эди. Иблис жисмонан ҳолдан тойган Исонинг олдига келди, лекин Исо оғир аҳволда бўлса ҳам унга қарши турди.

Иблис Исода Отанинг севгисига нисбатан шубҳа уйғотиш ва шошилиш қарор чиқариш учун уч маротаба ҳаракат қилди. Исонинг унга берган жавоблари душманнинг ёлғон ваъдаларига қандай қарши туриш ва қандай қилиб Худонинг ҳақиқатига содиқ қолиш учун ибратли намунадир.

БИРИНЧИ ВАСВАСА: ИСТАГАНИНГНИ ОЛ

Шунда иблис Исога деди: Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, бу тошга буюр, нонга айлансин! Исо унга шундай жавоб берди: Инсон фақат нон билан яшамайди, балки Худонинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан яшайди.

Луқо 4:3-4

Иблис ҳар бир васвасаси билан Исонинг қалбига Унинг ким экани ва нимага даъват қилинганига шубҳа уруғларини экишга уринган. Худонинг ўзгармас ваъдаларига иблис “агар” деган сўзни қўшимча қилишни ёқтиради. Худо бизнинг қалбимиз тинчлик ва хотиржамликда бўлишини истаган бир пайтда иблис қалбимизга шубҳа ва ишончсизлик экишга уринади. Биз кутишимиз лозим бўлган пайтда иблис бизни қочишга ундайди.

Иблис:

- Исо Сен очсан. *Ҳозироқ* бу тошни нонга айлантир!

Исо:

- Нон – бу Мен муҳтож бўлган нарсаси эмас. Мен ўз вақтида Менинг эҳтиёжларим ҳақида қайғурадиган Отага ишонишни афзал кўраман.

Иблис Исога барча эҳтиёжлари учун Ўзи қайғуришини ва Отани кутмасдан Ўзи истаганидек ҳаракат қилишни таклиф қиляпти. Худди шу йўл билан у сиз билан бизни ҳам васвасавга солади.

Илоҳиётшунос Косукэ Кояма ўзининг “Three Mile an hour God” китобида Исо қирқ кун рўза тутишидан юзлаб йиллар олдин Иброҳимнинг авлодлари қирқ йил сахрода саргардон юришларининг сабаби улар “инсон фақат нон билан яшамайди” деган сабоқни ўзлаштиришлари қанчалик муҳим бўлгани ҳақида гапиради. Исроил халқи мана шу биргина сабоқни ўзлаштиришлари учун улар Канъон юртига киришларидан аввал Худо уларга қирқ йил вақт сарфлади. Биргина сабоқ учун қирқ йил вақт сарфланганига эътибор беринг! Худо қанчалик сабр қилган ва шошилмаган!” Бизни шошилишга ундайдиган васваса Худонинг сабр-тоқат ҳамда ишонч ҳақидаги сабоғини ўзлаштиришимизга ҳалақит беради. Зотан, Худо ҳеч қачон шошилмайди, чунки Унинг мақсади сифатли иш қилишдир.

Лекин иблис Адан боғида Худо Одам Ато ва Момо Ҳавонинг эҳтиёжини қондиришга шошмаётганига, улардан муҳим бир нарсани яшираётганига ва уларнинг ўзлари ўша нарсани олишлари кераклигига шаъма қилган. Бундай ўғирлик шошқалоқлик билан чиқарилган қарор эди. Васвасага тушиб, Одам Ато билан Момо Ҳаво Худо билан муносабатни бузди. Худодек бўлиш имкониятини қўлдан бермасликка уриниш оқибатида улар Худо билан ҳақиқий ва яқин муносабатдан маҳрум бўлишди. Улар ўзлари учун ғаройиб кўринган нарсаси эга бўлиш учун Отадан мустақил бўлиш васвасасига тушдилар. Иблиснинг васвасасига енгилиб, уларни барча керакли нарсалар билан таъминлашни ваъда қилган Худога ишонмасликларини кўрсатдилар. Янги найранг ўйлаб топиш билан ўзини уринтирмаган иблис Исони ҳам худди шундай найранг билан васвасага солган. (Сўнгги икки минг йилда иблиснинг ишончли усуллари ўзининг самарали таъсирга эга эканлигини кўрсатганини тан олишимиз керак.)

Такрор айтаман, шошқалоқлик - жаҳл билан, ўйламасдан ҳаракат қиладиган инсоний реакциядир, масалан: “Тезроқ ҳаракат қилиш керак, чунки бошқа бундай

имконият бўлмаслиги мумкин”. Васваса ҳаракат қилиш истаги билан ҳаракатнинг ўзи ўртасидаги масофани қисқартиришга уринади. (Турли нарсаларга тобе бўлган инсон учун бу масофа деярли мавжуд эмас.) Бироқ донолик эса аксинча, бизнинг ният ва мақсадларимиз Худонинг Руҳидан ёки бошқа манбаадан келганини таҳлил қилишга ундайди.

Бундан ташқари, “фақат нон” ҳақидаги сабоқ шуни кўрсатадики, шошқалоқлик – одатда, инсоннинг ўзига берадиган баҳоси унинг моддий аҳволига боғлиқ эканини кўрсатади. Бизнинг назаримизда моддий аҳволимиз қанчалик яхши бўлса, биз шунчалик аҳамиятлимиз. “Британиялик воиз Морган Кэмпбелл масиҳийларни шошилтириш – иблиснинг иккинчи ҳийласи эканини айтган. Иблиснинг биринчи ва инкор қилиб бўлмас ҳийласи – материализм бўлиб, ғарб олами жуда узоқ йиллардан бери бу ҳийла исканжасида қолган. Моддий фаровонлик ҳамда аҳмоқона бандлик кўзларимизни кўр қилиб қўйгани учун биз руҳий кураш олиб бораётганимизни унутиб қўйдик». Биз иложи борича кўпроқ пул топиш ва аслида кераксиз бўлган нарсаларни кўпроқ сотиб олиш учун тиним билмай меҳнат қиламиз. Айлана бўйлаб бундай югуриш фақат ҳаёт тарзимизни тезлаштиряпти, холос. Бошқача айтганда, васваса бизни қўйидаги нотўғри тенгламанинг асирига айлантиряпти: кўп нарсаларга эга бўлиш + кўпроқ сарфлаш = яхши ҳаёт. Бу васвасага берилиб, биз ўта даражада банд бўлиш тузоғига тушиб қоламиз ва буни ўзимиз англаб етмаймиз. Эҳтимол, бошқа бир таққослаш усули ўз ҳаётимизга диққат билан қарашимизга ёрдам берар.

Ҳаммамизга яхши таниш бўлган Мавлуд байрамини (яъни Янги йилни) ёдга олайлик: болалар меҳмонхонага югуриб киришиб, арча остига қўйилган совғаларни таллашиб-тортишиб олишади ва ота-оналарига раҳмат айтишни ҳам унутиб, совғаларни шу ернинг ўзида очишади. Раҳмат айтиш қанчалик ёқимли эканини улар билишмайди. Улар олган совғаларидан қувониш ҳиссини йўқотишган. Миннатдорчилик – моддий нарсаларга берилиш орқали биз йўқотиб бораётган сифатдир. Материализм миннатдорчиликни Худонинг ёрдами билан эришилган барча ютуқ ва муваффақиятларни англаб етишга ҳалал берадиган кераксиз нарса деб ҳисоблайди.

Биз Исодан ўрнат олиб, бундай васвасаларга қарши туришимиз керак. Ва албатта, ҳаёт мазмуни овқатдан (уй-жой, кийим-кечак ва бошқа моддий нарсалардан) иборат эмаслигини ёдда тутишимиз лозим. Ҳаёт – биз абадийликда бўлишни ўрганадиган мактабдир. Инсон Худонинг таъминотини, мададини ва ҳимоясини миннатдорчилик билан қабул қилгандагина ҳаётдан қувона олади. Лекин васваса бизни Худога ишониш вақтни беҳуда ўтказиш эканига ишонтиришга уринади.

Ўтган асрда инглиз бенедикт-аббати Ширли Картер Хьюсон шундай деган эди: «Ҳаётимизнинг ҳар онини Худонинг хизматиға бағишлашга ҳаракат қилганимизда, имонсизлар айтганидек, кутиш ёки ҳеч нима қилмаслик ҳам худди ибодатга ёки солиҳ меҳнатга бағишланган вақтдек Худо учун қурбонлик ҳисобланади. Ҳатто пуритан Мильтон ҳам «шунчаки тайёр ҳолда кутиб турган инсон ҳам хизмат қилаётган» бўлишини англаб етган. Иблис сизни шошилтиришига йўл қўйманг».

ИККИНЧИ ВАСВАСА: ҲУКМРОНЛИК ҚИЛ!

Сўнг Исони иблис тепаликка олиб чиқиб, бир лаҳзада Унга оламнинг барча шоҳликларини кўрсатди. У Исога деди: Сени ана шу шоҳликлар устидан ҳукмрон қиламан, уларнинг шон-шухратини Сенга бераман. Буларнинг ҳаммаси менга берилган, мен эса истаганимга бераман. Менга сажда қил, шунда ҳаммаси Сеники бўлади. Исо жавоб бериб деди: Ёзилганки: «Эганг Худога сажда қил, фақат Унга хизмат қил».

Луқо 4:5-8

Иблис:

- Сен Худо Шоҳлиги *яқинлашди*, деб айтдинг. Балки шундайдир. Мен эса агар бир мартагина менга сажда қилсанг, бутун дунёнинг шоҳликларини *ҳозирнинг ўзидаёқ* оёқларинг остига ташлашим мумкин!

Исо:

- Ҳеч қачон. Мен ёлғиз Худога сажда қиламан ва фақат Унга хизмат қиламан. Вақти-соати келганда У Менга Ўз Шоҳлигини намоён қилади ва ҳокимият беради.

Иблис *ҳозирнинг ўзида* Исога ҳукмронлик қилиш қудратини таклиф қилмоқда. У ваъда бериб, бунинг учун кутишга, азоб чекишга, хочга михланишга ҳожат йўқлигини таъкидламоқда. У бизга ҳам шундай қилишни таклиф қилмоқда! Иблиснинг ҳийласи оддий. Худони ва Унинг режаларини айланиб ўтиш орқали у бизга куч-қудрат ҳамда улуғворлик беришини айтиб, васвасага солади. Куч-қудрат ва ҳукмронлик таклифи бизга жозибадор кўринади. Биз ўзимизни энг яхши томонларимизни кўрсатишни истаймиз, бошқаларнинг олдида юксалишни, бизни ҳурмат қилишларини истаймиз. Лекин буларнинг бари “нурлар Отаси” томонидан бериладиган инъом сифатида “юқоридан келади”, ҳеч ким уларга лойиқ бўла олмайди. Ҳақиқий руҳий қудрат ва улуғворлик ҳар доим инъом қилинади. Шунинг учун Худонинг Ўзи уни ўз вақтида беришини кутмасдан, бу қудратга эга бўлишга уриниш – шайтоний васвасадир. Васваса бизга: “Истаганингни ол”, дейди. Иноятли Худо эса барча руҳий инъомлар Ундан олиниши кераклигини ва Унинг халқи учун хизмат қилиши кераклигини айтади.

Иблис Исони Худонинг даъватини амалга оширишга ва бу дунё устидан ҳукмронлик қилишга ундаяпти, лекин буни қачон ва қай тарзда содир бўлишини биладиган Худога ишонмай, Ўзи мустақил равишда амалга оширишга ундаяпти.

Иблис ўз тузоғини қандай алдамчи хўрак билан беади? У Исога шундай ваъда берди: “Сен ҳозирнинг ўзида бутун дунёга ҳукмронлик қилишинг мумкин”, у ҳақиқатга қарши деярли гуноҳ қилмади, чунки бу дунё иблиснинг ҳукмронлиги остида. Хўракнинг ортида нима яширинган эди, тузоқ нимадан иборат эди? “Менга сажда қил ва бутун дунё устидан ҳукмронликни қўлга кирит”. Ёлғоннинг отаси бўлган иблиснинг барча найрангларида бўлганидек, иблиснинг ёлғонларида қисман бўлса ҳам ҳақиқат мавжуд. Иблис чиндан ҳам бу оламда катта қудратга ва кучли таъсирга эга бўлиши мумкин, лекин у мутлақ ҳукмронлик қилиш ҳукукидан маҳрум бўлган. Унинг таклифи – умумий олиб қараганда, очикчасига ёлғон бўлмаса ҳам шубҳага солишга уринишдир.

Бизни тузоққа тушириш учун иблис қандай хўракдан фойдаланади? “Сиз юзага келган вазиятга катта таъсир кўрсатишингиз ва ҳозирнинг ўзида вазиятни яхши томонга ўзгартиришингиз мумкин”. Хўш, бунинг ортида қандай тузоқ бор? “Шунчаки, Худо сени нимага даъват қилган бўлса, ўшани қил. Буни Худо билан биргаликда қилиш учун кутиш ёки ташвишланишга ҳожат йўқ”.

Отанинг режасига кўра, қайси йўл билан Унинг Ўғли осмонда ҳам ерда ҳам бутун ҳокимиятга эришиши лозим эди? Бу йўл азоб чекиш йўли эди (қаранг: Филип. 2:5-11). Биз, яъни Унинг издошлари бошқа қандайдир йўлга умид қилишга ҳаққимиз борми?

Худонинг улуғворлигини ўзлаштириб олиш васвасасига қандай қарши туриш керак? Бунинг учун Раббимиздан кўз узмаслигимиз, Уни улуғлашимиз, Ўзи белгилаган вақтда Худо бизни улуғворликка етказишига ишонишимиз керак. Мустақил равишда ўз-ўзимизни юксалтиришимиз жисмоний томондан имконсиз, руҳий томондан эса беъманиликдир. Ҳақиқий руҳий таъсир Худо томонидан инъом қилиб берилади, уни ўз кучимиз билан олишнинг имкони йўқ.

УЧИНЧИ ВАСВАСА: ХУДО СЕНГА БЕФАРҚ ЭМАСЛИГИНИ ИСБОТЛА!

Кейин иблис Исони Қуддусга олиб борди. Уни Маъбаднинг энг юқори жойига чиқариб, шундай деди: Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, Ўзингни бу ердан пастга ташла. Ахир, ёзилган-ку: “Худо Сен тўғрингда фаришталарига амр беради, фаришталар Сени кўриқлайди. Оёғинг тошга қоқилиб кетмасин дея,

фаришталар қўлларида Сени кўтариб боради”. Исо иблисга жавобан деди: яна ёзилган-ки: “Эганг Худони синама”.

Луқо 4:9-12

Иблис:

- Сен Худонинг Ўғли эканингни исботлашинг учун кутишинг керак эмас. Мўъжиза қил - шу Маъбаднинг тоmidан пастга сакра, Сени кутқариш учун Худо юборган фаришталар Сенинг илоҳий Зот эканингни бир зумда исботлайдилар.

Исо:

- Нима учун Мен Ўз Отамни синашим керак?

Иблис бизни ўз шуҳратимиз ҳақида ўйлашга ва Худо бизни юксалтиришини кутмасликка ундайди. Иблис Исони учинчи марта васвасага солиб, ғазаблантирадиган савол беради: «Худо чиндан ҳам Сен ҳақингда қайғурадими?» Ва буни рад этиб бўлмайдиган даллилар билан текширишга Исони ишонтиришга уринади.

Иблис Исони тоmidан сакрашга даъват қилган Қуддусдаги Маъбад Худонинг хузури маскан қилган жой эди. Исо Ўзида Иммануэлнинг жисмоний қиёфасини намоён қилди, Иммануэл – “Худо биз билан” деган маънони билдиради, мана шу ҳақиқатнинг тантанаси сифати ҳар йили Мавлуд байрамини нишонлаймиз. Иблис Исони васвасага солиб, Худо Уни севишини ва ўлишига йўл қўймаслигини исботлаш учун Худонинг хузури мавжуд бўлган жойда Ўзини хавф остига қўйишга ундайди. Лекин илоҳиётшунос Генри Нувеннинг сўзларига кўра, Исо комиллик билан буни рад қилади.

Биз ҳар доим Худонинг иродасини Унинг режаларига мос равишда бажарамизми? Ўзининг асосий мақсадига эришиш учун бизни Худонинг йўлидан қайтаришга уриниш чоғида иблис Муқаддас Каломдан оятлар келтириши мумкин. Лекин Муқаддас Каломдан оят келтириш – бизнинг хатти-ҳаракатларимизнинг тўғрилигини тасдиқлайдиган сеҳр эмас. Иблиснинг васвасасига қарши туришни истаганлар Масих Худога итоат қилганидек, Худога итоат қилишлари лозим.

Иблис Исони васвасага солиб, Худонинг ҳимояси ишончли эканини текширишга ундайди ва Худо Каломининг тўғрилигини амалда исботлашни таклиф қилади. “Худони Ўз ваъдасини бажаришга мажбур қил”, - дейди иблис. Иблис Худонинг ваъдаларида севги билан мустаҳкамланган муносабатни эмас, балки ҳуқуқий битимни кўришимизни истайди. Худонинг шифо бериш бўйича Муқаддас Каломда берган ваъдаси ҳақида гувоҳлик берган воиз телевизор орқали шундай деган: “Мен Худони Ўз ваъдасини бажаришга ва бу Унга ёқадими, йўқми, мени шифолашга мажбур қилишга қатъий қарор қилдим!” Бундай сўзларни айтиш учун Худони ким деб ўйлаш керак?

Худонинг севгисига шубҳа уйғотувчи ёки Худо билан муносабат қилмасликка ундовчи васвасадан қандай кутулиш мумкин? Бунинг учун Унинг севгисига ишониш лозим, Унинг содиқлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин янада кучлироқ ишониш керак. Айни пайтда бошимизга қийинчилик тушса, аввалги қийинчилик вақтида Худо бизга қандай ғамхўрлик қилганини эсласак ва бизнинг кимлигимизни ҳамда нимага муносиб эканимизни Унинг Ўзи ҳал қилишига қўйиб берсак, биз бундан фақат ютамиз.

САБР-ТОҚАТЛИ БЎЛИНГ!

Баъзан барчамизга ҳам гўё Худо айрим ваъдаларини бажаришга кечикаётгандек ёки Унинг бошқарувини сўраб қилган ибодатимизга жавоб беришга шошмаётгандек туюлади. Ҳаётимизда маълум ҳодисалар биз истагандек тезда юз бермайди. Бу ҳолат Худога ёрдам беришимиз кераклигини билдирмайдими? Ёдимда, бир вақтлар кўпгина етакчилар рафиқам иккимизни қўллаб-қувватлаб, Худо бизнинг хизматимизни кенгайтирмоқчи эканини башорат қилишган. Ўша пайтларда биз жуда кичкина жамоатда ёшларга чўпонлик қилардик. Атрофимизда ҳар хил ёшлар бор эди. Ўша пайтларда ҳар хил, деярли нотаниш инсонлар билан гаплашардик, улар ҳам бир-бирларини танимасдилар, лекин бир

хил гапларни айтишарди. Бу эса бизнинг қалбимиздан илиқ жой олди. Лекин кейин ойлар, ойлар кетидан йиллар ўтди. Орадан ўн йил ўтиб, ҳар қандай холис гувоҳ ҳам бизнинг атрофдагиларга таъсиримиз нафақат ўсмай қолганини, балки сусайиб кетганини ҳам айтиши мумкин эди. Эҳтимол, биз ниманидир нотўғри эшитгандирмиз? Буларни ўйлаб, шундай хулосага келдим, рафиқам иккимиз бизга башорат қилишган руҳий осмонўпар бино Раббимиз томонидан белгиланган вақтда барпо қилинади, деб ўйлаган эканмиз. Лекин менинг уринишларимсиз ҳам бизнинг хизматимиз олдида янги эшиклар очилиши учун йигирма йил кутишга тўғри келди. Ҳозирда бу хизматни кимдир осмонўпар бино билан таққослайди, деб ўйламайман, лекин бир нарса аниқ-ки, қурилиш ишлари давом этмоқда.

Агар узоқ кутишга тўғри келса, Худонинг ваъдалари амалга ошишига ишониш осон бўлмайди. Саҳрода Исонинг иблис билан қилган суҳбати шуни кўрсатадики, васвасага дуч келганда Муқаддас Калом бизни даъват қилган нарсада қатъий туришни - *Худога ишонишни** ўрганишим лозим.

*Инглизча таржимада: *Худога мунтазир* бўл.

Исо хизматга киришишдан олдин ўттиз йил кутишга ва қирқ кун саҳрода рўза тутишга тайёр эди. Унинг ўрнаги бизни ҳам Отага шундай ишонишга даъват қилади. Исо бизга маълум вазиятларда энг яхши нарса кутиш эканини кўрсатди. Муқаддас Руҳ бизни шундай вазиятга соладики, унда қандайдир ҳаракат қилиш эмас, балки кутиш Худога ишониш бўлади. Ахир, Худодан бошқа ҳеч ким бизда, биз учун ва биз орқали амал қила олмайди. Худо вақтлар ва муддатлар устидан ҳукмронлик қилади, ҳамда мукамал бўлмаса ҳам буни муваффақиятли даражада уддалайди! Келажакни Худо кўра олганидек кўра олмаганимиз учун биз Унинг у ёки бу ҳаракатини тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида ҳукм чиқара олмаймиз. Биз ҳатто эртанги кунимизни ҳам кўра олмаймиз, лекин бизни кутиш ўрнига шошилишга ундайдиган вазиятларни жуда яхши биламиз. Лекин шошқалоқлик бизнинг тушунчамизни янада торайтириб, бизни ўзига хос руҳий сўқирга айлантира олади.

Носоғлом шошқалоқлик – бу васвасадир. Буни ҳал қилишда Худо билан муносабатимизни тасвирлайдиган жиҳатлардан бири сифатида Муқаддас Битикларда кўп ишлатиладиган ҳамда биз америкаликларга унчалик ҳам ёқмайдиган, ҳаракатни ифодалайдиган *кутиш* феъли ёрдам беради. Мана, Муқаддас Битикларда нима деб ёзилган:

Жонимиз Эгамизга мунтазирдир*, У бизнинг мададкоримиз, қалқонимиздир. Биз Муқаддас Худога умид боғлаймиз, У туфайли юрагимиз шодликка тўла. Эй Эгам! Ҳамон Сенга умид боғлаймиз, содиқ севгинг бизга ёр бўлсин.

Забур 32:20-22

*Инглизча таржимада: “Бизнинг қалбимиз Худога мунтазир”.

Умидсизлик бизни ўйламасдан, кўркув билан ҳаракат қилишга ундаган вақтда солиҳлик билан шошмасдан ҳаракат қилиш умидга тўла қалбимизда амал қилади. Биз кутганимизда Худо ҳақидаги, Унинг содиқлиги ва шартсиз севгиси ҳақидаги тасаввуримиз кучаяди. Шошқалоқлик эса тасаввуримизни хиралаштиради. Машиналар тез юрадиган катта йўлда атрофдаги гўзалликни кўра олмайман. Мунтазам равишда шошиб юрганда ҳам худди шундай бўлади. Бир сафар ёзда дадам ва акам билан Орегон штатида соҳил бўйлаб тўрт юз миль масофани 5 кунда босиб ўтганмиз. Велосипеднинг тезлиги атрофнинг гўзаллигидан баҳраманд бўлиш имконини берган. Автомагистралдаги тезлик йўлдан бошқа нарсани кўришга имкон бермайди. Велосипедда қилган бу саёҳатимиз мени ёрқин таассуротлар билан бойитди ва шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзининг катта имтиёзларга эга эканини яна бир бор исботлади.

Сабрли бўл, мунтазир бўл Эгамизга*, ғайирлик қилмагин йўллари
топганларга, фосиқ ниятларин амалга оширганларга. Ғазабдан ўзингни тий,
қахрдан қайтгин, ич-этингни ема, бу фақатгина зарарга олиб боради.

Забур 36:7, 8

Бошқаларнинг муваффақият қозонаётганини, ўзларининг фосиқ ва бузғунчи
ниятларини амалга ошираётганини кўриб, биз ҳам шошилишни истаб қоламиз. Жаҳл
билан ҳукм қилишга, ҳатто қасос олишга уринамиз. Ғазаб – қалбнинг шошқалоқлигидир.
Шошмайдиган қалб сабр-тоқатда намоён бўлади. Шубҳа – қалбнинг сабрсизлигини
кўрсатади. Тинчликка фақат хотиржамлик ва қалбнинг сокинлиги билан эришилади. Агар
ич-ичимдан Худо мени ҳимоя қилишига ва менга ғамхўрлик қилишига шубҳа қилсам,
шошилишни бошлайман. Ўшанда, бу ишни Худо қилишига ишонмаганим боис ўзимга
ўзим ғамхўрлик қилишга шошиламан.

Шунинг учун Эгам кутмоқда, сизларга шафқат кўрсатай деб. Мана У
кўзғалмоқда, Ўз меҳрини кўрсатай деб. Ахир, Эгам адолатли Худодир. Унга умид
боғлаганлар бахтиёрдир**.

Ишae 30:18

*Инглизча таржимада “Эгамиз билан хотиржам бўл, сабр билан Уни кут”.

**Инглизча таржимада “...Уни кутган барча бахтиёрдир”.

Мен ишонадиган Худо саҳийлигининг чегараси йўк. Қолаверса, бизга Ўзининг
меҳр-шафқатини кўрсатишни *истайди*. Агар Худонинг мени марҳаматлаши ҳақидаги
ҳақиқий истагига кўпроқ ишонганимда эди, муаммоларга ва қийинчиликларга дуч
келганимда кўркувдан титрамас эдим. Агар Худо менга қўлларим билан ушлаб қола
оладиганимдан ҳам кўпроғини беришни хоҳлашига ишонсам, нимагадир эришишга ва
эгалик қилишга шошилган бўлармидим?

Қалбимда айтаман: “Эгамдир менинг бор-йўғим, шундай экан, ёлғиз
Ундадир менинг умидим”. Эгамиз Ўзига умид боғлаганларга яхшилик қилади*,
Унга интилган ҳар бир жонга эзгулигини кўрсатади. Эгамизнинг нажотини тоқат
ила кутиш яхшидир.

Марсия 3:24-26

*Инглизча таржимада: “Уни кутганларга Эгамиз яхшилик қилади”.

Бу ўринда Еремиё ўзига ўзи мурожаат қилмоқда, менда ҳам ўзи билан ўзи
гаплашиш нотўғри эмаслигига ишонч ҳосил қилиш имкони бор эди. Эгам менинг бор-
йўғим, ҳар куни идишимни овқат билан тўлдирадиган У эканини ўзимизга эслатиб туриш
фойдадан ҳоли бўлмайди. Қалбим ўзини қайсар боладек ёки нодон ўсмирдек тутганида,
мен қалбимга гапиришим ва Худо ҳали бирон марта ҳам идишимни овқатсиз
қолдирмаганини, барча эҳтиёжларимни қондиришини эслатишим мумкин. Баъзан нима
учун ўзимни бундай тутишимни тушунмайман, гўё бу олам – мени “шведча дастурхон”
тизимда овқатлантирадиган ресторан-у, бу ресторан ҳозир ёпиладигандек, идишда эса
ҳеч нарса қолмагандек ҳис қиламан. Идишимга мен муҳтож бўлган барча нарсаларни Ўзи
солиб қўядиган Худога шошмасдан ишонишни ўргансам эди!

Амалда ўз-ўзига бундай гапириб туриш ўз фикрларига диққат қилиш лаёқатини ўз
ичига олиши мумкин. Ушбу руҳий амалиёт еттига (ёки саккизга) ҳалокатли фикрларга
алоҳида эътибор қаратган саҳро оталарининг кўп асрлик анъаналарига асосланган.
Уларнинг асосий ташвишлари гуноҳнинг ўзидан ҳам гуноҳга етакловчи ўй-хаёллар
бўлган. Муқаддас Калом мени “Ҳар қандай ўй-хаёлни Масихга бўйсундириб, асир
қилишга” чақиради (2-Коринфликлар 10:5), лекин агар мен ўз ўй-хаёлларимга қулоқ
солишни билмасам, бу маслаҳат бефойда. Агар онгим ўз ҳолича ишласа ва мен фикрлаш

жараёнида иштирок этмасам, тушмаслигим керак бўлган вазиятга тушиб қоламан. Гап шундаки, фикрларнинг барчаси ҳам менга тегишли эмас. Баъзи фикрлар Худо Рухининг илҳоми билан келади. Бошқалари эса иблиснинг васвасаси орқали келади. Фикрларимга диққат билан қарасам, уларнинг манбаи нима эканини англай оламан ва бу фикрларни қабул қилиш ёки инкор қилишга қарор қиламан.

Яқинда, бу китобнинг битта бобини чет эллик биродарларга ўқиб беришга тайёргарлик кўраётганимда безовта бўлиб, ўзимга ишончим йўқолди. Ўша заҳотиёқ, бундай ноқулай ҳолат маълум фикрлар туфайли пайдо бўлганини сездим. Мисол учун: *бу боб овоз чиқариб ўқишга мос эмас; ёки конференцияда китобдан оят ўқиш – вақтни беҳуда кетказиш; ёки ўйлаб кўр, таржимон ёрдамида ўқиш учун қанча вақт керак, бу кимга керак?* Бу фикрларга қулоқ солиб, уларнинг тушкун оҳангини ҳеч қандай қийинчиликларсиз аниқладим ва шу заҳотиёқ уларнинг манбаи Исонинг Рухи бўлиши мумкин эмаслигини англадим. Шундан кейин бу фикрларга “имон билан қатъий” қарши турдим ва биринчи қилган режам бўйича тайёрланишда давом этдим.

Тайёрланган оятни конференцияда ўқигач, унинг таъсири ёмон фикрларни қулоғимга пичирлаган натижадан тубдан фарқ қилганига ишонч ҳосил қилдим. Тингловчиларда қизиқиш пайдо бўлгани ўз вақтида Муқаддас Рухга қулоқ солиб, иблиснинг ёмон фикрларини фош қилганим тўғри бўлганини яна бир марта исботлади. Ҳозирнинг ўзида бошимизда қандай фикрлар бор? Уларнинг манбаини аниқлай оласизми?

Каломдан Худонинг ҳузурига ишониш ҳамда Унинг вақти келишини кутишнинг самарали эканига ишонч ҳосил қилишга ёрдам берадиган яна бир оятни кўриб чиқсак:

Эй биродарларим, Раббимиз Исо келадиган кунга қадар сабр-тоқат қилинглар! Ахир, деҳқон ҳам даласи мўл ҳосил етиштиришини кутади. У кузги ва баҳорги ёмғирни пойлаб, қанча сабр-тоқат қилади! Сизлар ҳам сабр қилинглар. Дадил бўлинглар, чунки Раббимизнинг келадиган куни яқинлашиб қолди. Биродарларим, маҳкум бўлмаслигингиз учун бир-бирингиздан шикоят қилманглар. Мана, ҳукм қилувчи Раббимиз Исо останада турибди!

Ёқуб 5:7-9

Қимматбаҳо ҳосил бир кечада униб чиқмайди. Биз ҳар доим ҳам Худонинг ваъдалари ҳосилини ўзимиз истагандек тезда йиғиб олмаймиз. Ҳа, ҳаёт заводдаги конвейрдан кўра, кўпроқ деҳқончиликка ўхшайди. Биз ҳаётда ҳосилнинг пишишини кутишимиз керак, чунки ҳаёт инъом қиладиган ёки мураккаблаштирадиган кўп жараёнларни бошқариш имкониятидан маҳрумимиз. Биз ёмғир, куёш, аёз, ўсимликлар касаллиги, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва бошқа кўплаб нарсаларга таъсир кўрсата олмаймиз. Ер ҳосил *беради*. Лекин ҳосил етилгунча кутмасдан уни ердан суғуриб олишга уринамиз.

Худо Ибромга Сорайнинг ўғил туғиши ҳақида берган ваъдасини эслайлик. Гап шундаки, Ибром ҳам Сорай ҳам жуда қариб қолишган ва оиласининг кенгайишига умид қилмай қўйишган эди. Шунинг учун бу ваъданинг амалга ошишини улар имконсиз деб ўйлашди. Ваъда берилганидан кейин орадан ўн йил ўтди ва Сорай Худога ёрдам бериш керак, деб ўйлади. У Ибромга ўз чўриси Ҳожар билан ётишни ва шу йўл билан ваъда қилинган болани дунёга келтиришни маслаҳат берди (қаранг: Ибтидо 16 боб). Лекин Ҳожарнинг Худо белгилаган вақт келишини тезлаштиришга уриниш натижасида дунёга келган, Исмоил деб аталган ўғли Исроил халқининг сон-саноксиз авлодлари учун доимий душман бўлган халқни бошқаради. Худони ҳисобга олмасдан, Унинг режаси амалга ошишини ва белгилаган вақти келиши кутмасдан ҳаракат қилиши ҳозирда ҳам нафақат Худонинг халқи, балки барча халқларга хосдир. Ибромнинг шошқалоқлиги беқиёс оқибатларни келтириб чиқарди. У “шошган одам Худони кечиктиради” деган ҳақиқатни тасдиқловчи аниқ ва фожиали ўрнак кўрсатди.

Худо билан юришнинг айна босқичида қайси фикрлар сизни васвасага солади? Ғазаб, шаҳват, мағрурлик, ҳасад билан курашиш сиз учун қийинми? Эҳтимол, шошма-

шошарликсиз ҳаёт тарзи сизга бундай ёмон фикрларнинг бефойда эканини тушунишингизга имкон берар? Ҳатто ўзингизни кимсасиз саҳрода ёлғиз қолгандек ҳис қилганингизда ҳам Унга ишонишингиз учун Худо сизга ғамхўрлик қилишни хоҳлашини англаб етишингизга нима ёрдам бериши мумкин? Худо сизни Ўз Шоҳлигида ҳаёт кечиришингизни исташи ва умрингиз бу дунёда ҳам акс этиши ҳақидаги шубҳалардан халос бўлишингизга нималар ёрдам бериши мумкин? Худонинг буюк севгиси ва ҳимоясига кўпроқ суяниш учун бугуннинг ўзида қандай амалий қадам ташлашимиз мумкин? Ички оламингиз тинчликка эришиш орқали қалбингиз бу оламни ҳам руҳан ҳам жисмонан идрок этишингизга ёрдам бериши учун ибодат қиламан. Руҳий кўзлар сизга Худонинг саҳий таъминотини, Унинг муқаддас даъватини ҳамда беқиёс севгисини кўра олишингизда ёрдам берсин.

ХУДО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ЎТАДИГАН СОАТЛАР

1. Агар шошқалоқлик – Худо сизга инъом қилишни истаган нарсаларни мустақил равишда олиш васвасаси бўлса, ҳаётингизнинг қайси соҳаларида бундай васваса борлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Унинг меҳр-шафқати ва инояти бу васвасани енгишингизда ёрдам бериши учун Худонинг олдида бу гуноҳингизни эътироф этишни хоҳлайсизми?
2. Қайси ибодатларингизга жавоб олишни ёки Худонинг қайси ваъдалари амалга ошишини кутяпсиз? Бу кутишлар қайси васвасалар билан ўтяпти? Худо Ўз ваъдасини бажаришини сабр билан кутишга даъват қилаётганини қаердан биласиз?
3. Иблиснинг учта васвасасидан (пул, ҳокимият ва шон-шухрат – Худонинг севгисига шубҳа) қайси бири бу босқичда сизга кўпроқ қийинчилик туғдиради? Бундай васвасаларни енгиб ўтган Исонинг намунаси сизга ёрдам бераптими?

5 БОБ ШОШИЛМАЙДИГАН СЕВГИ

Уйимиз яқинидаги светофор олдида яшил чироқ ёнишини кутиб турибман. Сўнгги пайтларда, шу жумладан ҳозир ҳам ўзимни хотиржам тутишга ва шошмасликка ҳаракат қиламан. Яшил чироқ ёнганини сезмай қолганимда орқада турган машиналар сигнал чалишади. Бу ҳолат шунчалик кенг тарқалганидан рафиқам иккимиз унга янги ном – *ясичал* сўзини ўйлаб топдик. Бу сўз *яшилга сигнал чалиш* сўзларининг қисқартмаси бўлиб, ҳайдовчининг олдида турган светофорнинг яшил чироғининг ёниши ҳамда орқангиздан жаҳл билан чалинган сигнал орасидаги сониянинг ўндан бирига тенг бўлган вақтинчалик ораликни билдиради. Ясичал – бу сабрсизлик дегани. Бу йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан оддий ҳушмуомалаликнинг йўқлигини билдиради. Ясичал – эпидемия кўринишига айланган сурункали ҳолат, лекин энг муҳими – севиш қобилияти йўқлигидан далолат беради.

Кимдир мени шикоят қиляпти, деб ўйлаши мумкин, лекин ортимга қараб: “Ҳой, сигнал чалувчи! Қаёққа шошяпсан, бир лаҳза сусткашлик қилганимни жиноят деб ўйлаяпсанми? Америка президенти билан учрашувга кеч қоляпсанми? Ёки жароҳат олган болани касалхонага олиб боришга шошиляпсанми?” (Охирги ҳолатдагина кулоқни қоматга келтириб сингал чалган кишини оқлаш мумкин.) Ҳар доим ҳам шундай бўлиши эҳтимолдан йироқ.

Бундай ясичал – шунчаки одат бўлиб, замонавий оламнинг муқаддас нақлларида олинган: вақт – бу пул, демак, шошқалоқлик – ўзига хос муқаддас хатти-ҳаракат. Агар шошқалоқлик севгининг йўлидан чиқиб қолса, ким йўл бериши керак: шошқалоқликми ёки севгими?

СЕВГИ ШОШИЛМАЙДИ

1-Коринфликлар 13 бобда ҳаворий Павлус севгининг хислатларини ҳамда унинг ажралиб турувчи жиҳатларини тасвирлаганида биринчи ўринда сабр-тоқатни тилга олган. Сабр-тоқат – шошқалоқликдан ажралиб турадиган фазилат бўлиб, биринчи ўринда тилга олингани ҳам севгининг шошмайдиغان моҳияти эканини яна бир бор тасдиқлайди. Сабр-тоқат осонликча таслим бўлмайди ёки дарров ўзини йўқотиб қўймайди. Кўнгилсизликнинг илк белгиси пайдо бўлиши билан қочиб кетмайди, хулоса чиқаришга шошилмайди ҳамда ноқулай ёки қийин вазиятлардан қочмайди. Бу ерда севги кўзга ташланмайди. Ҳаворий Павлус ўз мактубида сабр-тоқат сўзини ишлатган, мана шунинг ўзи севгининг бу сифати узоқ вақт қийинчиликларга бардош беришга тайёр эканини англатади. Сабр-тоқат яқин инсонга бўлган севги, унга ғамхўрлик қилиш орқали амал қилади.

Тарихчи ва файласуф Южин Розеншток-Хюссининг таъкидлашича, “бизнинг замондаги энг катта васваса сабрсизлик бўлиб, умумий маънода ҳам, асл маънода ҳам кутишдан бош тортиш, қийналиш, азоб чекиш дегани. Афтидан, замонавий жамият атрофдаги инсонлар билан ишончли ва мукаммал муносабат учун тўлов тўлашга тайёр эмас”. Севги қийинчиликлардан қочишга шошилмайди. Севги бизни эшитишда камтар, гапирганда ва жаҳл чиққанда оғир-босиқ қилиб қўяди. Биз ўзимизни тушунарсиз ҳис қилганимизда севги ўзимизни англашга туртки беради. Севги сабр-тоқатли.

Масалан, Муқаддас Битикларда тасвирланган Худо биздан ғазабланишга шошилмаслигини эслайлик. Лекин Унинг жаҳли чиқмайди, деб ўйлайсизми ёки Худо бироз шаштидан қайтган, деб ҳисоблайсизми? Худони инсон қиёфасида тасаввур қилсангиз, Уни қандай тасаввур қиласиз? Табассум қилаётган ҳолдами? Ёки ғазабланган ҳамда жаҳлдор қиёфада кўрасизми? Эҳтимол, тез-тез қилиб турадиган хатоларингиз ва қоқилишларингиздан жаҳли чиқиб, кўзларини осмонга тикиб турадими? Тўғрисини айтсам, ичимда бир овоз Худо баъзан сабрсиз эканини айтади. Унинг Каломини англашга ва Унинг иродасига итоат қилишга эътиборсизлик қилганимга қараб туриб, бирон

маротаба ҳам Унинг сабри тугаганига ишонмайман. Менга ўхшаган вайсаки киши ҳар қандай одамнинг сабр косасини тўлдиради. Лекин ҳаворий Павлус 1 Коринфликлар 13 бобда севгини сабр-тоқатли эканини таъкидлаган бўлса, демак, Худо – сабрли, шу жумладан менга нисбатан ҳам.

Ўтган асрнинг теологи, япониялик Косукэ Кояма Худонинг ер юзидаги шошма-шошарликсиз хатти-ҳаракатлари ҳақида доно сўзларни ёзган ва Унинг шошқалок эмаслиги сабабини шундай атаган:

Худо “секин” юриш қилади, чунки У – севги. Агар Худо севги бўлмаганида анча тезроқ ҳаракатланган бўларди. Севгининг ўз тезлиги бор: ички, руҳий тезлик. Бизга “секин” бўлиб туюлган бу тезлик бизга таниш бўлган технологик тезликдан фарқ қилади ва айнан шу тезлик бошқа барча тезликлар устидан ҳукмронлик қилади, чунки тезлик севги тезлигидир. Унинг мавжудлигини биламизми, йўқми, руҳий бўронни ёки хотиржамликни ҳис қиламизми, йўқми, севги қалбимизнинг тубида соатига уч миль тезликда ҳаракат қилади. Бу пиёдаларнинг тезлиги, шунинг учун Худонинг севгиси ҳам мана шу тезликда ҳаракатланади.

Севгининг тезлиги механик ёки технологик эмас, балки биологик тезликдир. Машиналар ҳамда технологик жараёнларда тез ҳаракатланиш ҳар доим яхши. Лекин севги масаласида бундай дея олмаймиз. Бироқ севгининг тезлиги доимий эканини ёдда тутиш лозим. Бу шошма-шошарликсиз, руҳий тезлик. Бир вақтнинг ўзида “шошилиш ва севиш” имконсиз. Кояма шундай деган: “Исо умуман шошилмаган! Уни қувиб ўтиб кетмаслик биз учун қийин... Исо танлаган йўл бизнинг назаримизда жуда узоқ, самарасиз ва машаққатли. Исо қийинчиликларни севги орқали енғади. Биз эса – пул орқали енғамиз”. Тезликни камайтириш ва пиёда кетаётган Исо билан ёнма-ён юриш ўрнига воқелар биз истаган тезликда ривожланиши учун Раббимиз қадамини тезлатишини хоҳлаймиз. Шунга қарамай, У белгилаган тезлик қандайдир фойдалилиги ёки биз айтгандек самарадорлиги билан эмас, ғамхўрлиги ва ҳушёрлиги билан ажралиб туради.

СЕВГИ УЧУН ВАҚТ ТОПИНГ

Йўлда жароҳатланган бегона кишига ёрдам берган самариялик инсон ҳақида Исо айтган машҳур масал атрофдагиларга ғамхўрлик қилиш учун етарли даражада шошма-шошарликсиз ҳаракат қиладиган инсоннинг ажойиб намунаси ҳисобланади.

Исо шундай жавоб берди: Бир одам Қуддусдан Ерихога бораётган экан, қароқчилар қўлига тушиб қолибди. Қароқчилар унинг кийимларини ечиб олиб, калтаклаб, чалажон қилиб ташлаб кетибдилар. Тасодифни қарангки, ўша йўлдан бир руҳоний кетаётган экан. У ҳалиги одамни кўрибди-ю, йўлнинг нариги четидан ўтиб кетаверибди. Ўша жойдан ўтиб кетаётган леви ҳам худди шундай қилибди. У ярадор одамни кўриб, йўлнинг нариги четидан ўтиб кетаверибди. Аммо ўша ердан ўтиб кетаётган бир Самариялик ярадор одамни кўриб, унга ачиниб кетибди. Унинг ёнига келиб, яраларига зайтун мойи, шароб суриб, боғлаб қўйибди. Сўнг уни ўз уловига миндирибди-да, меҳмонхонага олиб келиб, уни парвариш қилибди. Эртаси куни икки кумуш танга чиқарибди-да, меҳмонхона эгасига бериб: “Унга яхши қаранг, агар бундан ортиқ харажат қилсангиз, қайтишимда сизга тўлайман”, дебди. Сизнингча, ўша уч одамдан қайси бири қароқчилар қўлига тушган одамнинг яқини ҳисобланади? Тафсирчи: - Унга шафқат кўрсатган одам-да, - деб жавоб берди.

Луқо 10:30-37

Руҳоний ва леви маъбадда қурбонлик келтириб бўлганларидан кейин қайтиб келишлари мумкин эди, шунинг учун улар қурбонлик маросимини биринчи ўринга қўйишди. Уларнинг бутун фикрлари Худога хизмат қилиш билан банд эди, шунинг учун улар Худога содиқликларини сақлаб қолиш учун яраланган одамнинг ёнидан ўтиб кетишга шошилишди. Уларнинг йўлида учраган яраланган одамни улар ўзларининг

Худога хизмат қилишлари учун тўсиқ деб ҳисоблашди. Қолаверса, уларнинг кунлик иш жадвали шунчалик тўла эдики, яраланган одамга ёрдам беришлари учун бир дақиқа ҳам бўш вақтлари йўқ эди. Эҳтимол, улар бошқа бир диний маросимни амалга оширишга кеч қолишдан чўчигандирлар.

Келинг, бу воқеа бизнинг замонимизда қандай кўриниши мумкинлигини тасаввур қилиб кўрайлик. Айтайлик, бу одам иш билан Лос-Анжелесдан Лас-Вегасга йўл олган. У кун бўйи йўл юриб, кун ботганда катта йўлдан қайрилиб, айланма йўлда адашиб қолди. Шу пайт унинг машинасини безорилар гуруҳи ўраб олишди ва уни исканжага олишди. Безорилар уни йўлнинг четига тўхташга ва юкхонани очишга мажбур қилишди. Жиноятчилар уни ўласи қилиб калтаклашди, у эса раҳм қилишларини ёлвориб сўради. Улар қулишиб, бирон қимматбаҳо нарса топиш умидида унинг юкхонасини ва чўнтақларини титишди. Ниҳоят, улар калтакдан ҳушидан кетган одамни машина ёнида қолдириб кетишди.

Бироз вақтдан кейин шу йўлдан жамоат микроавтобуси ўтиб қолди. Микроавтобус ёшлар билан тўла бўлиб, улар ретритга шошилаётган эдилар. Йўл четида эшиклари ва юкхонаси очиқ, чироқлари ёниб турган машинани кўриб, масиҳийлардан бири нима бўлганини сўради. Бошқаси унга жавоб бериб, машина ёнида ерда нимадир ётганини кўрганини айтди, лекин ҳайдовчи уларга кеч қолаётганликларини ва тўхтай олмасликларини эслатди.

Кўп ўтмай, масиҳий коллеж ўқитувчилари билан тўла бошқа микроавтобус ҳам йўл четига ташлаб кетилган машинанинг ёнидан ўтди. Қоронғи тушган, автобусдаги олимлар ўз режаларини шижоат билан муҳокама қилишар, илмий ишларини ёзишларига имкон берувчи узоқ муддатли таътил яқинлашиб келаётганидан қувонишар эди. Улар Лас-Вегасдаги масиҳийлар конференциясига кетишаётган эдилар ва имкониятдан фойдаланиб, ҳали тугалланмаган илмий ишлари ҳақида ҳамкасблари билан бўлишишга шошилишарди. Улар суҳбатга шунчалик берилиб кетишгандики, йўл четида қонга беланиб ётган одамни кўришмади.

Ниҳоят, Ларри исмли йигит ўзининг эски машинасида шу йўлдан ўтиб қолди. У Лас-Вегасда бироз дам олиш учун кетаётганди, лекин шубҳали машина олдига етиб келганида, нима бўлганини билишга қарор қилди. Олдинда дам олиш куни бўлгани учун у ҳеч қаерга шошмаётганди, шунинг учун у машинасини бурди, унинг машинасининг чироқлари шубҳали машина ёнида қонга беланиб ётган одамга тушди.

Ларри тезда машинасидан тушиб, жароҳатланган одамни кўздан кечирди ва унинг жуда оғир аҳволда эканини англади. У ўз машинасидан тез тиббий ёрдам қутчасини олиб, жароҳатланган одамга биринчи ёрдамни кўрсатди. Ўзининг майкасини ечиб, қонни тўхтатиш учун ундан боғлам сифатида фойдаланди. Жароҳатланган одамни ўзининг эски машинасининг орқа ўриндиғига ўтказиб, йўлга тушди. Машинасининг ўриндиғида қон доғлари қолиши мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмади.

Аксига олиб, унинг йўлида биронта касалхона ҳам, тиббий бўлим ҳам учрамади. Жароҳатланган одамга ёрдам берадиган ҳеч нарса йўқ эди. Ниҳоят, Ларри эски мотелни учратди ва бир хонани ижарага олди. У хонадаги ягона каравотга жароҳатланган одамни ётқизди ва унинг ёнида қолиб, унга қараб турди. Ларри ўша ердан полицияга қўнғироқ қилди, тезда етиб келган полиция унинг сўзларига қараб, баённома тузди. Жароҳатланган одам бир ўзига келар, лекин яна ҳушидан кетарди, бу аҳвол тонггача давом этди. Ларри унинг ёнида, ерда ётди.

Эрталаб Ларри мотел хизматчисининг олдига бориб, юз берган ҳодисани сўзлаб берди. Кейин ҳамёнидан охириги пулларини чиқариб, хизматчига берди ва шундай деди: “Менда бори шулар. Бунинг камлигини биламан, лекин кеча тунда мен олиб келган одамнинг аҳволи ёмон. Уни бошқа жойга олиб боришга чидай олмайди. Мен уйимга бориб, кийим-кечак ва пул олиб келгунимча, унинг шу ерда қолишига рухсат беринг. Мен қайтиб келишга ва барча харажатларни қоплаб, бу одамни олиб кетишга ваъда бераман”. Хизматчи мотел иш бошқарувчисига бу ҳақда айтганда, у ҳам рози бўлди.

Бу воқеа чуқур маънога эга, у кулфатга учраган одамга ёрдам беришни хоҳламагани учун ўзини оқлайдиганлар ҳақидаги оддий ҳикоя эмас. Исонинг матали шуни яққол кўрсатадики, айнан шошқалоқлик бизга тўхташга ва Худо бизнинг ҳаёт йўлимизга қўйган ҳолдан тойган, жароҳатланган, адашиб қолган ва умидини йўқотган инсонларга эътибор беришимизга имкон бермайди. Биз олдинга қараб шошамиз. Бизда мақсад ва тўлиқ жадвал бор. Шунинг учун муҳтожликда қолган инсонлар биз учун ҳалақит берувчи ва ноқулайлик туғдирувчи ғов ҳисобланади. Албатта, ҳаммани севиш, маслаҳат беришнинг иложи йўқ, лекин Исонинг амрлари нима бўлади? Раббимиз ва Нажоткоримиз бизни йўлимизда учраган одамларга ғамхўрлик қилишга ўргатган. Инсонга яқин бўлиш унга севги кўрсатиш имконини беради.

КУТИЛМАГАН ҚАҲРАМОН

Энди Исо Ўз маталида тилга олган, Ериходан Қуддусга бориш учун хатарли, қолаверса, Қонли йўл деб аталган йўлдан кетаётган самариялик қаҳрамонга назар ташлайлик.

Яхудийлар самарияликларни асл яхудийлар эмас (яъни, улар маҳаллий аҳоли билан турмуш қурган яхудийларнинг авлоди), яхудийлар қонини булғаган муртадлар, деб ҳисоблашган. Яхудийларнинг назарида самарияликлар бевафо, камситилган ва нопок эдилар. Лекин жароҳатланган инсонга нисбатан шошмайдиган севгининг исботини биз айнан самарияликнинг қилган ишида кўрамиз.

Самариялик киши жароҳатланган одамни кўриб қолди. Руҳоний ва леви жароҳатланган одамни кўрди, лекин аҳамият беришмади. Севги эътиборли бўлиш ва кўрган нарсага бефарқ бўлмаслиги билан ажралиб туради. Севги – қалбимизни жароҳатлайдиган нарсалардан юз ўгирмайди.

Самариялик киши жароҳатланган одамга ачинди. Унинг ёнидан ўтиб кетган яхудий уламолар бегона одамнинг азобига эътибор беришмади. Улар яраланган одамга ачинишмади, ҳатто эътибор беришмади. Самариялик киши эса бундай қилмади: у нафақат ачинди, балки амалий ёрдам кўрсатди.

Самариялик киши яраланган одамга яқинлашди. Руҳоний ва леви айланиб ўтиб кетишди. Самариялик ўша кишининг ҳам яхудий уламолари сингари муҳим ишлари йўқ эди, деб ўйлайсизми? Лекин унинг режалари жароҳатланган одамга севги кўрсатишига ҳалақит бермади. Муҳтожликда қолган инсонни кўрганда севги ўз ишларини унутади. Севги бефарқларча ўтиб кетмайди. *У Жароҳатланган одамга яқинлашди ва у индамай ўтиб кетди* иборалари бутунлай бир-бирига қарши маънони билдиради. Севги яқинлашиш ва ёрдам бериш учун вақт топади.

Ҳикоя айтиш бўйича яхудийлар анъаналарига кўра, ҳикоянинг қаҳрамони айнан руҳоний бўлиши керак. Бироқ биз бунинг аксини кўряпмиз: кўз олдимизда виждонсиз, эҳтимол кўрқиб кетган одам намоён бўлади. У чалажон одамга ҳукм/кўрқув назари билан қаради. Ким билади дейсиз, балки унинг ҳаёлига *бу одам гуноҳкор бўлиб, шундай аҳволга муносиб ёки руҳий уламолар йўлдаги бундай нарсаларга эътибор бермасликлари керак*, деган фикр келгандир. Унга яқин келиш ўрнига, руҳоний уни айланиб ўтиб кетди. Унинг юзида қочиш усули – шошилишнинг энг яхши усули акс этган. Инсонга эътибор бериш бошқа. Бунинг учун кўп вақт керак эмас. Шошқалоқлик шунчаки назар ташлаш билан чекланади. Севги эса диққат билан қарайди ва кўпинча, чора топиш учун кўпроқ вақтини сарфлайди. Руҳонийдан фарқли равишда самариялик киши жароҳатланган одамга ҳукм назари билан эмас, балки раҳм-шафқат назари билан қараган. У фалокатга учраган инсоннинг азобларини қалбан ҳис қилди ва бағритошлик қилмади.

Самариялик киши жароҳатни мой ва шароб билан ювди. Самариялик киши жароҳатланган одамга ёрдам беришга ва унга ғамхўрлик қилишга уринди. Унинг ёрдами шунчаки шошилиб қараш ва яраларни боғлаб қўйиш билан чекланмади. У жароҳаланган одамни ҳаётга қайтаришга ҳаракат қилди. Севги яқин инсонлари билан боғлиқ харажатларни ўз зиммасига олишга шай бўлади.

Самариялик киши жароҳатланган одамни энг яқин меҳмонхонага олиб келди. Самариялик киши уни атрофдаги меҳмонхонага олиб келиш учун анча вақтини сарфлади. Меҳмонхонагача бўлган масофа қанчалигини ва бунинг учун қанча вақт керак бўлганини ҳеч ким билмайди. Севги ғамхўрликни вақт билан ўлчамайди. Самариялик киши ташаббус кўрсатиб, ярадор одам учун узоқ йўлни босиб ўтди.

Самариялик киши туни билан ярадор одамга ғамхўрлик қилди. Самариялик киши ярадор одамга қарашни бошқа биронтасига топшириши мумкин эди, чунки биринчи асрда ҳам бундай хизматларни қиладиган моҳир мутахассислар бўлган. Ярадор одамга биринчи ёрдамни кўрсатганидан кейин, у бу ишни бошқа кимгадир топшириши мумкин эди, лекин у бундай қилмади. Самариялик киши у билан меҳмонхонада қолиш ва унга ғамхўрлик қилиш учун етарли даражада сабрли бўлди. Кутилмаган бу тўхталишлар унинг режаларига таъсир кўрсатган бўлиши керак. Мисол учун, ўша тунда кимдир уни уйга қайтиб келишини кутгандир. Севги туфайли самариялик киши кун тартибдаги қайсидир режасини бекор қилишига тўғри келди?

Жароҳатланган одам қулай жойда дам олиши ва соғайиб кетиши учун самариялик киши ўзининг икки кунлик даромадини берди. Самариялик киши жароҳатланган одамнинг яралари битиши учун керагича вақтини сарфлади. Афсуски, кўпинча менга сабр-тоқат етишмайди. Атрофимдаги қийналаётган инсонлар тезроқ тузалишини истайман, чунки улар ўзларининг муаммолари билан мени кўмиб ташлашади, шундоқ ҳам ўзимнинг ишларим тиқилиб ётибди. Лекин бугун Худо мендан нима ишташини англашим жуда муҳим. Ўз режаларимни амалга оширишим чиндан ҳам муҳимми? Худонинг назарида бу режаларим шунчалик муҳимми? Ўз ҳаётимга қайтишим ва уни назоратда ушлаб туришим яқинларимга бўлган севгидан ҳам муҳимми?

Эътибор беришимиз лозим бўлган яна бир тафсилот: афтидан, бу ҳикояда тилга олинган меҳмонхона эгаси иккинчи даражали инсон бўлмаган. Агар мен меҳмонхона хўжайини бўлганимда, эҳтимол, ўлим тўшагида ётган одамга меҳмонхонамда қолишига рухсат бермаган бўлардим. Лекин меҳмонхона эгаси тошбағир бўлмаган, ахир у руҳоний ёки левидан кўра кўпроқ фойдали иш қилди.

Самариялик киши қайтиб келишни режа қилди. У қароқчилар қўлида жароҳатланган одамнинг аҳволини ва қандай тузалаётганини ўз кўзлари билан кўриш учун қайтиб келишни режалаштирди. Қолаверса, самариялик киши ярадор одамнинг меҳмонхонада яшаши билан боғлиқ бошқа барча харажатларни ҳам тўлашга тайёр эди. У ярадор одамнинг соғлигига эътиборли бўлди ва яқин инсонига чин юракдан ғамхўрлик қилишда сабрли бўлди.

Исо тафсирчидан: “Сизнингча, ўша уч одамдан қайси бири қароқчилар қўлига тушган одамнинг яқини ҳисобланади?”, деб сўраганида, тўғри жавоб учун ҳеч қандай шубҳа қолмаганди. Лекин тафсирчининг “самариялик одам” деб айтишга тили бормади. Шунинг учун у “Унга шафқат кўрсатган одам-да”, деб жавоб берди. Тафсирчи *самариялик кишини* одам сифатида кўрмаган, шунинг учун самарияликни яҳудий уламолардан ҳам шафқатлироқ бўлиб чиққанини тан олишни истамади. Исога: “Менинг яқиним ким?”, деб савол берган бу тафсирчи ҳақиқатни билиш ва ўзидан бошқа кимгадир ғамхўрлик қилиш эмас, балки ўзини оқлаш мақсадида сўраган эди.

АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАКМИ ЁКИ ЙЎҚМИ?

Мен самариялик кишининг намунасига амал қиляпманми? Ёки аксинча, Худога хизмат қилиш билан боғлиқ кундалик режаларимни амалга ошириш учун шунчалик шошганимдан муҳтож инсонларга ғамхўрлик қилиш учун бўш вақтим қолмайдими? Эҳтимол, сиз билан бизнинг кундалик турмушимизда бундай вазиятлар бўлмас, лекин агар шундай вазият бўлиб қолса, мен индамай ўтиб кетишни маъкул кўрган бўлардим. Бизнинг ёрдамимизга фақат жисмоний азоб чекаётганларгина муҳтож эмас. Калтакланган одамнинг ўрнида руҳан эзилган одам бўлиши ҳам мумкин. Кундалик режаларимдан четга чиқмаслик учун наҳотки ўша одамга яқинроқ келиб қараш ўрнига индамай ўтиб кетсам?

Худонинг хизматини ҳамда руҳий даъватимнинг муҳимлигини баҳона қилиб, шундоқ олдимда турган инсонларга севги кўрсатиш учун Худо берган имкониятдан фойдаланмаган пайтларим бўлганми?

Шуниси аниқ-ки, бу ҳақиқат такрорлаб туришга арзийди: севги шошқалоқлик қилмайди. Ахир, энг муҳим амр – Эганг Худони ва яқинларингни сев, деган амр бўлса ва ҳақиқий севги сарб-тоқатли бўлиб, шошқалоқлик қилмаса, бизнинг шошқалоқ ҳаёт тарзимиз ўйлаганимиздан ҳам қимматроққа тушаётганини тан олишимиз керак эмасми? Аввал айтиб ўтилганидек, Исонинг энг муҳим амри илк амр бўлиб қолаверади. Бундан муҳимроқ ҳеч нарса йўқ. Уни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Худо – севги. Тамом-вассалом. Севги нима эканини биламизми ўзи? Севишга қодирмизми? Севги – ҳаётимизнинг мақсади ва маъноси. Севгидан муҳимроғи йўқ. Бизнинг Худо назаридаги қадримиз ёки аҳамиятсизлигимиз севги орқали белгиланади. Севги абадийдир. Севги биздан шошма-шошарликсиз маромда ҳаёт кечиришни талаб қилади.

Жамоат журналида берилган бир мақола ёдимда, унда ёзилишича, шошилиш сўзи спортга оид *силташ* атамаси билан таъкидланган. Бироқ бу шошмайдиган севгига оид ҳаёт тарзига умуман мос келмайди. Биз, Масихнинг издошлари, У яшагандек яшашни билмаймиз. Биз эса Масих билан муносабатимиз орқали қилган ишларимиз солиҳ ва мўл-кўл самара келтиришини истаймиз. Исонинг ҳаёти ва хизмат тарзига унчалик мос келмаган беҳуда бандликлардан халос бўлишимиз мумкинми?

Бундай ҳаёт тарзига эришиш учун ёлғиз уриниш керак эмас. Худонинг севгиси ҳақида шошмасдан ўйлаб кўрганимда, Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 1-боб, 10-11 оятлари ёдимга тушади: “Калом дунёда эди, дунё У орқали яратилганди, бироқ дунё Уни танимади. У Ўз юртига келди, лекин Ўз халқи Уни қабул қилмади”. Бу олам Исо орқали яратилган, лекин дунё Исони танимади. Исо бу дунёни Ўз бағрига олди, лекин ундан дўстона кутлов кутмади. Худо билан кундалик муносабатимда Исони таниб-билиб боряпман, деб айта оламанми? Масихни йўл, ҳақиқат ва ҳаёт деб тан оламанми ёки қолдириб бўлмайдиган ишларим туфайли Унинг менга бағрини кенг очиб турганини сезмайманми?

Биз масихийлар *Исони қабул қилиш* атамасини нима билан боғлаймиз? Ўтмишдаги бирон воқеа яққол тасаввуримизга келадими? Ёки Худо билан доимий ва шошмасдан мулоқот қилиш даъвати сифатида янграйдими? Бошқача айтганда, Исони қабул қилиш биз учун нима – диний келишувми ёки севги билан бағрига босишми? Мен Худонинг бағрида ором олишни ва бунга жавобан ўзим ҳам Уни қучишдек қучли истакни ҳис қиламан. Унинг барча ишларини кўра олиш ва уларни қувонч билан қабул қилиш учун ички тинчликка эга бўлишни хоҳлайман. Худонинг инояти билан берилган меъёрий ҳаёт тарзи билан яшашни ўрганаётган вақтимда Унинг ҳузурини ҳаётимда англашни истайман. Лекин аввалги масихийча тажрибам мен юқоридан туғилишга Худо билан бирга ўтадиган олис сафар деб эмас, балки ўтмишда содир бўлган ҳодиса сифатида қарашга ундайди. Шунинг учун Худо ҳақидаги тушунчамни кенгайтиришга ҳаракат қиламан. Худо мени нодонликдан, руҳий сўқирлик ва гарангликдан халос қилишига мухтожман.

Яшаб ўтган умр йўлларига назар ташлаб, масихий муаллиф Генри Нувен шундай деган:

“Тўсиқлар – менинг ишим эканини англаб етгунимча, доимо ишда тўсиқларга дуч келишим тўғрисида бир умр шикоят қилиб келганман”.

Шошқалоқлик билан ҳаёт кечириб, биз Худонинг даъватини эшитмай қоламиз ва буни англамаган ҳолда Худо берган имкониятларни қўлдан бой берамиз. Биз Худога беҳуда хизмат қилишга шунчалик берилиб кетганмизки, ҳар қадамимизда Муқаддас Рух бизга белгилаган муҳим учрашувларни ўтказиб юборамиз. Фикримча, йўлимизда учраган инсонларга ғамхўрлик қилиш, далда бериш, қўллаб-қувватлаш каби оддий ишларда Масихдан ўрнак олишимиз учун ҳар бир кунимизда туғиладиган имкониятлардан маҳрум

бўляпмиз. Биз шунчалик тез ҳаракатланамизки, ҳатто тўхташга ва кимнингдир ҳаётида иштирок этишга ҳамда Худонинг севгисини кўрсатишга улгурмаймиз.

Аслида ўзаро муносабатлар шошмаслик сабабли ривожланишини англаб етдим (яқинда бошқа мамлакатга қилган сафарим чоғида бунга яна бир бор амин бўлдим). Мен Доминикан Республикасида масиҳий етакчилар учун ўтказилган тўрт кунлик ретритда қатнашиб, уйга қайтиб келган пайтимда бу сатрларни ёздим. Дастурга киритилган, Худо билан ёлғиз сукунатда қолиш учун ажратилган тўрт соатлик ретрит бу етакчилар учун ноодатий тажриба бўлди. Худо билан ўтказилган шошма-шошарликсиз вақт уларга Худо хузурининг яқинлигини англаб етишларига ёрдам берди. Худо билан ёлғиз вақт ўтказиш уларга бир-бирларига севги назари билан қарашларига имкон берди, бунга ўзим гувоҳман. Бу масиҳий етакчилар ҳеч қандай махсус ҳаракатларсиз руҳий уюшмага айланишди; бу шунчаки Худо билан шошма-шошарликсиз вақт ўтказиш натижасида юзага келди. Етакчилар олдиларига масиҳийлар жамияти тузиш вазифасини қўйишмади; улар шунчаки Худони қидиришди, чуқур бирдамлик туйғуси эса мана шундай кутилмаган, бироқ исталган руҳий изланиш натижасида пайдо бўлди.

Севги сабр-тоқатлидир. Севги шошқалоқлик қилмайди. Худди Худо билан бўлганидек, атрофдаги инсонлар билан ҳам муносабатни ривожлантириш учун шошмаслик керак. Бир ойда икки маротаба ярим кундан вақтимни шунчаки Худо билан ёлғиз ўтказишга ажратиш орқали Унинг менга бўлган севгиси учун яна эшик очишимни ва Унга суянишга бўлган шайлигимни янгилашимни англадим. Бу яқинлик туйғуси қалбимга мустаҳкам ўрнашиб, ҳаётимни тўлдирди, уни тўлдирган Худонинг севгиси эса менга бошқаларни севиш лаёқатини берди.

Мен яна шуни англадимки, рафиқам Жем билан шошмасдан ўтказилган соатлар бизнинг ўзаро муносабатларимизни янада яхшилар экан. Доимий шошқалоқлик туфайли муносабатларимиз юзаки бўлиб қолганида, фақат амалий мақсадни кўзлаганида, беғубор ҳазил қилишни ёки самимийликни унутганимизда, бизнинг севгимиз ўз жозибасини йўқотади. Шунинг учун биз вақти-вақти билан куннинг бир қисmini узоқ ва шошма-шошарликсиз сайр қилишга ажратамиз, иккаламиз соҳилда ўтирамиз, шошмасдан овқатланамиз ёки машинада ҳеч бир мақсадсиз аста сайр қиламиз. Ҳар қандай муҳим ишларни унутамиз ҳамда бир-биримиздан завқланамиз. Сухбатлашамиз. Тинглаймиз. Ҳеч қаерга шошмаймиз. Ҳеч қандай қарор қабул қилмаймиз. Худо бизга нима тайёрлаб қўйган бўлса, барчасини қабул қиламиз. Худонинг ажойиб иноятларидан биронтасини ҳам ўтказиб юбормаслик учун кўзларимизни, қулоқларимизни ва қалбимизни очик ҳолда ушлашга ҳаракат қиламиз.

ТЕЗ ЮРИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН ТРАССАДАН БОШҚА ЙЎЛГА ЎТИНГ

Худоба қулоқ солиб, ҳар бир дақиқаси аниқ тақсимланган жадвалимдан четга чиққанганимни ҳеч қачон унутмайман. Семинар ўтказаётган пайтимда жамоатга шошаётган эдим. Ўша куни ҳам ҳар доимгидек кўплаб учрашувлар белгиланган эди, чунки маърузаларим бир вақтнинг ўзида ҳам талаба, ҳам чўпон бўлишга уринган даврларим ҳақида эди. (Ҳар жойда ҳозир бўлиш ҳаёлидан халос бўлганим билан мақтана олмайман.) Тез юриш лозим бўлган трассада бир соатлар юрганимдан кейин манзилга деярли етиб келган эдим. Трассадан қайрилишим керак бўлган бурилишгача бир неча миль масофа қолганда ичимдан қандайдир овозни эшитдим: “Ҳозирок трассадан четга чиқ”. *Бу овоз қаердан келди? Худойим, бу Сенми? Жамоатда мени бир талай ишлар ва учрашувлар кутиб турибди.* Бу тақлиф менда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмаган бўлса ҳам мен овозга қулоқ солдим ва энг яқиндаги, деярли ҳеч ким фойдаланмайдиган бурилишдан қайрилдим. Энг яқиндаги бурилиш жойи фақат чапга томонга бўлиб, ўша жойдан қайрилганимда олд капоти очик турган машинага кўзим тушди. Унинг ёнида биронта ҳам машина йўқ эди, трассадан эса бу машина кўринмасди. Мен ҳайдовчидан “ёрдам керакми?” деб сўрадим. У аккумулятор ўтириб қолганини айтди. Юкхонамда эса бундай вазиятларда қўл келадиган сим бор эди ва мен бемалол бу машинани юргизишим мумкин

эди. Қайси биримиз омадли эканимизни тасаввур қилиш қийин. Шошқалоқликдан воз кечиш орқали мен бошига ташвиш тушган одамга ёрдам бериш имконига эга бўлдим. Жамоатдаги идорада мени кутиб турган ишлар бундан ҳам муҳимроқ эканига ишонмайман.

Ҳар доим мана шундай ноодатий йўл билан бўлмаса ҳам бизга бошқаларга ёрдам қўлини чўзиш имконияти берилади. Худо бизни трассада қайрилишга даъват қилаётганига шубҳа йўқ. Бурнимизнинг остида бошқаларга ёрдам бериш имкониятлари мавжуд, уларни пайқаш учун бошимизни буришимиз шарт эмас. Айниқса, шошиб турганимизда, биз тўсиқ деб ҳисоблаганларимиз, аслида шошилмаслик шарти билан бошқаларга ёрдам бериш имкониятидир. Шошилмаслик маълум даражада бизни ҳамма нарсаларни назорат қилиш истагидан халос қилади ва шундай имкониятларни кўриш имконини беради. Саволни кўндаланг қўяман (аввало ўзимга): “нима қилишимиз” кераклиги ҳақида юзаки фикр қилганимиз туфайли Худонинг топшириғини айланиб ўтиб, кетишимиз мумкинми?

САМАРАДОРЛИК МАЪБУДАСИ

Тан олишим керак мен ҳаётдаги, одамлар билан ўзаро муносабатлардаги ва хизматдаги самарадорликнинг аҳамиятини бўрттиришга мойилман. Бунга мисоллар жуда кўп: масалан, самарадорлик маъбудасига сажда қилишим энг муҳим амр – Эганг Худони бутунг қалбинг билан сев, ўзгаларни ўзингни севгандек сев, деган амрга амал қилишимга ҳалақит беради. Шу жойда Жераль Мэйнинг сўзлари ёдимга тушади: “Баъзи одамлар самара келтиришга шунчалик берилиб кетишадики, севги улар учун ҳашамат ёки ҳаттоки самарадорлик йўлидаги тўсиқ бўлиб туюлади. Агар четдан назар ташланса, ажойиб ишбилармонлик сифатлари билан ажралиб турадиган, дўстона муносабатлари билан мактана олмайдиган одамлар учун бундай ёндашув ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини сезасиз”. Албатта, мен ҳиссиз меҳнаткаш бўлишни истамайман: “Ҳа, бу йигит умуман олганда ўзидан бошқа ҳеч кимни ўйламайди!” Ўзаро муносабат чалкаш ҳамда доимий бўлмаслиги мумкин, лекин Хушхабарнинг моҳияти – севги муносабатларидир. Самарадорлик тилига таржима қилганда, севги ўз вақтини қурбон қилишга тайёр, деб айтиш мумкин.

Мисол учун, тартибли инсон сифатида мен учрашувга ўз вақтида ёки бироз эртароқ келишни маъқул кўраман. Бу нарса вақтни қадрлайдиган инсоннинг одати. Бу борада рафикам жуда беғам. Тўйимиздан аввал жуда кўп марта шундай вазиятлар бўлганки, агар ҳозироқ йўлга тушмасак маросимга кеч қолишимизни билиб, кетишга тайёр бўлганимда, ўзим севган аёлим ҳақида ёқимсиз фикрлар пайдо бўлган. Мен бутун ҳаётим давомида менга ҳамроҳлик қиладиган жуфтим ҳақида эмас, балки маросимга (мен бошловчилик қилмайдиган, шунчаки қатнашадиган) кеч қолмаслик ҳақида ўйлаганман. “Мен ҳақман, у эса ноҳақ”. Унчалик ҳам севгига ўхшамайди, тўғрими? Ҳаёлимга мунтазам равишда шундай фикрлар бериб турадиган бу механизм мени ўзгаларга ҳақиқий ва самимий ғамхўрлик қилишимга катта тўсқинлик қилади.

Иккинчи Жаҳон Уруши даврида самарадорликнинг севги устидан беҳад миқёсда устун келганлиги ҳақидаги фашистларнинг нохуш ҳисоботларини эсга олайлик. Улар газ камераларининг фаолиятини кучайтириш ва маҳбусларни йўқ қилиш жараёнини тезлаштириш имкониятлари билан фахрланганлар. Улар «чин юракдан» бажарадиган ишларининг «қойилмақом адо этилиши» муҳимлиги ҳақидаги фикрга қандайдир маънода ўзларини ишонтиришган. Албатта, буларни ўзаро таққослаб бўлмайди, лекин бизнинг шошқалоқчилигимиз атрофимиздаги одамларга ёрдам бериш ўрнига зарар келтириши мумкинми?

Мен самарадорликка берилган пайтимда мақсадга эришиш йўлида севги ўзини ортиқча ҳис қилишини сездим. Орангизда маълум вазифага алоқадор бошқа одамлар билан дўстона муносабатда бўлмай туриб, ўша вазифани муваффақиятли бажарганлар борми? Агар севги сабр-тоқатли бўлса-ю, масиҳий сифатида мен сабрли бўлмасам, барча

муаммоларимнинг асл сабаби шунда эмасми? Қандай қилиб сабр-тоқатсиз ёки меҳр-шафқатсиз ҳақиқий масиҳий бўлиш мумкин? Ҳатто итоат қилиш умуман самара бермайдигандек бўлиб туюлганда ҳам биринчи ва энг муҳим амрга итоат қилиш муҳимлигини бизнинг қалбларимиз яхши англаб етмайди. Баъзан хизматнинг муҳимлиги ва хизмат вазифаларига берилиб кетиб, шошқалоқлик оқибатида ҳақиқий хизмат қилиш имкониятларини қўлдан бой берамиз. Юқорида берган саволимни яна такрорлайман: Худонинг иродасини тор доирада идрок қилиб, шошқалоқлик билан Худо биз учун тайинлаган ишларни эътиборсиз қолдирмаяпмизми?

“Агар биз кўпроқ севги кўрсатсак, - дейди Мэй, - самарадорликнинг одатий мезонлари ўз ўрнини бўшатади. Агар кўпроқ севги кўрсатишни истасам, айрим ишларда самарадорликка унчалик эътибор бермаслигимга тўғри келади”. Кўпроқ севги кўрсатиш учун самарадорлигимни сусайтиштиримга тўғри келса-чи? Мен бунга тайёрманми? Агар ўз-ўзимга бўлган ишончим муваффақиятларимга ҳамда эришган натижаларимга боғлиқ бўлса-чи? Бу ҳолат тинч ва осойишта ҳаётга бўлган севги йўлидаги бартараф қилиб бўлмайдиган тўсиққа айланмайдими?

Бу китобда тилга олинган шошқалоқлик сурункали ва йўқ қилиб бўлмас ҳолга айланса, тез орада у ҳақиқий касалликка айланади. “Subversive Spirituality” китобида Пол Женсен вақтга нисбатан нотўғри муносабат туфайли келиб чиққан уч турдаги патология ҳамда уларнинг оқибатлари ҳақида айтиб ўтган:

- *Вақтнинг танқислиги* – вазифаларимизни ва ишларимизни қилиш учун вақт етишмаслик ҳисси.
- *Вақтнинг кескин етишмаслиги ёки сабрсизлик* – вақтнинг танқислиги ҳисси одатий ҳолга айланганда юзага келади, бунинг натижасида доимо шошилиш ёки қилаётган барчи ишларимизда иш суръатини оширишимизга тўғри келади.
- *Шошилиш касаллиги* вақтнинг кескин етишмаслиги оғир ва сурункали ҳолатга айланишида юзага келади ва инсоннинг шахсиятини ҳамда ҳаёт тарзини ўзгартириб юборади.

Женсен вақтнинг бу патологиялари ўзаро муносабатларга салбий таъсир кўрсатишини таъкидлайди, чунки “соғлом муносабат яратиш ва уни сақлаб қолиш учун вақт керак. Вақтнинг танқислиги муносабатнинг сифатига ёмон таъсир қилади; бу таъсир муносабатни бузиши ва ёлғизликка олиб келиши мумкин”. Шошқалоқлик текис жойда ҳам муаммо келтириб чиқаргани учун мен ўзгаларга ғамхўрлик кўрсата олмайман. Худонинг севгисига тўлиш ва уни атрофимдаги инсонларга самимий улашиш ўрнига уларга нима учундир ўзимча масиҳийлик хизмати деб атайдиган “хайрли ишларни” қилишга тўсқинлик қиладиган ғов сифатида қарайман. Хўш, менинг яқиним ким – тўсиқ ёки имконият?

Агар ўзгаларга бўлган севги – уларга ғамхўрлик қилиш имконияти бўлса, унда мен “вақтни секинлаштириш”ни ўрганиш орқали фақат ютаман. Рафиқам иккимиз бемалол тушлик қилиш, суҳбатлашиш ва бемалол завқланиш учун ойда икки марта бир оила билан учрашамиз. Ҳар бир дақиқаси режалаштирилган жадвал бизга ҳалал бермайди. Бундай учрашувлар мажбурият юзасидан бўлмайди. Биз шунчаки тушлик қиламиз, суҳбатлашамиз, муаммоларимиз ва уларнинг ечимларини муҳокама қиламиз ҳамда биргаликда Худонинг ҳузурида бўламиз. Худо Руҳининг бошқарувига бутунлай очиқ бўламиз. Ҳатто биз кутгандек бўлмаса ҳам бу вақт марҳаматли вақт ҳисобланади.

Бу китобни ёзиш устида ишлар эканман, хонамнинг деразасидан ташқарига қараб, осмонда учиб юрган денгиз қушларига қарайман. Уларга қараб туриб, уларнинг қаергадир шошаётгани ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Улар гоҳ тўлқинлар ичра сувга шўнғийдилар, гоҳо шамол билан ўйнагандек, осмонда сузиб юрадилар. Улар ҳеч қаерга шошмайдилар, ташвиш қилмайдилар! Ҳаётимда сал кўпроқ севги борлигини англашим учун ўзимни бироз эркин қўйишимга нима ҳалақит беради? Менинг ҳаёт тарзим жуда кам ҳолларда енгил шабадани эслатади, аксарият ҳолларда эса ҳақиқий тўфонни ёдга солади. Наҳотки,

Исо мени шундай бўронга ғарқ бўлишга даъват қилган бўлса? У менинг хизматга бўлган садоқатим мана шундай ҳалокатли миқёсда бўлишини хоҳлайдими? Худонинг хизматида шундай бўронли фаолият олиб боришим учун менга бундай илҳомни У берганми?

Эҳтимол, кундалик ҳаётимдаги тартибсизликларни бироз тартибга солиш орқали Худонинг севгисини кўрсатишим учун Худо мен учун ато қилган, лекин шошганда эътиборсиз қолдирган имкониятларни кўра оларман. Кундалик ҳаётимда бирон яхши гап айтишим ёки бирон яхшилик қилишим мумкин бўлган вазиятлар жуда кўп бўлади, лекин мен ўша кун учун белгилаган ишларимни амалга оширишга берилиб кетиб, бу имкониятларни бой бераман. Севги сабр-тоқатли. Мен-чи? Севги меҳр-шафқатли. Мен ҳақимда ҳам шундай дейиш мумкинми?

ХУДО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ЎТАДИГАН СОАТЛАР

1. Тафсирчининг: “Абадий ҳаётга эга бўлишим учун мен нима қилишим керак?” (Лука 10:25-27) деган саволига Исо қандай жавоб берди? Бу энг буюк амрни Исо билан муҳокама қилинг. Бу амрни амалда қўллашдан завқланиш лаёқатингизда сизнинг руҳий ўсишингизни У қандай кўради?
2. Раҳмдил самариялик ҳақида Исо айтган матални қайта ўқинг (Лука 10:30-37). Ҳикоя қаҳрамонларининг қайси бирида сиз ўзингизни кўряпсиз? Исодами? Руҳоний ёки левидами? Ўласи қилиб келтакланган одамдами? Самарияликдами? Сиз танлаган қаҳрамон нуқтаи назарида бу ҳикоя қандай кўринишда бўлиши мумкинлигини тасаввур қилинг. Ҳикояда содир бўлган воқеага бошқа томондан назар солиш орқали биронта янги нарса сездингизми? Қайси тафсилотлар сизда кучли таассурот қолдирди? Нима деб ўйлайсиз, ҳикоядаги қаҳрамонлардан қайси бирининг ўрнида Худо сизни кўришни истайди? Нима учунлиги изоҳланг.
3. Исо тафсирчига жуда оддий маслаҳат берди: “Боринг, сиз ҳам шундай қилинг” (37 оят). Самариялик киши калтакланган одамга нима қилган бўлса, сиз ҳам бориб, шундай қилинг, деган сўзлар сизнинг бугунги ҳолатингизда нимани англатишини Исо билан муҳокама қилинг. Исо сизнинг эътиборингизни кимга қаратмоқчи? Бу инсонга нисбатан севгингизни Исо қандай кўрсатишингизни кутяпти?
4. Тафсирчи Исодан *яқиним* деган сўзнинг маъносини сўради (29 оят). Эҳтимол, бу борада унинг ўз қарашлари бордир. Исонинг жавоби қандай бўлди? Унинг жавобида сизни ажаблантирадиган, ўргатадиган/ёрдам берадиган нима бор?
5. Бу уч кишидан қай бири унинг яқини эканлиги ҳақидаги Исонинг саволига жавоб беришда тафсирчи қандай муҳим сўзни ишлатди (37 оят)? Бу сўз сизнинг ҳаётингизда, муносабатларингизда ҳамда бугунги хизматингизда қандай аҳамиятга эга?

6 БОБ ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ИБОДАТ

Эрталаб тўртдан қирқ беш дақиқа ўтганда соат қўнғироғи чалинди. Одатда, бунчалик эрта турмайман. Лекин баъзида иш куни бошланишидан олдин бироз машқ қилиш ёки Лос-Анжелес йўлларидаги тирбандликдан қочиш учун эртароқ тураман. Аммо бугунги эрта уйғонишимнинг сабаби – тажриба қилиш эди: Исодан ўрнак олиш эди. Марк 1:35 – оятда шундай ёзилган, Исо “тонг ёришмасдан олдин ўрнидан туриб, уйдан чиқиб кетди. Кимсасиз жойга бориб, ибодат қилди”. Мен қуёш чиқишидан анча олдин уйғондим. Белгилаб қўямиз. Уйимдан унчалик узоқ бўлмаган жойда ибодат қилиш учун тинч жойни билардим. Яна битта белги қўямиз.

Машинада қўшни кўчадан юқорига қараб юрдим, кейин машинани қолдириб, тепаликка пиёда чикдим. Мен курсини шарққа, қоронғуликда аранг кўзга ташланиб турган Санта-Ана тоғ тизмаси томонга қаратиб қўйдим. Ҳаво салқин, лекин жуда совуқ эмасди. Пахтали камзулда ўзимни жуда қулай ҳис қилдим. Қушларнинг сайраши, атрофдаги буталар орасидан эса ҳашоратларнинг чириллаши эшитилиб турарди. Гоҳида қўшни дарахтдан уккининг овози эшитиларди. Чиябўриларга дуч келиб қолиш хаёли мени бироз чўчитди. Машиналарнинг овози эшитилаётгани ҳатто шундай эрта тонгда ҳам трассада автомобиллар кўплигини билдиради. Машинани бошқариб кетаётган ҳайдовчиларда ҳам бундай тонг саҳарда йўлга чиқишнинг ўзига яраша сабаблари бор.

Тажрибага тайёрланар эканман, аввало шарқ томонга қараб ибодат қилишни режа қилдим, чунки қуёшнинг чиқишини томоша қилишни ёқтираман. Лекин бугун ҳаво очик бўлмагани учун булутлар қуёшни тўсиб қўйганди. Қўлимдаги айпэд ёрдамида қоронғида ҳам Калом ўқий оламан, қолаверса бир вақтнинг ўзида ибодат дафтарчамга изоҳлар ҳам ёзаман. (Исо билан таққослаганда, қўлимда техника борлиги мен учун имтиёз бўла оладими? Бундай деб ўйламайман.)

Марк баён этган Хушхабарнинг 1–бобида Исо ибодат қилиш учун эрта тонгда уйда чиқиб кетгани ҳақидаги оятни яна бир ўқиганимда, шанба куни У тиним билмай меҳнат қилганини кўрдим. Исо Кафарнаҳумдаги синагогада таълим берди, одамлар Унинг таълимотидан ҳайратда қолди, чунки У тафсирчилардай эмас, балки ҳокимият эгаси каби таълим берар эди. Синагогадан чиқиб, Исо Шимўн ва Эндруснинг уйига борди ва у ерда Шимўннинг иситмалаб ётган қайнанасига шифо берди, кейин қуёш ботса ҳам бошқа касалларни шифолашда ва жинга чалинганларни ёвуз руҳлардан халос қилишда давом этди. Ҳар қандай инсон ҳам бундай ишлардан кейин ҳолдан тойган ва тушгача бошини ёстикдан кўтара олмаган бўларди, лекин фақат Исо эмас. Ота билан мулоқот У учун энг муҳими эди. Ёлғиз қолиш ва Худо билан бемалол вақт ўтказиш учун У жуда эрта турди. Исо жуда тўғри вақтни танлаган эди, чунки қуёш чиққанида шогирдлари келиб, касалликларига шифо олиш ва ёвуз руҳлардан озод бўлиш учун халқ Уни излаётганини айтишини биларди. Таълим бериш, шифо бериш ва ёвуз руҳлардан озод қилиш Жалиланинг барча қишлоқларида Исонинг ўзига хос хизматига айланди. Тонг отишидан олдинги ибодатлар бундай аломатларнинг бири эканлиги ажабланарли эмас.

Юқорида айтилганларнинг барчаси менда Масихдан ўрнак олиш истагини уйғотди. Лекин шунчаки У қилган ишларни бажариш – ҳақиқатни ваъз қилиш, севги кўрсатиш ҳамда руҳий ҳокимиятни намоён қилишдан кўра, Исонинг шогирди бўлиш афзалроқ бўлса, унда нима бўлади? Масихнинг шогирди бўлиш – Исо каби Самовий Ота билан муносабатни сақлаш бўлса-чи? Исо Ота билан ёлғиз қолиш учун тез-тез кимсасиз жойларга бориб тургани ҳақида ўйлаганимда, Ундан ўрнак олиш истаги мени қамраб олади.

Агар Исонинг мунтазам равишда Отанинг ҳузурига бориш, бутун диққатини Унга қаратиш одати масиҳий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланганида ҳаётимиз қанчалик ўзгарган бўлар эди? Исонинг ҳаёти ва хизмати амал қилган шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзи бўйича яшашни ўрганамизми? Исо бизга кўрсатган намуна бўйича ҳаёт кечирадиган

издошлар бўламизми? Мисол учун, Матто 11:29-30 – оятларда У шундай деган: “Менинг олдимга келинглар, Менинг бўйинтуруғимни тақиб олинглар, Мендан ўрганинглар. Иноятнинг енгил қадамларини ўрганинг. Менинг бўйинтуруғим қулай, юким енгил. Мен билан алоқада бўлинг, шунда қандай қилиб озод ва осон яшашни билиб оласиз” (“The Message*”). Қайси бирингиз бундай ҳаётдан воз кечган бўлардингиз?

*“The Message” – Южин Петерсоннинг Мукаддас Каломнинг инглизча замонавий таржимаси.

Бир муддат К.С.Льюиснинг руҳий устози бўлган У.Ф.Адамснинг маслаҳатини эътиборингизга ҳавола қиламан:

Мукаммалликка эришиш фақат Исо билан яқин ҳамкорлик қилиш орқали амалга оширилади. Унинг ҳар қадамида учрайдиган сон-саноксиз муаммолар ҳамда қийинчиликларни У қандай енгганини кузатиш орқали биз ҳам ўз қийинчиликларимизни енгилни ўрганамиз. Лекин Исо билан ёнма-ён юриш учун секин, шошма-шошарликсиз қадам ташлаш керак. Шошқалоқлик – ибодат учун вайрон қилувчи хатардир, у сизнинг уринишларингизга ҳалал беради ва ёрдам бериш ўрнига, ҳаракатларингизни йўққа чиқаради.

Бешинчи бобда атрофимиздаги инсонларга эътиборлироқ ва меҳрибонроқ бўлишимизга шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзи ёрдам бериши ҳақида айтиб ўтдик. Бу бобда шошилмаслик нима экани ҳақида, шошмасдан қилинган ибодат бизни Самовий Отамизнинг овозига янада эътиборлироқ ва сезгирроқ бўлишимизга ёрдам бериши ҳақида баён қилишга жазм этдим.

ИСОНИ ЭРТАЛАБЛАРИ УЙҒОНИШГА НИМА МАЖБУР ҚИЛГАН?

Мен Худо билан муносабатларини мунтазам равишда ривожлантириб борадиган инсон бўлишга интиламан. Аслида, мулоқотга эҳтиёж – у буни тан оладми, йўқми, ҳар бир инсоннинг қалбидаги энг кучли истак эканига ишонаман. Марк 1:35 – оятда Исо Ота Худо билан муносабатга жуда эътиборли бўлганини кўраман. Лекин Исонинг шогирдлари учун Унинг қадриятлари юмшоқроқ айтганда, унчалик муҳим бўлмаган, шунинг учун улар Исо атрофдаги оломоннинг эҳтиёжлари ва умидлари сабабли Ота билан учрашади, деб ўйлашган.

Баъзан менинг ҳаётимда ҳам каллаи сахарда уйғонишимга тўғри келган вазиятлар бўлган. Баъзан тезроқ тайёрлаш лозим бўлган, лекин ҳеч тугамаётган лойиҳа ҳақидаги ташвишлар бунга сабаб бўлади. Баъзида эса бу “кўпроқ” нима бўлишидан қатъий назар янада кўпроқ яратиш, кўпроқ олиш, кўпроқ бажариш истаги бўлади. Мен – бошқалар ҳали оғизларини очмасидан олдин энг мазали куртни ютишга улгурадиган тонг қушиман. Лекин Исо бутун диққатини Отага ва Унинг ишларига қаратиш учун эрта туришни хоҳлаган. Айнан мана шу эҳтирос Исонинг қуёш чиқишидан аввал уйғонишига туртки бўлган. Бироқ Унинг шогирдлари кўпроқ халқнинг ташвишлари билан банд бўлишган. Уларнинг ҳолатида қийналаётганларнинг шошилинич эҳтиёжлари Отанинг паст овоздаги чақирувини ёпиб қўйган.

Хушхабарчи Луқа шундай ёзади: “Тонг отгач, Исо шаҳарни тарк этиб, кимсасиз жойга кетди...” (Луқа 4:42). Исонинг Ўз кунларини ёлғизликда Худо билан ибодатда мулоқот қилиш орқали бошлаш одати бўлганини ишонч билан айтишимиз мумкин. Менда шундай савол туғилди: мен шунча йиллардан бери ўзимни Исонинг издоши ҳисоблаб келсам ҳам нима учун бу ажойиб одатни ўзлаштирмадим? Мен буни ўзимни айбдор ҳис қилганим ёки бундан уялганим учун эмас, балки менда бундай тажриба йўқлигидан хафа бўлганим ҳамда бу тажриба ҳаётимнинг бир қисми бўлишини қаттиқ хоҳлаганим учун айтяпман. Менинг шогирдлик тўғрисидаги тасаввурим одатда, Исо қилган ишларга ёки Унинг таълимотига ҳамда ўзгаларга ғамхўрлик қилиш бўйича кўрсатган ўрнакларига эътибор қаратиш бўлган. Мен Исони Ўзининг илк издошларига *Абба* деб аташни ўргатган Ота Худо билан муносабатдаги ҳаёт тарзига амалий эргашиш ҳақида кам ўйлаганман.

Луқо Исо ҳақидаги ҳикоясини давом эттириб, “У кимсасиз жойга бориб, ибодат қиларди” (Луқо 5:16) деб айтган. Хизмат билан боғлиқ бир талай ишлари борлигига, қийналаётганларга ёрдам бериш имконияти борлигига қарамай, Исо Ота билан ёлғиз қолиш одатини қанда қилмаган. Луқо *кўпинча** деган сўзни ишлатган.

*Синодал таржимада *кўпинча* сўзи ишлатилмаган.

Луқо Исонинг эрталаблари Ота билан бундай мулоқоти фақат бир марта ёки шароитга қараб баъзи-баъзида бўлган демаяпти. Бундай мунтазам ибодат вақти Исонинг ердаги ҳаётининг ажралмас қисми эди. У ҳатто энг қийин хизмат пайтида ҳам Худо билан ёлғиз қолиш одатидан воз кечмади. У Отага бутун диққатини қаратиши мумкин бўлган кимсасиз жойларга борган. Исо Ота билан бундай мулоқотдан завқланган ва шунга интиланган. Унинг намуналарига амал қилиш орқали ҳаётимиз нақадар тўлиқ бўлган бўларди!

Агар Луқо менинг ибодатли ҳаётимни таърифлаганида у қандай кўринишда бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. “Алан камдан-кам ҳолларда кимсасиз жойга бориб, ибодат қиларди”, - мана шундай таърифлаган бўларди. Сиз ҳақингизда Луқо нима деган бўларди? У қандай сўзларни ишлатган бўларди: *камдан-кам, баъзида ёки вақти-вақти билан* дермиди? Бу сўзлардан қайси бири сизнинг ибодатли ҳаётингизни аниқроқ таърифлаган бўларди? Бироқ ҳаммасини ўзгартириш мумкин. Сизга далда берувчи ҳақиқат қуйидагича: Исонинг мунтазам равишда Ота билан ёлғиз қолган вақтида Унинг севгисидан завқланган ва У ҳам Отага шундай жавоб қайтарган. Абба билан юзма-юз қолганда Исо яқинликни ҳис қилган, бундай туйғу фақат энг муҳим амр – Худони ва бошқаларни сев, деган амрга амал қилиш орқали келади. Мен бироз тўхтаб, Худо билан ёлғиз қолиш учун вақт ажратганимда Ота билан ёлғиз бўлиш учун Исога эргашган бўламан. Худонинг ҳузурида Унга мунтазир бўлишим учун Худонинг Руҳи менга шиддатли ҳаёт тарзимни секинлаштиришда ёрдам берсин!

Бизларнинг ҳар биримиз Исонинг ибодатли ҳаёт тарзидан ўрнак олишимиз мумкин. Ундан ўрнак олиш ёки олмаслик фақат ўзимизга боғлиқ. Жуда банд бўлганимиз учун Ундан ўрнак олишга вақтимиз бўлмаса, бунда фақат ўзимизни айблашимиз мумкин, холос. Исо Ота билан ёлғиз қолиш қандай бўлиши кераклигини кўрсатган. Бундай муносабат жуда муҳимлигига ишончим комил ва Худога бўлган муносабат Исонинг кучли таъсирини ҳамда Унинг ҳаёти ва хизматининг самарадорлигини изоҳлайди.

Менинг фикрларим Генри Нувеннинг сўзларини тасдиқлайди:

Кучли хизматнинг таърифи: азоб чекаётганларни даволаш, ёвуз руҳларни ҳайдаш, сабрсиз шогирдларга таълим бериш, бир кишлоқдан бошқасига кўчиб юриш, гоҳ у синагогада, гоҳ бу синагогада ваъз айтиш – бу хизматлар билан юрганимизда бирдан унчалик ҳам кўзга ташланмайдиган иборани кўриб қоламиз: “*У эрталаб барвақт туриб, кимсасиз жойга кетди ва у ерда ибодат қилди*”. Исонинг қилган ишлари тўғрисида яққол далиллар билан қамраб олинган ушбу сўзларни кўпроқ ўқиганим сайин Унинг хизматининг сири тонг саҳарда туриб, ёлғиз қолиш ҳамда ибодат қилиш учун борган кимсасиз жойда эканини англаб етгачман. Бу кимсасиз жойда Исо Ўзининг эмас, балки Худонинг иродасини бажариш учун, Ўз сўзларини эмас, Худонинг сўзларини айтиш учун, Ўз ишларини эмас, Худонинг ишларини қилиш учун жасорат топган. Исо ҳар доимгидан ҳам Отага яқинроқ бўладиган айнан ўша кимсасиз жойдан Унинг хизмати бошланади.

ИСОГА КЕЧАЛАРИ УХЛАШГА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРГАН?

“Одамлар билан хайрлашгандан сўнг, ибодат қилиш учун тепаликка чикди. Оқшом тушди. Қайиқ кўлнинг ўртасида, Исо эса ёлғиз Ўзи куруқликда қолган эди” (Марк 6:46-47).

Баъзан Исо кунни ҳам ибодат билан якунлаган. Мисол учун, бир марта кун бўйи минглаб оломонга таълим берганидан сўнг (у ерда мўъжиза орқали нонни кўпайтирган ва шогирдлар оломоннинг қорнини тўйғазган), Исо шогирдларини қолдириб, тоққа чиқиб

кетган. Нима учун? Ота билан гаплашиш учун. Эҳтимол, руҳий қувватни тиклаш учун ухлагандан кўра, Худонинг ҳузурида бўлиш муҳимроқ эканини Исо яхши билгандир. Сиз билан биз буни тушунишимиз мушкул.

Мен буни қандай қилишим мумкин? Ярим кечагача ухлай олмаслигимга нима сабаб бўлади? Баъзан теледастурларга берилиб кетишим, баъзан эса видеоўйинларга берилиб кетишим, гоҳида эса кечки овқатни кўп еб юборганим, яна кундузи якунлай оламаган ишларимни тугатиб қўйиш учун қолган охириги 20% кучимни сарфлаганим, ёки эҳтимол, камдан-кам бўлса ҳам Мени Ўзининг суюкли фарзанди деб атаган Зотнинг овозини эшитиш ва Унга мунтазир бўлиш учун уйдагиларнинг ҳаммаси ухлашини кутишим кечроқ ётишимга сабаб бўлар? Менимча, Исо ўша кечада ёстикқа бош қўйишдан кўра, Отанинг ҳузурида бўлишга муҳтож эканини яхши билган.

“Ўша кунларнинг бирида Исо ибодат қилгани тоққа чиқди. У тун бўйи Худога ибодат қилди. Тонг отгач, шогирдларини ёнига чақирди ва ораларидан ўн иккитасини танлаб олиб, уларга ҳаворийлар деб ном берди” (Луқо 6:12-13).

Луқо баён этган Хушхабарга кўра, Исо шогирдларини қолдириб, тоққа чиқди ва шошилмасдан бутун тунни Ота билан ибодатда ўтказди. Ўзига эргашган кўплаб инсонлар орасидан ўн иккитасини танлаб олишдан аввал Исо ибодатга берилди. Ўн икки шогирд Унинг асосий етакчилари бўлиши лозим эди ва бундай масъулиятли танловни амалга ошириш учун Исо Отанинг фикри ва донолигига муҳтож эди. Муқаддас Рухнинг вахийси туфайли Исо ҳар бир номзодни Отанинг назари билан кўра олди, шундан кейингина қарор чиқарди.

Тунни шошилмасдан ибодат қилиб, Отанинг овозига қулоқ солиб, Унга қалбидаги барча туйғуларни айтиб, кўп сонли издошлари учун шафоат қилиб ўтказганидан сўнг, Исо Ота Унга кимлар янада яқинроқ бўлишини исташини англаб етди. Муҳим қарор қабул қилишда Муқаддас Рух Исони бошқарди, бу ҳолатда келажақда кимлар етакчи бўлишини Муқаддас Рух ҳал қилди. Энди таққослаб кўрсак: ибодатдаги очикликка эмас, балки илк таассуротга асосланиб неча маротаба муҳим қарорлар қилганман? Ҳозир эса, етакчилар гуруҳини танлаб олиш каби муҳим қарорлар қабул қилишда Худонинг бошқарувини диққат билан излашга ҳаракат қиляпман. Энди ҳаёлимга келган биринчи фикрни энг яхши фикр деб ҳисобламайман.

Ҳаётингизда муҳим қарорни қандай чиқарасиз? Масалан, агар ҳаётингизни бағишлашингиз, сиз оламдан ўтиб кетганингиздан кейин ҳам сиз бошлаган ишларни давом эттиришлари учун сизга издош бўладиган ўн икки кишини танлаб олишингизга тўғри келса, қандай йўл тутган бўлар эдингиз? Уйқудан воз кечиб бўлса ҳам биринчи ўринда узоқ вақт ибодат қилиш ва Самовий Отанинг фикрини билиш истаги бўладими? Ёки аввал номзодларнинг резюмелари ва уларга берилган тавсияномалар билан танишиб, суҳбат ўтказасизми? Сиз биринчи саволнинг жавобини ўйлагунигизча, мен иккинчи саволни бераман: сиз ҳам Исо танлаган ўн икки ҳаворийни танлаган бўлармидингиз? Шахсан мен айнан шундай қилишимга ишонмайман.

Исонинг Ўзига энг яқин шогирдларни танлаб олиш бўйича қарори Унинг Ота билан шошмасдан мулоқот қилиши орқали тасдиқланган ҳамда ўткинчи инсонларнинг эмас, Худонинг донолигидан илҳом олган. Исо танлаган ўн икки номзод ҳақида кўп нарсалар айтилган. Уларнинг резюмелари нафақат оддий, балки уларнинг ўзлари ҳам танланган мавқега мос эмасди. Лекин Худонинг ҳузури ва Муқаддас Рухнинг бошқаруви туфайли Исо уларни ўша пайтдаги ҳолатини эмас, бир қанча вақтдан кейин қандай инсонлар бўлишини кўра олди.

Исонинг бу намунасига қандай амал қилишим мумкин? Эҳтимол, худди Исодек, муҳим қарор қабул қилишдан олдин Худонинг ҳузурида кўпроқ вақт ўтказишим керакдир? Агар ҳатто Исо ҳам Ўзига яқин шогирдларни танлаб олишдан аввал бутун тунни ибодат билан бедорликда ўтказишига тўғри келган бўлса, шундай қилишим менга қанчалик фойда келтиради? Самовий Отанинг ҳузурига олиб кирадиган эшиклар ҳар

биримиз учун очик. У ҳар доим кенг кўламли ва шахсий қарорлар қабул қилишда ёки қийин вазиятларда Унга мурожаат қилганимизда бизга ёрдам беришга доим тайёр. Афсуски, ачинарли, лекин умуман ҳайрон қолмаса ҳам бўладиган ҳақиқатни тан олишим керак: бўлаётган воқеаларни яхши англамаганимни айтмаганда, ҳам ҳаётда ҳам хизматда шошқалоқлигим туфайли кам ҳолларда худди Исога ўхшаб донолик ва меҳр билан иш тутаман. Нима учун? Эҳтимол, Исодан фарқли равишда Ота билан мулоқот қилиш учун тез-тез ёлғиз қолмаслигим бунга сабабдир. Худо билан шошмасдан ўтказиладиган соатлар руҳий тасаввурларимизни кенгайтиради ва келажагимизга аниқлик киритади. Биз кўра олмаган нарсаларни Худо бизга кўрсатади. Шунинг учун Исонинг Ота билан шошмасдан мулоқот қилиш орқали Худонинг тасдиғи билан чиқарган қарори Худонинг донолиги ва бошқаруви билан бойитилган қарор бўлди.

Исонинг тун бўйи ухлагандан ибодат қилганини сиз қандай тасаввур қиласиз? Сизнинг-ча, бу нима эди: Исонинг томоғи қуриб қолгунича, фикрлари эса турли фикрлар, қарама-қарши фикрлар, у ёки бу номзоднинг фойдасига айtilган ижобий ёки салбий фикрлар билан чалкашиб кетган узоқ монолог эдими? Мен бундай деб ўйламайман. Исонинг Ота билан мулоқот қилиш учун мунтазам равишда ёлғиз қолиши Исонинг ибодати Ота ва Ўғилнинг ҳақиқий яқинлигидан далолат берувчи, сукунатда ўтган қимматли дақиқаларни ўз ичига олувчи диалог, деб ўйлайман.

ИСОНИНГ ИБОДАТЛИ ҲАЁТИ

Эрта тонгдаги сукунатда мен ингичка кулранг-мовий чизик тоғ тизмасини қандай ифдолаганини кўраман. Енгил, тетиклаштирувчи шабада юзимни музлатади. Мен Худонинг ҳузурини ҳис қиламан. Лекин атрофимни қамраб олган сукунатда қалбимда шовқин тураётганини, фикрларим одатий хавотир ва қўрқув ортидан интилаётганини ҳис қиламан. Эрталабки сукунат ва хотиржамлик ҳисси билан хавотир ёки қўрқув ҳеч қанақасига Худодан келмаслигини англадим: “Ота, бутун кун давомида Сенинг иноятинг ва тинчлигинг остида бўлишимга ёрдам бер. Бугун Сен мен учун тайёрлаб қўйган ишларни бажара олишим учун менга Ўз кучинг ва донолингни ато эт”.

Тажрибамдан маълум бўлдики, мунтазам равишда ёлғиз қолиш, шогирдлар ҳамда оломоннинг чексиз умидлари ва илтимосларидан қочиш ҳамда Ота билан шошмасдан мулоқот қила олиш учун Исодан қатъиятли бўлиш талаб этилган экан. Агар Исо тонг отмасидан олдин уйдан чиқиб кетмаса, тонг отганда Уни хизматлар кутиб турган бўларди. Лекин У ҳар бир кунни Ота билан учрашувдан бошлашни хоҳлаган. Исо Худонинг “Сен Менинг севикли Ўғлимсан, Сендан мамнунман” (Марк 1:11) деган овозини эшитишни истарди. Ким ўз кунини бундай ажойиб сўзлар билан бошлашни истамайди?

Хушxabар матнларини ўрганиш ва улар ҳақида мулоҳаза қилиш орқали Исонинг ибодатли ҳаёти қандай бўлганини аниқламоқчи бўлдим: уни ўрганиш орқали қандай хулоса қилишим мумкин; Исо Отанинг ҳузурида ўтказган осуда соатлар бизнинг амалий ибодатларимизга қандай ўзгаришлар олиб келиши мумкин?

Қачон? Исо бошқа ишлардан бўш бўлганида кўпинча, ибодат қилган, масалан, эрта тонгда ёки ярим кечада. У куёш чиқмасидан олдин уйкудан туриш ёки кечқурунлари бедор бўлиш шартми ёки шарт эмасми, деб ўйламаган; У умуман ухламаган пайтлар ҳам бўлгани бизга маълум. Шубҳасиз, Ота билан мунтазам равишда, ҳеч ким ҳалақит бермайдиган мулоқот қилиш учун Исо кўп ҳаракат қилишига тўғри келган. Худо билан ибодатда ёлғиз қолиш Исо учун жуда муҳим бўлган, бироқ У бундай ҳаёт тарзига осонликча эришган, деб ўйламайман. Ахир, табиатан У ҳам худди биздек оддий инсон эди. У ҳам худди биздек эрталаб ва кечқурунлари чарчокни ҳис қилган. Лекин Исо Ота билан ёлғиз мулоқот қилишни жуда қадрлаган, шунинг учун ҳар қандай ноқулайликларни енга олган.

Қанчалик тез-тез? Битта оятда (Луқо 5:16) айтилишича, Исо *тез-тез* кимсасиз жойга бориб, ибодат қилган. Ёлғизликда ибодат қилиш Унинг доимий амалий иши бўлган.

Қаерда? Исо ибодат қилиш учун кимсасиз жойга, Худо билан ёлғиз қолиш мумкин бўлган жойга кетган. У Ўзи тўхтаган уй ёки қишлоқдан чиқиб, кимсасиз жойга кетган. Хушxabарнинг битта оятсида Исонинг бу одати узоқлашиши дейилган: Исо Отанинг хузурида бўлиш учун Ўзига мухтож бўлган инсонлардан вақтинча узоқлашган. Афтидан, Худо билан учрашиш учун Исо табиий манзараларни, масалан, тоғларни афзал кўрган, лекин шу билан биргаликда У Ўз издошларини ҳеч ким кўрмайдиган жойда, алоҳида хонада Отага ибодат қилишларига чақирган.

Ким билан? Баъзида Исо ёлғиз ибодат қилган, бунинг учун ёлғизликни кафолатлайдиган жойларни танлаган. Баъзан эса вақтдан ютиш ва Худо билан ёлғиз қолиш учун шогирдларини жўнатиб юборган. Лекин Исо шогирдлари билан бирга ибодат қилган пайтлар ҳам бўлган. Исо муҳим лаҳзаларда, яъни қиёфаси ёришган тоғда ёки Гетсемания боғида Бутрус, Ёқуб ва Юҳаннонинг олдида ибодат қилган.

Қанча? Одатда, Каломдаги мантлар бу ҳақда ҳеч нима айтмайди, лекин битта оятда ёзилишича, ўн икки шогирдни танлаб олишдан аввал Исо тун бўйи ибодат қилган. Шубҳасиз, Исо Ўз хизматини бошлашдан аввал саҳрода қирқ кун рўза тутган пайтда жуда кўп ибодат қилган. Каломдаги бошқа оятлар ҳам Исо ибодат учун кўп вақт ажратганини кўрсатади. У кимсасиз жойга бориб, ибодат қилиб, яна ортга қайтиб келгани ҳақида ўқиганимизда, бундай қилиш учун Унга кўп вақт керак бўлгани аниқ.

Лекин Исонинг уч йиллик хизмати давридаги ибодатли ҳаёти ҳақидаги кичик маълумот баъзан диққатимни тортади. Бутун масиҳий ҳаётим давомида Исонинг ҳаётини бу томони ҳақида ёки Унинг Ота билан мулоқотга бағишланган ҳаётининг ўрни ҳақида ҳеч эшитмаганман. Мен эшитган ваъзаларда айтилишича, Исо одатда бутун диққатини халққа хизмат қилишга қаратган; У айтган ёки қилган барча нарсаларни тўйинтирган ички ҳаётий бойлиги ҳақида эса нима учундир ҳеч нима айтилмаган.

ИСО ВА УНИНГ ИЛК ШОГИРДЛАРИ

Исонинг Ўз шогирдлари билан бўлган муносабатини диққат билан кўриб чиқсак. Оломоннинг талаби шогирдларнинг жисмоний ва руҳий кучидан устун бўлган вазиятларни ёдга оламан: "...Чунки келиб-кетувчилар кўплигидан уларнинг овқат ейишга ҳам вақти йўқ эди. Исо билан шогирдлари қайиққа тушиб, ёлғиз ўзлари кимсасиз жойга жўнаб кетишди" (Марк 6:31-32).

Хизмат айна авжига чиққан пайтда Ота билан ёлғиз вақт ўтказишлари учун (Ўзи буни мунтазам қилиб турарди) Исо шогирдларини тинч ва осуда жойга кетишга даъват қилди. Бунга эҳтиёж сезганимизда Исо сиз билан бизни ҳам У билан ёлғиз қолишимиз учун тинч ва ҳоли жойга таклиф қилмоқда. Худо бизни нафақат хизмат қилишга, балки куч тўплаб олишимиз учун У билан ҳордиқ чиқаришга чақиради. Биз у ёки бу чақирувга қандай жавоб қайтарамиз? Худонинг ҳордиқ чиқариш ҳақидаги чақирувига жавоб қайтармай, биз ўзимизни худди Худо – қулдор, биз эса Унинг қуллари каби тутамиз. Лекин биз биринчи ўринда Унга ва атрофимиздагиларга қандайдир мажбурият туйғуси билан эмас, балки Худонинг севги билан хизмат қилишга чақирилган суюкли ўғил-қизларимиз.

Луқонинг Исо ҳақидаги ҳикоясини ўқишда давом этар эканмиз, Унинг ибодатли ҳаёти ҳақида яна бир ҳодисага дуч келамиз. Бу гал шогирдлар Исонинг ибодатига гувоҳ бўлишди: "Бир пайт Исо ибодат қилаётган эди. Ибодатни тамом қилгач, шогирдларидан бири Унга деди: Ҳазрат! Яхё ўз шогирдларига ибодат қилишни ўргатганди. Сиз ҳам бизга ибодат қилишни ўргатинг" (Луқо 11:1). Исонинг ибодат қилиш одати шогирдларни ҳам Ундан ўрнак олишга ундади. Исо Ўз ҳаётида қандай қоидага амал қилишини кўрган шогирдлар буни инкор қила олишмади. Исонинг Ота билан бирлиги уларга ҳам худди шундай муносабатга эга бўлиш истагини уйғотди. Уларни назария ёки Исонинг ибодатларини ташқи хусусиятлари эмас, балки шахсий табиатнинг хусусиятлари қизиқтирди, бу эса бизни муҳим фикрга келишга ундайди. Агар биз ҳам Исодек етакчи

бўлишни истасак, бизнинг ёрдамимизга ва устозлик қилишимизга умид қилаётганлар учун ибодатли ҳаётимиз илҳом берувчи, далда берувчи ва ҳатто ўзига жалб қилувчи намуна бўлиши керак.

ҚАЧОН ХУДОГА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ТУРИБ, ИСОНИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРАМИЗ

«Исо ва Унинг шогирдлари йўлда давом этдилар. Улар бир қишлоққа кирдилар. У ерда Марта исмли аёл Исога уйига таклиф қилди. Унинг Марям исмли бир синглиси бор эди. Марям Раббимиз Исонинг оёқлари олдида ўтириб, Унинг сўзларини тинглар эди. Марта эса меҳмон кутиш билан овора эди. У Исонинг олдида келиб деди: Ҳазрат! Эътибор беряпсизми, синглим ҳамма ишни бир ўзимга ташлаб қўйди-ку! Унга айтинг, менга ёрдам берсин. Раббимиз Исо унга шундай жавоб берди: Эҳ, Марта, Марта, бунча уриниб ташвишланмасанг! Зарур бўлган биттагина нарса бор. Марям ўзи учун энг яхшисини танлади ва бу ундан тортиб олинмайди».

Луқо 10:38-42

Исо дўстлари Марям, Марта ва Лазарнинг уйига борди. Мартанинг беҳуда қилаётган ташвишларига жавобан Исо унга тинчланишни ва шунчаки У билан бўлишни айтди. Э.Гленн Хинсон бу ҳақда шундай дейди:

Исо Мартанинг уринишларини ва хизматини айбламади. Аксинча, унинг ҳаракатлари айтишда ортиқча эканини тушунтирди. Марямни эса “Исонинг оёқлари олдида ўтириб”, Уни тинглагани айтилган. Ўша пайтда Марта хизмат қилиш (*diakonia**) учун нотўғри вақтни танлаган эди. Мартанинг хафа бўлганини тушуниш қийин эмас, ҳатто унинг синглисига нисбатан ҳафачилигига ҳамдард бўлиш ҳам мумкин. “Марта Исонинг олдида келиб деди: Ҳазрат! Эътибор беряпсизми, синглим ҳамма ишни бир ўзимга ташлаб қўйди-ку! Унга айтинг, менга ёрдам берсин” (Луқо 10:40). Сиз ишлаётган пайтингизда бошқалар мазза қилиб ҳордиқ чиқаришидан мана шундай хафа бўлишингиз тўғри эмасми!

*Диакония (юнонча – хизматчи) – бир инсоннинг бошқа инсонга хизмат қилиши.

Мартанинг Исога қилган шикоятини унинг шошқалоқ қалб эгаси эканини ифода қилади. Унинг назарида *Исодан* қандайдир яхши сўзлар эшитишдан кўра, У учун қандайдир яхши хизмат қилиш муҳимроқ эди.

ШОГИРДЛАР ИСОНИНГ НАМУНАСИГА СОДИҚ ҚОЛИШДИМИ?

Исо осмонга кўтарилганидан кейин ҳам ибодат қилиш одати шогирдларнинг ҳаётида муҳимлигича қолдими? Бу масалага ойдинлик киритадиган ҳикоя билан Ҳаворийлар фаолияти китобининг 6-бобида танишамиз.

Ўн икки ҳаворий жамики шогирдларни йиғиб, уларга шундай дедилар: Биз Худонинг каломини ваъз қилишни бир четда қолдириб, озуқа тарқатиш билан овора бўлишимиз нотўғри. Биродарлар, орангиздан етти кишини танланглар. Улар обрў-эътиборга эга, Мукаддас Рухга ва доноликка тўлиб-тошган бўлсин. Уларни бу хизматга тайин этайлик. Биз эса ўзимизни ибодатга ва Худо каломининг хизматига бағишлайлик.

Ҳаворийлар 6:2-4

Исонинг ҳаворийлари томонидан айтилган бу сўзлар У Ўз шогирдларига етакчилик тамойилларини ўргатганидан далолат беради. Исонинг фикрига кўра, У Ўз издошлари сифатида танлаб олган инсонлар ўз диққатини ва кучини нимага йўналтиришлари лозим эди? Айтиш мумкин инсоний эҳтиёжларгами? Шогирдлар шундай вазиятларга дуч келишдики, етарлича озиқ-овқат ололмаган бева аёллар шунчалик кўплигидан ҳаворийлар Ҳушхабарни ваъз қилишлари учун вақт қолмади. Тан олинг, очлик – энг катта муаммо

эди; бир бева ёрдам олди, бошқаси эса йўқ. Меҳр-шафқат бу адолатсизликни бартараф қилиши керак эди.

Шогирдларнинг бира тўла иккита муаммони ҳал қиладиган қарор чиқарганлари мени ҳайрон қолдирди. Биринчидан, масиҳий жамоасига мурожаат қилиб, ораларидан доноликка ва обрў-эътиборга эга етакчиларни танлаб олишни ва беваларнинг эътиёжларини таъминлашни уларга ишониб топширишни таклиф қилишди. Иккинчидан, қолган вақтларини “ибодатга ва Худо каломининг хизматига” бағишлашди.

Қизиқ, агар чўпонлик даврларимни эсласам, қанча вақтимни “озик-овқат тарқатишга” сарфлаганман-у, қанчасини “ибодатга ва Худо каломининг хизматига” бағишлаганман? Одамларда ҳар доим муҳтожлик бўлади, масиҳийлар эса уларга ёрдам беришга шай туришлари лозим. Худога бўлган севгимизни ва Унинг амрларига содиқ эканимизни эълон қилиб туриб, атрофимиздаги инсонларнинг муҳтожлигини инкор қилишга ҳаққимиз йўқ. Лекин ўзларини бутунлай Худонинг хизматига, Унинг иродасини англашга ва Унинг каломинини ваъз қилишга бағишлаган эътиборли етакчилар ҳам биз учун жуда муҳим. Бундай етакчилар Худонинг овозини эшитишга имкон берувчи ибодатда давом этишлари керак. Худо ўша пайт учун маълум вазиятларда Ўз халқига нима айтаётганини улар билишлари ҳамда Масиҳнинг танаси бўлган жамоатга Унинг номидан гапиришга тайёр бўлишлари керак. Бизлардан ҳеч биримиз фақат нон билан яшай олмаганимиз учун (ёки нон топишга имкон берувчи қобилиятларимиз билан) бизда ҳар доим ҳаёт нонини биз билан баҳам кўришга тайёр бўлган жамоат етакчилари бўлиши лозим.

Мен буни осон иш деб айтмаяпман. Кундалик жадвалимни тўлдирган кўплаб кундалик муаммолар Худонинг халқи учун ибодат қилишга, Муқаддас Битикларни синчиклаб ўрганишимга ва қўл остимдагилар учун Каломдан бирон жиддий кўрсатма тайёрлашимга вақт қолдирмаслигини жуда яхши тушунаман. Шунинг учун Отадан Ҳаворийлар фаолияти китобининг 6-бобида берилган ҳақиқатга мувофиқ ҳаракат қилишим учун жасорат ва лаёқат беришини ҳамда “озик-овқат тарқатиш” билан боғлиқ ишларни маҳаллий жамоатдаги эътиборли эркалар ва аёлларга топширишини сўрайман.

Ижозатингиз билан бу қандай кўриниши ҳақида бир ҳикоя айтиб берсам. Бир неча йиллар олдин бизнинг ретритда қатнашган бир чўпон билан танишиб қолдим. Унинг исми Жим бўлиб, унчалик катта бўлмаган жамоатнинг чўпони эди. У жуда ҳолдан тойган бўлиб, жамоатда тўлиқ хизмат қилиш ўрнига таълим бериш мақсадида чўпонлик хизматидан кетиш ҳақида ўйлаётган эди. (У Янги Аҳд таълимоти бўйича нуфузли университетда докторлик мақомини олгани учун профессорликка даъво қилиши мумкин эди.) Жим ўзининг бир ҳафталик чўпонлик хизматини таърифлаб берганида унинг гапларидан бошим айланиб кетди. Жамоатнинг ҳар бир йиғилишида унинг вазифаси қуйидагилардан иборат эди: оқсоқоллар кенгашида қатнашиш, ёшлар гуруҳида қатнашиш, Каломни ўрганиш гуруҳида иштирок этиш, аёллар гуруҳида қатнашиш, турли жамоатчилик маросимларида қатнашиш – буларнинг охири йўқ! Унинг ҳаёти қатор учрашувлар ва охири йўқ йиғилишлардан иборат эди. Унинг кундалик жадвалида Каломни ўрганиш, ибодат ёки дам олиш каби “бекорчиликка” умуман жой йўқ эди.

Жим илк ретритда Исо оломондан узоқлашиб, Худо билан ибодатда ёлғиз қолиш учун кимсасиз жойга бориб туриши ҳақида фойдали маълумотларни олганидан кейин у ҳам ҳар пайшанба тонгда ўз идорасида Худо билан ёлғиз қолишга қарор қилди. Бу вақтда у Худонинг Каломи ҳақида (кейинги бир неча ҳафта мобайнида ваъз қилиш учун керак бўладиган оятлар ҳақида) мулоҳаза қилишни ва ибодат қилишни режа қилди. Якшанба кунги йиғилишда у жамоатга ўзининг режалари ҳақида айтиб, пайшанба кунги эрталаблари уни қўнғироқлар ёки ташрифлар билан безовта қилмасликларини илтимос қилди. Бундан ташқари, фавқулудда ҳолатларда қўнғироқ қилишлари мумкин бўлган одамнинг исми ва телефон рақамини ҳам эълон қилди.

Дастуримиз доирасидаги ретритда иккинчи марта иштирок этишга келган Жим анча тетик ва ғайратли эди. У ҳафтада бир маротаба эрталаблари Худо билан ёлғиз қолиш

уни қутқарганини айтди. Ҳеч ким ҳалал бермаган ҳолда Худо билан ёлғиз қолиш унинг руҳий ташналигини қандай қондирганини ва чўпонлик хизматини давом эттириши учун илҳом бағишлаганини ҳис қилган. Кундалик иш жадвалига ўзгартириш киритиши орқасидан бўлган кутилмаган ўзгаришлардан бири унинг ҳафталик маърузасига келувчи одамларнинг кўпайгани бўлди. Кейинчалик Жим Худо билан ёлғиз қолишнинг бошқа усуллари ҳам амалда қўллади: у хизмат давомида ҳам Худонинг ҳузурини бевосита ҳис қилишни хоҳлаганди. Бунда ҳам жамоат аъзолари унинг руҳан ўсаётганини, қолаверса, унинг чўпонлик хизматида ҳам ўзгаришлар бўлаётганини сезишди ва ижобий баҳолашди, шунинг учун унинг янги ҳаёт тарзини чин дилдан қўллаб-қувватлашди. Эҳтимол, сизга ҳам шундай ўзгариш етишмаётгандир? Мен ҳам бунга муҳтож эканимни биламан ва ишончим комилки, Худонинг мадади билан ҳаммасини уддалайман.

ИБОДАТ - ЕТАКЧИНИНГ УСТИВОРИЛИГИ

Айрим масиҳий етакчиларга жамоатдаги хизмати учун ҳақ тўланади ва бу хизматлар уларнинг бутун вақтларини банд қилади. Бошқалари эса вақтларининг бир қисмини текинга хизмат қилишга сарфлашади. Чўпон сифатида мен Исонинг ибодатли ҳаёти ҳақида ўйламасдан тутолмайман. Бунга мени нима жалб қилади? Келишмовчиликларнинг сабаби нима? Мисол учун, ибодат қай ҳолларда етакчиларнинг умумий мажбурияти ҳисобланади ва қай ҳолларда менинг шахсий мажбуриятим ҳисобланади? Ёки ибодатга менинг хизматим учун кимнингдир мажбурияти деб қарайманми? Айтайлик, мен – чўпонман, менинг вазифам фақат Калом ўқишдан иборат, улар эса “ибодатчилар”. Лекин Худо даъват қилан барча етакчилар ибодатчилар-ку. Ҳаворий Павлус ҳам шундай бўлмаганми? Исони-ку айтмаса ҳам бўлади! Ибодат – етакчиларнинг энг фойдали хизматларидан биридир, бизларнинг ҳар биримиз Худо бизга ишониб топширган инсонлар учун ибодат қилишга даъват қилинганмиз.

Хизмати учун ҳақ тўланадиган чўпон сифатида мен ўзимга савол бераман: ибодат – менинг хизмат вазифамми ёки фақат “ишдан бўш вақтимда” қилинадиган руҳий амалиётми? Менинг идорам – муҳим ишлар билан машғул бўладиган жойим. Бу ерда мен ҳужжатларни имзолайман, ваъз тайёрлайман, раҳбарлик вазифамни бажараман, тадбирлар режалаштираман, учрашувлар белгилайман, қўнғироқларга жавоб бераман – бир сўз билан айтганда, ишлайман. Наҳотки идорада ўтказилган вақт илк Жамоат етакчиларининг Калом ўрганиш, ибодат қилиш ва яқдил бўлиш мақсадидаги йиғилишни эслатса (Ҳаворийлар 1:2 га қаранг)? Битта одам барча муаммоларни ҳал қила оладими ёки барча йиғилишларни ибодат руҳида ўтказа оладими? Масиҳийлар энг аввало бир-бирларига Масиҳдаги биродар сифатида, ундан кейингина Раббимизнинг содиқ ҳамкорлари ва хизматчилари сифатида муносабатда бўлишга ўргатган Павлуснинг амрларига итоат қиляпмизми (Колосаликлар 4:7-11 га қаранг)? Бизнинг йиғилишларимиз ҳамда учрашувларимиз Каломнинг бу устиворлигини акс эттирадимми?

Ўз ҳаётини Филиппиндаги элчилик хизматига бағишлаган ва “Letters by a Modern Mystic” китобини ёзган Фрэнк Лаубах элчилик фаолиятининг бошида Худонинг ҳузурини бўлиш одатини ўзлаштиришга мажбур бўлди. Аввалига Лаубах ўзини “бегона юртда ёлғиз” деб атади. Унинг ихтиёрида бўш вақтлари кўп бўлиб, у бу вақтларни Худонинг ҳузурини ва хизматга диққат қилишга сарфлади. Бироз вақтдан кейин унинг ишлари кўпайиб, деярли туну-кун одамлар орасида эди. Шу муносабат билан у шундай ёзган:

«Шундай вазият бўлдики, мен икки йўлдан бирини танлашим керак эди: ё бутунлай Худони унутишим ёки қандайдир қилиб Уни содир бўлаётган воқеаларнинг бир қисмига айлантиришим керак эди. Одамларнинг кўзларига қараб ва сўзларини эшитиб туриб, сукунатда Худо билан узлуксиз мулоқот қилишни ўрганишга мажбур бўлдим. Олдимда турган вазифа бир умрлик тажрибаларим орасида энг мушкул вазифа эди. Лекин агар бу руҳий тажриба бир дақиқа ҳам бўш вақти бўлмаган инсонларга озгина бўлса ҳам фойда келтириши мумкин бўлса, у айнан мана шундай кескин ва оғир вазиятда ўз самарасини кўрсатиши керак.»

Лаубах тасвирлаган ҳолат – биз Худо билан узлуксиз муносабатни ривожлантиришга уринаётган ҳақиқий оламнинг тасвиридир. Кимдир худди роҳибларга ўхшаб ёлғизликда яшайди, лекин жуда кўпчилик ташқи оламнинг суронли талаблари исканжасида қолган. Биз идорада ишлаганда ҳам, етакчилар йиғилишини ўтказганда ҳам ёки қўшнилари билан зиёфат қилганда ҳам, хуллас қаерда бўлса ҳам Худо билан ёлғиз қолиш учун вақт ажратишга ўрганишимиз мумкин. Бундай шиддатли оламда яшашга даъват қилинганимиз учун биз қандай қилиб бўлса ҳам Худо билан шошмасдан сайр қилишни ва У билан шошма-шошарликсиз ҳамкорлик қилишни ўрганишимиз лозим.

Ижозатингиз билан бу бобни ибодат билан якунласам: *Раббим Исо, ер юзидаги ҳаётингда ҳамда боқийликдаги ҳаётингда бўлганидек, мен ҳам Ота билан яқин муносабатда бўлишни жуда хоҳлайман. Ўзим ўйлаб топган “Худого хизмат” усулларида, “Мен сени севаман” ва “Мен сени юбораман” деб айтувчи Зотнинг овозини эшитишга тўсқинлик қиладиган одатларимдан халос қил. Омин.*

ХУДО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ЎТАДИГАН СОАТЛАР

1. Худо ҳаётимизда ва жамоатимиз ҳаётида Унинг аҳамиятини чуқур англаб етишимизни қандай ривожлантиради?
2. Атрофимиздаги одамларнинг саноксиз эҳтиёжлари ҳамда умидлари ҳақидаги ташвишлар қандай қилиб бизни ибодат қилиш ва Муқаддас Битикларни ўрганиш учун вақт ажратишдан маҳрум қилади?
3. Сиз учун *ибодат* сўзи нима билан боғлиқ: Худонинг ҳузурига келиш таклифи биланми ёки бундай руҳий тажрибанинг етишмагани учун айбдорлик ҳисси биланми? Қандай қилиб ибодатни бизни чексиз севадиган ва биз билан муносабатда бўлишдан завқланадиган Зот билан яқинликка айлантириш мумкин?

7 БОБ ХОТИРЖАМЛИК: ЯРАТИШ СУРЪАТИ

Мен учун хотиржамлик – бош оғриғи. Тез-тез менда бехосдан хавотир ҳисси пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда Ибронийларга мактубнинг 4-бобида келтирилган оят мен учун далда бўлади: «Хуллас, Худонинг халқини Шаббат кунига ўхшаган фароғат кутмоқда. Худонинг фароғат диёрига кирганлар, Худо каби ўз ишларидан дам оладилар, чунки Худо ҳам дунёни яратиб бўлганидан кейин дам олган эди. Шундай экан, фароғат диёрига киришга жон куйдирайлик. Акс ҳолда, биз ҳам Исроил халқидай итоатсизлик қилиб, фароғатдан бебаҳра қоламиз» (Ибронийлар 4:9-11). Бу оятни яна бир марта ўқиб чиқинг. Маъносини тушундингизми? Муҳими – ишондингизми? Мен бунга ишонаманми? Қандай тушуниш керак, чиндан ҳам Худо биз учун “Шаббат кунига ўхшаган фароғат” тайёрлаб қўйганми, агар бунга ишонсак, уни қандай тасаввур қиламиз?

Хотиржамлик нима эканлиги Худога яхши маълум. Унинг Ўзи ҳам “барча ишларидан дам олган”, бизга ҳам мунтазам равишда ҳафтанинг ҳар еттинчи куни дам олишни буюрган. Афсуски, бугунги кунда жуда камчилик имонлилар Унинг иноятини қабул қилгани ҳамда Унинг хотиржамлик суръатига амал қилиши билан мақтана оладилар. Қолаверса, Худо бу инъомни Ўз халқига беришга тайёр. Агар биз, Шимолий Америка аҳолиси, бу инъомни олишни истасак, меъёридан ортиқ ишлаш, ортиқча тиришиш ҳамда турли одатлардан воз кечишимиз лозим. Бундан ташқари, дунёни яратиб бўлганидан кейин “барча ишларидан дам олган” Зотдан ором олишни ўрганиш учун Худога мурожаат қилишимиз керак.

Бироқ, баъзи имонлилар “фароғатга кириш” иборасига бугунги кундаги воқелик эмас, балки ҳар биримиз учун тайёрлаб қўйилган ҳаёт йўлимизнинг ниҳояси сифатида қарашади. Аслида, Ибронийларга ёзилган Мактубда ҳозирги замон ҳақида айтилган бўлса ҳам бундай тушунча қуйидагича хулосага олиб келиши мумкин: “Ҳозир ишлайман, кейин дам оламан”. Бошқа фикрлар ҳам бор: “Занг босиб ётгандан кўра, Худо учун ёнганим афзал”. Бунинг замирида, беҳуда ишлашга тайёрлик тушунилади. Мен бу шижоатни яхши тушунаман, лекин ростини айтсам, иккиласидан ҳам узоқроқ бўлишни маъқул кўраман. Мен Исонинг енгил ва яхши бўйинтуруғи остида, оғирлик қилмайдиган, ҳолдан тойдирмайдиган бўйинтуруқ остида яшашга ҳаракат қиламан.

Шанба кунги дам олиш иккинчи даражали эмас; аксинча, биринчи ўринда туради, самарали меҳнат эса яхши олганимизнинг маҳсулидир. Лекин йигирма биринчи асрнинг ғарбий жамияти бошқача фикрда. Ҳордиқ – меҳнатдан олдин келади, деб ҳисоблаш ёқимли. Чўпон ва Муқаддас Каломнинг “The Message” номли замонавий таржимаси муаллифи Южин Петерсон бунинг аксини таъкидлайди:

Яхудийларнинг кун ботиши/тонг отишидаги тартиби бизни иноят суръатига ўргатади. Биз ухлашга ётамиз, Худо эса ишга киришади. Биз ухлаётганимизда У Ўз аҳдининг бир қисмини бажаради. Уйқудан турганимизда биз Худонинг ижодий ишига қўшилиш ҳақидаги даъватини эшитамиз ва бунга имонимиз ҳамда ишларимиз билан жавоб қайтарамиз. Бироқ бизнинг ҳар қандай фаолиятимиздан аввал иноят туради. Иноят биринчи ўринда. Биз ўзимиз яратмаган оламда уйғонамиз, ўзимиз топмаган нажотга эришамиз. Кечқурун: Худо бизнинг ёрдамимизсиз яратиш ишларига киришади. Эрталаб: Худо бизни Ўз меҳнатининг самарасидан баҳраманд бўлишга, Ўзи бошлаган ишни баҳам кўришга ва давом эттиришга чақиради. Худонинг ижоди ва Унинг аҳди – ҳар тонгда бизни қарши оладиган мукаммал иноят ҳаракатидир.

Яхудийларнинг вақт ўлчамига кўра, кун оқшомдан бошланади, яъни куёшнинг ботишидан бошланади, демак, иш вақтидан эмас, дам олиш вақтидан бошланади. Ғарб олами вакиллари учун кун одатда, куёш чиқишидан бошланади ва ҳаммамиз аҳиллик

билан ишга киришамиз. Петерсоннинг сўзларига кўра, дам олиш ва меҳнатнинг кетма-кетлиги ўзи учун гапиради. Биз дам олишни шон-шухрат учун меҳнат қилгандан кейингина инсонга бериладиган шароит сифатида қабул қилишга мойилмиз. Хўш, агар бизнинг сермахсул меҳнатимиз дам олишдан бошланса нима бўлади? Дам олиш иккинчи эмас, биринчи ўринда бўлса-чи?

Дам олишнинг ёки шаббатнинг муҳимлигини дунёнинг яратилиш тарихидан ҳам кўриш мумкин. Бир неча кун давомида Худо осмон билан ерни яратди, ёруғликни қоронғуликдан, осмонни ердан ва ҳавони сувдан ажратди. У қуёш, ой, юлдузлар ва кўплаб турли ўсимликлар ҳамда ҳайвонларни яратиб, ер юзини ва уммонларни тўлдирди. Олтинчи куни эса У инсонни яратди, унга баракали бўлиш, кўпайиш ва Ўзи яратган барча нарсалар устидан ҳукмронлик қилишни буюрди. Лекин инсон буйруқларни бажаришга киришишидан олдин еттинчи кунни дам олиш куни сифатида ўтказиши керак эди. Ўша пайтгача улар ерга ишлов бергани ҳақида ҳеч қандай далил йўқ, демак, бизнинг ҳаётимиз Адан боғидаги меҳнатдан эмас, Худонинг фароғатидан бошланган экан.

Йигирманчи асрнинг машҳур теологи Абрахам-Жошуа Хешель “Шаббат куни ва унинг замонавий инсонлар учун аҳамияти” ҳақидаги китобида таъкидлашича, “шаббат куни ҳаётнинг ўзи учун мавжуд. Зеро, инсон қадоқланган ҳайвон эмас, шаббат куни эса иш самарадорлигини ошириш учун берилмаган. Шанба кунлари айтиладиган мадҳияда шаббат “энг охирига қўйилди, лекин энг аввал ўйланган эди” дейилади; У “осмон билан ерни яратди”. Ибронийларга мактубнинг 4:11-оятда Худо бизни “фароғат диёрига” киришга чақиради. Бу иборанинг қарама-қарши маъносини эътиборсиз қолдира олмайман. “Ҳаракат қилиш” ёки “фароғат диёрига кириш” мумкинлигини тан олинг, лекин бизга Худонинг фароғат диёрига киришга ҳаракат қилишимиз кераклиги айтилган. Ҳаммамизга маълумки, хотиржам бўлиш биз ўйлагандек осон эмас. Ташвишланишимиз учун бир қатор сабабларимиз бор. Одамларни қилаётган ишларига қараб ҳукм қилишга мойил бўлган жамиятда яшаганимиз учун дам олиш ёки ҳеч нима қилмаслик ўзимизнинг “мен”имиздан ихтиёрий воз кечиш билан тенгдир.

Агар мен ҳеч нима қилмасам, ҳеч нимага эришмасам ёки ҳеч нимани амалга оширмасам, ўз қадримни қаердан биламан?

Бирон нима ишлаб чиқариш ёки қилиш бутун дунё учун қандай аҳамиятли бўлса, жамоат учун ҳам шундай аҳамиятлидир. Чўпонлар ҳамда бошқа масихий етакчилар билан суҳбатлашганда, уларнинг кўпчилиги шижоат билан ишлаётганини кўраман. Худога хизмат қилишда ғазабланишгача боришимиз мумкин. Худо учун қилган ишларимнинг ҳаммаси У мендан истаган хизмат бўлмаса нима бўлади? Масихнинг бўйинтуруғини оғирлаштираётган бўлсам-чи? Исонинг айтишича, Унинг бўйинтуруғи юмшоқ, юки эса енгил (Матто 11:29-30). Аммо менинг хотиржам яшашим ва меҳнат қилишга лаёқатсизлигим хизмат бўйинтуруғини янада оғир ва мушкул қилиб борапти.

БЕҲАЛОВАТ ХУДО ХАЛҚИ

Чиқиш 17:1-7-оятларда берилган воқеада Исроил халқи кўрсатган салбий намунадан нимани ўрганишимиз мумкинлигини ёдга олайлик. Исроил ўғиллари саҳрони кезиб юриб, сувсиз жойга келиб қолишди. Улар сувсизликдан ташна бўлиб, Мусога нолишди ва сув беришини талаб қилишди. Улар Худо улар учун қайғурмаётганидан шикоят қилишди. Худо эса Мусони халқнинг ҳамда оқсоқолларнинг олдига чиқишни ва қўлидаги ҳасса билан қояга уришни буюрди. Мусо ҳамда Исроил халқи билан бирга бўлиш ваъдасига кўра, Худо уларга сув берди. Лекин исроилликларнинг қилган иши учун Мусо ўша жойни *Массах* (“васваса”) ва *Марива* (“айблаш”) деб атади.

Исроилликлар Худонинг фароғат диёрига кирмадилар, чунки улар Худони синаб, Унга ишонмадилар. Улар Худога эргашиш ўрнига, Уни айблашди. Айнан мана шундай сабаб билан сиз билан биз ҳам бугунги кунда Унинг фароғат диёрига кира олмаймиз. Биз Унга ишониш ўрнига ўз кучимизга ишонган вақтимизда Уни синаган бўламиз; Унинг

фароғатига кириш ва Унга ишониш ўрнига биз Унга қарши борамиз, У билан курашамиз ва Уни синаймиз.

ДУНЁНИ ЯРАТИШ ЖАРАЁНИ ЗАМИРИДА ШОШИЛМАСЛИК ЁТАДИ

Шанба – шиддатли ва машаққатли ҳаёт суръатига қарши Худонинг малҳами бўлиб, яратилиш жараёнида бўлганидек, ҳафтада бемалол бўлган бир кунни бизга инъом қилади. Яратилишнинг еттинчи куни – ҳаётимизга, оиламизга, жамоатимизга ҳамда жамиятимизга катта зиён келтирадиган шошқалоқликдан, ишга муккасидан кетишдан ҳамда заҳмат чекишдан халос бўлишга имкон берувчи (эхтимол, мунтазам равишда ёлғиз қолиш туфайли) вақт ҳисобланади. Шанба кунида шошилиш эса – бошқа иш кунларидан фарқли ўлароқ, нуқсон ҳисобланади. Шанба бизга кундалик оворагарчиликлардан тин олишга ҳамда Худони ва яқинларимизни севиш лаёқатини қайтаришга имкон берувчи солиҳ ҳаёт тарзи ҳақида сўзлайди.

Рухий устоз ва рухшунос Жеральд Мэй шанба кунини “бўш макон, вақт ва рух куни” деб атаган. У ўз фикрларини шундай давом эттирган: “Бугунги кунда шанба кунги дам олиш ҳақидаги жамоат маърузалари озодликдан кўра кўпроқ чеклашга, бўш макондан кўра кўпроқ сиқиб қўйишга ўхшайди. Ишлаш заруратидан халос қилиш ўрнига, шанба ишлашни *таъқиқлашга* айланиб қолган”. Қанчалик ажабланарли бўлмасин, бор-йўғи бир неча ўн йиллар аввал олимлар йигирма биринчи аср техник воситалар ҳамда инсониятнинг жисмоний меҳнатини тежайдиган технологияларнинг фаол ривожланиши туфайли мисли кўрилмаган бўш вақтлар асри бўлади, деб башорат қилишган эди. Улар келажакни (ҳозирги бизнинг давримизни) башорат қилиб, ишлаб чиқаришдаги инсон ҳаётининг аксарият қисмини эгаллаб турган муаммолар анча кам вақтни олади ёки умуман инсоннинг тўғридан-тўғри аралашувини талаб қилмайди, деб айтишганди.

Лекин ҳақиқат шуки, бугунги кунда биз аввалгидан ҳам кўпроқ шошиб, камроқ дам оляпмиз. Замонавий технологиялар чиндан ҳам маълум турдаги ишларни анча қисқа муддат ичида бажариш имконини яратди. Бироқ, шанба куни дам олишга кўпроқ вақт ажратиш учун бу инъомдан фойдаланмадик. Бунинг ўрнига баъзиларимиз кўпроқ пул топиш, бизга ҳеч қандай роҳат бағишламайдиган нарсаларни кўпроқ сотиб олиш учун янада кўпроқ ишлашни афзал кўришди. Биз кўпроқ дам олиш ўрнига шошилишни танладик ва шундай давом этяпмиз. Биз бўш вақтдан кўра кўпроқ пулни ташлашга мойилмиз. Аслида, замонавийликнинг ҳеч ким олдиндан башорат қила олмайдиган асосий муаммоси айнан *мана шу*.

Биз афзал кўрган нарса – дам олишдан кейин ишлашни ҳамда “фароғат диёрига кириш” ҳақидаги яҳудийларга қилинган даъватни ҳисобга олиб, руҳий ҳаёт устивор бўлиши лозим бўлган вақт тақсимооти - барча масиҳий етакчилар дуч келадиган энг катта муаммо, деган хулосага келиш мумкин. Аммо руҳий ҳаётнинг сифати – атрофдагиларни жуда кам қизиқтирадиган жиҳатлардан биридир. Бу муаммо кам ҳолларда муҳокама қилинадиган мавзуга айлангани учун иккинчи даражали муаммога ўхшаб туюлади, бизнинг ҳаёт суръатимиз қанчалик муҳимлигини унутиб қўямиз.

Калифорния университетининг антрополог олими профессор Аллен Жонсон муҳим ва ўта қатъий гапларни айтган:

Биз қанчалик кўп ишлаб чиқарсак ва истеъмол қилсак, вақтнинг етишмаслигини шунчалик кўпроқ ҳис қиламиз. Бу зарарли доира қуйидагича ҳаракатланади. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш – ҳар бир инсон меҳнат унумдорлигини ошириши кераклигини билдиради; меҳнат унумдорлигини ошириш эса – тизимдаги мувозанатни сақлаш учун кўпроқ маҳсулот истеъмол қилишимиз кераклигини англатади. Бўш вақтимиз истеъмол қилишга кетади, чунки ишлаб чиқаришга ҳам истеъмол қилишга ҳам сарфланмаган вақт беҳуда совурилган вақт сифатида қабул қилинади. Вақт аҳамиятининг ўсиб бориши (доимий етишмаслиги) субъектив равишда ҳаёт суръати ёки тезлигининг ўсиши сифатида сезилади. Биз мунтазам равишда ишда орқада қолиб кетиш ёки ишга кеч

қолиш хавфига дуч келамиз; бўш вақтни эса уни шунчаки беҳуда совуриш, деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳаётнинг қадрини ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш нуқтаи назари билан ўлчайдиган жамиятга айланиб қолдик. Агар шанба – ҳафтада бир марта мана шу иккита ажойиб машғулот учун бағишланишнинг имкони бўлмаган кун бўлса, нима учун замонавий жамият бу кунни вақтни беҳуд совуриш, деб ҳисоблашини тушуниш қийин эмас.

ШАНБА КУНИ ДАМ ОЛИШ УЧУН ЭШИК

Имон – шанба кунларининг аҳамиятини англаш учун асосдир. Ибронийларга мактубининг муаллифи таъкидлашича, Худонинг фароғатига кирганлар ўзлари эшитган сўзларни имон билан барчага эълон қилишган (Ибронийлар 4:2 га қаранг). Бошқача айтганда, имон – Худонинг фароғатига кириш учун эшикдир. Ишдан биров танаффус қилиш учун сиз Худонинг садоқатига ишонишингиз лозим. Рухий хотиржамликни танлаш орқали биз ўзимизга эмас, Худонинг ғамхўрлигига ишонамиз, ўшанда шанба куни дам олиш инъомидан тўлиқ роҳатланамиз. Чўпон ҳамда бир қатор китоблар муаллифи Марк Бьюкенен бу боғлиқликни қуйидагича ифодалайди: “Шанба тўғридан-тўғри имон билан боғлиқ. Шанбага амал қилиш – бизни ташвишлантирган барча нарсаларни: пулни, ишни, жамиятдаги мавқени, обрў-эътиборни, режаларни, лойиҳаларни, - бир сўз билан айтганда, ўз кучимиз билан ушлаб қолишга ҳаракат қиладиган барча нарсаларни, ҳатто ҳаётимизни ҳам Худонинг қўлига топширишни билдиради”.

Шанба – Худонинг инъоми бўлиб, маҳсулдорлик учун эмас, балки муносабатлар ва сажда учун қадрлидир; шанба туфайли, ҳаёт – Худонинг бизга берган тухфаси эканини, аслида биз бунга лойиқ эмаслигимизни англаб етамиз. Лекин замонавий жамият бизда мавжуд бўлган барча нарсаларни ўзимиз ишлаб топганмиз, деб қабул қилишимизни талаб этади. Генри Нувен “Spiritual Direction” китобида биз яшаб турган жамият инсонни унинг эришган натижаларига, молиявий аҳволига ҳамда у ҳақдаги бошқаларнинг фикрига асосланиб ҳукм қилишини батафсил ифода қилади. Агар бизнинг шахсиятимизни айнан мана шу омиллар белгиласа, бизнинг бунчалик шошимизнинг ажабланарли жойи йўқ. Хоҳлаймизми, йўқми, биз шундай хаёлга борамиз: “Аъло натижаларга эришиш орқали мен янада яхшироқ бўламан. Менинг моддий ҳолатим қанчалик аҳамиятли бўлса, мен ҳам шунчалик аҳамиятли бўламан. Қанча кўп одамлар мени яхши кўрса ва қадрласа, мен бетакрор бўламан”. Бундай фикрлаш шанба дам олиш куни деган фикрни сездирмасдан, аста-секин йўққа чиқаради. Бироқ, тиним билмай ишлашни тўхтатиш ҳамда шанба кунига амал қилиш ўз тақдиримизни белгилашимизга қандай таъсир қилади? Лекин менинг аҳамиятим маҳсулдорлигим билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлса, унда шанба кунига ҳеч нима қилмаганимда ўзимни қандай баҳолайман?

Биз инсон шахсияти шанба кунги дам олиш ҳолатида шаклланишини ва куч тўплаб олишини, ана ундан кейингина унумдорлик намоён бўлишини англаб етмаганимиз учун ўз шахсиятимизни эришган натижаларимизга қараб белгилашга ҳаракат қиламиз. Биз мутлақо тескарисини қиляпмиз, гап сўзларимиз бунинг яққол исботидир. Барчамиз “Мен ишга бошим билан шўнғимоқчиман”, деган гапни эшитганмиз, лекин ўзимиз буни бирон марта ҳам айтмаган бўлишимиз мумкин. Бундай дейдиган одамлар ўзларининг қанчалик ҳақ эканлигини англаб етмайдилар! Уларнинг сўзларидан маълумки, биз эс-ҳушимизни йиғиб олишимиз учун Исо билан бирга шанба куни ором олишимиз шарт.

Мен академик таътил олиб, бу таътилни қуйидаги оғриқли саволларга жавоб топишга сарфладим: “Агар мен одамларга маслаҳат бермасам, ваъз ўқимасам, чўпонлик хизматини қилмасам, ҳаётимда бошқаларга яхши таъсир қиладиган воқеалар содир бўлмаса, унда мен кимман?” Мени ташвишга солган бу саволлар имонимнинг ҳақиқий манбаи нима эканини кўрсатди, яъни ўзимнинг аҳамиятимни ҳис қилишим Исонинг хочда амалга оширган ишига эмас, балки кўпроқ ўз ҳаракатларимга боғлиқ эканини кўрсатди.

Шу йил Тилден Эдвардснинг “Sabbath Time” китобини ўқидим. Мени қийнаётган, ҳаётимда жуда кўп кўнгилсизларга сабаб бўлган ва тушунишим мушкул бўлган саволлар ҳақида унинг фикрлари билан танишиб чиқиш мен учун жуда муҳим эди. Сермахсул ёзувчи ва ақлли руҳий устоз бўлган Эдвардс қуйидаги фикрларини биз билан бўлишган:

Шанба куни дам олишнинг аҳамиятини тушуниш ва шу кунлари дам олиш соғлом ва солиҳ турмуш тарзига амал қилишга ёрдам беради, бу эса ғарб оламида қисқа танаффуслар орқали яхши натижаларга эришиш усули ҳисобланади. Ҳолдан тойдирувчи ҳаёт тарзи ўрнига биз чинакам масиҳийча ҳаёт тарзида яшаб, хизматда алмаша оламиз ва шанба кунлари дам оламиз. Бундай ҳаёт тарзи бизга масиҳийча ҳаёт тарзи ҳақида кўп нарсаларни намоён қилиш мумкин.

Эдвардс бир-биридан тубдан фарқ қилувчи икки хил ҳаёт тарзини тасвирлайди: биринчиси, қисқа танаффуслар билан натижага эришиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилиши билан ажралиб туради (1 расм), иккинчиси эса, хизматда алмашиш ва шанба куни дам олиш суръатини ифодалайди (2 расм).



Талабга кўра ишлаш; муносиб дам олиш
1 расм

Ғарб оламидаги қисқа муддатли танаффуслари билан қабул қилинган ўта бандликнинг шафқатсиз доираси Каломдаги иш куни ва шанба кунини алмаштириш билан бир хил. Бу шафқатсиз доиранинг асоси бизни ишлашга, ишлашга ва кейин яна ишлашга мажбур қилувчи ташвишланишдир. Вақт ўтиши билан бундай ташвишланишлар умидсизликка олиб келади ва бизда умуман ҳеч бир иш қилмайдиган жойларга қочиб кетиш истаги туғилади. Бу ҳалокатли доирада биз ишга нисбатан атрофимиздагилар (ёки ўзимиз) талаб қиладиган нарсани сифатида, дам олишга эса муносиб бўлиш шарт бўлган нарсани сифатида қараймиз. Ишлаш ҳамда дам олишга нисбатан бундай тасаввурда деярли иноят бўлмайди.

Қолаверса, шошқалоқлик бизнинг ҳаёт тарзимизни охири йўқ “мажбуриятлар” сериясига айлантиради. Ҳаёт – мажбурият, оила – мажбурият, иш – мажбурият ва ҳоказо. Лекин биз масиҳийлар, шанба куни дам олиш ва жамиятда юзага келган анъаналарни бузиш орқали бундай охири йўқ “мен мажбурман” деган фикрдан халос бўлиб, “мен истайман”, деган муқаддас фикрга келамиз. Худо бизга туҳфа қилган “мен истайман” деган фикрга қайтиш учун биз доимо шошиб юришдан ва мажбуриятлар босимидан халос бўлишимиз мумкин, лекин бунинг учун биринчи ўринда чин юракдан буни хоҳлашимиз керак, чунки бу истак Худонинг ҳаёт тарзини бизга қайтаришга ва бизни Унинг хизматига чиндан жалб қилишга қодир. “Мен мажбурман” деган фикрни ҳаёлимиздан чиқариб ташлаганимизда, “мен хоҳлайман” деган фикр қалбимиздан ва онгимиздан ўрин олади. Ўшандагина қилаётган ишларимизни нима учун қилаётганимизни ёдга оламиз. Ёдга олганимизда эса ҳафта охиридаги шанба кунини дам олиш нима учун муҳимлигини англаб етамиз.

Бу ҳақиқатнинг Муқаддас Каломдаги тасвири Қонунлар 5-бобида берилган. Унда Мусо Ўнта Амрни ўқиб бериб, исроилликларга уларнинг Мисрда кул бўлганликларини

ҳамда қаттиққўл нозирлар қўли остида бўлганликлари учун шанба кунига бемалол риоя қила олмаганликларини эслатади (Қонунлар 6:12-15 га қаранг). Агар биз иш жадвалимизда шанба кунлик дам олишга вақт ажрата оласак, худди қуллардек йўл тутган бўламиз. Худо шанба кунини иш куни сифатида яратмаган, аксинча, бу кунни мажбуриятлардан озод бўлиш куни сифатида яратган. Биз эса кундалик ҳаётимизда ва хизматимизда қачон дам олишни ўзимиз ҳал қила олмайдигандек тутамиз.

ЭЗГУ ИСТАКНИ ЁДГА ОЛИШ

Руҳий эркинлик ҳақидаги фикр менга қандай қилиб масиҳийча хизматим менинг ваҳийимга айланганини ёдимга солди. Биронта инсонни бурч ёки мажбурият юзасидан Худонинг хизматчисига айланганини ҳеч қачон эшитмаганман. Билишимча, жуда кўп масиҳийлар Худодан топган ҳаётларини атрофдаги бошқа инсонлар билан бўлишига ҳаракат қилишади.

Чўпон бўлиш ҳақидаги қарорни ўз ихтиёрим билан қабул қилганман, ҳеч ким менга таҳдид қилмаган ёки мажбурламаган. Бу қарорга келишимга айбдорлик ҳисси ҳам уят ҳисси ҳам туртки бўлмаган. Шунчаки, ҳаётимдаги ажойиб ўзгаришларни бошқалар ҳам кўришларини хоҳлаганман. Мен бошқа инсонларнинг ҳаётида ҳам Худонинг иродаси бажо бўлишини истаганман. “Хизматда ўз изимни қолдириш” каби аҳмоқона фикрлар мени қизиқтирмасди. Мен фақат одамларга Масиҳни танитиш ва У билан чуқур муносабатда бўлишлари учун нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлаганман. Лекин баъзида кундан-кунга кўпайиб кетаётган чўпонлик “ишларим” ва “мажбуриятларим” туфайли илк истаklarим эсдан чиқиб кетарди. Қолаверса, чўпонлик лавозимида узоқроқ қолганим сайин, мажбуриятларим рўйхати кўпайгани сайин, келаётган мактубларнинг сони кўпайгани сайин, кун тартибим янада тигизлашгани сайин, бундай “мажбуриятлар” босими остида ўзимни ёмонроқ ҳис қилардим. Менинг Худога хизмат қилиш ҳақидаги эзгу истаklarим ҳар кунги чўпонлик “мажбуриятлари” остида қолиб кетди. Лекин Худо билан шошма-шошарликсиз ўтадиган соатлар менга кундалик оворагарчиликлар юки остидан аввалги эзгу истаklarимни халос қилишимга ва уларни қайта уйғотишимга ёрдам берапти.


Қисқаси, шошқалоқлик Худо даъватининг асл моҳиятини йўқотишга олиб келади.

Тилден Эдвардс бундай ҳаёт тарзи инсонни “уйқуга, спиртли ичимликларга, гиёҳванд моддаларга ёки телевизорга, хуллас кундалик югур-югурлардан тўхтатиши мумкин бўлган ҳар қандай нарсаларга” берилишга мажбур қилишини таъкидлаган. Тан оламан, менинг заҳирамда ҳам ишлардан қочиб, паноҳ топишим учун бир-иккита шундай нарсалар бор. Энг аввало, ўзининг ажойиб дастурлари билан, жозибадор фильмлари ҳамда қизиқарли спорт кўрсатувлари билан телевидение биринчи ўринда туради. Бу теледастурлар сизни тетиклаштиради, завқ беради, дўстларингиз билан муҳокама қилиш учун ажойиб сабаб бўлади. Лекин баъзида телевизор қаршисида ўтириб, ҳаёлот дунёсига ғарқ бўламан, қўлимда бошқарув пульти билан барча каналларда бўлаётган дастурларга нигоҳим қадалганча туриб қоламан. Экран қаршисида ўтириб, руҳий илҳом, бошқарув ёки руҳий титроқни изламайман. Очигини айтганда, онгли равишда ҳаёлот оламига бериламан. Бироқ бундай туйғу Худонинг тинчлигида бўлиш билан бир хил эмас.

Бирон марта ҳам телевизор қаршисида бир икки соат ўтириб, “Қойил! Ҳеч қачон ўзимда бундай ғайратни ҳис қилмагандим!”, деганимни эслай олмайман. Аксинча, ўзимни янада ҳолдан тойган ва тушкунликка тушгандек ҳис қиламан.

Нотўғри йўллардан яна биттаси (бу борада ёлғиз эмасман) – овқатдан тасалли излаш. Кечқурун ўн бирда ошхонага йўл оламан ёки музлатни очаман, лекин бундан мақсад олдимда турган мушкул ишдан аввал куч йиғиб олиш эмас. Мен тунги навбатчиликда ишламайман! Бироз ширин, қарсилдоқ, тузли ёки ёғли нимадир еб, ўзимизни овутганимиз билан қалбимизда тинчлик бўлмайди, оқибатда яна ошхонага йўл оламиз.

Муқаддас Калом бўйича ҳам, ҳаётий кучнинг тикланиши бўйича ҳам шанбадаги ҳордиқ ва хизмат/ишнинг ўрин алмашиши 2-расмда кўрсатилган.



Расмда бу доиранинг асоси имон экани кўрсатилган. Биз имон орқали иноятни ҳаётнинг асоси сифатида қабул қиламиз; биз иш – талаб эмас, балки бизга юқоридан берилган эканини, дам олиш ҳам худди шундай берилганини, аслида эса хизматимизга яраша эмаслигини тан оламиз. Дам олиш ва иш Худо томонидан берилган. Худо Ўз севганларига уйқу берганда, эрта туриб кеч ётишдан маъно йўқ (Забур 126:2 га қаранг). Биз – Худонинг ижодимиз, Худо бизни Исо Масих орқали хайрли ишлар қилишимиз учун яратган ва бу ишларни биз учун олдиндан тайинлаган (Эфесликлар 2:10 га қаранг). Лекин жамиятимизнинг маданиятли намунаси бўйича яшаганимизда, дам олиш – кучни янгилаш учун имконият эмас, балки кўпроқ беҳушликка ўхшайди.

Бир ойлик академик таътилимни Нью-Мексико штатидаги Пекос номли католик черковида руҳий васийлик санъатини ўрганишга бағишлаб, бундай солиҳ ҳаёт тарзи бўйича шахсий тажрибага эга бўлдим. Биринчи марта бенедикт-роҳибларининг турмуш тарзи, хизмати ва ибодатлари билан танишиш имкониятига эга бўлганимдаёқ, барча керакли ишларни бажариш учун кун давомида етарлича вақт бўлишини англаб етдим. Шошилиш учун ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Роҳиб, ёзувчи ҳамда жамоат арбоби Жоан Читтистер бундай меъёрий ҳаёт тарзининг сабабларидан бирини шундай ифодалайди:

“Дам олиш – бенедиктлар руҳий ҳаётининг ажралмас қисмидир. Бу дангасалик ҳам худбинлик ҳам эмас. Дам олиш – ҳаётнинг изчиллиги, теранлиги, давомийлиги ва сифати билан бевосита боғлиқ”.

Шундай қилиб, мен соғлом ва носоғлом дам олишнинг фарқини тушундим.

Соғлом дам олишни носоғлом дам олишдан қандай фарқлаш мумкин? Носоғлом дам олиш бизни кучимиздан айирса, соғлом дам олиш бизга куч бағишлайди. Лекин бу фарқ ҳар доим ҳам қилаётган ишимиз билан белгиланмайди. Мисол учун, мен ўғлим билан видео ўйин ўйнасам, биз вақтимизни завқли ўтказиш билан бирга ижобий қувват ҳам оламиз. Агар бу ўйинни бир неча соат бир ўзим ўйнасам, оқибатда зерикашни ва бўшлиқни ҳис қиламан. Бўш вақтимда турмуш ўртоғим билан соҳил бўйида сайр қилиб, ғайратим ошганини ҳис қилишим, дўстона муносабатдан ва табиат гўзаллигидан завқланишим мумкин; ёки Худо шу кунда қилишим учун тайёрлаб қўйган вазифалардан қочиб соҳилга кетишим ва қалбимда бўшлиқни ҳис қилишим мумкин. Дам олишимизнинг соғлом ёки носоғломлиги вақтимизни қандай ўтказишимизга эмас, кайфиятимизга қараб белгиланади.

Аввал айтиб ўтганимдек, бенедикт биродарлар ва опа-сингиллардан уларнинг турмуш тарзи барча эзгу амалларни бажаришга – ишда ҳам ибодатда ҳам, Муқаддас Каломни ўрганиш ва мулоҳаза қилишда ҳам, ёлғиз қолиш ва муносабатда ҳам - улгуришларига имкон беришини билиб олдим. Улар туфайли менинг шошқалоқлигим баъзи фойдали ва зарур ишларни бажариш учун вақт етмаслиги ҳақидаги нотўғри тасаввуримдан келиб чиқишини тушундим. Исо Ўз бўйинтуруғини юмшоқ, юқини эса енгил деганини нотўғри деб ҳисоблардим (Матто 11:30). Соғлом дам олиш – даъват бўлиб, Худонинг даъватини шошмасдан ва ташвишланмасдан бажариш лозим. Авлиё

Бенедиктнинг низоми бундай доно ёндашувга хос маромни яратишга имкон беради, бу эса менинг кундалик ҳаётимда баъзида ҳаддан ташқари банд кунларим бўлишига йўл қўйса-да, уларни қоидага айлантирмайди. Ҳаётимда бутунлай хотиржам бўлишни истамадим.

Жоан Читтистер ўз фикрини қуйидагича давом эттиради:

Бўш вақтнинг икки жиҳати бор: кўнгилхушлик қилиш ва дам олиш. Авлиё Бенедиктнинг низоми кўнгилхушлик ҳақида гапирмайди, чунки у аллақачон олтинчи асрдаги черков календарига киритилган. Жамоатларда ва диний жамоаларда бошланган кўплаб байрамларнинг вазифаларидан бири жамиятнинг имтиёзли қатламларига ҳам, деҳқонларга ҳам кўнгилхушлик қилиш ва роҳатланиш имкониятини бериш эди. Жамоат байрамлари пайтида оддий хизматчилар ишдан озод қилинган. Касаба уюшмалари ҳамда жамиятни сановатлантириш пайдо бўлгунча оддий ишчилар кўнгилхушлик қилиш учун вақтни черков ажратар эди.

Ёшлигимда ва ўсмирлик пайтларимда ўйинлар ҳаётимнинг табиий қисми эди, лекин йиллар ўтгани сайин бу ўйинлар мен учун ўз жозибасини йўқотди. Ҳозирда менда ёшликдаги хушчақчақликнинг ярми ҳам қолмаган. Яқинда оила аъзоларим билан оқшомни “маълум иборалар” ўйинини ўйнаш билан ўтказдик. Аввалига мен кучайиб борадиган қаршиликка учрадим: “Менинг муҳимроқ ишларим бор. Негадир яхши ўйнай олмаяпман. Афтидан, буни ўйнаш қўлимдан келмайди, шекилли”.

Лекин бирдан Худо кўзларимни очди ва жавобларим қанчалик аҳмоқона бўлганини тушундим. Оила даврасидаги оқшом! Ўша пайтда рафиқам ҳамда учта ўсмир ўғилларим билан бемалол ҳордиқ чиқаришдан ҳам муҳимроқ яна нима бўлиши мумкин? Ўз хонамда бу ўйиндан ҳам муҳимроқ ва яхшироқ нима бўлиши мумкин? Ҳеч нима! Унда нима учун оила даврасида бироз дам олмаслигим керак? Натижада, барчамиз бутун оқшом маза қилиб қулишдик, ҳазиллашдик, ишонч билан айта оламанки, ҳар биримиз жуда ажойиб дам олдик. Мен бенедикт биродарларимдан яхши сабоқ олдим. Шубҳа йўқки, бу ҳаётда биз учун жуда кадрли бўлган барча нарсалар қурилиши учун айнан мана шундай лаҳзалар ишончли асос бўлиб хизмат қилади.

Ўйиннинг аҳамияти ҳақида гапириб, ёзувчи Стюарт Браун унинг моҳиятини “аниқ мақсаднинг йўқлиги (ўйиннинг ўзидан бошқа)” ҳамда ўйинчининг “чекланмаган вақти” борлиги ва “ўзига жиддий эътибор бермаслиги” ҳақида айтади. Навбатдаги ипотека қарзи ёки олинган уйнинг қарзи натижаси бўлган ишдан фарқли равишда ҳақиқий ўйин – моддий манфаат келтирмайдиган машғулот ҳисобланади. Ўйинчиларнинг олдида қандайдир мақсадга эришиш вазифаси қўйилмайди. Аксинча, ўйин ўз унумдорлигимизни ошириш учун охири йўқ мойиллигимизни – кимлар учундир одатни – “тўхтатади”.

ШАНБА КУНГИ ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

Ибронийлар 4:7 оятда халқ Унинг овозига самимий ва ҳамдардлик билан жавоб қайтаришлари учун Худо “бугун” деб аталган махсус кунни тайин қилганини Довуд орқали эслатганини кўришимиз мумкин. “Бугун” – биз Худонинг шаббат иноятини, дам олиш иноятини қабул қилган кундир. Афсуски, гап дам олиш иноятига бориб тақалганида, биз “бугун” деган сўзни “қачондир” деган сўзга айлантиришга мойилмиз. Қачондир ҳаётимда хотиржамлик бўлади. *Коллежни тамомлаб, ишлашни бошлаганимдами? Турмуш қуриб, оилали бўлганимдами? Ҳаётда ҳам ишда муваффақиятга эришганимдами? Нафақага чиққанимда... ёки ўлганимдами?* “Унинг фароғатига” қачон кирамиз? Бизнинг “қачондир”имизга эришиш имконсиз бўлиб қолади, чунки ҳар сафар “ҳозир эмас” дейиш учун янги янги баҳоналар ўйлаб топаверамиз. Баъзан “ҳозир эмас” сўзи вақтинчалик характерга эга бўлади: “Ҳозир дам олишга умуман вақтим йўқ”; баъзида эса “ҳозир эмас” сўзи ҳиссий характерга эга

бўлади: “Дам олиш – бу ҳашамат, менинг чўнтагим бундай ҳашаматни кўтармайди”; ниҳоят, “ҳозир эмас” сўзининг ижтимоий характери: “Ҳеч ким дам олаётгани йўк!”.

Нима учун биз Худонинг фароғат тухфасини олишга шошилмаймиз? Сусткашлигимизнинг сабаби нима? Шахсан менда бунинг сабаби – кўпинча, бу тухфани олиш учун кўлимни узатишни истамаслигим. Ўзининг “Шаббат” номли китобида Уэйн Мюллер шундай деган: “Шанба – воз кечишни талаб қилади. Агар биз ишни охирига етказгандан кейингина тўхташга рози бўлсак, ҳеч қачон тўхтамаймиз, чунки иш ҳар доим топилади. Агар ишни тугатмагунча дам олишни инкор этсак, ўлгуниimizча дам олмаймиз. Шанба – кунларимиздаги шошқалоқликни бекор қилади, чунки бошлаган ишимизни охирига етказиш заруратидан халос қилади”. Шанба – бизнинг устимиздан иш эмас, балки Худо ҳукмронлик қилаётганини ҳар ҳафта ёдимизга солиб туради. Биринчи ўринда биз Худога хизмат қиламиз, кечиктириб бўлмайдиган ишлар ёки белгиланган учрашувлар рўйхатига эмас. “Бугун” – ҳафта кунларининг бири бўлиб, ишдан тўхташимиз ва Худонинг ишлари бизнинг ишларимиздан муҳимроқ эканини эслашимиз учун берилган.

Худо инъом қилган фароғатга “бугун” киришга шошмаслигимнинг иккинчи сабаби ўта чарчаганлигимдир. Бу бемаъ依ликдек туюлади, лекин Томас Мертон бу ҳақда шундай дейди:

Шундай вақтлар бўладики, тирик қолиш учун шунчаки қўл қовуштириб, ҳеч нима қилмасдан ўтиришимизга тўғри келади. Доимо иш билан банд бўлишга ўрганиб қолган киши учун ҳеч нима қилмасдан шунчаки дам олиб ўтиришдан ҳам мушкулроқ нарса бўлмаса керак. Бундай ҳолда дам олиш – жуда оғир иш бўлиб, кишидан бекиёс жасорат талаб этади, лекин кўпинча, кишининг бунга қурби етмайди.

Шу ерда, ҳозирнинг ўзида Худонинг фароғати маромига эришиб, Худонинг назарида қанчалик аҳамиятли эканимни эсга оламан. Бугунги кундаги хизматимнинг энг муҳим қисми – масиҳий етакчиларга ҳамда хизматчиларга сукут сақлаш ва Худонинг ҳузурида ёлғиз қолишлари учун имконият яратишдан иборат. Аниқ сони эсимда йўқ, лекин Худо билан ёлғиз қолишнинг биринчи кунидаяк кучли ҳаяжонни ҳис қилган ва турли сабаблар билан бир неча соат “ҳеч нима қилмасдан” фақат Худонинг ҳузурида бўлишни афзал кўрган кўплаб истеъдодли ва шижоатли етакчилар ёдимда қолган. Бундай қадам чиндан ҳам жасорат ва имон талаб қилади, лекин бу қадамни босгандан кейин Худонинг ҳақиқийлигини, У бизнинг ҳаётимизда фаол иштирок этаётганини билиб оламиз!

Худо шанба кунги дам олиш Исроил халқининг ҳаётида муҳим ўрин эгаллашини таъминлади. Худо шанба деб атаган дам олиш куни ҳақида аллақачон айтиб ўтган эдик, бунга қўшимча равишда дам олиш учун бошқа имкониятларни ҳам Худо Ўз календарига киритган. Мисол учун, ҳар ойда бўладиган янги ой шодиёнаси худди шанба куни каби эди, чунки бу кунда ҳеч қандай иш қилинмаган. Шундай қилиб, ҳар ҳафта келадиган шанбага ҳар ойда бўладиган янги ой шодиёнасини қўшамиз (бу кунлар йилига икки ёки уч марта тўғри келади). Бундан ташқари, яна учта катта байрамлар мавжуд бўлган: Фисих (“Ҳамиртурушсиз нон байрами”), Ҳосил байрами (Шавуот, “Ҳафталик байрам”) ва Чайла байрами (“Ҳосил йиғиш байрами”). Бу уччала байрам Қуддусга бир неча кунлик зиёратни ўз ичига олган бўлиб, ана шу етти ҳафтанинг биринчи ва охириги кунлари шанбага таққосланган, яъни ҳеч қандай иш қилинмаган (Левилар 23:7-8 га қаранг). Ушбу байрамларни жорий қилиб, Худо Унинг халқи “экиш ва ўриш вақтида” дам олишлари кераклигини қайта-қайта такрорлайди (Чикиш 34:21). Худонинг бу амрига етти йилда бир марта бир йил давомида ерга дам беришни қўшамиз, бу эса шу йили ерга уруғ экиш, узумзорларни кесиш ва ҳосил йиғиш таъқиқланишини билдиради (Левилар 25:2-6); яна юбилей йили (ҳар эллик йилда бир марта) – яна ерга бир йил дам бериш (Левилар 25:8-12). Қаранг, Худо Ўз халқининг календарига ҳафталик, ойлик ва

йиллик дам олиш вақтини киритган. Агар Худо Ўзининг халқи Унинг ҳузурида бўлиши учун шунча имконият берган бўлса, биз Худо билан ёлғиз қоладиган вақтимизни бироз бўлса ҳам узайтиришимиз учун қандай қурбонликларга тайёرمىз?

ХУДО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ЎТАДИГАН СОАТЛАР

1. Шанба куни дам олиш учун ҳаётингизда, оилангизда ва хизматингизда бироз вақт ажратишингиз учун Худо сизни қай йўл билан даъват қиляпти?
2. Онгингиздаги қайси фикрлар “Унинг фароғатига киришга ҳаракат қилишга” халақит беряпти?
3. Ҳаётингизда шанба кунги дам олиш қадрини эришган натижалар билан эмас, балки дам олиш, сажда қилиш, севги, ҳатто ўйин каби нарсалар билан ўлчаган вақтларингиз ҳам бўлганми?

8 БОБ АЗОБЛАР: ШОШИЛМАСЛИК ЗАРУРАТИ

Бир неча йиллар аввал рафиқам бир қийинчиликни бошдан кечирди, кейинчалик биз уни “азоблар ёзи” деб атадик. Яқинда рафиқам Жем чойшабни тўғрилаш учун озгина эгилганида ҳам, икки ҳафталар олдин худди шу чойшабни тўғрилаш учун эгилганида ҳам радикулит хуруж қилди. Севган инсонингиз жисмонан ёки ҳар қандай оғриқ билан азоб чекаётганини кўриш жуда оғир.

Деярли ҳар куни Жемни шифокор-хиропрактик* ҳузурига олиб борганим ёдимда (биз жарроҳлик амалиётини ўтказишни истамадик). Биз жуда секин ҳаракатланганмиз, чунки ҳар қадамда оёғидаги оғриқ азоб берарди. Ҳаётимиз шиллиқкуртнинг ҳаракатлашидек секинлашди, чунки кимирилашнинг иложи бўлганида ҳам Жем жуда секин ҳаракат қиларди. Жисмонан шошилиш имкониятини йўқотганимиз учун азобнинг шошма-шошарликсиз маромига бўйсуниб яшадик.

*Хиропрактика – қўл терапияси (қўл билан таъсир қилиш) ёрдамида турли хил касалликларни даволашнинг энг қадимий усуллари билан бири бўлиб, умуртқа поғонаси, бўғинлар ва ички аъзолар билан ишлашни ўз ичига олади.

Баъзида оғриқ қолдирувчи дориларнинг таъсири тугаганидан, Жем ярим тунда уйғониб кетарди. Белидаги кучли оғриқдан чалғитиш учун Забур саноларини овоз чиқариб айтиш билан бирга унинг белини уқалардим. Бу усул баъзан ёрдам берарди, баъзан эса йўқ.

Тахминан ўша кунларда мен Ж.Б.Филлипснинг масихий адабиётининг дурдонасига айланган “Your God Is Too Small” («Сенинг Худонинг жуда кичкина») номли китобининг нусхасини олдим. Бир куни Жем муолажа олиб бўлишини кутиб ўтирганимда, китобнинг кириш қисмидан куйидаги сатрларни ўқидим (китоб ёзилган даврларни акс эттирадиган, эркакларга мўлжалланган сўзлар учун олдиндан узр сўрайман):

Катта ёшли эркак агарда ўз ҳаётини тажрибасидан воз кечишга тайёр бўлмаса, яқшанба мактаби ўқувчисининг тушунчасида мавжуд бўлган Худонинг ғоясига амал қила олмаслигини тан олишимиз керак. Агар у ғайриоддий ирода кучи билан шундай қадам ташласа, ич-ичидан қандайдир янги бир ҳақиқат унинг етилмаган имонини фош қилишидан кўрқиб яшайди. Оқибатда эса, катта ёшли эркакдан садоқат ва ҳамкорликни талаб қиладиган жуда заиф Худога сажда қилиш ва хизмат қилиш, деган хулосага келади.

Рафиқамнинг азоб чекиши ҳамда менинг ожизлигим Худо ҳақида мурғак тасаввурда эканлигимни очиқ ташлади. Жемнинг жисмоний азоблари мени қаттиқ жаҳлимни чиқарди ва Худонинг бизга ғамхўрлик қилишига ва ҳаётимизда мавжуд эканига шубҳа қила бошладим. Кўпинча, Унинг ҳаётимда мавжуд эканини ҳис қилмасдим. Ўша пайтларда мени турли саволлар қийнади: “Қачонгача Худойим? Жем яна қанча азоб чекиши керак? Қачон тасалли ва таскин берасан?”

Бир неча ойдан кейин Жемнинг азоблари камайди, қуввати тикланиб, эркин ҳаракатлана бошлади. Ўша пайтларда бошимизга тушган қийинчиликларга ва Худога бўлган ишончимиз жиддий синовларга дуч келганига қарамасдан имонимиз сақланиб қолди. Бундай кучли азоблар пайтида бизга нима бўлгани ва нима учун шундай бўлгани ҳақидаги Каломнинг изоҳлари бизни қизиқтирмас эди. Шундай бўлса ҳам, азобларнинг келиши биз учун Худонинг севгиси ва иноятининг келиши бўлди. Шунинг билан англаб етдикки, биз учун энг муҳими Худо биз билан бирга эканлигини англашимиз экан. Бизларнинг ҳар биримиз қийинчиликлар, муаммолар ва касалликлар пайтида буни ёдда тутишимиз керак эмасми?

ХУДОНИНГ ҚАТЪИЙ ШАФҚАТИ

Оилавий турмушимизнинг илк даврида биз билан содир бўлган қисқача воқеани айтиб берсам. Турмуш қурганимизда ҳеч нарсамиз йўқ эди, бирдан бошимга кўнгилсизлик келди, бунга ўзим айбдор эдим. Мен бутунлай руҳан чарчаган вақтларим ҳақида гапиряпман, чунки жуда кўп ишлаганим учун бўш вақтим бўлмасди. Тўғри, мен ҳозир сизларга айтиб бермоқчи бўлган ўша даврлар Худонинг Унга бўлган эҳтиёжим қанчалик катталигини англаш имкон берадиган қатъий ва кўп қиррали раҳм-шафқатини намоён қилганини энди англаб етдим. Бу ўта оғир даврлар эди, бироқ Худо бу даврни менинг ҳаётимга эзгулик олиб келиш учун ишлатди.

Мен тажрибали заҳматкаш сифатида бу иллатга қарши курашиш йўлларини ўз тажрибамдан ҳам, бу тобеликдан халос бўлишга интилаётган бошқа заҳматкашлар билан бўлган суҳбатлардан ҳам биламанки (ишонинг, буни тан олиш жуда аламли), нима қилиб бўлса ҳам Худо билан юзма-юз учрашмаслик учун жон-жаҳдимиз билан тиришамиз. Биз Худонинг хизматини қилиш орқали ҳеч қандай танқидга учрамайдиган ҳаёт тарзимизни оқлаймиз. Бу муаммо фақат жамоатда хизмат олиб бораётган ва “Мен Худога хизмат қияпман! Худо учун камроқ ҳаракат қилишим кераклигини айтмоқчимисан?”, дейдиганларнинг муаммоси эмас. Мен буни шундай айтган бўлардим: “Худо учун ҳаракат қилаётганингга ишончинг комилми? Бу хизматни сенга Худо берганми? Агар сенинг юкинг ўта оғир бўлса, бу юк Исонинг айтган сўзларини инкор қилмайдими, ахир У “Менинг бўйинтуруғим яхши, юким эса енгил”, деган-ку?” Яхшилаб ўйлаб кўр, баъзан Худо бизга самарали кўринган, аслида эса У бизга тайёрлаб қўйган самарали хизматимизга ҳалакит берадиган барча нарсаларни ҳаётимиздан олиб ташлайди.

Худога шукур, У бизнинг ҳаётимизга бир нечта устозларни берди, улар туфайли рафиқам иккимиз энг катта янгилашни ва далда йилига – Худонинг марҳаматли йилига эга бўлдик. (Бу давр ҳақида иккинчи бобда айтиб ўтганман.) Ўша йили Жем дадасига яна саратон ташхиси қўйилганини билди. Унинг дадаси бу ҳасталик билан бир неча ўн йиллардан бери курашиб келди, энди эса, ёши етмишдан ошганда бу касаллик икки баробар кучайиб қайталади. Бир йил давомида Жем иккимиз бу қувноқ ва серғайрат инсонни аста-секин сўлиб бораётганини ва охири жуда кичкина бўлиб қолганини кузатиб турдик. Эҳтимол, шунга ўхшаш ҳолат сизларнинг яқинларингиз билан ҳам содир бўлгандир, унда сиз учун қадрли бўлган инсоннинг азоб чекаётганини кўриб туриш қанчалик оғирлигини яхши биласиз. Жем иккимиз эндигина йигирмадан ошган эдик ва бу иккимиз учун ҳам яқинларимиз орасидаги биринчи ўлим эди. Жемнинг дадасини ўлими биз учун оғир синов бўлди. Лекин ҳар биримиз ҳозирнинг ўзида бошимиздан кечириётган қийинчиликдан ҳам оғирроқ қийинчилик мавжуд эмас. Ахир сизнинг қийинчилигингиз энг оғир қийинчилик, чунки бу қийинчилик сизнинг бошингизга тушган, шундай эмасми?

Орадан бир йил ўтиб, Жемнинг ҳомиласи nobуд бўлди. Бу иккинчиси эди, биринчи ҳомила беш йил аввал nobуд бўлган эди. Ўша пайтларда биз Жанубий Калифорниядаги йирик бир жамоатда талабалар гуруҳининг чўпони эдик. Навбатдаги ҳомила тушиш туфайли келган азоб ва хафагарчиликларни енгиллашга ҳаракат қилаётган вақтимизда кўпинча, ҳомиладорлигидан хафа бўлаётган қизларга далда ва тасалли беришимизга тўғри келган. Улар фарзандлари бўлишини хоҳламас эдилар, биз эса буни жуда-жуда хоҳлардик. Нима учун Худо бу қизлар воз кечишга тайёр турган бундай инъом билан бизни баракаламади?

Орадан бир йил ўтиб, Жем учинчи бор ҳомиладор бўлди, лекин тез орада маълум бўлдики, бу галги ҳомиладорлик осон кечмас экан. Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида Жемда қон кетиш бошланди. Уни текширган шифокор унинг бачадони деворларида ҳомиладан ҳам тезроқ ривожланаётган фиброма борлигини айтди. Иккинчи ёки учинчи уч ойликда ҳомиланинг тушишини олдини олиш учун Жем бутун ҳомиладорлик даврида фақат ётишига тўғри келди. Биз ҳамма дўстларимиздан ва

танишларимиздан Жем чақалоқни дунёга келтириши учун ҳомила фибромадан тезроқ ривожланиши учун ибодат қилишларини илтимос қилдик. Бу қийинчилик ва ишончсизлик даври тўнғичимизнинг дунёга келишини нишонлаш билан тугади: узоқ давом этган тўлғоқдан кейин Шон дунёга келди, лекин барибир уни кесарь (кесиш) йўли билан олишди. Олти ойдан сўнг Жемдан чақалоқнинг ўлчами билан тенг келадиган фибромани олиб ташлашди. Ҳаммаси яхшилик билан тугади, лекин осон бўлмади. (Айтганча, Шон фибромадан тезроқ ривожлансин, деб кўп ибодат қилиб юборганмиз, шекилли. Шоннинг бўйи ҳар доим нормадан юқори юрган, ҳозир ҳам унинг бўйи деярли икки метр!)

Шон олти ойлик бўлганида, Жем жарроҳлик амалиётига тайёргарлик кўра бошлаган пайтда, оилавий ҳаётимизнинг илк саккиз йилида мени ўзим хизмат қилган жамоатнинг катта чўпони ҳузурига таклиф қилишди. Жамоатнинг моддий аҳволи қийинлашгани муносабати билан менга ортиқ маош тўлай олмасликларини, шунинг учун вазифамдан бўшашим кераклигини айтишди. Жамоатда бундай ҳолат бўлганини аввал ҳеч қачон кўрмагандим. Бир ойдан кейин мен ишсиз қолишим лозим эди. Бу кўнгилсиз ҳодисадан сал аввалроқ Жем иккимиз шу тумандан уй сотиб олган эдик. Биз ёш ота-она эдик. Тез орада эса моддий ёрдамсиз қолиш хавфи кутиб турганди.

Жамоатдаги ҳақ тўланадиган вазифамни йўқотишим менда бир қатор саволлар келтириб чиқарди: “Агар мен чўпон Алан бўлмасам, унда кимман? Агар маҳаллий жамоатда хизмат қилмасам ва шу кунгача бутун ҳаётимни бағишлаган ишим билан машғул бўлмасам, унда кимман? Бир қатор мана шундай хизматларим учун ҳақ тўлашмаса, унда мен нимага лойиқман?” Орадан олти ой ўтди ва Худо бизни кичикроқ жамоатда маош тўланадиган лавозим билан марҳаматлади. У ерда биз ёшлар ва талабалар учун васий эдик. Лекин бу янги жамоат мен аввал ишдан кетган жамоатдан бир соатлик масофада жойлашгани учун уйимизни сотувга қўйишга мажбур бўлдик. Кўчмас мулк бозорида нархлар тушиб кетган эди, уйимиз учун таклиф қилишаётган нарх эса биз қувонтира олмасди.

Бир неча ойдан сўнг Нортриж зилзиласи бўлиб ўтди. Бизнинг уйимиз Сими-Вэлли тепалигида жойлашган эди. Агар барча тафсилотларини айтмаганда, уйимиз зилзиладан озроқ зарар кўрди. Энди уйни сотиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди! Уйнинг қарзини тўлаш ёки бошқа жойдан ижарага уй олиш учун маблағимиз йўқ эди. Тўққиз йил давомида тўлаган пулларимиздан воз кечиб, уйни банкнинг ихтиёрига ўтказиб беришдан бошқа чорамиз қолмаганди. Бизда бор бўлган барча нарсаларимиз кичик юк машинасига бемалол сиғди.

Ўша йили биз учун инқироз йили бўлганди. Жемнинг дадасини ўлими. Туғилмаган фарзанднинг nobud бўлиши. Яна биттасини эса навбатдаги ҳомиладорлик вақтида йўқотишдан кўрқиш. Кўп йиллик хизматнинг барбод бўлиши. Молиявий танглик. Биз шундай ўлим ва инқирозлар орасида қайта тирилишни ўтказиб юбормаслик учун бор кучимиз билан руҳий кўзларимизни очиқ сақлашга ҳаракат қилдик.

КУТИШ

Бу инқироз йилида биз ўзимизни худди қабулхонада ёки кутиш залида доимий кутиб турган инсондек ҳис қилдик. Эҳтимол, сиз ҳеч қачон кутиш азобини бошдан кечирмагандирсиз (ҳаммаси сиз кутаётган нарсага ва қанча кутишингизга боғлиқ). Кутиш сизга аламли, чидаб бўлмайдиган оғриқ келтирмайди, аксинча, жуда зерикарли ва сурункали оғриқ бўлиб, бу азоблар қачондир ўтиб кетармикан, деган ҳаёлга боришга мажбур қилади. Кутиш мен учун худди сабр қилиш сингари катта муаммо. Инглиз тилидаги *сабр* сўзининг қадимий шакли *узоқ сабр-тоқат қилишни* англатади. Сабр билан кутиш нимадандир узоқ муддат маҳрум бўлиш дегани, лекин энг ёмони биз ўйлаганимиздан ҳам узоқроқ давом этади.

“Қалбнинг қоронғи туни” асарига изоҳ беришда, Йоан Креста расом учун ҳаракатсиз турган модел образидан фойдаланган. У шундай ёзган: “Агар модел нимадир

қилиш ниятида қимирласа, рассом ўз ишини тугата олмайди ва расм бузилади”. Мен ҳам кутиш ҳолатига тушиб қолганимда, нимадир қилгим келади, *нималигини эса аҳамияти йўқ*. Лекин эҳтимол, Худо мени Ўз ишини охирига етказишини кутиб туришим учун шундай вазиятга солгандир. Бу вазиятда Рассом Ўзи истаган расмни чизиб бўлгунича тинч ўтиришим керак. Расм қандай чиқаётганини кўриш учун ўрнимдан турсам, мен Унинг ижодий ишини бузиб қўяман ва У тасвирлашни истаган гўзал манзара кўнгилдагидек чиқмайди.

Хаворий Павлуснинг баданидаги ниш туфайли бошдан кечирганлари ҳам кутиш учун яна бир намунадир. 2 Коринфликлар 12 бобда Павлус Худо у мактаниши мумкин бўлган “ҳаддан ташқари ажойиб ваҳийлар” билан уни марҳаматлаганини (7-оят) ва “шунинг учун кибрланиб кетмасин деб, баданимга бир ниш, мени ниқталайдиган шайтон элчиси берилди”, деб тан олган. *Берилди?* Сизлар учун қандай эканини билмайман, лекин баданимдаги ниш мен учун марҳамат деб ўйламайман! “Буни (нишни) мендан олиб ташлагин, деб уч марта Раббимиз Исога ёлвордим” (8-оят). Сиз сўрамаган бўлармидингиз? Мен сўраган бўлардим, кун бўйи ёлворган бўлардим! Павлус Худога илтижо қилганида тўғри сўзларни ишлатганига, Унга Исонинг номи билан мурожаат қилганига ишончим комил, лекин Сарвари Оламнинг унга берган жавоби... кутишда давом этиш бўлди. Аслида Худо Павлусга: “Йўқ. Мен бу нишни олиб ташламайман. Мен сенга ундан ҳам яхшироқ бир нима тайёрлаб қўйдим”, деган. Қизик, хаворий Павлус ўша пайтда Худонинг режасини муносиб равишда қадрлай олдимиз? Худонинг: “Менинг иноятим доим сенга етарли. Агар илтимосингга кўра, нишни олиб ташласам, сен учун тайёрлаб қўйган марҳаматимдан маҳрум бўласан. Шунинг учун Мен сенинг устингга марҳаматимни ёғдираман. Етарлича иноят бераман, лекин нишни олиб ташламайман, зеро Менинг қудратим ожизлигингда намоён бўлади”, деган жавобини эшитиб, Павлус хафа бўлдимиз?

Бизнинг руҳан ўсиш ва етакчиларни ривожлантириш ҳақидаги таълимотларимиз ҳаётимизда Худонинг қудратини намоён бўлишига имкон берувчи заифлик ҳақида гапирадими? Ёки ўз кучимиз ва соғлом фикрларимиз самарали ва таъсирли хизмат қилишимиз учун етарли деб ўйлаймизми? Негадир етакчилик ҳақида Худо хаворий Павлусга очиб берган йўл билан гапирганларини эшитмаганман. Павлус бу ҳақда “айниқса, ожиз бўлган пайтимда Масихнинг қудрати билан кучли бўламан”, деган (10-оят). Қачонлардир бу иборада мен берилган воқеалар кетма-кетлиги билан боғлиқликни кўрганман: аввалига бир муддат заиф бўламан, бироқ кейин қудратга тўламан. Ортиқ бундай деб ўйламайман. Менимча, бу иборада бир вақтнинг ўзида содир бўлаётган жараён назарда тутилган. *Қачон* ва *кейин* бир вақтнинг ўзида содир бўлади: мен ўзимни ожиз ҳис қилган пайтимда, иноят мени кучли қилади.

РУҲИЙ ҚУРҒОҚЧИЛИК

Худонинг инояти бизга кутиш пайтида ҳам руҳий қурғоқчилик вақтида ҳам ёрдам беради. Ўша инқироз йили жуда қуруқ келганди. Қурғоқчилик ҳақида гапирганда, мен Худодан юз ўгирган, Унинг ҳузурини изламаган, Унинг жонли қудрати ҳаётимизни тўлдирадиган ибодатдаги муносабатимиздан маҳрум қилувчи бандликка йўл қўйган пайтларимизни назарда тутмаяпман. Бундай қурғоқчиликнинг ўзига хос сабаби бор, биз – унинг ташаббускорларимиз, уни йўқ қилиш ўз қўлимизда. Мен айтаётган қурғоқчилик эса тушунарсиз сабаблар билан юзага келади. Бу қурғоқчилик биз Худони астойдил излаганимизда, Худо қалбимизни ўзгартишига имкон берувчи турли руҳий интизомларни қўллаганимизда пайдо бўлади, лекин охир оқибатда, биз ўзимизни жаннатмакон гўшага эмас, саҳрога тушиб қолганимизни кўрамыз. Астойдил руҳий изланишларимизга қарамасдан, барибир истаганимизга эришмаймиз. Қизик, худди шундай туйғулар Довудни ҳам қийнаганмикан, чунки у шундай илтижо қилган: “Эй Худо, менинг Худойимсан, интиламан Сенга. Қуруқ, толиққан сувсиз тупроқдай жоним ташнадир Сенга, вужудим орзуманддир Сенга” (Забур 62:2)?

Бизнинг ҳаётимизда ҳам Муқаддас Рух худди Исони олиб борганидек, бизни ҳам саҳрога олиб борадиган пайтлар бўлишига ишонаман. Бизнинг ташвишга тўла, умидсиз қалбимиз Муқаддас Рухнинг чақирувини эшитади. Биз Унинг овозини дарров танимасак ҳам айнан ўша жойда У бизга гапирди. Саҳрога тушиб қолганимизда, қалбимизнинг кучи ва фаровонлигига етарлича эътибор бермаганимизда бу жойга тушиб қолдим, деб ўйлаймиз ва хатти-ҳаракатларимизни янада кучайтирамиз. Худо бизни саҳрога олиб бориш орқали Унга нисбатан ташналагимизни кучайтира олишини англаб етдим. У бизга агар бизнинг Унга бўлган ташналигимиз осонликча қондирилса, биз кучлироқ бўла олмаслигимизни кўрсатди. Бошқача айтганда, агар бизнинг ташналигимиз қанчадир вақт қониқиш ҳосил қилмаса ва биз уни беҳуда ҳаракатларимиз билан, янгиланиш ва тўлиб-тошиш ҳақидаги қуруқ ваъдалар билан қондиришдан воз кечсак, бизнинг Худога бўлган интилишимиз сезиларли даражада ўсади, ҳатто кучаяди. Шу жойда ҳаворий Павлуснинг сўзларини ёдга олмасликнинг иложи йўқ:

...Биз ҳаддан ташқари, чидаб бўлмас даражада азоб-уқубат тортдик, ҳатто тирик қолишдан ҳам умидимизни узган эдик. Ўлим муқаррар эканлигига амин бўлган эдик. Буларнинг ҳаммаси бизнинг ўзимизга эмас, балки ўликларни тирилтирадиган Худога умид боғлашимиз учун содир бўлди.

2 Коринфликлар 1:8-9

Муқаддас Каломга берилган айрим шарҳларда бу ерда тилга олинган ҳаворий Павлуснинг азоблари айрим одамларнинг қаршилиги ва рад қилишлари туфайли юзага келганини кўрсатмоқда. Бошқа манбааларда айтилишича, Павлус бедаво дарддан азоб чеккан. Менинг ҳаётимда ҳеч қачон униси ҳам, буниси ҳам бўлмаган, лекин мен учун ҳаддан ташқари бўлиб туюладиган ва қурбим етмайдиган ташвишларга қарши курашда бу оятлар билан қуролланишимга тўсқинлик қилмайди. Ишончим комилки, бугунги кундаги менинг азобларимни ҳаворий Павлуснинг азоблари билан таққослаб бўлмайди, аммо менинг азобларим ҳам ҳақиқий азоб бўлиб, менга “ҳаддан ташқари” азоб беради. Мисол учун кўпинча, Худо менга Исо Масих орқали берган вазифаларни бажаришим қийин бўлади: мен шошма-шошарликсиз ҳаёт кечиришнинг афзалликлари ҳақида эълон қилишга даъват қилинганман. Менинг хабарим – иш ёки хизмат билан ўта банд бўлган кўплаб биродарларим ва опа-сингилларим мухтож бўлган иноят хабаридир. Бу хизматим кучли қаршиликларга учраши, бу қаршиликлар мени кучдан қолдириши ва баъзан ҳаддан ортиқ бўлиб туюлиши ажабланарли эмас.

Нима учун Худо мен ўзим кучимдан ортиқ, деб ҳисоблаган узоқ муддатли қийинчиликларни бошдан кечиришимга йўл қўйди? Бундан Унинг мақсади нима эди? Ҳаворий Павлуснинг гувоҳлик беришича, унинг ташвишлари унинг ўзи ҳам хизматдошлари ҳам ўзларига эмас, балки ўликни тирилтиришга қодир бўлган Худога умид қилишларига ёрдам берган. Вазифа қанчалик қийин бўлса, мушкул вазиятларнинг босими қанчалик кучли бўлса, мен билан содир бўлаётган вазиятлар (менинг ўзим ҳам) унчалик аҳамиятга эга эмаслигини шунчалик чуқурроқ англаб етаман. Ҳаворий Павлусдан ўрнатилган олиб, Худо ҳаётимдаги ҳар бир қурғокчиликдан – саҳрода ўтказаётган ҳар бир кунимдан, - Унга янада кўпроқ умид қилишни ўрганишим йўлида ишлатилишини хоҳлайман.

Ҳақиқий саҳро Исроил халқи учун мактабга айланди: қуруқ, жонсиз ер уларнинг руҳан ўсишлари учун муҳим ва машаққатли босқичга айланди. Улар саҳрода жуда узоқ вақт яшадилар ва иқлимга мослашишга муваффақ бўлдилар. Лекин келажак авлодлар номидан Исроилга шундай амр берилган эди: “Эгангиз Худо қирқ йил давомида сизни саҳродан олиб юрди, ўша узоқ сафарни ёдингизда тутинглар. Эгамиз юрагингизда нима борлигини, Унинг амрларини бажаришингизни ёки бажармаслигингизни билиши учун сизларни қийинчиликларга дучор қилиб, синади” (Қонунлар 8:2). Қирқ йил! Худо Исроилликларни жуда олис йўл орқали ваъда қилинган ерга олиб борди. Бундан хулоса

шуки, Худо Ўз халқига бу ерни беришга шошилмади, чунки халқ бу юртда Унинг иродасига амал қилиб яшашга тайёр бўлганига ишонч ҳосил қилиши керак эди.

Худди Исроил ўғиллари билан бўлгани каби бугунги кунда Худо бизни ҳам сахро бўйлаб шошмасдан олиб ўтишининг ўзига хос сабаби бор: “Энди шуни билингларки, инсон фарзандини қандай тарбияласа, Эгангиз Худо ҳам сизларни шундай тарбиялайди” (Қонунлар 8:5). Худо Исроил халқи (шу билан бирга биз ҳам) У бераётган оғир синовлар Унинг севгиси ва содиқлигининг яққол далилларидан бири эканини тушунишларини хоҳлаган эди. Мен кўпинча, бу ҳақиқатни кўздан кочираман. Муаммога учраганимда, бошимга тушган қийинчиликлар ўзимнинг хатоларим ёки иблиснинг хужуми туфайли келди, деб ўйлаб, Худо томонидан берилган тайёргарлик кўриш даври эканини унутиб қўяман. Бироқ Худо менинг хатоларим ёки иблиснинг хужумидан буюкроқ. Бошимга тушган қийинчиликлар Худо бу қийинчиликларнинг сабабини бартараф қилишга кучи етмагани учун эмас. Бошимга тушган қийинчиликлар менга яхши бўлиши ва Унинг улуғворлиги учундир. Ҳа, Худо бизни сахро бўйлаб олиб юради, бундан мақсад эса бизни поклашдир.

ҚУРҒОҚЧИЛИКНИНГ МАРҲАМАТИ

Бир марта жуда куруқ ёз бўлгани эсимда, ўшанда соҳилида жамоатимизнинг энг машҳур оромгоҳи жойлашган кўл куриб қолганди. Тоғнинг мусаффо кўли куп-куруқ чуқурликка айланиб қолганди. Ўша йили бизнинг жамоатимиз ҳам, бошқа кўплаб жамоатлар ҳам севимли оромгоҳга сафар қилишни бекор қилишганди. Бироқ, кўлнинг куриб қолиши оромгоҳ ишчиларига тўғонни таъмирлаш ва бира тўла йиллар давомида йиғилиб қолган хас-чўплардан тозалашларига шароит яратиб берди. Эҳтимол, Худонинг ҳаётимдаги йўл кўйган қурғоқчилик ҳам ниманидир тўғрилашим, таъмирлашим ва бира тўла қалбим тубида йиғилиб қолган хас-чўпларни тозалашим учун имконият эканини англашим учундир. Қурғоқчилик пайтида биринчи ўринда сув ҳавзаси қирғоқларидаги саёзликлар кўринади, қурғоқчилик кучайгани сайин кўлнинг марказига яқин чуқур жойлар кўзга ташланади. Қурғоқчилик пайтида муқаддасликнинг кўринишидан шунчаки рози бўлиш ўрнига мени муқаддас қилишга ҳаракат қилаётганига ишонаманми? Менга иккинчиси маъкул.

Сахрода қилган ибодатим ҳамон ёдимда. Одатда, Худо томонидан қилинган тозалаш ишлари учун миннатдорчилик тоифасини ажратиш мушкул. Кўпинча, мен сувнинг аввалги даражасини ва кафолатланган қулайликни қайтишини исташимни Худога айтаман. Ҳа, мен шунақа узоқни кўра олмайдиган одамман. Қулай шароитнинг афзалликларини англаш билан бирга мен учун нималар ҳақиқатан муҳим ва фойдали эканини унутиб қўяман. Узоқ давом этган қурғоқчилик пайтидаги ноқулайлик ва норозиликлар қалбимизни обдон поклаши учун Худонинг Рухига жуда яхши имкон беради. Қурғоқчилик менинг заиф томонларимни кўрсатади: очкўзлик, шаҳват, зикналик, ҳасад. Сиз ўз рўйхатингизни тузишингиз мумкин. Қурғоқчилик сабр-тоқатимни ва қатъийлигимни намоён қилиш лаёқатимни синайди ва руҳий мушакларимни ривожлантиришимга ёрдам беради. Бу ажойиб, лекин ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади: сахро – яшаш учун энг қулай иқлим шароити эмас.

Эҳтимол, сиз ҳам менга ўхшаган одамдирсиз, менинг ўзгаришга бўлган интилиш даражам ўзимни қандай ҳис қилишимга боғлиқ, бироқ қурғоқчилик табиий равишда бу даражани пасайтиради. Эҳтимол, қурғоқчилик “руҳий” ҳаракатимнинг қанчалик худбин эканини ҳам намоён қилади. Қурғоқчилик балки менда носоғлом ташналикни ҳам уйғотиши мумкин. Мен ҳар куни сахро бўйлаб тентираб юрган ўша чанг йўлар Худо менга ишониб топширган хизматни давом эттиришим учун менга илҳом бағишлайдиган энг яхши вазият эмас. Эҳтимол, қурғоқчилик пайтида илдизи ер остига янада чуқурроқ сингиб кетадиган дарахт сингари руҳий илдизларимни Худода янгиланишга эришадиган даражадаги чуқурликкача ўстирарман (шу илмни танлайман!).

РУҲИЙ ХОМТОК

Каломдаги Худо бизни қийинчиликлар орқали олиб ўтадиган йўналишни тушунишимизга имкон берадиган яна бир метафора дарахтнинг шоҳларини хомток қилиш эди. Бизнинг ибодатли ҳаётимиз нафақат кутиш даври ва руҳий қурғоқчилик, балки руҳий хомток қилиш орқали ҳам жонланиши мумкин. Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 15-боб, 2-ояти ҳаётимнинг иккинчи ярмида энг оғир дамларда мени руҳлантиришга хизмат қилиб келади. Бу оят биринчи марта эътиборимни ўзига тортган пайтни жуда яхши эслайман: “Ҳосил берадиган ҳар бир новдани эса, яна кўпроқ ҳосил берсин деб, хомток қилиб тозалайди”. Мен ўзимдан сўрадим: “Худо қайси новдаларни хомток қилиб тозалайди?” Исо ҳосил берадиган новдаларни хомток қилишини айтган. Гап ҳосил бермайдиган новдалар ҳақида эмаслигига эътибор беринг.

Сиз билан менинг ҳаётимдаги новдаларни хомток қилишдан буюк Боғбоннинг мақсади нима? Унинг мақсади бу новдаларни янада сермахсул қилиш. Бу ҳақиқат новда ҳали куртак чиқармасидан олдинги даврни назарда тутса ҳам кўпинча, новдада кичкина куртаклар пайдо бўлганида хомток қилинади. Ҳар қандай руҳий хомток, у қачон қилинишидан қатъий назар, ўзимизни ожиз, яланғоч, ҳатто ўғри талагандек ҳис қилишга мажбур қилади. Шундай савол туғилади: биз яна ҳосил бера оламизми?

Бир пайтлар ижарага олган уйимиз эсимда. Уйнинг аввалги ижарачилари ҳовлидаги атиргулларга умуман қарамаган экан. Мен ўзим новча одамман, лекин гулларнинг бўйи мендан ҳам баланд бўлиб кетганди. Аجدодларимиз атиргул масаласида ўзларининг назарияларига амал қилишган, яъни “қанча кўп бўлса, шунча яхши”. Ўша пайтда соддалик билан келаси баҳорда атиргулларимизнинг гуллари ҳамма кўп бўлади, деб ўйлаган эдим. Бироқ баҳор келганида ҳар бир новдада ўнтадан кўп бўлмаган кўримсиз гуллар пайдо бўлди. Шунда бизнинг бечора гулларимиз ўзларининг барча ҳаётий шарбатларини инсон бўйи баробар новдалар учун сарфлаганини, ғунчалар учун эса озик етказиб бера олмаганларини англадим. Қишда уч яшар ўғлимни ҳамда ток қайчини олиб, атиргуллар олдига келдим. Новдаларни кесишни бошлаганимда ўғлимнинг кўзларида кўрқувни кўрдим. Унинг отаси атиргул новдаларини кесиб ташлаётган эди-да! Ишни тугатганимда ахлат қутиси атиргул новдалари билан тўлиб кетганди, ерда эса у ер бу ердан атиргул қолдиқлари кўриниб турарди. Биронта барг ёки биронта атиргул қолмади. Ўғлим атиргуллар бутунлай йўқ бўлди, деб ўйлади. Келаси баҳорда уни нималар кутиб турганини ўғлим тасаввур ҳам қилмасди: гулларга ачинмасдан кесиб ташлаганимнинг натижасида ажойиб гўзаллик пайдо бўлди. Очилган гулларнинг сонини ҳам, ажойиблигини ҳам тасвирлаб беролмайман.

Бугунги кунгача ўша гуллар ҳақидаги хотиралар қалбимда руҳан ўсишнинг муҳим ҳақиқатини тасдиқлайди. Менинг руҳий ҳаётим қуйидагича кўринишда бўлишини жуда истардим: Худога мурожаат – руҳий ўсиш – комиллик ва руҳий ҳосил бериш – руҳий ўсишда давом этиш ва ҳар куни янги руҳий ҳосил келтириш – буларнинг бари ҳаётимнинг охиригача давом этишини хоҳлайман. Гарчи буюк Боғбоннинг қўлидаги катта қайчининг ёрдамисиз менинг ҳаётим ўзим истагандек сермахсул бўлмаса ҳам муқаррар руҳий хомток қилиниш даврини ҳисобга олмадим (бу ҳақда ўйлашни ҳам истамайман). Бошқача айтганда, қанчалик ажабланарли бўлмасин, руҳий ҳосил бериш ҳақидаги ибодатларимнинг жавоби руҳий хомток ҳисобланади. Худонинг Шоҳлиги учун ҳосил келтира олишим учун руҳан ўсишимга ёрдам беришини Худодан сўрадим. Яна Худодан Масиҳда кўпроқ бўлиш ва Уни яқиндан таниб билиш имконияти ҳақида сўрадим. Лекин бундай ибодат қилар эканман, Худонинг жавоби қандай бўлишини тасаввур қилишим ҳам қийин бўлди. Нима учун? Чунки мен тасаввур қилган жавоблар Худонинг оқил жавобидан бутунлай фарқ қиларди. Мисол учун, Масиҳдаги ҳаёт ҳар доим тасалли беришига, Худо ҳар доим ёнимда бўлишига, ҳар доим имонда мустаҳкам туришимга ишонишни истайман. Аммо руҳий хомток қанчадир вақт ўзимни кам ҳосил бераётгандек, баъзан эса умуман ҳосил бермаётгандек ҳис қилишга мажбур қилишини билдим. Гарчи кўпинча, бундай жозибали истикбол камроқ тасалли берса ҳам бундай

пайтларда руҳий хомтокнинг натижаси кўпроқ ҳосил бериш имконияти эканини ўзимга эслатаман. Шунинг учун вақтинчалик ҳиссиётларим мени алдаса ҳам, менинг асл ниятимни билгани учун Худога миннатдорман.

Худо томонидан қилинадиган руҳий хомток ишлари ҳар доим бизга яхшилик, Унга эса шараф келтиради. Мисол учун, руҳий хомток туфайли биз эртапишар ҳосил эмас, балки камтарин, Худога онгли равишда итоат қилишнинг натижаси бўлган мукамал ҳосил берамиз. Бироқ руҳий хомток қилиниш унчалик ёқимли жараён эмас. Гетсемания боғида жуда қийин ибодат қилган Исони эсланг. Унинг Худога қилган ибодатида ҳеч қандай назария ёки миш-миш йўқ эди. Отага мурожаат қилганида пешонасида қонли тер пайдо бўлгунча тирноқлари билан ерни тирнаб ташлади. У Ўз шогирдлари олдида руҳий ғайратни ифодаламади; У Отанинг иродасига итоат қилишга бор кучи билан ҳаракат қилди. Вақти-вақти билан биз ҳам курашамиз, чунки ҳаётимизда Унинг иродасига итоат этишимиз учун Худо кўпинча, руҳий хомток қилиш давридан фойдаланади. Бу ҳақиқатни ва Худо билан бундай муносабат намунасини бизга Исо кўрсатган.

РУҲИЙ ХОМТОК ҚАНДАЙ КЎРИНИШГА ЭГА?

Руҳий хомток деганда, мен нимани назарда тутяпман? Бир томондан, руҳий хомток ташқи йўқотишлардан иборат: муносабатларнинг бузилиши, мол-мулкдан маҳрум бўлиш, имкониятлардан айрилиш, хизмат вазифасидан, атрофдагиларнинг ҳурматидан, ижтимоий мавқедан айрилиш – бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бундай ташқи йўқотишларни биз руҳий ўсишнинг давоми сифатида қабул қилмаймиз. Ҳозирги нуқтаи назардан руҳий хомток руҳий ўсишдан жуда узоқ бўлган жараёндек туюлади ва ҳеч қандай руҳий ҳосил беришга умид қолдирмайди. Ҳосили кам бўлиб қолишидан кўрққани учун боғидаги мевали дарахтларнинг шохини кесишни истамаган деҳқоннинг ташвишларини сиз билан баҳам кўрмоқчиман. Ахир куздаги ҳосилнинг камлиги даромаднинг кам бўлишини билдиради, баъзи деҳқонлар эса бурнидан нарини кўра олмайдилар. Биз масиҳийларда ҳам худди шундай муаммо бор, яъни руҳий ўсиш деганда кўпроқ илоҳий билимларни, сал кучлироқ таъсирни ва хизматимизни кўпроқ тан олишларини тушунамиз. Руҳий ўсишга оид таълимотимизда эса азобли руҳий хомток ҳамда Худонинг иродасига итоат этишдаги оғриқлар учун ўрин йўқ.

Лекин ташқи йўқотишлардан ташқари, руҳий хомтокнинг натижаси ички йўқотишларга ҳам сабаб бўлиши мумкин: умиднинг, режаларнинг ва кутишларнинг йўқолиши. Бундан ташқари, Худонинг ҳузурини ҳис қилмай қўйишимиз, Худо билан ўзаро муносабатларимизда ишончни ва аниқликни йўқотишимиз мумкин. Хуллас, бундай тажриба бизнинг Исо билан бўлган муносабатимизни янада мустаҳкамлайди ва натижада, ўзимиз орзу қилгандан ҳам кўпроқ ҳосил берамиз.

Йўқотишлар ва азобли айрилиқларни бошдан кечираётганимизда бизларнинг ҳар биримизда кўплаб саволлар туғилади: “Бундай қийин пайтда Масихда қолиш нимани англатади? Ҳаётда ҳамма нарсалар ёмон аҳволда бўлганда У билан муносабатни қандай сақлаб қолиш керак? Худо мендан узоқлашаётган пайтда Унга қандай яқинлашиш мумкин?”

Бу масалалар нафақат ҳаётимизда балки хизматимизда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Худодан хафа бўлган атрофимиздаги одамларга бу хафачиликларини енгитишларига ёрдам бера оламизми? Уларни ташвишга солаётган масалаларга юзаки, саёз ва қониқарсиз жавоб бермаяпмизми? Инкирозли онларни бошдан кечираётган дўстларимизга қийин вазиятдан чиқиб кетиш учун у ёки бу нарсаларни қилишни маслаҳат бермаяпмизми? Ўзларини яхшироқ ҳис қилишлари учун бу қийин вазиятдан тезроқ чиқиб кетишга шошилтирмаяпмизми? Хомток қилиниши лозим бўлган дарахтга қараб: “Ўзинг учун кўпроқ ҳаракат қил”, дейиш шафқатсизлик, лекин биз унга: “Сабр қил. Бор кучинг билан чида. Қайта жонлан. Илдизингни янада чиқурроқ ўстир. Худо ўйлаган режасини охирига етказишига имкон бер”, дейишимиз мумкин. Муаммо шундаки, агар гап жамоатнинг

унумдорлиги ҳамда рақамларнинг биз ўрганиб қолган ўсиши ҳақида бўлса, ҳар доим ҳам бундай маслаҳатларнинг натижасини дарров кўра олмаймиз.

Оғир дамларни бошимдан кечириб, менда шунчаки ақлий билим бўлиб келган ҳақиқатга янгича назар ташладим. Энг аввал, юқорида айтиб ўтганимдек, биз бир йил давомида аниқ, ташқи, сезиларли йўқотишларни бошимиздан ўтказдик, атрофимиздаги инсонлар бизга ҳамдардлик билдиришди. Баъзан биз дуч келган вазиятда Худога бўлган қаҳрамонона имонимиз туфайли одамларнинг олқишига сазовор бўлдик. Тўғриси айтсам, ўзимни қаҳрамондек ҳис қилиш ва одамларнинг олқишини олиш менга жуда ёқди. Лекин 90-йилларнинг охирида руҳий хомтоқ ташқи, кўзга кўринарли ҳолатдан ички, сезилмайдиган ва бошқалар кўра олмайдиган ҳолатга ўзгарди.

Қилаётган хизматимнинг истиқболи ҳақидаги тасаввурларим йўқолганда чуқур тушқунлик ва сиқилиш даврида Худони қандай тушуна олганимга ақлим етмайди. Мен ҳақиқатан Худонинг табиатини ва йўллариини тушунамани, деб ўйланиб қолардим. Ахир, шу йиллар давомида маълум қарашларга амал қилдим ва ўз фикрларимни бошқалар билан баҳам кўрдим, лекин бу фикрлар шу кунгача мен тасаввур қилганимдек, шу даражада мукамал ва бенуксонми? Эҳтимол, шу пайтгача мен нотўғри йўлдан кетаётгандирман, руҳий устозларим хато қилишгандир? Қолаверса, қалбнинг ички руҳий хомтоқ қилиниши ташқи хомтоқ қилиниш каби жамоатчилик томонидан қизгин қўллаб-қувватланмади. Бундан ташқари, мен ўзимни имон қаҳрамони сифатида ҳис қилмадим. Ушбу ички синовлар даврида аввалги эътибор ва одамларнинг қўллаб-қувватлашининг йўқлиги мен ҳис қилган яна битта – жуда муҳим йўқотиш бўлди.

Эҳтимол, бундай туйғулар сизга ҳам танишдир. Ёки назарингизда сиз босиб ўтган масиҳийлик йўлида бирон марта ҳам жаҳл билан “Бу қанақаси, ҳаммаси шуми?” дейишингизга тўғри келмагандир. Ўзингизнинг имонингиз ёки сизга яқин бўлган инсонларнинг имони ўсиш ва мустаҳкамланиш ўрнига аксинча, қуриб қолган ва сусайган пайтлар бўлганми? Сизнинг имонингиз бирон марта бўлса ҳам сиз банди қилинган, вақт ўтгани сайин торайиб борадиган, азоб-уқубатларингиз билан ёлғизликка ҳукм қилинган қамоқхона ҳужрасига ўхшаб туюлганми?

Баъзида Исога бўлган оддий ишончимни йўқотмаслигим учун Худо менинг хомтоқ қилинган имон шохларимни яна бир бор хомтоқ қилганга ўхшаб туюлади. Бундай қийин дамларда мен имонимни йўқотмадим. Кейинроқ, фақат имон ва унга ёндашиш ҳақидаги ўз тасаввурларимга бўлган ишончни йўқотганимни англаб етдим. Масалан, имон ва уни баҳолашга бўлган аввалги ишончимни йўқотдим. Ички руҳий хомтоқ қилиниш жараёни туфайли Исо ҳар доим У билан муносабатларимдаги тажрибамдан устунлигини, Унга алоқадор бўлган ҳар қандай масиҳий анъаналардан устун эканлигини яна бир бор англадим. Ҳар ҳоим. Исо ҳеч қандай инсоний анъаналар билан, инсоний сўзлар билан ва инсоний тажрибалар билан чекланмаган. Мен англаган ҳақиқат диний эътиқодга бўлган ишончимдан халос қилди. Исо ҳақидаги юзаки тушунчам ўзимни хавфсиз ҳис қилишимга имкон берди, аммо Унинг ҳақиқий буюклигини ҳеч қачон англай олмаслигим ҳақидаги фикр мени чўчитади. Ҳаворий Павлус биз Масиҳнинг севгиси ҳақида кўпроқ тушунчага эга бўлишимиз учун ибодат қилган (Эфесликлар 3:18-19 га қаранг). Бироқ буюклигини англаб етишим менинг лаёқатимдан устун бўлган Зот билан муносабат қилиш имкониятини бериши учун Отага имкон беришга тайёрманми? Худони бундай кенг қамровда, обдон англаб етиш – У ҳақидаги нотўғри тасаввуримиз йўқолганидан кейин пайдо бўладиган тирилиш ҳосилларидан биридир.

ОДДИЙ ДАЪВАТ

Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 15-бобида ҳаворий Юҳанно айтган фикр мени ҳайратга солганини айтишим керак. У тозаланган, ортиқча новдалардан хомтоқ қилинган новданинг ягона мақсади – дарахтда мустаҳкам туришдир, деб айтган. Ҳар қандай йўқотишлар бизни яқдиллик туйғусидан маҳрум қилаётганида, Исо Масиҳ

орқали Худо билан муносабатимизни аввалгидан ҳам мустаҳкамлашимиз керак. Бундай танлов қилиш ҳуқуқи бўлмаган дарахтлардан фаркли равишда биз, Худонинг фарзандлари, Худога итоат қилиш ёки итоат қилмасликни, Унинг айтганларига рози бўлиш ёки Уни инкор қилишни танлашимиз мумкин. Йўқотишларимизга сабабчи бўлган ва бу йўқотишларни ҳаётимиздаги руҳий хомтоқка айлантирган Зотга содиқ қоляпимизми?

Қийин дамларда Худонинг марҳаматидан шубҳаланиш васвасаси пайдо бўлади, лекин XIX – аср охири XX – аср бошларида яшаб ўтган воиз ва хизматчи Ф. Б. Мейер ўзининг маслаҳатлари билан бизга ёрдам беришга тайёр:

Азоб-уқубатлар тарбия усули сифатида ҳар доим Худодан келади.

Раббимиз шундай деган: “Менинг Отам – Боғбон”. Унинг қўлида боғбонлик қайчиси бор. Унинг нигоҳи оғир синовлар қандай ўтаётганини кузатиб туради. Жарроҳлик амалиёти бўлаётган вақтда У меҳр билан юрагимиз қандай ураётганини текшириб туради. Ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзаси пухта ҳисоблаб чиқилган. Синовнинг оғирлиги Муқаддас Рухнинг ўз вақтини кутиб турган инояти ва қудратига мувофиқ белгиланиб, улар оғриқ энг кучли бўлган пайтда устимизга қўйилади.

Мейер нима ҳақида ёзаётганини яхши билган. Ҳар гал бизни заиф ва кучсиз қилиб кўядиган кутиш даврини, руҳий қурғоқчилик ёки руҳий хомтоқ қилиш даврини бошдан кечирганимизда, сабр қилишни ўрганамиз, Худо эса ҳатто энг қоронғи зулматда ҳам Унинг иноятини ҳақиқатлигини англаш лаёқатимизни мустаҳкамлайди. Худога диққат қилсак, ҳар қандай қийинчиликка қарамай, ҳатто шу қийинчилик туфайли ҳам иноятга тўлиб-тошамиз.

ХУДО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ЎТАДИГАН СОАТЛАР

1. Руҳий кутиш хонасида охири марта қачон бўлганингизни ифодаланг? Худо сизга қандай намоён бўлган? Ўзингиз ҳақингизда нима ўйлагансиз? Нима деб ўйлайсиз, сизни бундай шошилмайдиган, лекин унчалик ҳам ёқимли бўлмаган вазиятга солиш орқали Худо сизнинг эътиборингизни нимага жалб қилишни истаган?
2. Худо билан муносабатингиз қачон янгиланишдан тўхтади, сушлашди ва ҳаёт бахш этувчи кучини йўқотди? Сиз томондан қилинган нотўғри қарорлар ва нотўғри хатти-ҳаракатлар бу ўзгаришларга қай даражада таъсир кўрсатган бўлиши мумкин? Бу нарса Худо сизни Ўзи билан муносабатда чуқурроқ илдиз отишга даъват қилаётганини, сиз тушиб қолган одатий қулай маконни қуритаётганини қай даражада билдиради?
3. Ҳаётингизда қандай йўқотишларни бошдан кечирганингизни эсланг. Бу руҳий хомтоқ мўл-кўл ҳосил беришингизга қандай ҳисса қўшганини айтиб беринг.
4. Ҳозирги кунда бошингизга тушган қийинчиликлардан фойдаланиб, Худога яқинлашишингиз учун У сизни қандай даъват қиляпти? Сизни ўзингиз тасаввур қилгандан ҳам кўпроқ севадиган Зотга қандай ибодат қилишни истар эдингиз?

9 БОБ КОМИЛЛИК: КОМИЛЛИК ВАҚТ ТАЛАБ ЭТАДИ

Бу китоб устида ишлар эканман, асрнинг учдан бир қисмини масиҳий инсон сифатида яшаб қўйганимни тушундим; мактабда юқори синфда ўқиб юрган пайтимда қалбимни Исога топширганимдан кейин мана ўттиз уч йилу уч ойдан бери Исога эргашиб келаман. Ҳаётимнинг қайсидир даврларида Унга яқинроқ бўлганман, қайсидир даврларида эса узоқроқ. Мени қийнайдиган саволлардан бири қуйидагича: “Мана шу ўттиз уч йил давомида руҳий ўсиш менга ҳамроҳ бўлдимми ёки йиллар ўтгани билан руҳий даражам ўсмай, бир жойда айланавердимми?” Мен Исога умид қилмаган, ҳатто Муқаддас Рухнинг ишига қаршилик қилган, Унга итоат қилмаган ва бутун қалбим билан Унга эргашмаган вақтларимни алам билан эслайман.

Шубҳа йўқ-ки, ўсиш – вақт талаб қилади. Фақат шолғом бир неча ойда ўсиб етилиши мумкин, лекин инсон бундай ўсмайди. Она қорнида тўлиқ шаклланиши учун чақалоққа тўққиз ой керак бўлади, лекин жисмоний етук бўлиши учун йиллар керак бўлади, инсон ҳиссий, ижтимоий ҳамда руҳий камолотга эришиши учун ундан ҳам кўпроқ вақт керак. Бироқ нима учундир гап руҳий ҳаёт ҳақида кетганида, кўп одамлар руҳий ўсишни тезлаштириш мумкин, деб ҳисоблашади. Мисол учун, аксарият инсонлар руҳий комиллик тўғридан-тўғри Худога фаол хизмат қилиш, яқшанба хизматларида, уй гуруҳларида мунтазам иштирок этиш ва кўпроқ Каломга оид илоҳий ва руҳий билимларни ошириш билан боғлиқ эканига ишонишади. “Practice Resurrection” китобида Южин Петерсон шундай деган: “Руҳий комилликка эришишни тезлаштириш, дастурлаш ёки қўл билан ясаб олишнинг илоҳи йўқ. Масиҳда улғайишни тезлаштирадиган воситка мавжуд эмас. Руҳий комилликка олиб бадиган қисқа йўлни излашдаги барча уринишлар бизни боши берк кўчага бошлайди”. Қолаверса, руҳий комилликка эришиш йўлидаги шошқалоқчилигимиз бизнинг комил эмаслигимизни кўрсатади, холос. Биродар Лоренс Масиҳдаги жуда ғайратли сингил ҳақида ўз фикрларини айтган: “Назаримда, унинг эзгу истаклари жуда кўп, лекин иноятдан ҳам илгарилаб кетишга ошиқади. Ҳеч ким дарров муқаддас бўлиб қолмайди!” Сиз ҳам мана шу қадрдон синглимиздек, иноят имкон берганидан ҳам тезроқ олға интилишга уринмаяпсизми?

Барон Фридрих фон Хюгель, руҳий устоз Эвелин Андерхилл ва бошқа кўплаб инсонлар шахснинг руҳий камолоти ҳақида ўз устозларининг фикрларини айтиб беришган:

Ўн саккиз ёшимда бутун диққатимни руҳий билим олишга қаратган вақтимда доминиканлик роҳиб, бағрикенг ва доно устозим мени шундай огоҳлантирган: “Сен яхшилик қилишда, Худога хизмат қилишда ва Масиҳга бўлган севгида ўсишни хоҳлайсанми? Яхши, агар сен тирмашиб тоққа чиққандек, аста-секин, ишонч билан руҳан ўсиш ҳамда масиҳийлик йўлида юрган имонли киши дуч келадиган руҳий тушқунлик, зулмат ва бўшлиққа ҳафталар ёки ҳатто ойлар давомида сабр қилишга тайёр бўлсанг, ўйлаган орзуингга албатта етишасан. Ўзгармас ёрқинликка ҳамда доимий ранг-баранг баракаларга бўлган барча даъволар, хочнинг юкини ҳамда йўлнинг азобини бартараф қилиш ёки камайтириш учун қилинган барча уринишлар нодонлик ва ёшларча ўйламай қилинган тентакликдан бошқаси эмас”.

Фон Хюгель руҳий камолот ҳақидаги тасаввуримни кенгайтириб, солиҳликнинг ўсиши тез суръатларда амалга ошмаслигини эслатди. Бу югуриб бўлгандан кейин яна бир марта қисқа масофага югуришга тўғри келадиган марафон эмас. Солиҳликда ўсиш, яъни Масиҳга ўхшаб бориш – ҳар куни олға интиладиган, қадамма-қадам ўлчанадиган ўсишдир. Бизнинг шошқалоқликка берилган онгимиз ҳамда қалбимиз учун бу йўл зерикарли бўлиб туюлиши мумкин. Эҳтимол, биз Худо билан ўзаро муносабатимиз

яқинлик ва фароғат ҳисси мунтазам давом этадиган бир ойлик асал ойига айланишини кутаётгандирмиз. Уйланганига бир йилдан ошган ҳар қандай эркак бундай кутишлар қанчалик ўзини оқламаслигини яхши билади. Аммо шу билан бирга никоҳнинг илк кунларидаги юзаки завқдан ҳам бой ва чуқурроқ бўлиши мумкин бўлган руҳий ўсиш ҳамда руҳий камолот учун кенг имкониятлар мавжудлигини англаб етамиз.

Солиҳликда ўсиш – биз истагандан кўра, секинроқ содир бўладиган жараён бўлиб, уни аниқлаш жуда мушкул. Руҳий комиллик табиати ҳақида жамоатнинг мендан анча катта ва тажрибали хизматчилари билан бир неча марта муҳокама қилганмиз. Биз руҳий камолотга қандай эришиш мумкинлигини, энг асосийси уни қандай шакллантириш ёки аниқлашни билишга уринганмиз. Бизнинг қандай хулосага келганимиз сизларга ҳам қизиқми? Ҳеч биримиз ушбу руҳий тоифаларнинг аниқ мезонларини аниқлай олмадик. Бироқ ҳаммамиз бир фикрга келдик: руҳий комиллик ўзлаштирилган билимлар миқдори билан белгиланмайди, бундан аниқроқ фикр айта олмадик. Ҳатто ҳозир, орадан кўп йиллар ўтган бўлса ҳам, руҳий ўсиш ҳамда руҳий камолот мезонларини аниқ айтиб бера олмаيمان, лекин бу мавзуда айрим тушунчалар билан бўлишмоқчиман.

Пол Херси ва Кен Бланшарнинг “Management of Organizational Behavior” номли китобида ташкилий қурилмалардаги ўзгаришлар ҳақидаги оддий фикрлар руҳий комиллик ҳамда унга қандай эришиш мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритишимга ёрдам берди. Мана улар нима дейишган:

Эришиш осон бўлган билимлар соҳасидаги ўзгаришлар ортидан инсоннинг ҳаётий ҳолати ҳам ўзгаради.

Ҳаётий ҳолат билимдан *салбий ёки ижобий ҳиссий қуввати* билан фарқ қилади. Инсоннинг хулқ-атворини ўзгартириш анча мушкул, бунинг учун аввалги икки даражани ўзгартиришдан кўра, кўпроқ вақт керак бўлади. Ижтимоий гуруҳларда ёки жамоаларда бундай ўзгаришларга эришиш энг қийин вазифа бўлиб, янада кўпроқ вақт ҳамда куч талаб этади.

Мен ушбу тоифаларнинг ҳар бирида руҳий ўсишни баҳолаш ҳамда руҳий комилликка эришиш имкониятлари ҳақида билганимда ҳайрон қолгандим: билим, ҳаётий ҳолат, бир инсоннинг хулқ-атвори ва жамоавий хулқ-атвори. Мен бир умр Протестант бўлганман, шунинг учун ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бизнинг жамоатимизда асосий эътибор Каломга оид билимлар олиш ҳамда хулқ-атворни яхшилашга қаратилган. Инсоннинг ҳаётий ҳолатини ўзгартиришга қандайдир эътибор қаратилганини эслай олмаيمان. Бироқ вақт ўтиб, Исо ҳаётий ҳолатга, юракнинг ҳолатига катта эътибор қаратган, деган хулосага келдим. Руҳий ўсиш йўлидаги яна битта тўсиқ шуки, янги билимларни ўзлаштирганимизда, бу билимлар ички қаршиликка учраши мумкинлигини билмаган ҳолда уларни дарҳол ўз ҳаётимизда қўллашга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир инсонда ўзи ривожлантирмоқчи бўлган фойдали руҳий амалиёт, хулқ-атвор ёки одатларга нисбатан яширин қаршилиқ мавжуд (агар онгли равишда инкор этилмаса). Бу эса унинг хулқ-атворида ижобий ўзгаришлар бўлмаслигининг сабабларидан биридир. Барча фикрлар, ишончлар, умидлар ҳамда истаклар Худонинг Руҳидан келмайди, уларнинг аксарияти биз ўсиб-улғайган, Худони инкор этадиган дунё томонидан шаклланган ички бузуқ интилишлардан илҳомланган бўлади. Агар инсоннинг қалби ва онги ўзгармаса, агар унинг барча ҳаракатлари фақат хулқ-атворнинг ўзгаришига қаратилган бўлса, инсон руҳан ўсмайди ва олға силжимайди.

Мен Исонинг таълимотлари ҳақида мулоҳаза қилишда давом этаман, айниқса, У айтган масаллар ҳақида ўйлайман. Мисол учун, уруғ сепувчи дехқон ҳақидаги масалда Исо тўрт хил ерга – йўл четига, тошлоқ ерга, тиконлар орасига ва унумдор ерга тушган уруғлар билан содир бўладиган метаморфозни ифодалаган. Бу масалда Исо инсон қалби ҳақида, унинг ҳаётий ҳолати ҳамда Хушхабарга бўлган муносабати ҳақида гапирди.

Исо уруғ ўсиб чиқишининг ҳеч қандай имкони бўлмаган “йўл” ҳақида айтганидан кейин унчалик унумдор бўлмаган “тошлоқ ер” ҳақида гапирган. Раббимиз “каломни

эшитганда уни севинч билан қабул қиладиган, аммо илдиз отмаган, қисқа вақт давомида ишонадиган, синов пайти келганда эса имондан қайтадиган” инсонлар ҳақида гапирган (Луқо 8:13). Дастлабки руҳий ғайрат ва жўшқинлик руҳан жуда тез ўсишга сабаб бўлади, бироқ қийинчилик ва синов пайтида бундай инсонлар эшитганларига шубҳа қила бошлайдилар. Бундай ҳаётий ҳолат сабр-тоқатнинг етишмаслигини англатади. Эҳтимол, улар фақат қувончни кутишгандир, лекин қийинчиликлар келганда эса хушёр тортиб қолишади. Унумдор тупроқнинг саёз қатлами уларнинг Хушхабар ҳақиқатига нисбатан муносабати юзаки бўлганини англатади.

Тиканлар орасига тушган уруғлар “каломни эшитадиган, бироқ умри давомидаги ташвишлар, бойлик ва ҳаёт лаззатлари томонидан бўғиб қўйиладиган ва ҳосили етилмайдиган” (Луқо 8:14) инсонларни билдиради. Бундай уруғлар униб етилмайди ва ҳосил бермайди, чунки унинг ёшлик эҳтиросларини ташвиш, очкўзлик ва шаҳват каби ёввойи ўтлар бўғиб қўяди. Юракнинг бундай ҳолати инсонга руҳан ўсишига, Худо Каломининг ҳосилини беришига ва Худонинг йўлини бошқа инсонларнинг ҳаётига олиб киришига тўсқинлик қилади. Бундай масиҳийлар уларнинг ҳаёти ўзларида мавжуд бўлган, ўзлари озиқланадиган нарсаларга боғлиқ, деб ишонгани учун хатога йўл қўядилар. Ҳаётга нисбатан бундай фикрлар уларнинг руҳан ўсишларига салбий таъсир кўрсатади.

Лекин унумдор тупроққа тушган уруғ ҳам бор. Бу уруғ “кўкариб чиқиб, ҳар бири юз баравар ҳосил берибди... Яхши тупроққа тушган уруғлар эса шундай кишиларни билдиради: улар каломни эшитиб, уни эзгу, самимий юракда асрайдилар ва сабр-тоқат ила ҳосил берадилар” (Луқо 8:8, 15). Меҳрибон ва тоза юракка, уруғлар униб чиққан ва ҳосил берган ўша унумдор тупроққа яна бир бор эътибор беринг. Руҳий камолот вақт талаб этади; у шошмасликни, сабр-тоқатни талаб қилади. Руҳий самарадорликнинг бошқа йўли мавжуд эмас. Худонинг Каломига нисбатан ягона самарали жавоб – бегона ўтларга қарши кураша оладиган меҳрибон ва пок юракдан чиқади. Бундай унумдор тупроқ – умидсизлик пайтларида мустаҳкам турадиган инсон юрагидир, у сабр-тоқатли бўлиб, ҳеч қачон таслим бўлмайди.

Шуни ёдда тутиш керакки, Масиҳнинг ҳеч бир издоши ўз-ўзидан ўсмайди. Аслида, бу борада бизга ёрдам бериш учун Худо турли одамларни жалб қилади. Бу имонлилар бизга қандай далда беришади ва қўллаб-қувватлашади? Худо бизнинг ҳаётимизга қўйган инсонларнинг руҳан ўсишларида ёрдам бериш учун биз нима қилишимиз мумкин?

Ҳаворий Павлус бизга муҳим бир ҳақиқатни эслатади:

Масиҳ баъзиларни ҳаворий, баъзиларни эса пайғамбар, баъзиларни Хушхабар воизи, яна бошқаларни жамоатларнинг чўпонларию устозлари қилиб тайинлади, токи улар Худонинг азиз халқини хизмат қилишга тайёрласинлар. Шунда Масиҳнинг танаси бўлган жамоат имонда мустаҳкам туради. Бунинг натижасида ҳаммамиз имонда яқдил, Худонинг Ўғли Масиҳни таниб-биладиган, Унинг камолига эришган етук одамлар бўламиз.

Эфесликларга мактуб 4:11-13

Бундай етакчилар Исо Масиҳнинг Ўз халқига берган инъоми бўлиб, улар ҳар биримизга Масиҳнинг Танаси бўлган жамоат куриш инъомларимизни ривожлантиришимизда ёрдам берадилар. Бундай инъом учун йўлимда учраган тўсиқларни бартараф этишимда кўмак берган, менга йўл кўрсатган, шифо топишимда ва Худонинг халқига хизмат қилишимда ёрдам берган барча етакчилар учун миннатдорман. Худо танлаган хизматчилар менга Худога кучли ишончга эга бўлишимда ва Масиҳ билан ишончли муносабатларни ривожлантиришимда ёрдам беришди. Бундан ташқари, улар Масиҳни таниб-билишимда ҳам катта кўмак беришди. Худо бизни нақадар ажойиб инъомлар билан марҳаматлаган!

Шундай инъомлардан бири Ширли Картер Хьюсон бўлиб, у кўп йиллар давомида Нью-Йоркдаги англикан жамоатининг раҳбари бўлиб хизмат қилган ва имонга келган кўплаб инсонларга руҳий ўсишда ёрдам берган. Бундай руҳий ўсишга ёрдам берадиган шошилмасдан хизмат қилиш ҳақида у нима деганига эътибор беринг:

Павлус “Рухнинг самаралари” ҳақида гапирганида, биз табиатда кузатадиган жараённи назарда тутганига ишончим комил. Яхши ҳосил берувчи дарахт кўп йиллар давомида яхши ишлов берилган ва яхши ўғит солинган ерда ўсиб чиққанлиги сабабли мўл ҳосил беради. Қуёш унга иссиқлик берган, ёмғир эса суғорган, майин шабада уни тебратган, боғбон уни ҳар доим зарарли ҳашоратлардан тозаллаган, натижада дарахт куч тўплаб, яхши ҳосил бера олган. Агар боғбон фақат йилда бир мартагина дарахтни парваришласа, айтилик ғайрат билан бир мартагина парваришласа ҳам бундай натижага эришишнинг имкони йўқ.

Доно етакчилар бу қонидани яхши билишади: улар доимий, узлуксиз ва сабр билан таълим беришнинг зарурлигини яхши англайдилар; улар одамларга Худонинг иноятига ишонишни ўргатиш – натижа бермайдиган вазифа эканини, ривожлантириш учун улар ўз ҳаётларини бағишлаган муносабат эканини яхши тушунишади. Агар масиҳийча бошқарув мана шу тамойилларга асосланган бўлса, одамлар сохта фаразларнинг таъсирига қарши туришни ва “Муқаддас Рухнинг ишончли бошқарувига итоат қилишни” ўрганадилар.

Рухий етакчилар ўз хизматларида одамлардан ўз мақсадига эришиш йўлида фойданланмаслигига, балки ўзлари уларга хизмат қилишларига, Худо берган инъомларини Худонинг Шоҳлиги учун ишлатишларига умид қиламан. Худо ҳар биримизни Исонинг ҳаёти билан бўлишишимиз учун Уни тўлиқ таниб-билишимизни жуда хоҳлайди. Бироқ етакчилар Исо Масиҳнинг Танасида нафақат руҳан қанчалик ўсишга, балки Худонинг халқи қанчалик даражада руҳий жиҳозланиши учун, ҳар бир имонлини ўзаро руҳий яратишда қатнашишга тайёрлаш учун масъулдирлар. Бу жуда ажойиб, лекин Худонинг ёрдамисиз амалга ошириб бўлмайдиган мақсадир.

Эҳтимол, бундай хизматнинг энг қийин қисми – биз етакчилик қилаётган барча инсонлар учун ибодат қилиш бўлса керак. Колосаликларга ёзган мактубида ҳаворий Павлус Эпафрасни тилга олган: “...Худонинг иродасини тўлиқ бажарадиган, имони комил инсонлар бўлинлар деб, Эпафрас зўр ғайрат билан, тинмай сизлар учун ибодат қилмоқда” (Колосаликлар 4:12). Етакчилик лавозимида хизмат қиладиганларнинг кўпчилиги ўз хизматларининг кўзга кўринадиган жиҳатларига, яъни таълим бериш, режалар қилиш, воизлик, ташкилий ишлар, маслаҳат бериш ва бошқа нарсаларга кўпроқ эътибор беришади, бироқ, ибодат каби камтарона хизматнинг таъсирига тўғри баҳо беришмайди. Мен маълум вазиятлар туфайли қилинадиган, яъни ўзимизни ёки бошқаларнинг вазиятини яхши томонга ўзгартириш учун қилинадиган ибодатлар ҳақида эмас, балки инсоннинг юрагида нималар бўлаётганига, унинг Исо ҳамда бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатлари қандай бўлаётганига эътибор бериб, у учун қилинадиган ибодатлар ҳақида гапиряпман. Агар биз худди Эпафрасга ўхшаб, Масиҳдаги биродарларимиз авваллари унчалик ишона олишмаган ва иккиланган вазиятларда ҳам мустаҳкам туришлари ва мукамал бўлишлари учун мунтазам равишда ибодат қилсак, барча халқларга ўргатиш ҳақидаги Раббимизнинг топшириғини муваффақиятли бажарган бўламиз (Колосаликларга 4:12 га қаранг).

Южин Петерсон – Худонинг кўплаб имонли етакчилари учун берган инъоми бўлиб, у ҳам шунга ўхшаш фикрни билдирган. У жамоатларда бутун диққатини Худо халқининг руҳий ўсишларига ёрдам беришга қаратадиган етакчилар бўлиши кераклиги ҳақида кўп гапирган. Петерсон қисқа вақт ичида бартараф қилиши мумкин бўлган муаммоларни излаб, бир жамоатдан бошқасига ўтиб юрган чўпон ҳақида гапирган. Петерсон унга “шижоат, сабр-тоқат ҳамда шошмасдан Масиҳда ўсиш асрлар давомида

жамоатнинг асосий вазифаси бўлиб келганини” эслатганида, ўша чўпон Петерсон билан ҳамкорлик қилишдан бош тортган экан. “Унга бартараф қилиш учун бор кучи билан ҳаракат қилиш зарур бўлган муаммолар керак экан. Лекин унинг сўзларини тинглаб туриб, шуни тушундимки, муаммо деганда, у қирқ кун ичида ҳал қилиш мумкин бўлган вазиятларни назарда тутган экан. Ахир, Исога ҳам шунча вақт керак бўлган-ку”. Кўп йиллик хизмат тажрибам давомида ўрганган нарсам – бу тушунча бўлиб, айрим жамоат дастурларининг тез фурсатларда эришган ва жуда тез муваффақият қозонган ҳар қандай нарсалардан ҳайратга тушмайман. Бунинг ўрнига, Масихда чуқур илдиз отган, мен улар билан Масихнинг ҳаётини бўлишиш бахтига муяссар бўлган имонлилардан жуда миннатдорман. Бу жараён учун узоқ вақт керак бўлди, лекин сарфланган вақт беҳуда кетмади.

Яқинда Шимолий Калифорниядаги узум етиштириладиган минтақага бориш имкониятига эга бўлдим. Сафар чоғида узумчилик фермалари ва шароб ишлаб чиқарадиган корхоналаридан бирининг соҳиби билан суҳбатлашдик. Брис бизга катта илтифот кўрсатиб, ўзининг шароб ишлаб чиқарадиган корхонасида шаробни синовдан ўтказиш хонаси бўлмагани учун шахсий учрашув ташкил қилишга вақт ажратди. Беш йил олдин у Франциядаги шароб ишлаб чиқарувчи корхонадан “қурғоқчил деҳқончилик” усулларини ўрганган эди. Қурғоқчил деҳқончилик деганда, сунъий суғориш ишлари бажарилмайдиган ва фақат табиий манбалар орқали суғориш назарда тutilади. (Биз буни “Худо юборган ёмғир орқали” деган бўлардик).

Унинг айтишича, ўсимликларни томчилатиб суғориш заруратидан халос этиш учун бир неча йилларга мўлжалланган режа ишлаб чиқди. Брис токнинг сунъий суғоришга “тобе” бўлиб қолаётганини назарда тутган. Унинг таъкидлашича, сунъий суғориш шароитида токларнинг илдизи худди пиёзнинг илдизи каби кичкина бўлади, чунки зарур бўлган намликка етиб бориш учун илдиз ерга чуқурроқ кириши шарт эмас. Брис токнинг ҳаёт бахш этувчи илдизлари ўсимликнинг ер устидаги ўлчамадан кам бўлмаслиги кераклигига ишонади, лекин токлар сунъий суғориладиган бўлса, унинг илдизи узун бўлмайди.

У яшайдиган жойдаги кам сонли одамларгина унинг намунасига амал қилган бўлса ҳам, у ўз тажрибасини амалга тадбиқ этишга тайёр эди.

Бундай ўзгаришнинг таъсири анча сезиларли бўлди. Брис сунъий суғориш тизимидан воз кечганидан кейин биринчи йилда унинг ҳосили қирқ беш фоизга тушиб кетди. Ҳосил аввалги суғориладиган пайтдагидек бўлиши учун бир неча йиллар керак бўлди. Бриснинг айтишича, ўтиш даври охирига етганидан кейин унинг ҳосили аввалгидек мўл бўлмаса ҳам узумнинг сифати сезиларли даражада яхшиланди. Узумларнинг пишиб етилиши даврида бошланган қаттиқ ёгингарчилик ўша йили амалга оширилган ўзгаришлар учун фойда бўлганини сезди. Бошқа кўплаб узумзорларда токлар қуриб қолди, лекин унинг узумлари ҳар доимгидек бошқа узумлардан эртароқ етилди ва у кузги ёмғир мавсумигача ҳосилини йиғиб олишга улгурди.

Мен бу воқеани ўзимга таниш бўлган имонлиларнинг ҳаётий тажрибаси билан таққосладим. Уларнинг кўпчилиги зарурий руҳий озукани бошқа кимдир (чўпон, устоз, Калом ўргатувчи) таъминлаши керак, деб ҳисоблашади. Натижада, бундай имонлиларнинг “илдиз тизими” жуда заиф бўлади. Улар “сув ва озук излаб, илдиз отишни” ўрганишмаган (кўпинча, улардан буни талаб қилишмаган). Агар жамоат ёки хизматлар барча ҳаракатларини имонлиларнинг мустақил равишда Исодан руҳий мадад олишни ўрганишларига қаратганларида эди, кўплаб шикоятларга дуч келган ва “ҳосил”дан вақтинчалик маҳрум бўлган бўлар эдилар. Лекин уларнинг қўл остидаги имонлиларнинг ҳаётларида қандай ўзгаришлар юз бериши мумкин эди! Улар келгусида кимнингдир ёрдамига муҳтож бўлмайдиган даражада чуқур илдиз отишлари мумкин эди, қолаверса, уларнинг ўзлари бошқалар учун далда ва мадад бўлар эдилар. Маҳаллий жамоатларда ёки хизматларда “қурғоқчил деҳқончилик”нинг жорий қилиниши катта фойда келтириши мумкин.

Масихийларнинг бундай ўзгаришини “ишонувчан боланинг соддалиги, Худо фарзандларининг соддалиги”ни англаб етган имонлиларнинг таърифи билан таққослаш мумкин. Бу ҳақда Квакер ва ёзувчи Томас Келли шундай деган:

Бу соддалик – мураккабликдан юқори бўлган соддаликдир. Бу соддалик – доноликнинг бошқа томони бўлган соддаликдир. Бу соддалик – рухий камолотнинг бошланиши бўлиб, Худо Шоҳлигини қидиришнинг оғир дамлари ўрнига келади. Лекин қанча-қанча одамлар тузоққа тушиб қолиб, қалбнинг болаларча ўсиш давридаги ривожланишдан орқада қолмоқда!

Мен рухий ўсмирликнинг ўта фаоллигидан самарали ва шошма-шошарликсиз рухий камолот хизматига ўтишимизга ёрдам берадиган етакчилар учун ибодат қиламан.

РУХИЙ КАМОЛОТНИ АНГЛАБ ЕТИШ

Исонинг тоғдаги таълимоти рухий камолотга тўғридан-тўғри даъват қилади: “Осмондаги Отангиз баркамол бўлгани каби, сизлар ҳам баркамол бўлинглар” (Матто 5:48). Албатта, бу сўзларни перфекционизмга даъват сифатида баҳолаш мумкин, лекин мен уларда менинг Самовий Отам бўлган Худо билан янгича муносабатга даъватни эшитаман. Ирони англаб етишдаги рухий камолот – Худони рози қилишга уриниб, Унинг ёрдамисиз эришмоқчи бўлган хулқ-атвор эмас. Аслида, рухий камолот – бизни севувчи Ота билан мулоқот ҳамда У билан бирга ҳаёт кечириш натижасида юзага келадиган ёқимли ҳосилдир. Албатта, рухий камолот мени ёки бошқа ҳар қандай инсоннинг инсоний меъёри билан эмас, балки Самовий Отанинг меҳрли баркамоллиги билан ўлчанади. Ва албатта, бундай рухий камолотга бир лаҳзада эришиб бўлмайди.

Ибронийларга мактубининг муаллифи ўз огоҳлантиришлари билан бизга мурожаат қилмоқда:

Сизлар ўзларингиз аллақачон устозлик қилишингиз керак эди! Аммо сиз бошқаларга эмас, бошқалар сизга Худо каломининг илк асосларини ўргатишлари керак. Сизлар ҳали ҳам сутга муҳтожсиз! Қуюқ овқатни ҳазм қила олмайсиз. Сут билан озиқланадиган ҳар бири киши ҳали чақалоқ. У тўғри билан нотўғрининг фарқига бормайди. Қуюқ овқат эса улғайганлар учундир. Улар тажриба орттириб, яхшини ёмондан фарқлай оладилар.

Ибронийларга мактуб 5:12-14

Жамоатдаги тажрибамдан шуни билдимки, Каломни ўргатадиган устозлар Каломнинг илк асосларини *сут* деб, мураккаброқ ва чуқурроқ асосларини эса *қуюқ овқат* деб аташган. Гап фақат тушуниш ҳақида эмас, юқорида берилган оятдаги сут ҳам, қуюқ овқат ҳам “ҳақиқат калом”га алоқадор*.

*Инглиз тилидаги таржимасида “солиҳлик ҳақидаги таълимот” деб берилган.

Қаттиқ овқат ея оладиган, уни ўзлаштира оладиган ва бунинг натижасида солиҳликда улғаядиганларни руҳан баркамол деб ҳисоблаш мумкин. Мунтазам равишда бажарилган рухий машқлар етук масихийларга қайси нарсалар чиндан фойдали ва қайсилари хавфли эканини фарқлай олиш лаёқатини беради. Улар энди қўлига тушган нарсаларни оғзига соладиган гўдак эмас, балки қайси овқат фойдали ва яхши эканини биладиган етук инсонлардир.

Ибронийларга мактубининг муаллифи имонлиларни рухий баркамолликка даъват қилиб, шундай дейди: “Ўлимга етакловчи ишлардан тавба қилиш ва Худога ишониш ҳақидаги таълимотнинг илк асосларини ўрганавермайлик” (Ибронийлар 6:1). Муаллиф яна рухий баркамолликнинг илк асосларини бошқа жиҳатларини ҳам айтиб ўтган, шулардан икkitасига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Энг аввало, рухий йўлимизнинг бошида биз ўлимга етакловчи ишлардан тавба қилишимиз лозим. Бу муҳим ва зарур

бўлган ўзгариш нафақат Худога қандай қулоқ солишни, балки нима учун Худога итоат қилишимиз кераклигини тушуниб етганимизда содир бўлади. Пойдеворнинг яна бир асоси – Худога бўлган имондир. Ишончга лойиқ Отага ишониш лаёқатимиз ортгани сайин биз руҳан ўсиб борамиз. Бундай ишонч етук имонлининг фикрлари, умидлари ва мустаҳкам эътиқоди билан тўлади.

Хаворий Павлуснинг айтишича, донолик мукаммаликка тегишлидир, “аммо бизнинг донолигимиз бу дунёга ёки бу дунёнинг ўтиб кетадиган ҳукмронларига муносиб бўлган донолик эмас. Биз Худонинг пинҳон тутилган сирли донолиги ҳақида гапирамиз. Бу донолиги билан Худо дунё бино бўлишидан аввалроқ биз учун нажот режасини тайёрлаб қўйган эди” (1 Коринфликлар 2:6-7). Мукаммал тушунчага эришган киши вақти келиб замонавий жами ятнинг донолиги ёки “малакали мутахассислар” нинг қалқонидан халос бўлади. Руҳан етук имонли киши уни қабул қилишга тайёр бўлганлар учун янада кўпроқ очилиб борадиган Худонинг муқаддас донолигини қадрига етади. Руҳан етук имонлилар машҳур воизларнинг “осон эришиладиган” ваъдаларидан “бу ишларни донолару идроклилардан яшириб, гўдакларга маълум этган” (Матто 11:25-26) Худонинг теран ва чексиз донолигини ажрата оладилар. Худо хаворий Павлус орқали шундай деган: “Ёш болалардай фикр қилманглар. Аксинча, ёмонликка келганда чақалоқдек бўлиб, ақл-идрокка келганда эса *етук инсонлар бўлинглар*” (1 Коринфликлар 14:20). Руҳан етук инсон болаларга хос соддалик билан улғаяди, лекин ёмонликка нисбатан ўз айбсизлигини сақлаб қолади.

ҲАЁТИЙ ҲОЛАТ ВА СОДИР БЎЛАЁТГАНЛАРНИ ТУШУНИШ

Хўш, Масихнинг руҳан етук издошлари ҳаётий ҳолатни ёки бўлаётган воқеаларни тушунишни қандай ажратадилар? Бу ҳақда хаворий Юҳаннонинг мактубида баён этилган.

Юҳаннонинг биринчи мактубида шундай ёзилган: “Эй оталар, сизларга ёзяман: сизлар бошидан аён бўлган Масихни таниб-билдингизлар. Эй йигитлар, сизларга ёзяман: сизлар ёвуз шайтонни енгдингизлар. Эй болажонлар, сизларга ёзяман: сизлар Отамиз Худони билдингизлар” (1 Юҳанно 2:13-14). Руҳий оталар Масихни таниб-билдилар ва имон йўлида бироз одимладилар. Руҳан етуклик севувчи Отани шахсан ва теран англаш натижасида юзага келади. Бундай етук имонлилар ўз руҳий йўлларининг бошланишида турганларга ғамхўрлик қилиб, далда берадилар ва Самовий Ота уларни севишига ва уларга ғамхўрлик қилишига бўлган ишончларини мустаҳкамлашларига ёрдам берадилар. Бундай имон оталари янги имонга келган, ўлимга етакловчи ишлардан қайтишга ҳаракат қилаётганларни озодлик ва ҳаёт бахш этувчи Худонинг ҳузурида бўлишга илҳомлантира оладилар.

Филиппиликларга йўллаган мактубида хаворий Павлус шундай ёзган: “Ўша мақсадни кўзлайман-да, Худо мени Исо Масих орқали чақириб, менга ато қиладиган самовий ютуқ томон интилмоқдаман. Биз ҳаммамиз, имон жихатидан етукликка эришганлар, шундай ўйлашимиз керак. Агар сизлар бирор нарса ҳақида бошқача фикрда бўлсангиз, Худо сизларга ноҳақ эканлигингизни аён қилади” (Филиппиликлар 3:14-15). Бошқача айтганда, содир бўлаётган воқеаларни тўлиқ ёки аниқ тушуниш Исо Масихнинг шахсиятига доимий диққат қилиш билан белгиланади. Сал аввалроқ Павлус ўзи учун фойдали бўлган нарсаларга муносабати ҳақида гапирган эди:

Аммо мен учун фойда бўлган буларнинг ҳаммасини Масих туфайли зарар деб ҳисоблайман. Ҳа, ҳамма нарса қадрсиздир, чунки Раббим Исо Масихни таниб-билишдан афзалроқ ҳеч нарса йўқ деб ҳисоблайман. Уни деб, мен ҳамма нарсадан воз кечдим. Масихга сазовор бўлиш, бутунлай Унга тегишли бўлиш учун ҳамма нарсани ахлат деб билдим.

Филиппиликларга мактуб 3:7-8

Руҳий камолот — ҳақиқатан яхши бўлган Зотнинг кимлигини англаб етганимиздагина ҳар қандай яхшилик бизни қувонтиришини тушуниш йўлидаги узоқ ва аниқ мақсадли ҳаракатнинг самарасидир. Доимо Исо билан бўлиш ва Унинг марҳаматини қадрлаш лаёқати — баркамолликка интилаётган имонли кишининг ҳаётидаги шошмасдан пишиб етилган ҳосилдир.

Шундай қилиб, Ибронийларга мактубнинг муаллифи имонлиларни ҳаётдаги мавқелари бўйича яшашга чақириб, шундай дейди: “Исога кўз тикайлик. Ахир, бу имон мусобақасида У биз учун йўл очиб, бутун масофани биздан олдин югуриб ўтди. Исо келажакдаги шодликка эришиш учун шармандали ўлимни писанд қилмай, хочда азоб тортиб жон берди. Ҳозир эса У Худо тахтининг ўнг томонида ўтирибди” (Ибронийлар 12:2). Исо бизни имон йўлида илҳомлантирган ва Унинг Ўзи бизни руҳий камолотга етказди. Имонда баркамол инсонлар Исога кўз тикишади ва ўз тушунчалари, умидлари ва ҳукмларининг руҳий тасаввурларини аниқлаши учун Исога йўл берадилар.

РУҲИЙ КАМОЛОТГА ОЛИБ БОРУВЧИ ҲАЁТ

Етук имонлининг ҳаётий ҳолати ҳамда содир бўлаётган воқеаларни тушуниши ҳақида фикр юритиб, унинг хатти-ҳаракатларини кўриб чиқамиз. Буни Исо ҳамда бой йигит ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан бошлаймиз.

Ўзига тўқ бир йигит Исодан абадий ҳаётга эриши учун қандай яхши амаллар қилиш кераклигини сўраганида, Исо унга шундай жавоб берди: “Агар *комил* бўлишни истасангиз, бориб, мол-мулкингизни сотиб, пулини камбағалларга тарқатинг. Шунда самода ҳазинангиз бўлади. Кейин келиб, Менга эргашинг” (Матто 19:21; курсив меники — А.Ф.). Руҳий камолотга эришиш биз меҳр қўйган баъзи ҳузур-ҳаловатлардан ўзи ихтиёримиз билан воз кечишимизни талаб қилиш мумкин. Агар биз бойликка ёки қандайдир мол-мулкка қаттиқ боғланиб қолган бўлсак, Унинг инъомини олиш учун ундан воз кечишни ва қўлимизни бўшатишни сўраши мумкин. Руҳий камолотга эришиш учун севги билан Худога итоат қилиш йўлидан бориш керак.

Ҳаворий Ёқуб ўзининг доно маслаҳатларини бериб, биз айтган сўзларнинг қанчалик муҳим эканини таъкидлайди: “Одамларнинг ҳаммаси кўп хато қилади. Сўзлаётганида хато қилмаган инсон етукдир. У бутун вужудини жиловлай олади” (Ёқуб 3:2). Бизнинг гап сўзларимиз иноятга тўлганида ва Муқаддас Рухга итоат қилганида имонда ўсиш намоён бўлади. Шу билан бирга бизнинг сўзларимиз назорат қилишни эмас, балки севгини; нафратни эмас, меҳрни; умидсизликни эмас, қувончни ифодалайди.

Бундан ташқари, ҳаворий Юҳанно ўзининг биринчи мактубида шундай дейди: “Худонинг севгисини ардоқлаган киши қиёмат кунидан қўрқмайди, чунки қалбини тўлдирган Худонинг севгиси бу қўрқувни қувиб чиқаради. Қўрқоқ кишининг қалби эса Худонинг севгисига тўлмаган. Шунинг учун у қиёмат кунидан қўрқиб яшайди” (1 Юҳанно 4:18). Қалби “Худонинг севгисига тўлган” киши руҳий камолотга эришган ҳисобланади. Масиҳнинг бундай издошлари Худо уларни севишига ишонишлари билан ажралиб туради ва бу ишонч уларнинг бошқаларга бўлган севгисида намоён бўлади. Лекин афсуски, жуда кўп имонлилар руҳий етуклик даражасини бошқаларга бўлган муносабат ёки уларни севиш лаёқати билан эмас, балки илоҳий билимларнинг ҳажми билан баҳолайдилар. Эҳтимол, бундай нотўғри баҳолашнинг сабаби қўрқувдир. Бизни чексиз севги билан севадиган Зот туфайли қалбимиз хотиржам бўлсагина бизнинг ҳаётимиз янада мукамалроқ ва солихроқ бўлади.

ЖАМОАТЛАРДАГИ РУҲИЙ ЎСИШ

Масиҳий етакчиларнинг Исо билан муносабатларимизни мустаҳкамлашга қандай ёрдам беришлари (ёки ёрдам бермасликлар) ҳақида мулоҳаза қилиб, турли жамоатлар ва хизматларда руҳий ўсиш деганда нимани ҳисобга олишларини аниқлаймиз. Аксарият замонавий жамоат етакчилари ўзларининг жамоатларига келувчиларга Масиҳда ўсиб улғайишлари учун қандай ёрдам бераётганликлари ҳақидаги саволга жавоб тариқасида

руҳан ўсиш учун режалар, стратегиялар ёки дастурларни муҳокамага қўйишади. Бу ажойиб режалар амалда қандай қўлланяпти?

Қайта номлаш. Баъзи ҳолларда лавозимнинг номи *руҳан ўсишга* мос келиши учун жамоат аллақачон мавжуд бўлган лавозимларни (диний мактаб ёки уй гуруҳлари чўпони/етакчиси, ёшлар чўпони) ёки дастурларни (катталар учун якшанба мактаблари ёки шогирдлик) номини ўзгартириб қўяди. Етакчилар янги лавозимга, янги ташриф қоғозига ҳамда хоналарининг эшигида янги ёзувга эга бўлишади, гуруҳ ёки дастурлар эса янгича ном билан аталади. Эҳтимол, қайта номлаш орқали таркибнинг ҳам ўзгаришига умид қилишар, лекин аввалги лавозим ҳамда дастурларнинг ҳақиқий ўзгариши камдан-кам учрайди. Қайта номлаш ўзгаришлар бўлишига умид уйғотади, бироқ ҳеч нарса ўзгармагани сабабли, умидлар пучга чиққани тез орада маълум бўлади.

Ўқув дастурларини ўзгартириш. Жамоат руҳий ўсишга бағишланган бир қатор маърузаларни уй гуруҳларида, ёшлар гуруҳларида ёки Муқаддас Каломни ўрганиш гуруҳларида ўқишни таклиф қилиши мумкин. Чўпонлар ўз қўли остидаги имонлиларга руҳий ўсиш ҳақидаги китобларни ўқишни ёки ҳатто бундай китобларни жамоат дўконлари ёки кутубхонаси учун сотиб олишни ҳам таклиф қилиши мумкин. Қайта номлаш билан таққослаганда бундай ёндашув анча самарали кўриниши мумкин, лекин ҳақиқат барибир ҳақиқатлигича қолади: руҳий ўсиш ҳақидаги маълумотлар кетидан ўзгаришлар бўлиши мумкин, лекин бўлмаслиги ҳам мумкин. Муқаддас Каломни ўрганиш – руҳий ўсишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Аслида, имонлилар йиғилишларининг ахборот таркибий қисмига ортиқча баҳо бериш қутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин: кўп руҳий билимларга эга бўлган имонлилар ўзлаштирилмаган ва амалда қўлланилмаган маълумотларга ўрганиб қолишади. Якшанба кунги маърузаларда руҳий ўсиш ҳақида эшитган, айнан мана шу мавзу муҳокама қилинаётган уй гуруҳига қатнашадиган ва ҳатто мана шу мавзудаги китобни ўқиган фаол имонли кишиларни кўз олдингизга келтиринг. Буларнинг бари тушунарли эканини овоз чиқариб айтишмаса ҳам, ўрганган барча нарсаларини амалда қўллашнинг имкони йўқлигини тасдиқлайди. Кўплаб фойдали маълумотлар бизни эзиб қўйиши, биз фақатгина маъқуллайдиган, лекин руҳий ҳаётимизда қўлламайдиган фикр бўлиб қолиши мумкин. Масиҳнинг йўлидан юриш учун амалий тажриба вақт талаб этади.

Бошқа турдаги фаолиятни қўйиш. Баъзан мавжуд бўлган фаолият турига яна битта фаолият турини қўйишади ва бунга қизиққан одамларга маълум даражадаги машғулотлар, амалиётлар ва индивидуал таълимни тақдим этишади. Бундай усулни қўлайдиган жамоатлар руҳий ўсишни одамларнинг шахсий манфаатларига мувофиқ равишда жамоат фаолиятига жалб қилишнинг яна бир усули сифатида кўришади. Шу йўл билан руҳий ўсиш жамоат ошхонасидаги яна бир таомга айланади ва Каломни ўрганишда, элчилик фаолиятида, Хушхабарни ваъз қилишда, шафоат ибодатларида ҳамда уй гуруҳларидаги йиғилишларда қатнашчиларнинг вақти ва эътибори учун курашда муносиб рақобатга айланади. Одамлар ўзларига маъқул келганини танлашади ва ўзларига ёқмаган нарсаларини четлаб ўтишади. Бундай ёндашув (эҳтимол, билмасдан) истеъмолчиларнинг жамоатга бўлган муносабатига салбий таъсир қилади. Эҳтимол, руҳий ўсиш мавзусига қизикадиган киши интроверт бўлиши, айтайлик, Хушхабарни ваъз қилишни танлаган инсонга қараганда кўпроқ мулоҳаза қилишга ва ёлғиз қолишга мойил бўлиши мумкин. Афсуски, бундай ёндашув руҳий ўсишга на умумий даъват сифатида, на ҳар бир имонлининг руҳий баркамоллик жараёни сифатида, на бутун жамоат униб ўсадиган замин сифатида қарамайди.

Шахсий ўзгаришлар хизматини ўзгартирмайди. Бу иборани Южин Петерсоннинг “Under the Unpredictable Plant” китобидан олдим, унда Худо билан яқин муносабат туфайли ҳаётларида руҳий ўзгаришлар бўлган етакчилар ҳақида сўз боради, бироқ бу ҳақиқат афтидан уларнинг хизматига ёки унга бўлган муносабатига таъсир қилмаганга ўхшайди. Албатта, шахсий ўзгаришлар ортидан ўқув дастурлар ҳам, яъни

етакчилар ваъз қилаётган ҳамда ўргатаётган таълимотлар ҳам ўзгариши керак, лекин хизматга бўлган муносабат деярли ўзгармайди. Шахсий руҳий ўзгаришлар ҳамда қайта туғилиш хизмат усуллари ўзгартирмайди: шахсий ҳаётда инсон руҳий қадриятларнинг битта тизимига амал қилса, хизматда бутунлай бошқасига амал қилади.

Хизмат кўрсатиш тизимидаги руҳий ўзгаришлар. Бу ҳолатда етакчининг ҳаётида бошланган ўзгаришлар хизмат тизимида ҳам ўзгаришларга сабаб бўлади. Бундай ўзгаришлар таълимотлар, ваъзлар, уй гуруҳлари ёки бошқа хизматлар учун ўқув дастурларининг мазмунини ўзгартириш билан чекланиб қолмайди. Мен истиқболли ҳамда дастурий режалаштириш, жамоат сиёсати ва етакчилар ҳамда етакчилик гуруҳлари ўртасидаги муносабатлар тизимини белгилайдиган молиявий қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатадиган ўзгаришларни назарда тутяпман. Бу нарса жамоат раҳбарияти режалар тузадиган ва қарорлар қабул қиладиган етакчилар йиғилишларида руҳий машғулот учун етарлича вақт ажратганида, ўзларининг эмас, балки Худонинг иродасини бажаришга ҳаракат қилганларидагина содир бўлади. Шу жойда қуйидаги саволларни бериш жуда фойдали бўлади: “Ибодат ҳамда тузилган режаларнинг ҳаётингизга ва хизматингизга қандай алоқаси бор? Уларни яқин дўстлик ришталари боғлаб турадимиз, улар вақти-вақти билан учрашиб турадимиз ёки умуман бир-бирини танимаймиз? Қарор чиқаришдан аввал ибодат қиласизми ёки ҳаммасини режалаштириб бўлгандан кейингина ибодат ҳақида ўйлайсизми?”

Мисол учун, жамоат кенгаши аъзолари йиғилиш бошланишидан аввал бир неча дақиқани ибодат қилиш ва Худога сажда қилиш учун ажратишга одатланишган, бу одатни кўпчилик етакчилар йиғилишининг аҳамиятсиз қисми деб ҳисоблашади ва фақатгина қарорлар қабул қилиш, келажак учун режаларни муҳокама қилиш ва бошқа нарсалар учун муҳим деб ҳисоблашади. Бундан улар: “Режалаштириш ва қарор қабул қилишдан олдин бироз ибодат қилиш ва Худони улуғлаш зарар қилмайди”, деб ўйлашади, деган хулоса келиб чиқади. Бироқ, агар жамоат руҳий ўзгаришлар бўлишини чиндан истаса, бундай йиғилишлар бутунлай бошқача кўринишга эга бўлади. Жамоат кенгаши аъзолари Муқаддас Каломни биргаликда мулоҳаза қилишга кўпроқ вақт ажратишни бошлайдилар ва режалар тузиш ҳамда қарорлар қабул қилишда ҳақиқий бошқарув манбаи бўлиши учун Худога имкон берадилар. Улар жамоатнинг айрим аъзолари ҳамда муҳим эҳтиёжлари учун қилган ибодатларига Худонинг жавобини олиш учун вақт топишади. Жамоат кенгаши аъзолари Худога нисбатан бундай эътибор уларни янада донороқ, дадилроқ, яқдилроқ ҳамда амалий муаммоларни ҳал қилишда ижодкор бўлишга ёрдам беришига ва режа қилган ишларни бажаришлари учун жасорат беришига умид қилишади. Агар уларнинг хизмат қилишдан мақсади Худонинг мақсадларини ва иродасини бажариш бўлса, биргаликдаги фаолиятларида Худонинг аралашувига катта эҳтиёж сезишади.

ХУЛОСА

Масихда ўсиш ҳақида гапирганда, биз кўпинча, “теран” деган сўзни ишлатамиз. Менимча, оддий имонли киши *теран* деганда илоҳиёт, Муқаддас Калом ҳамда имон ҳақида кенг ва пухта маълумотларни, бир сўз билан айтганда, олинган билимларнинг ҳажмини тушунади. Бироқ *теранлик*ни ўлчашнинг бошқа усуллари ҳам бор. *Рухий теранлик* Худо ҳамда бошқа инсонлар билан муносабатнинг ривожланишидан далолат беради. *Рухий теранлик* ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасида Худони қабул қилиш ҳамда У билан ўзаро муносабатни ифодалайди. *Қалбнинг* теранлиги эса Худо ҳамда инсонлар билан ҳиссий муносабатларнинг мустаҳкамланиши, шунингдек, Худога итоат қилиш орқали Унга бўлган севгини кўрсатишга тайёр экани ҳақида гапирди. Худо бизнинг ҳаётимизда мана шундай *теранликлар*ни очиб беришига тайёрмизми? Худо билан муносабатда, имондаги биродарлар билан муносабатда ёки имонсизлар билан муносабатда мана шундай *теранликка* эришамизми? *Ҳаётнинг* *теранликларига* эришишга ҳаракат қилаямизми ҳамда *билимнинг* *теранлиги* билан кифояланиб қолмаямизми?

Рухий ўсишни ва рухий баркамолликни шошмасдан қабул қилиш эркинлик ва илҳом бағишлайди, чунки биз умримизнинг охиригача ўсамиз. Мен озгина шахсий ўзгаришлар билан кифояланиб, бир жойда қотиб қолмайман. Мен янгиланишга, Худонинг севгисини чуқурроқ тушунишга ҳамда ўз хизматим орқали бу севгини бошқа одамларга намоён қилишда янги имкониятларни очишга чақирилганман. Беш йилдан кейин ҳозирги ҳолатим билан таққослаганда руҳан анча кучли дарахтга айланишим мумкин. Илдизим секин-аста бўлса ҳам Худо мен учун белгилаб қўйган чуқурликка ишонч билан етиб боради. Менда янги новдалар ўсиб чиқади, чунки аввалги новдаларим хомток қилиб олиб ташланган, яъни Худо уларни тозалаган. Худо менинг ҳаётимни ҳаёлимга ҳам келмаган даражада самарали қилмоқчи эканига ишончим комил. Ишонаманки, “масиҳийча баркамоллик қандай қилиб Худо учун кўпроқ иш қила олишда эмас, балки Худо бизда ва биз орқали нималар қила олишидан иборат. Рухий баркамоллик – ўзи учун беҳуда қайғуриш эмас. Рухий баркамоллик камтарона итоаткорлик сабоқлари орқали хотиржамликни намоён қилади”. Менинг ибодатим шуки, рухий баркамоллик ҳақидаги мана шундай тасаввур сизларнинг юракларингизда илдиз отсин ва Худо сизни етаклаган йўлдан оғишмай юришга ундасин.

ХУДО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ЎТАДИГАН СОАТЛАР

1. Ҳаётингизда рухий баркамолликка тезроқ эришиш истаги қандай намоён бўлади? Худди мана шундай истак атрофингиздаги одамларнинг ҳаётида қандай кўринади? Бундай сабрсизлик руҳан ўсишингизга ҳисса қўшиш ўрнига аксинча, халал беришини тушунасизми?
2. Қачон илк марта Исога ишониб, Унга эргашгансиз? Руҳан ўсишингизнинг биринчи босқичини таърифланг. Ҳаётингиздаги рухий қурғоқчилик даврини таърифланг.
3. Қуйидаги саволга нима деб жавоб берган бўлар эдингиз: “Исога эргашиб, руҳан ўсаётганимни қандай қилиб билишим мумкин?”

ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ҲАЁТНИНГ РУҲИЙ АМАЛИЁТИ

Йигирма йил аввал содир бўлган бир воқеа худди кечагидек хотирамда сақланиб қолган. Худо билан бўлган бу учрашув бутун умрга хотирамда қолган. Фуллер семинариясидаги машғулотлар пайтида талабаларга, шу жумладан менга ҳам жамоатга тегишли ҳудудда ибодат орқали Худо билан ёлғиз қолишимиз учун уч соат вақт ажратилди. Ўша куни кундалигимга қуйидагиларни ёзиб қўйдим:

Раббим, Сен билан ёлғизликда ўтадиган бу уч соат давомида нима қилишни тасаввур ҳам қила олмайман. Сени яқиндан билишни хоҳлайман, лекин бу нарса менга бетартибликдек кўриняпти ва бу нарса менга ёқмаяпти. Илтимос, юрагимга ва онгимга тинчлик бер, токи бутун диққатимни Сенга қарата олайин. Сен билан суҳбатлашиш учун жасорат бер.

Сенга мурожаат қилар эканман, Сен – менинг Отам, Абба эканингни ёдимга солаётганингни ҳис қиляпман.

Мен бу ҳақиқат ҳақида ўйлаб кўришимга тўғри келди. Худо нима учун буни ёдимга солганини тушунмадим. Дам олувчиларга мўлжалланган курсида ўтириб, бу нимани англатиши ҳақида ҳаёл сураб эканман, бирдан ҳаёлимга: *“Бор, аргимчоқда уч”*, деган қатъий фикр келди. Бу фикр қайта-қайта келаверди, ҳеч ҳаёлимдан кетмади. Шунда жаҳлим чиқаётганини сезиб қолдим: *“Аргимчоқда учини хоҳламайман. Нима, мен ёш боламидим, бунақа бемаъни ишлар билан шуғулланадиган?”* Қолаверса, атрофда катталар учун мўлжалланган аргимчоқ ҳам йўқ эди, ҳаммаси фақат ёш болалар учун эди. Устига-устак, бу аргимчоқлар йигирма ёшли йигитни кўтара олишига ҳам ишонмасдим.

Мен бу бефойда фикрнинг манбасини аниқлашга ҳаракат қилдим. Бу фикр қаердан келди? Иблис менга Худо билан мулоқот қилишимга ҳалақит беришга уринмаяптими? Агар бу иблиснинг иши бўлса, бу билан у нимага эришмоқчи? Ҳечқиси йўқ. Эҳтимол, ўзимнинг ғоямдир? Бўлиши мумкин эмас! Бунақа тентаклик ҳаёлимга келиши мумкин эмас. *“Раббим, агар аргимчоққа ўтиришимни Сен истаётган бўлсанг, сабабини тушунтир. Ахир, бу бемаънилик-ку! - Болалар майдончасида фарзандлари билан сайр қилиб юрган оналар мен ҳақимда нима ўйлашларини тасаввур қилишга ҳам кўрқдим, лекин Худонинг таклифига қарши чиқиш учун бундан бошқа эътироз топа олмадим. – Майли. Мен шу аргимчоққа ўтираман. Ҳеч бўлмаганда Сенга итоат этаётганимни кўрсатиш учун бўлса ҳам буни қиламан”*.

Хуллас, аргимчоққа ўтирдим. Юзага келган вазиятнинг ноқулайлиги ва хижолатдан қийналиб ўтирдим. Бироз шундай ўтиргач, аргимчоқда тебрана бошладим, ўша заҳоти бошимга яна бир ажойиб фикр келди: *“Мени ёш бола деб ҳисоблашса, бу менга ёқмайди. Назоратимдан чиқиб кетган вазиятга тоқат қила олмайман. Мен шунчаки заиф бўлишни истамайман”*.

Юрагимда шундай сўзлар янгради: *“Менинг ҳузуримга келувчилар ўзларини болалардек туттилар ва ўз Отасини қучгандек Мени қучишлари шарт”*. Бироқ Худо севгисининг бундай бебаҳо намоён бўлгани учун самимий миннатдорчилик билдириш ўрнига, мен ғазабни ҳис қилдим! Камига яна илтижо ҳам қилдим:

“Қандай бемаъни мурожаат! Сени Отажон деб чақириш менга ҳурматсизликдек, қўполликдек кўриняпти. Лекин афтидан, бу вазиятда мен Сен ҳақингда ва Сенинг улуғворлигинг ҳақида ўйлашдан кўра, кўпроқ ўз обрўйим ҳақида ўйлаётганга ўхшайман. Мени кечир, Абба. Отажон, мен Сенинг севимли фарзандинг эканимни тушундим. Сенинг назарингда ёш бола бўлиш – яхши янгилик. Мулоимлигинг ҳамда ҳомийлигинг учун раҳмат. Ер юзидаги ҳеч бир ота Сен билан тенг бўла олмайди”.

Шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзини ҳамда Исо билан мулоқотни ўрганиш жараёнида фойда берган айрим руҳий машқларни сизлар билан баҳам кўришимга ижозат беринг. Классик руҳий машқлар, яъни Худо билан ёлғиз қолиш, сукунатда ва ибодатда бўлиш мен учун энг муҳим машққа айланди.

ХУДО БИЛАН МАЗМУНЛИ ШАХСИЙ МУЛОҚОТ (МШМ)

Аббанинг севгисидан лол бўлиб, арғимчоқда ўтирган вақтимда, устозим Уэйн Андерсон айтган *Худо билан мазмунли шахсий мулоқот* ёки қисқача айтганда МШМ нима эканини ўзимда ҳис қилдим. Бу таъриф менга жуда ёқди, чунки “ёлғиз қолиш ва сукунат” ибораси менга космик аёздек туюларди. Уэйннинг таърифи эса менга анча илиқроқ ва қулайроқ туюлди. Устозим бизга Худонинг ҳузурида ёлғиз қолиш учун бир ойда ҳеч бўлмаганда бир неча соат ажратишни маслаҳат берган. У бу қоидага кўп йиллар давомида амал қилиб келган, буларнинг ҳаммаси Элтон Трубладнинг сўзларидан бошланган:

Янги имонга келган инсон Худо билан шахсий мулоқот қилиш учун бир ойда камида бир марта ёлғиз қолиш шарти – ўзига хос, жуда фойдали ва тарбиявий омил ҳисобланади. Бу нарсани издошларини Ўзининг ёрдамидан вақтинча маҳрум қилиб бўлса ҳам вақти-вақти билан эргашувчилардан узоқлашган Масиҳнинг тажрибасига онгли равишда тақлид қилишдир. Бундай ёлғиз қолишнинг сабаби ўз истакларингизни қондириш учун эмас, балки ички оламингизни доимий равишда бойитишга бўлган эҳтиёждир. Учрашиш жуда осон бўлган одамдан фойда кам. Замонавий масиҳийлар Худо билан ёлғиз қолиш учун ҳар ойда 5-6 соат вақтларини жуда катта қийинчилик билан ажратадилар, бироқ бундай қийинчиликлар руҳий тарбиядан воз кечиш учун баҳона бўлолмайди. Бизларнинг қайси биримиз учун бундай “қурбонлик” қилиш жуда қийин бўлса, айнан ўша киши нажот берувчи ёлғизликка энг кўп муҳтождир.

Олтинчи бобда айтиб ўтилганидек, Исо вақти-вақти билан шогирдларига хизматни тўхтатиб, одамлардан узоқроқ бўлиш учун Ўзи билан боришга даъват қилган. Бундай даъватларнинг бири ҳақида Марк Хушхабариди ўқишимиз мумкин: “Келинлар, ёлғиз ўзимиз кимсасиз жойга борайлик, бироз дам олинглар” (Марк 6:31). Ўйлашимча, хизматлар ёки ишлар билан жуда банд бўлган ҳамда МШМ учун мунтазам равишда вақт ажратиши қийин бўлган имонлиларни рағбатлантириш учун бундан-да жиддийроқ сабаб топиш мушкул. Эҳтимол, кимдир аввалги самарадорлигини йўқотмаслик учун бундай машғулотдан бош тортар. Кимдир эса аксинча, бунга янги куч билан хизматга ёки ишга қайтиб, Худонинг топшириғини таъсирлироқ бажариш учун бир имконият, деб қарайди.

Лекин МШМ учун ажратилган вақтнинг қанчалик қадрли эканини билганимдан кейин бошқа бир муаммога дуч келдим. Мен ёлғиз қолган вақтларимни иложи борида кўпроқ руҳий фаоллик билан, яъни ўқиш билан, ибодат кундалигини юритиш билан, хизматга тайёрланиш билан, дам олиш ва бошқа нарсалар билан тўлдиришни хоҳлайман. Вақтимнинг асосий қисмини кўплаб фойдали руҳий машқларга бағишлашни истайман. Бироқ, агар мен режа қилган ишларимнинг ҳаммасини бажарсам, Худо билан ёлғизликда ўтадиган вақтим бошқа кунлар каби ўта бандлик ва шошқалик билан ўтади. Ахир, МШМ нинг асосий мақсади Исонинг ҳузурида хотиржам ва бемалол мулоқот қилиш-ку. Биз билан учрашувдан У айнан шуни кутади. Биз бундай учрашув учун холи жой ва бемалол вақт топамиз, бу вақт давомида эса шунчаки Уни тинглашга қарор қиламиз ва Унинг ҳузурида эътиборли бўлишга ҳаракат қиламиз.

Кўпинча, МШМ ҳақида гап кетганда, масиҳий етакчилар қуйидаги саволга дуч келишлари мумкин: “Худо билан ёлғизликда ва сукунатда қолган вақтингиз қандай кўринишда бўлади?” Мен бу саволга савол билан жавоб беришга одатланганман: “Аслида, сиз мендан қандай *мавжуд* эканимни сўраяпсизми?” Аҳмоқона эшитилади, тўғрими? Худо билан ёлғизликда ва сукунатда қолиш қандай кўринишда бўлади? Сиз

барча нарсалардан холи бўлиб, сукунатда ва хотиржамликда Худонинг ҳузурида бўласиз. Бунга эришиш мушкул, лекин жуда арзирли мақсад. Кимдир вақтни беҳуда йўқотиш деб ҳисоблайдиган ҳолатга тушишимизда Худонинг Руҳи бизга ёрдам беришига ишонамиз. МШМ – иш кунига қараганда кўпроқ шанбага ўхшайди. Бу вақт самарадорлик билан эмас (ҳатто руҳий бўлса ҳам), балки хотиржамлик билан, ижодий идрок билан, мулоқот ҳамда вақт ўтказиш орқали қувватни тиклаш каби бошқа усуллар билан ўлчанади.

Бизларнинг кўпчилигимиз учун бу машқ муаммо ҳисобланади. Бизга “ҳаракатсизлик” ёки “ҳаракатни бекор қилиш” эмас, балки “ҳаракатдаги” руҳий интизомлар кўпроқ ёқади. Шунга қарамай, МШМ бизни одамлардан узоқлашиб, бутун диққатимизни Худога қаратишимиз учун кўп ишлардан ҳамда ўта банд бўлишдан воз кечишга чақиради. Бошқа одамлар билан бўладиган мулоқот ҳамда суҳбатлардан вақтинча танаффус қилиш орқали мен Унинг овозини эшитишим ва Унинг ҳузурини ҳис қилишим мумкин (ҳеч бўлмаганда, шунга ишонишим мумкин). Худо билан мулоқот қилиш учун ажратилган вақт охир оқибат ички безовталиқни енгишимга ва шошқалоқликдан тийилишимга ёрдам беради. МШМ учун ёлғиз қолганимда хотиржамлик ҳолатини инкор этадиган табиатим худди беқарор ўсмир каби нола қилади, бироқ мен иродамни тўплаб, уни тинчланишга мажбур қиламан ва у секин-аста тинчланиб, доимо ташвишланишга мажбур қиладиган нолалари билан мени қийнашни бас қилади.

МШМни машқ қилиш эътиборли, эҳтиёткор бўлиш учун вақт ҳамда жой ажратишга ва Худонинг инояти билан Унинг ҳар қандай намоён бўлишига эътиборли бўлишга ёрдам беради. Баъзан Худо бизга шунчаки сукут сақлашни таклиф қилади. Бу худди кўп йиллардан бери бирга яшайдиган, бир-бири билан мулоқот қилиш учун сукунатни сўзлар билан тўлдиришга эҳтиёж сезмайдиган эр-хотинларга хос бўлган яқинликдан далолат эмасми?

Менинг хизматимнинг асосий қисми ўлчовли ва шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзини ўрганишни хоҳлайдиган имонлиларга (уларнинг кўпчилиги етакчилар) устозлик қилишга бағишланган. Мен уларга Худони эшитиш ва Унинг ёнидан жим ўтиб кетмаслик учун тезликни камайтиришни ўрганишларига ёрдам бераман. Замонавий ҳаёт тарзи бизга бераётган босимни камайтиришга имкон берадиган семинарлар ташкил қиламан. Ҳаётим давомида яхши инсонлар яхши ниятлар билан гапирган, маълумотларга бой бўлган кўпгина семинарларда қатнашганман. Лекин одамлардан узоқлашиш ва Худо билан шошма-шошарликсиз вақт ўтказиш ҳар қандай сўзлардан муҳимроқ эканига ишончим комил. Бундай сукунатда биз биров тинчланишимиз, Худонинг тинчлигида бўлишимиз, Унинг қувончини ҳис қилишимиз, Унинг овозини аниқроқ эшитишимиз ва Унинг кўрсатмаларини бошқа ҳар қандай овозлардан, қўлланмалардан ва маслаҳатлардан ажратиб олишимиз мумкин. Бундан ташқари, бундай руҳий ғамхўрлик барбод қилувчи шошқалоқликдан ҳамда ҳаддан ташқари бандликдан халос қилади.

Бу суҳбат Исо Ўз шогирдларини қандай огоҳлантирганини ёдимга солди: “Ибодат қилаётганингизда, бутпарастлар каби, беҳуда сўзларни ҳадеб такрорлайверманг. Улар, кўп сўзласам, ибодатим ижобат бўлади, деб ўйлайдилар. Уларга ўхшаманглар, чунки осмондаги Отангиз сўрамасингиздан олдин нимага муҳтожлигингизни билади” (Матто 6:7-8). Эътибор беринг, Исо бизни сукут сақлашга чақирмаяпти, балки беҳуда сўзларни такрорламасликни сўраяпти. Мен турли маҳзабдаги имонлилар билан ибодат қилганман. Ишонинг, хушхабарчи масиҳийлардек кўп сўзлайдиган ва сабрсиз ибодатчиларни кўрмаганман. Бироқ Исонинг таъкидлашича, Отани билмайдиган бутпарастлар шундай ибодат қиладилар, улар бир гапни қайта-қайта такрорлашади, чунки уларнинг фикрича, қанча кўп гапирса, ибодат сифатли бўлади ва Худо уларни тезроқ эшитиб, тезроқ жавоб беради.

Сўзларни қайта-қайта такрорлаб қилган ибодатларимиз Худода қандайдир таассурот уйғотишига ишонмайман, унда нима учун шунчалик кўп гапираман? Мени

севадиган Ота нималарга муҳтож эканимни мен Ундан сўрамасимдан аввал билишини нахотки унутиб қўйган бўлсам? Ёки Қодир Худога У билмайдиган ниманидир маълум қиламан, деб ўйлайманми? Ўйлашимча, Худо менинг муҳтожликларимни билишига ва мен ҳақимда ғамхўрлик қилишига бўлган ҳақиқий ишонч ибодатли ҳаётимни соддалаштиради. Шунинг учун ибодат қилишдан олдин Худонинг Руҳи ҳамда Унинг буюк раҳм-шафқати ҳар доим мен билан эканини ёдга олиш зиён қилмайди. Худо менга яхшилик тилайди. Эҳтимол, тинчлик бахш этувчи ҳақиқат муҳтожликларим ҳақида Худога айтишим ҳамда менга ёрдам беришга Уни кўндиришим шарт эмаслигини ёдда тутишимдан иборатдир. Мен шунчаки Ундан бу ҳақда сўрашим керак, холос.

Ҳар гал бугунги кунгача давом этиб келаётган суронли ҳаёт тарзидан халос бўлишим ҳақида гапирганимда, МШМ машқи менинг руҳий саломатлигимга бебаҳо ҳисса қўишини яхши тушунаман. Худонинг ҳузурида сукунатда ёлғиз қолиш қилаётган ишларимнинг беҳудалигини кўрсатади. Лекин шу билан бирга Худо менга Унинг инояти сезиларли ўсишда ёрдам берганини эслатади. Худо билан биринчи учрашув вақтида ярим соат ёки бир соат ретрит қилишга тайёр бўлганман. Бироқ энди тушундимки, уларни шунчаки бизни севувчи Отанинг иноят инъоми сифатида қабул қилиш ўрнига, бор кучим билан ёлғиз қолишга ва сокинликка эришга ҳаракат қилган эканман. Шу билан бирга У билан мулоқот қилиш учун вақт ажратиш орқали ўзимнинг қатъиятлигим билан Худони ҳайратга солишга уринаётганимни билдим, аммо бундай уринишлар жуда кўп кучимни олиб қўйди. Вақт ўтиши билан МШМ вақтини Исо билан дўстона учрашув учун имконият сифатида қабул қилиш анча фойдалироқ эканини англадим (Юҳанно 15:15 га қаранг).

Баъзан буни бошқа имонлилар билан бирга машқ қилиш фойдали бўлади. Бундай ҳолатларда мен вақтни икки даврга бўламан: ёлғиз қолиш (фақат Масих ва мен) ҳамда мулоқот (Масих ва мен билан ҳамфикр бўлганлар гуруҳи). Бундай режалаштириш Худонинг тинчлигида бўлишнинг ажралмас қисми бўлган ҳаёт тарзини тартибга солиш бўйича қилган ҳаракатларимнинг самарасини исботлади. Ҳамкорликда Худо билан ёлғизликда ва сукунатда бирга бўлиш вақти менга қўшилганлар учун марҳаматга айланди.

Хўш, Худонинг ҳузурида бир неча соат тинчликда ва сукунатда бўлишни қандай режалаштириш мумкин? Менга ёрдам берган бир нечта маслаҳатларни келтириб ўтаман:

- Олдиндан тайёрлаб қўйилган саволлар рўйхати билан Худонинг ҳузурига келманг, айниқса ҳозирда сизни қийнаётган муаммо билан. Ҳар гал Худонинг ҳузурига келганда, ҳали жавоб олмаган саволингизни ёки ҳали аниқланмаган вазиятни хотирада сақлаш фойдали бўлади. Эҳтимол, Худо юрагимизни ва онгимизни банд қилган муаммони тушунтириб берар ёки биз билан бутунлай бошқа масалани муҳокама қилишни истар. Шунинг учун шу кун учун белгиланган ишлардан озод бўлиш ва Худога эргашишга тайёр туриш жуда муҳим. Яхшиси, У қилишни истаган ишга дарҳол рози бўлиш ва У айтишни хоҳлаган сўзларга қулоқ солиш керак. Ҳатто, Худо ҳеч нима демасдан ёки қандайдир муҳим нарсаси қилмасдан, шунчаки биз билан бўлишни маъқул кўрса ҳам.
- Биринчи йигирма ёки ўттиз дақиқада ҳеч нима қилманг, фақат эшитинг. Жим туриб тингланг. Қимирламай ўтиришингиз ёки секин юришингиз мумкин. Худони У яратган гўзалликларида кўришга ҳаракат қилинг. Сўровчи сифатида эмас, тингловчи сифатида ҳамду-санолар билан Худонинг ҳузурига киринг. Худони фақат қулоқларингиз билан эмас, балки кўзларингиз, онгингиз ва қалбингиз билан қабул қилишга тайёр туринг.
- Худога миннатдорчилик билдиринг. Миннатдорчилик ва ташаккур айтиш – шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзининг далили эканини англадим. Шошган вақтларимизда кўпинча, Худога ёки бошқа инсонга миннатдорчилик билдириш

учун вақтимиз бўлмайди. У яратган яхшиликларни кўриш ва Унга ўз миннатдорчилигингизни билдириш учун вақт керак.

- Худо билан учрашувингизни ташқи шовқинлардан иложи борица узоқроқда ўтказиш жуда фойдали. Бундай вазиятда ташвишланган қалбимнинг ҳаяжони яққол кўринади. Бу босқичда энг муҳими – Унинг ҳузурида қолиш учун тинчланиш ҳамда сукут сақлашга уриняпманми ёки ички исёнлар мени ўз исканжасига оляптими, шуни аниқлаш керак. Иккинчи ҳолатда, ички безовталиқ мени ҳаракатга келишга ундайди! Лекин агар мен Худонинг ҳузурида қолишни уддасидан чиқсам, Унинг севгиси кўркувимни бостиради, Унинг тинчлиги безовталигимни тинчлантиради, Унинг тасаллиси азобимни камайтиради, Унинг раҳм шафқати итоатсизлигимни кечиради, Унинг инояти қалбимнинг энг зарур эҳтиёжларини қондиради. Агар бизни шошилишга, безовталанишга ва ҳаракат қилишга ундаётган ички овозларимизни жим бўлишга мажбур қиладиган даражада сабрли бўлсак, У ҳақиқатан Худо эканини ёдга оламиз.
- Ташқи чалғитувчи омиллар пайдо бўлса (улар барибир пайдо бўлади) уларга қарши курашиш ўрнига, шунчаки уларни инкор қилинг. Эҳтимол, сиз буни Худо билан ёлғиз қолишнинг бир қисмига айлантирарсиз: улар учун Худога миннатдорчилик билдиришингиз мумкин; буни нима қилишни Ундан сўрашингиз мумкин; ёки уларни Худога топширишингиз мумкин. Бир марта, битта семинарда бўлганимда Худо билан ёлғиз қолиш учун тинч жой топган вақтимда, маҳаллий боғбон ғайриоддий шовқинли асбоб билан ерга тушган барглари тозалашга киришди. Чалғитувчи омил ҳақида гапирганимда айнан шундай нарсаларни назарда тутганман! Бундан қаттиқ хафа бўлдим ва ўша боғбон билан ёки дам олиш маскани бошлиғи билан боғбоннинг ўйламай қилган иши ҳақида гаплашмоқчи бўлдим. Ўша пайтда бирдан Исо мени мана шу кичкинагина майдонга қараётгани учун боғбонга миннатдорчилик билдиришга даъват қиладиганини сезиб қолдим. Исога итоат қилганимда, юрагим тинчланди ва мен учун чалғитувчи бўлиб туюлган омил аслида мени Худога яқинлаштирди.

“УЧДАН БИР ҚИСМИ” ҚОИДАСИ

Мен ҳаётимнинг ўттиз йилидан кўпроғини масиҳийлик хизматига бағишлаганман. Бу вақт давомида кўплаб тадбирлар, якшанба хизматлари, конференциялар, ретритлар, етакчилик йиғилишларини ўтказганман. Сўнгги пайтларда бундай учрашувларни ўтказишда ёки уларни қандай ўтказишни ўргатишда дўстим ва ҳамкасбим Пол Женсен тавсия қилган қоидага амал қиладиган бўлдим. У буни “учдан бир қисми” қоидаси деб атайди ва у жуда оддий: у ёки бу ўқув машғулоти қанча вақт олишидан қатъий назар, унинг учдан бир қисмидан кам бўлмаган вақтни ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш учун ажратилиши керак, айниқса, ўзлаштирилган фан Худо билан мулоқотга ҳамда бошқалар билан ўзаро муносабатга алоқадор бўлса. Бу тамойил талабалар уйларига қайтганларида ўрганган билимларини мустақил равишда амалда қўллай олишлари учун фақат маъруза қилиш, тахминларга асосланиб дарс бериш орқали ўқитишларига йўл қўймайди.

Эҳтимол, сизда ҳам худди мендаги каби аллақачон унутилиб кетган, китоб тоқчасида ёки столнинг тортмасида чанг босиб ётган маърузалар ёзилган дафтарлар, ваъзлар ёки бошқа фойдали маълумотлар бордир. Бизнинг курс ўқитувчилари “учдан бир қисм” қоидасини ўқув материалларини расмий тақдим этиш ўрнига зарур кўникмалар бўйича амалий машғулотлар ўтказиш учун ажойиб имконият деб ҳисоблайдилар. Бундай шошмасдан ёндашиш назарий манбаларни тақдим этиш учун кам вақт қолдиради, аммо амалий кўникмаларни эгаллашга ёрдам беради ва ҳақиқатан ўргатади. Таълим беришга бундай ёндашиш Исониинг шогирдларини тайёрлашда Унинг одатларини акс эттиради.

Кўпинча, етакчилар гуруҳи билан бирга ретрит ёки амалий машғулот ўтказиш учун юзлаб, ҳатто минглаб миль йўл босишимга тўғри келади. Мени таклиф қилган томон менга ажратилган вақт ичида турли руҳий машғулотлар, назариялар ва бошқа муҳим маълумотлар ҳақида гапиришга улгуришимни кутишади. Уларнинг истакларини тушуниш мумкин: ҳар бир инсон қисқа вақт ичида ҳамда камроқ йўқотишлар билан максимал даражада фойдали кўникмаларга эга бўлишни хоҳлайди. Мен талабаларнинг бошларини нафақат билим билан тўлдиришга, балки бу билимлар уларнинг қалбидан жой олишига ва ҳаётларида амалга оширишларига ҳаракат қиламан. Бунга фақат олинган билимларни амалда биргаликда қўллаш орқали эришиш мумкин.

Мисол учун, хизматчиларга бажони дил маслаҳатлар бераман, ўзларининг ташкилий мақсадлари ҳамда вазифаларини баҳолашга имкон берадиган ретритлар ўтказишларига ёрдам бераман. Шундай ретритлардан бири келгуси йил учун хизмат мақсадларини белгилашга бағишланган эди. Бундай режалаштириш семинарлари ҳам қизиқарли, ҳам зерикарли бўлиши мумкин. Агар семинар иштирокчиларининг фикрлари фарқ қилса, зиддиятли вазиятлар ҳам юзага келиши мумкин. “Учдан бир қисми” қондасига амал қилган ҳолда, ретритнинг биринчи учдан бир қисмини тадбиримизнинг асосий вазифаси бўлган режалаштиришдан бошқа ҳар қандай нарсага бағишлайман. Бунинг ўрнига, *lectio divina**, ёлғиз қолиш ва сукунат, мулоҳазали шафоат, шунингдек, жамоавий машғулотлар каби руҳий интизомларга, яъни Худонинг бизнинг ҳаётимизда қилаётган ажойиб ишлари ҳақидаги гувоҳликлар, ҳамкорликдаги ибодатлар, ўзаро ёрдам ва ҳоказоларга эътибор қаратаман.

**Lectio divina* (лотинча илоҳий ўқиш) – Муқаддас Ёзувларни ибодатли ўқиш. *Lectio divina*нинг мақсади – Масиҳ билан бирликка эришиш учун имон орқали Худога қараш ва Масиҳ орқали Отага яқинлашишдир.

Мен ўтказган, режалаштиришга бағишланган сўнгги ретритларнинг бирида биринчи куннинг кўп қисмини Худонинг ҳузурини, Худонинг бошқарувини ва Унинг йўлини излашга бағишладик, иккинчи кунни эса келгуси йил учун хизмат мақсадимизни аниқлаш бўйича гуруҳда ижодий ишларга бағишладик. Ўша семинарда етакчилар жамоаси йиғилиши кутилмаганда режа қилинган муддатдан бир соат олдин тугади. Ҳар бир иштирокчи Худо билан шахсий мулоқотга, Каломнинг бир қанча қалит сўзларини шахсан ҳамда жамоа билан муҳокама қилишга ва биргаликда қилинадиган ибодатларга мўлжалланган кўп соатлик режаларнинг сони ва сифатига таъсир қилмаганини (ахир, бунга анча кам вақт кетди), аксинча, уларнинг ишларини ўзлари тахмин қилганидан ҳам самаралироқ (ҳам сифати ҳам сони бўйича) бўлганини, аслида улар шунчаки “йиғилишни ибодат билан бошлаб”, икки кунни режа тузишга бағишламоқчи бўлганларини таъкидладилар. Ретрит Худо билан бемалол мулоқот қилиш билан бошлангани учун етакчилар гуруҳи янада жипс, самарали ва ғайратли ҳаракат қилишди. Бундай ажойиб натижалар қайта-қайта такрорланади.

Лекин ёлғиз қолиш, сукут сақлаш, мулоқот қилиш, шафоатли ибодат ёки *lectio divina* каби руҳий машғулотлар фақат амалий аҳамиятга эга, дегани эмас. “Учдан бир қисми” қондаси Исонинг аниқ ва таъсирли сўзларини амалда соддалаштиради: “Сизлар аввало Худонинг Шоҳлиги ва Унинг иродасини бажариш пайида бўлинглар, шунда қолган ҳамма нарса сизга берилади” (Матто 6:33). Албатта, асл нусхада “қолган ҳамма нарса” деганда, инсоннинг асосий эҳтиёжи - озиқ-овқат ва кийим-кечак назарда тутилган. Лекин менимча, хизмат қилиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқаётганимизда ёки етакчиларни тайёрлаш дастурларини режалаштираётганимизда иноятли Худо биз муҳтож бўлган ҳамма нарсаларни (масалан, донолик, яқдиллик, ижодий фикрлар, фаросат, ўзаро ғамхўрлик, тетиклик ҳамда куч) беришига тўлиқ ҳаққимиз бор.

Етакчиларни тайёрлашда шошма-шошарликсиз ёндашувга бўлган ишончимни мустаҳкамлаётгани учун Худодан миннатдорман. Бу усул мен авваллари фойдаланган

усулга таққослаганда анча самаралироқ. Учдан бирнинг биринчи қисми шошмасдан Худони излашга мўлжалланган икки кунлик ретритни ташкил қилиш, яъни Уни тинглаш ва Унга жавоб беришга имкон берувчи вақт такомиллашиши ва яхши ҳосил бериши мумкин бўлган ажойиб имкониятни юзага келтиради.

ТЕЗЛИКНИ КАМАЙТИРИНГ

Замонавий жамият тобора шошқалоқ бўлиб бораётган бир пайтда, мен секинлашиш бўйича руҳий интизомнинг аҳамиятини англашга ҳаракат қиляпман. Мана шу мақсадда вақти-вақти билан кичик тажрибалар ўтказяпман: баъзан трассада энг секин юрадиган қаторда юраман. (Жанубий Калифорнияда тезликнинг оддий чекланиши уни камайтириш билан баробар!) Шу билан бирга ўз ҳис-туйғуларимни тушунишга ҳаракат қиламан. Нимани ҳис қиляпман? Хавотирними? Хафачиликними? Ғазабними? Сабрсизликними? (Бундай қадам қўйганингизда қайси ҳис-туйғулар пайдо бўлишини кутяпсиз?) Мен жуда қўрққан салбий оқибатларни аниқлашга ҳаракат қиламан ва шу билан бирга умидларим ўзини оқлаган ёки оқламаганини ҳам аниқлайман. Тезликни камайтиришга бўлган реакциям чиндан ҳам шунчалик даҳшатлими, шундай бўлади, деган фикр менга қаердан келди? Қуйидаги савол ҳам мени ўйлантиради: тез юриш натижасида тежалган дақиқаларни қандай тақсимлайман? Манзилга бир неча дақиқа эртароқ етиб борганим билан руҳий ҳолатим қандай бўлади? Эҳтимол, агар тезликни бироз камайтирсам ва бўлаётган ҳодисаларга эътиборлироқ бўлсам, сал бўлса ҳам Исога кўпроқ ўхшаш бўламанми?

Пиёда юрганда ҳам шу руҳий машқни бажараман, бунинг учун баъзан секин юраман. Бу орқали қадимгиларнинг юриш санъатини ўрганаман. Ёки электрон мактубларга жавоб ёзиш чоғида мен жавоб ёзаётган инсон учун Худога раҳмат айтиш ёки У менга керакли сўзларни бериши учун атайлаб тўхтаيمان. Худонинг инояти ҳамда ўзгартирувчи қудрати билан тезликни камайтириш каби бундай машғулоти менинг ўзимга ҳам қилаётган ишларимга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Тезликни камайтириш учун мен машқ қиладиган яна бир усул – замонавий гаджетлардан бутунлай воз кечиш ёки улардан фойдаланишни сезиларли даражада чеклашдан иборат. Сиз ҳам худди менга ўхшаб доимо чўнтагингизда телефон, сумкангизда айпад олиб юрсангиз керак ва иш столингизни компютерсиз тасаввур қила олмасангиз керак. Ҳар ерда ҳозир бу технологиялар ҳаётимга мустаҳкам жойлашиб олиб, муносабатларимни тезлаштириб юбормоқда. Уяли телефон мен билан гаплашишни истаганлар учун деярли ҳар доим мени топиб беради. Уяли телефонлар пайдо бўлишидан кўп йиллар олдин Элтон Трублад ҳар доим топиш мумкин бўлган инсондан фойда кам, деб огоҳлантирган.

Мен бу руҳий интизомга катта қийинчилик билан амал қиламан. Мен ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларимда, мактабнинг математика клуби аъзоси сифатида ўн олти тугмали калит билан дастурланган IMSAI 8080* процессорини йиғишда иштирок этганман.

*1975 йилнинг августида IMSAI 8080 компютери пайдо бўлди. Унинг энг катта оператив хотираси 64 килобайт эди. Компютерни бошқариш олд панелдаги тугмачалар орқали амалга оширилган. Тўлиқ клавиатуралик ноутбук дунё юзини кўришига ҳали тўққиз йил вақт бор эди.

Техникага иштиёқим кучли бўлса ҳам бу мен учун энг муҳими эмас. Шанба куни ҳақида Исо айтган машҳур сўзларга қўшимча қилиб айтишим мумкинки, мен техника учун яратилган эмасман, балки техника мен учун яратилган (Марк 2:27). Техника янгиликлари кўплаб эзгу мақсадларга эришиш имконини беради, лекин уларнинг ўзи мақсад эмас.

Ниҳоят, амалда бажариш осон бўлмаса ҳам, бир қарашда оддий, ҳаёт тарзимизни секинлаштиришга қодир бўлган тезликни камайтириш учун яна битта машқ хаворий Ёқуб томонидан таклиф қилинган: “...ҳар бир одам эшитишда чакқон, гапиришда вазмин, ғазаб келганда босиқ бўлсин” (Ёқуб 1:19). Тан олишим керак, кўпинча,

суҳбатдошим билан гаплашаётганда, уни диққат билан тинглаш ва уни тушуниш ўрнига ўз фикрларимни ҳимоя қилиш учун ҳаёлан ишончли хулосаларни излайман. Суҳбатдошни эшита билиш – жуда муҳим бўлиб, мен бу кўникмани тўлиқ ўзлаштирмаганман. Семинарияда ўқиш даврида ваъз қилиш ва таълим беришга бағишланган машғулотларга қатнашганман, ўша жойда нотиқлик санъатини ўзлаштирганман, бироқ устозларимиз бизга тинглашни ўргатганларини эслай олмайман. Айтилган сўзларни яхши тушунмасдан туриб, ўзим яхши танимайдиган ўша одамни яхши ўйланмаган ва оддий маслаҳатларим билан хурсанд қилишга шошиламан. Айтайлик, мен унга ҳатто ёрдам бера олмасам ҳам, унинг ҳаётида нималар содир бўлаётганини, унинг сўзлари ортида қандай туйғулар яширинганини билмай туриб, унга муносиб ёрдам таклиф қила олмайман. Бундан ташқари, бизнинг шовқинли ҳамда вайсақи оламимизда диққат билан тинглаш ҳамда кам гапириш лаёқати янада кўпроқ қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳаворий Ёқуб таклиф қилган маслаҳат – доно маслаҳат бўлиб, муносабатларимизни, ишимизни ва умуман, ҳаётимизни самарали қилади.

УЙҚУ

Биз уйқусизлик касалига учраган жамиятда яшайпмиз. Касалликларни олдини олиш ва назорат қилиш маркази ходимлари катта ёшдаги инсонлар бир кунда етти соатдан тўққиз соатгача ухлашлари керак, деб ҳисоблашади. Лекин “2005-2007 йилларда соғлиқни сақлаш бўйича ўтказилган миллий тадқиқот” шуни кўрсатдики, катта ёшдаги аҳолининг деярли 30 фоизи ўртача олганда олти соатдан кам ухлайди. Бу маълумотлар сўнгги юз йилларда уйқунинг давомийлиги ўртача 20 фоизга қисқарганидан далолат беради. Нима учун етарлича ухламаймиз? Бунинг сабабларидан бири – замондошларимизнинг ўткинчи нарсалар учун ишлашга одатланиб қолгани: иложи борица кўпроқ ишлаш учун эрта туриб, кеч ётамиз.

Ўтган асрнинг ўрталарида яшаб ўтган ёзувчи, квакер, профессор Дуглас Стершундай таъкидлаган:

Айрим эзгу ниятли масиҳийлар шунчалик бепарвоки, улар уйқуни кучни беҳуда сарфлаш деган носоғлом фикрга эгадирлар. Инсон яхши дам олганини ҳамда кучга тўлганини ҳис қилгандаги уйқуни етарлича уйқу деб ҳисоблаш мумкин. Ҳеч нарса мунтазам равишда етарлича ухламасликдек шахсий ибодатни мураккаблаштира олмайди.

Биз уйқуга ҳам дам олишнинг бошқа шакллари сифатида қараймиз, яъни уни ҳам вақтни беҳуда ўтказиш, фойдали ишларни мажбурий равишда тўхтатиш, деб ҳисоблаймиз. Бироқ, агар уйқу Худонинг бизга номаълум инъомларидан бири бўлса-чи? Албатта, биз бундай инъомни суистеъмол қилишимиз мумкин, лекин бунинг акси бўлиши эҳтимоли кўпроқ: бизларнинг кўпчилигимиз етарли даражада ухламаймиз. Авлиё Бенедиктнинг асрлар давомида синовдан ўтган Низомига қарайлик: “Авлиё Бенедиктнинг ҳаёт тарзи қуйидагича ташкил қилинган: бир кунда тўрт соат ибодат қилишга, олти соатдан тўққиз соатгача – ишлашга, етти соатдан тўққиз соатгача уйқу, тахминан тўрт соат – дам олиш ва овқатланишга, уч соат – ўқиш ва мулоҳаза қилишга”.

Вақт ҳақидаги анъанани эсласак, уйқу каби инъомнинг барча жозибаларини англашнинг бошқа йўли ҳам бор: тушликдан сўнг бироз мизғиб олиш. 2000 – 2001 йилларда Пекосдаги бенедикт-аббатидида руҳий васийлик санъатини ўрганаётганимда, отахон Сэм билан танишдим. Бу аббатга келишдан олдин отахон Сэм қирқ йил роҳиб-траппист бўлган ҳамда қатъий ва чекланган турмуш тарзига амал қилган. У тунги иккида уйқудан уйғониш одатига содиқ қолган, аббатликнинг бошқа аъзолари эса бу қоидага амал қилишмаган. Жуда эрта уйғонгани учун тушликдан кейин отахон Сэмнинг бироз мизғиб олгиси келди. Шунда у монастр ҳовлисини кесиб ўтаётиб, ўзининг энг сеvimли руҳий тартибларидан бири бўлган *илоҳий уйқуга* кетишга тайёр эканини эълон қилди.

Биз албатта, кулиб юбордик, лекин иш кунининг ёки иш фаолиятининг ўртасида Худонинг инъоми бўлган қисқа муддатли дам олиш одати нодонлик эмаслигига амин бўлдим.

ХУДОНИНГ БОШҚАРУВИНИ ИЗЛАШ

Рухан бошқаришини сўраб Худога мурожаат қилганда, кўпчилик одамлар Ундан батафсил харита олишга умид қилишади. Боришимиз лозим бўлган манзилгача Худо бизга босқичма-босқич йўл кўрсатишини кутамиз. Биз Худони Google билан адаштириб қўйдик! Биз танлаган йўналиш Унинг йўналишига тўғри келиш келмаслиги билан қизиқиб кўриш тўғрироқ бўларди. Эҳтимол, биз Худодан У бизнинг боришимизни умуман истамайдиган йўлни кўрсатишини сўраётгандирмиз?

Тўсатдан, менга йўл харитасини бериш ўрнига Худо менга йўлбошчилик қилишни хоҳлаб қолса-чи? Агар йўналишни У танлашига қўйиб берсам, нима бўлади? Агар мен Ундан бир қанча кўрсатмаларни батафсил айтиб беришни талаб қилмасам, бунинг ўрнига қаёққа бурилишим кераклигини Худо айтиб беришига ишонсам, нима бўлади? Раббимиз бизни У билан ёнма-ён юришимизни иташини унутмаслигимиз керак, У танлаган йўл эса шошқалоқликдан холи. У мени Унинг кўрсатмаларини кутадиган ва бу кўрсатмаларни бажаришга шошиладиган тобе инсон сифатида эмас, балки Унинг ҳамроҳи сифатида кўришни хоҳлайди. Эҳтимол, Худонинг бошқарувини сўраш ўрнига, йўлбошчи сифтида Унга кўпроқ ишонишимизни, Ундан ёрдам сўраш ўрнига, У бизнинг ёрдамчимиз бўлишни хоҳлаши ҳақидаги ҳақиқатни англаб етишимизни, кучимизни мустаҳкамлашини сўраш ўрнига, У биз учун қалъа эканига ишонишни сўрашимиз тўғрироқ бўлар!

ХУЛОСА

Мен таклиф қилган руҳий машқларнинг барчасини эсланг: ёлғиз қолиш ва сукут сақлаш ёки Худо билан мазмунли шахсий мулоқот (МШМ), етакчиларни бемалол тайёрлаш, тезликни камайтириш, суҳбатдошни тинглай олиш, уйқу ва Худонинг бошқарувини излаш. Айтинчи, ривожланишнинг айна босқичида уларнинг қайси бири сиз учун кўпроқ қийинчилик туғдирапти? Нима учун? Сизнингча, уларнинг қай бири сиз учун жозибалироқ кўриняпти? Худо сизни ушбу бобда берилган машқларнинг қайси бирини бажаришга чақиряпти? Улардан бирини танлаб, сиз билан мулоқот қилишни хоҳлайдиган, шошмайдиган Нажоткоримизга қурбонлик сифатида бағишлашингиз учун ибодат қиламан. Биринчи қадамни ташлагандан кейин иккинчи қадамни қўйинг. Шундай қилиб, аста-секин Худо билан бирга шошма-шошарликсиз юрадиган йулга тушиб оласиз.

ХУДО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ЎТАДИГАН СОАТЛАР

1. Қайси одатлар ёки руҳий машқлар ҳаётингиздаги шошқалоқликдан халос бўлишингизга ёрдам бериши мумкин? Қайси одатлар ёки машқлар ҳаётингизни тезлаштириб юбориши мумкин?
2. Ушбу бобда берилган руҳий машқлар - ёлғиз қолиш ва сукут сақлаш ёки Худо билан мазмунли шахсий мулоқот (МШМ), етакчиларни бемалол тайёрлаш, тезликни камайтириш, суҳбатдошни тинглай олиш, уйқу ва Худонинг бошқарувини излаш – улардан қай бири сиз учун жозибалироқ? Нима учун? Қайсилари сиз учун қийиндек туюлади? Нима учун?
3. Юқорида айтиб ўтилган руҳий машқларнинг қайси бирини бажаришга Худо сизни даъват қиляпти? Бу машқни қачондан бошлашни режа қиляпсиз? Ёрдам ҳамда ибодат орқали қўллаб-қувватлашини сўраб, кимга мурожаат қилмоқчисиз?

11 БОБ АБАДИЙ ҲАЁТ

Эҳтимол, сиз шошма-шошарликсиз ҳаёт маромига амал қилиш баъзи ҳолларда бошқа вазиятларга қараганда осонроқ бўлишини пайқаган бўлсангиз керак. Яқинда мен Доминикан Республикасида чўпонлар ҳамда бошқа имонли етакчилар учун “Journey” дастури бўйича ретрит ўтказдим. Ретрит ўтказиш учун танланган жой Харабакоа яқинидаги конференция маркази бўлиб, бу жой тоғлар билан ўралган, баланд ўсимликлар билан қопланган эди. Мен ўзимни худди жаннатга тушиб қолгандек ҳис қилдим. Бундай ажойиб жойда ҳеч бўлмаганда тўрт кун шошма-шошарликсиз ҳаётга мослашиш анча осондек кўринди. Менинг тахминларимда бироз бўлса ҳам ҳақиқат бор эди.

Ҳатто мана шундай тинч шаҳарчада ҳам *La Confluencia* деб номланган жой бор эди. Бу жой мамлакатдаги иккита асосий дарёнинг кесишган жойи эди. Иккита дарёнинг сувлари биттасига қуйилганида унинг оқими шиддатли ва шовқинли бўлади (бир пайтлари менинг ҳаётим ҳам шундай эди, ҳаётимда иккита эмас, ундан ҳам кўпроқ дарёлар бирлашганда ўхшарди!). Ўша пайтлар хизматимдаги энг оғир дамлар бўлган бўлса ҳам учта ўсмир ўғилларим бўлган оилам билан мулоқотдан завқ олардим. Албатта, бундай ҳолатда шахсий тартибимда айрим қийинчиликлар ҳам юзага келиб, анчагина вақтимни ва кучимни олган. Шундай бўлса ҳам Худо бундай чалкашликлар орасида агар шошма-шошарликсиз ҳаётнинг фойдаси ҳақидаги ғоялар ҳозир, шу онда ёрдам бермаса, бошқа ҳеч нарса ёрдам бера олмаслигини кўрсатди!

Бундан ташқари, яна шуни англадимки, агар шошма-шошарликсиз ҳаёт кечиришнинг имкони бўлса, фақатгина қийинчилик ва муаммолардан ҳоли бўлгандагина бунга эришиш мумкин, демак, бундай шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзи ҳаётидаги оғир ишлар чуқур тинчликка, халқнинг эҳтиёжлари ҳақидаги ташвишлар эса Отанинг меҳрибон қўллари остида бўлишга айланган Исога эргашиш натижаси бўлиши мумкин эмас. Исонинг хизмати бошланиши ҳақида шундай дейилган: “Исо ҳақидаги гап-сўзлар эса тобора ёйилиб бораверди. Тумонат халойиқ Уни тинглаш ва дардларидан фориғ бўлиш учун Унинг олдида йиғилиб келар эди. У эса кўпинча кимсасиз жойларга кетиб, ибодат қилар эди” (Луқо 5:15-16). Исо Унга муҳтож бўлган кўп сонли одамларнинг талабларига қарамасдан шошма-шошарликсиз ҳаёт кечирган. Аввал айтиб ўтганимдек, У бизни ҳам баъзан жуда банд бўлиши мумкин бўлган шошма-шошарликсиз ҳаёт кечиришга чақиради.

Айнан мана шундай ўта бандлик пайтларида мен энг вазмин ҳақиқатни – абадий ҳаётни осонгина эътибордан четда қолдиришим мумкин.

ШОШИЛМАЙДИГАН АБАДИЙЛИК

Абадий ҳаёт ҳақида ўйлаганингизда сизни кўпроқ нима қувонтиради ёки энг хафа қиладиган нарса нима? Уни қандай тасаввур қиласиз? Худо ҳузурининг бирон жойида тушунарсиз бўлган қандайдир мавжудот сифатида абадий яшаймизми? Ёки абадий ҳаёт – шунчаки чексизликми? (Умид қиламанки, ҳозирги вазиятларимнинг аксарияти абадий давом этмайди, бироқ айримларини абадий сақланиб қолишини истайман.) Сиз кўпроқ *боқийликка* диққатингизни қаратасизми ёки *ўткинчи ҳаётгами*? Вақт ўтгани сайин мен воқеликларга, қувончга тўла чексиз ҳаёт, ҳақиқий ҳаёт учун миннатдор бўлишимни тушундим.

Мен биринчи марта Исо ҳақида эшитиб, Уни қабул қилганимда, абадий ҳаётни озодлик сифатида тасаввур қилганман, чунки абадий маҳкумлик менга таҳдид қилмасди. Менга вафот этганимдан кейин Худо билан абадий бирга бўлишимни айтишган ва ҳозирги кун у ёқда турсин, келажагим қандай бўлишини тасаввур қилмасам ҳам, мен, бу яхши истиқбол, деган қарорга келганман. Бизни кутаётган имкониятлардан биттаси қуйидагича: Масихда абадий ҳаётга эришиш орқали биз чексиз вақт манбаига эга

бўламиз. Мен бекорчиликни тасдиқлайдиган ёки рағбатлантирадиган ҳаётий ҳолат тарафдори эмасман, мен “вақт етишмаслигини” фош қиладиган “абдий ҳаёт” истиқболи ҳақида гапиряпман. Бу учун бизда вақт йўқ, деган нотўғри ишонч туфайли неча маротаба яхши бошланишдан воз кечганмиз? “Вақтим йўқ” деган иборани айтиш орқали мени шошқалоқлик билан боғлайдиган риштани яна бир бор мустаҳкамлаган бўламан. Аслида, сайёрамизнинг ҳар бир аҳолисига ҳар бир кун учун бир хил вақт берилган, Масихда эса биз абдийликка эга бўламиз. Бошқача айтганда, Масихда менга Худонинг топшириғини адо этишим ёки Унинг таклифига жавоб қайтаришим учун етарлича вақт берилган. Бундай истиқбол абдий давом этади, демак, бу шошма-шошарликсиз ҳаёт дегани.

Лекин баъзида ҳаётдан иложи борица кўпроқ нарса олишга уриниш орқали, биз ўзимизга: *ҳаётга фақат бир марта келамиз!* деймиз. Ҳаммага маълумки, бу билан баҳслаша олмайсиз. Айрим имкониятлар ҳаётда бир марта берилади ва бизнинг қатъиятсизлигимиз қимматга тушиши мумкин. Бироқ бошқа томондан, агар Исода биз абдийликка эришган бўлсак, унда бизнинг “ҳаётга бир марта келамиз” деган сўзларимиз абдий давом этади, бу эса кўрқувни енгиб, таваккал қиламиз ва имкониятдан фойдаланамиз, деганидир. Шунинг учун бундай ноёб имкониятлар бизга руҳан ўсиш, ривожланиш ҳамда руҳий ўзгаришларнинг боқий йўлида олға силжиш учун кўплаб қулай имкониятларга эга бўлишимизни англашга ёрдам беради. Мисол учун, зарур бўлган тажрибага эга бўлмагунимизча, қийин синовлардан ўтиш учун ўзимизда жасорат топишимиз мумкин. Уларни англаб, Худога содиқ қолиш учун ҳаётий тажрибага эга бўлиш йўлида хато қилишдан қўрқиш керак эмас.

Шошма-шошарликсиз ҳаётни ўрганиш йўлида абдий ҳаёт унинг энг олий кўрсаткичи эканига ишонч ҳосил қилдим. Худо билан юриш учун шошилишга мойиллигим руҳий тасаввурларини торайтиради, кувончимни камайтиради ва вақтинчалик муаммоларнинг асирига айлантиради. Шошқалоқликка қарши курашишга кўшимча равишда, кундалик вазифалар менга босим ўтказди ва уларнинг ҳар бири муҳим ўринга чиқишга интилади. Кьеркегорнинг айтишича, “иш билан шафқатсиз муносабатда бўлиш жодугарнинг сеҳрига ўхшайди. Абдийлик қалбимиздан ўрин олиши учун зарур бўлган ёлғиз қолишларни ҳамда сукут сақлашларни болалик ҳам, ўсмирлик ҳам билмаслиги учун янгидан-янги ёш курбонларни топишга ҳаракат қилиш орқали унинг қудрати кенгаймоқда”. Ишга берилиш жуда хатарли, бироқ шуни англаб етдимки, шошқалоқлик натижасида ҳаётим ўтиб кетар экан.

ХЎШ, АБАДИЙ ҲАЁТ НИМА ЎЗИ?

“Абдий ҳаёт ўзи нима?” деган саволга энг оддий ва тўғридан-тўғри жавобни Сирли окшом пайтида Исонинг шогирдларига айтган сўзларидан топдим. У ибодатда шу сўзларни тилга олган: “Абдий ҳаёт эса Сени – ягона ҳақ Худони ҳамда Сен юборган Исо Масихни таниб-билишдан иборатдир” (Юҳанно 17:3). Абдий ҳаёт - шунчаки узок давом этадиган давр ёки порлоқ келажакнинг кафолати эмас. Абдий ҳаёт – Ҳаёт бўлган Зот билан доимий ўзаро севги муносабатидир. Бу мен ҳозирда ҳузур қилаётган ва то абад ҳузур қиладиган муносабатдир. Исога бўлган дастлабки имонимнинг олдида бутун абдийлик турибди, унда Содиқ бўлган Зотга нисбатан хантал уруғидан қудратли ва мустаҳкам имон ўсиб чиқади.

Абдий ҳаёт – бу Худонинг ҳузуридаги ҳаёт. Бу Ўз севгисини исботлаган ва бизни Ўз муҳаббати билан камтар қилган Зот билан мунтазам ривожланиб борадиган суҳбат. Абдий ҳаёт – Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ билан абдий давом этадиган мулоқот. Абдийликда биз Исонинг қанчалик қизиқ, ақлли, истейдодли, ёқимли ва мафтункорлигини билиш учун вақтимиз етарли. Мен *улуғвор, доно, қудратли, раҳмдил, буюк* деган сўзларни ишлатган бўлардим, лекин диний доираларда бу сўзлар ҳаддан ташқари кўп ишлатилгани учун бу сифатларнинг қадри биров пасайган. Биламан, кўп

жиҳатдан мен ҳаётни тасдиқловчи ҳақиқатни имон, умид ва миннатдорчилик билан идрок этиш лаёқатимни йўқотганман ва бундан хафаман.

Исо Отага қилган ибодатини куйидаги сўзлар билан якунлаган: “Уларга Сенинг кимлигингни аён қилдим ва аён қилишни давом эттиравераман. Токи Менга бўлган севгинг уларнинг юракларида жо бўлсин, Мен ҳам уларда бўлайин” (Юҳанно 17:26). Исо биз Отани билишимизни хоҳлайди; ахир, Исо биз Худони кўра олишимиз учун келган (Юҳанно 14:7 га қаранг).

ОТАНИ ТАНИБ-БИЛИШ

Янги ўқув йили бошланишидан олдин мен дам олиш учун уч кунга Сан-Диегога бордим. Дўстим хушмуомалалик билан Мишен-Вэлли водийсига қараган уйини менинг ихтиёримга берди. Бу сафардан яна бир мақсад - янги ўқув йили дастурларига тайёргарлик кўриш эди. Лекин қанча уринсам ҳам биринчи икки кунда ҳеч нима қилмадим. Шунчаки қанча уринмай, диққатимни жамлай олмадим! Бундан кайфиятим тушиб, ҳафсалам пир бўлди. Иккинчи куннинг охирида ухлашга ётаётганимда, учинчи кун ҳам мана шундай натижасиз бўлишига шубҳам йўқ эди.

Тунги соат учда уйғониб кетиб, қайтиб ухлай олмадим. Ухламасдан ётар эканман, ҳалиям кайфиятим яхши эмаслигидан ва вақтни қанчалик аҳмоқона ўтказганимдан афсусланиб ўтириб, бирдан ибодат қила бошладим: “Худойим, Сенинг ёрдамингга муҳтожман. Хафачилик ва хафсаласизликни енгишимга ёрдам бер”.

Субҳидамдаги бу сукунатда хавотирли бир фикр мени ваҳимага солди: “Ахир, мен ўзимни Худонинг ҳузурига киришга муносиб ҳис қилмаяпман-ку. Қандай қилиб бошқаларни Худо билан мулоқот қилишган таклиф қилишим мумкин?” Мен қалбим билан ишонадиган Худо мен тилим билан эътироф этаётган Худога ўхшамаслигини тушундим.

Шунинг учун яна ибодат қилдим: “Исо, мен Отани яқиндан билишим керак. У аслида қандай бўлса, Уни шундай кўришим керак. Юрагимда ҳам тилимда ҳам менинг У ҳақидаги тасаввурим нотўғри бўлса керак ва у мени Худога яқинлаштириш ўрнига мени Ундан узоқлаштиряпти”.

Шу пайт юрагимда Филипп тоғда Исога айтган сўзларга ўхшаш сўз янгради: “Ҳазрат, бизга Отани кўрсатинг, шунинг ўзи бизга кифоя!” (Юҳанно 14:8). Филиппга (менга ҳам) жавоб бериб, Исо шундай деди: “Уч йил давомида Мен билан биргасизлар. Менинг қандай яшаганимни кўрдинглар. Қилган ишларимни кузатдинглар. Берган таълимотимни эшитдинглар. Мен айтган ва қилган барча нарсалар Отанинг табиатини акс эттиради. Ота Менга ўхшайди, Мен эса Отага. Мен ва Отам – бирмиз. Мен Ота учун Отада бўлганимчалик яшамайман, У шунча вақтдан буён Менда яшади. Наҳотки тушунмаган бўлсангиз? Мен Унинг номидан гапириш имтиёзига эгаман. Мен Унинг севгиси ва қудратида яшайман. Энди эса, Филипп (ва Алан), сен нимага даъват қилинганингни айтаман. Сен Менга ва Менинг айтганларимга ишонишга даъват қилингансан. Мен Отада қандай мавжуд эканимни кўргансан. Энди, Мен сени даъват қиламан: Мен орқали Отада яша. Ота сен орқали амал қилсин, сен орқали гапирсин, сенда ва сен орқали яшасин. Ота Менда ва Мен орқали Ўзини қандай намоён қилган бўлса, сенда ва сен орқали ҳам худди шундай қилсин. Ўшанда нимани истасанг, сўра. Бу Менинг иродам. Бу Отанинг иродаси. Қалбингнинг туб-тубида бу сенинг ҳам ироданг эканини биласан”.

Мен юрагимда Худони Исонинг шахсида намоён бўлган севгига тўла, қувноқ ва меҳрибон Ота эмас, балки рад қилувчи Ота – ёмон кайфиятдаги каттиққўл дунёвий ота сифатида тасаввур қилганимни англаб етдим. Албатта, ўша пайтда Худо ҳақида менда пайдо бўлган салбий тасаввур билан қолишни хоҳламадим! “Бироқ, - дедим ўз мулоҳазамни давом эттириб, - абадий ҳаёт – бу Отани таниб-билиш, ҳақиқатан таниб-билишдир, Исо мана шу мақсадда ерга келган. Исо биз Унинг шахсида Отанинг ҳақиқий қиёфасини кўришимиз учун келган. Бундан-да ишончлироқ ваҳий мавжуд эмас”.

Хуллас, абадий ҳаёт – севувчи Самовий Ота билан ўзаро муносабатдаги шошма-шошарликсиз ҳаёт бўлиб, менинг ҳозирги жисмоний танада мавжудлигим абадий ҳаётнинг кичик бир сояси холос. Ўтган асрнинг ёзувчиси, квакер Томас Келли буни қуйидагича ифодалаган:

Биз энди фақат вақт билан яшамаймиз, балки абадийликда ҳам яшаймиз. Энди вақт олами биз англаб етган ягона ҳақиқат эмас. Иккинчи ҳақиқат вужудга келмоқда, у бизни жонлантиради, тўлқинлантиради, ҳаракатга келтиради, ғайрат бағишлайди, қалбимизни тўлдиради ва Унда мавжуд бўлган барча нарсаларга қўшиб, Ўз севгиси билан бизни кучади. Биз бир вақтнинг ўзида ҳаётимизни икки даражада – вақтинча ва вақтинча бўлмаган даражада яшаймиз. Улар бир-бирларининг ўртасида тебранувчи чегара билан битта қаторни ҳосил қилади.

Биз бу икки ёқлама воқеликда яшашни ўрганишимизми? Биз вақт ҳамда боқийликни қандай тушунамиз: биттаси бошқасидан пайдо бўлади, деб тушунамизми (аввал вақт, кейин абадият) ёки иккита параллел воқелик деб тушунамизми? Менинг ҳаётим “мен абадий яшайман”, деган ҳақиқатга бўлган мустаҳкамланиб боровчи ишончни акс эттирадими? Ёки мен ўлиб кетсам, бутун олам вайрон бўлади, деган ишонч билан яшайманми? Сиз билан биз чиндан ҳам аллақачон абадиятга ўтганмиз!

ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ҲАЁТ КЕЧИРИШ

Исо абадий ҳаётни Отани таниб-билиш ва Унинг Ўзини эса Ота томонидан юборилганини тан олиш эканини таъкидлаган. Ибронийларга мактубининг муаллифи абадийлик нуқтаи назаридан ҳаётга шошма-шошарликсиз назар солиш ҳақида шундай деган:

Имони бизга ибрат бўлиб хизмат қиладиган ана шу одамларнинг ҳаммаси атрофимизни ўраб олган. Бу катта оломон бизни кузатиб тураркан, тақдиримиздаги мусобақада сабр-тоқат билан чопайлик. Югуришимизга халақит бераётган ҳар қандай юкни, айниқса, тўсқинлик қиляётган ҳар қандай гуноҳни бир четга улоқтириб ташлайлик. Исога кўз тикайлик. Ахир, бу имон мусобақасида У биз учун йўл очиб, бутун масофани биздан олдин югуриб ўтди. Исо келажақдаги шодликка эришиш учун шармандали ўлимни писанд қилмай, хочда азоб тортиб жон берди. Ҳозир эса У Худо тахтининг ўнг томонида ўтирибди.

Ибронийлар 12:1-2

Ҳаётим белгиланган тезликдан ошиб кетганида диққатимни Исога ва бурним олдида турган нарсадан бошқасига қаратишим жуда қийин бўлади. Лекин машқлар шуни кўрсатадики, диққатимни Исога қаратиш орқали мен тезликни солиҳлик даражасигача тушира оламан. Мен қаерда бўлмай, нима қилмай, агар Муқаддас Рух қалб кўзларимни очиб, Исони аниқ кўришимга ёрдам берса, менинг аҳмоқона, ташвишли ҳаётим секинлашади. Мен Исонинг шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзига тақлид қилиш орқали Ундан ўрганаман.

Хаворий Павлус орқали Худо ҳам бизга шу ҳақда айтади:

Сизлар Масих билан бирга тирилган экансиз, самовий нарсаларнинг пайида бўлинг, ахир, Масих ҳам самода Худонинг ўнг томонида ўтирибди. Фикрингиз ер юзидаги эмас, самодаги нарсалар билан банд бўлсин. Ахир, сизлар ўлгансизлар, асл ҳаётингиз эса Масих билан Худонинг ҳузурида пинҳондир. Бизнинг ҳаётимиз Исо Масихдир. Масих зоҳир бўлганда, сизлар ҳам У билан бирга улуғворликда зоҳир бўласизлар.

Колосаликлар 3:1-4

Исони Раббим ва Нажоткорим деб тан олганимда, мен Масих билан бирга қайта тирилдим, шунинг учун ердаги нарсалар эмас, балки Тирилган Зот ҳамда самовий нарсалар ҳақида фикр қилишга даъват қилинганман. Шошқалоқликка берилиш билан дунёвий муаммолар эътиборимни тортишига имкон бераман. Масихнинг ҳақиқий ҳузури мен билан бирга эканини, Масихнинг ҳузури менда эканини, “Худо тахтининг ўнг томонида” ўтирган Зотнинг ҳузурини назардан четда қолдираман.

Ижозатингиз билан “самовий” ва “ерга оид” нарсалар ҳақида гапирсам. Бу иккита алоҳида тоифа эмас, балки *бир хил* ҳодисани икки хил тушунишдир. Абадий ҳаётимнинг ҳақиқийлигини англаб, уни ёдда сақлаган ҳолда онгим ва қалбим Исонинг ҳузурида хотиржам бўлса, мен Унда ҳамма нарсалардан роҳатланишим мумкин.

Менимча, биз ер юзида дунёвий ташвишларга берилиб кетганимиз учун самовий нарсалар ҳақида ўйлашимиз қийин, деган фикримга қўшилсангиз керак. Шунга қарамай, хаворийнинг “самовий нарсалар пайида бўлинглар” (Колосаликлар 3:1) ёки “самовий нарсалар ҳақида фикр қилинглар” (Колосаликлар 3:2) деган даъватига қайтадиган бўлсак, менимча, бу билан Павлус: “Ҳар доим Худо фикр қилгандек фикр қилинглар, У ҳис қилгандек, ҳис қилинглар” демоқчи бўлмаган. Менимча, у: “Масих билан муносабатингизни англаган ва ёдда тутган ҳолда яшанглар”, демоқчи бўлган. Мен Исо ҳар доим мен билан, мен эса ҳар доим У билан эканимни унутмасликка чақирилганман. Унга ишониб, ҳаётимни Унинг меҳрибон қўлларига топширган вақтимда, ажойиб бир нарса юз беради. Ўлим – ҳақиқий, лекин шу вақтгача Масихда пинҳон бўлган ҳаётнинг зарурий бошланишидир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, менинг ҳаётим фақат дунёвий маълум нарсалар билан чекланмайди. Бир вақтнинг ўзида менинг ҳаётим “Масих билан бирга Худонинг ҳузурида пинҳондир” (Колосаликлар 3:3): мен Худо билан муносабатда яшайман. Мен бир вақтнинг ўзида икки даражада яшашни ўрганишим мумкин!

Масих – менинг ҳаётим, мен Исода ва У билан бирга яшаётганимни ёдда тутиб, шу воқеликда яшаш истагида қуйидагича ибодат қиламан: “Ота, Муқаддас Рух менга Сен билан ҳар кунлик мулоқот қанчалик муҳим эканини англаб етишимга ёрдам берсин”.

Яна бир эслатма. Рухий етакчилик курсига келган етакчиларга кўпинча, кадр-қимматга эга бўлган барча нарсалар кичик нарсадан бошланишини тез-тез такрорлайман. Бу ҳақиқат Худонинг ҳузури ҳар доим биз билан бўлиши ва бизни ўраб туришини англашни ривожлантириш истагимизга ҳам тегишли. Бизларнинг кўпчилигимиз шижоат билан Худони билишга киришамиз, лекин тезда чарчаб, ҳолдан тойиб, таслим бўламиз. Кичик нарсадан бошлаш – уруғ экиб, ҳар куни унга сув қуйиб, униб чиққунича ва ҳосил бергунича парвариш қилиш демакдир. Бундай ёндашув, яъни “кичкина нарсадан бошлаш” – унчалик таъсирли эмас, лекин натижаси самарали бўлади.

АБАДИЙЛИКДАГИ ЭРКИНЛИК

Хаворий Павлус таъкидлаган яна бир муҳим ҳақиқат мени шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзининг ажойиб эканига ишонттиради. Келинг, Павлуснинг тажрибасидан ўрнак оламиз:

Бу ерда Эгамиз, деганда, Муқаддас Рухни назарда тутяпман. Эгамизнинг Рухи қаерда бўлса, ўша ерда эркинлик бор. Биз ҳаммамиз очиқ юз билан Эгамизнинг улуғворлигини кўриб турибмиз. Биз ўзгариб борар эканмиз, янада улуғвор бўлиб, Эгамизга ўхшаган бўламиз. Буларнинг ҳаммаси Эгамизнинг Рухи орқали содир бўлмоқда.

1 Коринфликлар 3:17-18

Шошқалоқлик Эгамизнинг гўзаллиги ва улуғворлигини биздан яширадиган пардага айланиб бораётганини тушундим (эхтимол, сиз ҳам буни англаб етгандирсиз). Худонинг улуғворлиги ҳақидаги тасаввурим нотўғрилиги сабабли Унинг сурати томон ўзгариб боришим қийин кечяпти. Тўғри, мен руҳий машқлар учун вақт ажратганман,

лекин уларни шошқалоқлик билан тез бажарганман. Натижада эса, Худонинг улуғворлиги ҳақида мулоҳаза қилишни ва Унинг сурати томон ўзгариб боришни ушбу руҳий машқлар ортига яширдим. Ўта бандлик натижасида юзага келган шошилинич парда менга Қодир Худонинг қиёфасини кўришга тўсқинлик қилади.

Бир марта тезликни камайтирганимда, Ричард Рорнинг “The Naked Now” китобидан Раббийнинг улуғворлигини кўришни истаганлар учун фойдали маслаҳатларни кўриб қолдим. Биз турли диний оқимларнинг тарафдори бўлсак ҳам, бу нарсa Исога қарашда яқдил бўлишимизга халақит бермади. Қуйида Ричард Рорнинг фақат руҳий уйғониш ҳолатидагина бўлиши мумкин бўлган Худонинг улуғворлиги ҳақида мулоҳаза юритишнинг моҳиятини тасвирлайдиган бир қанча иборалар берилган. (Ричард Рорнинг қуйида берилган иборалари ажратиб кўрсатилган)

“Мен кўриниб турган нарсаларга абадийлик нуқтаи назари билан қарайман”. Биз бу “кўриниб турган нарсаларга” ҳақиқий ҳаёт деб аташга ўрганганмиз, лекин аслида ундай эмас. Юзаки даражадаги ҳал қилинмаган барча муаммолар – Худонинг халқига маълум бўлган абадий ҳақиқат олдида мукамал эмас. Ҳозир, шу ерда мени қаттиқ ташвишга солган нарсалар, агар мен Самовий Отанинг абадий Шоҳлиги ҳақида кўпроқ билсам, ҳатто эътибор беришга ҳам арзимайди. Бу билимга эга бўлиш учун, бир вақтнинг ўзида иккита даражада яшай олиш учун кўриниб турган нарсаларга абадийлик нуқтаи назари билан қараш керак, бунинг учун эса мунтазам равишда ибодатда бўлиш ва самовий нарсалар ҳақида фикр юритиш лозим.

“Мен абадият нуқтаи назари билан қабул қилган ҳолда ўз бахтсизликларимга хотиржам қарайман”. Бу тавсиялардаги қайсидир нарсалар мени болаликдаги ва ўсмирликдаги ҳисларимни тан олишга ва улардан воз кечиб, ўзимни катта одамлардек тутишга даъват қиладиган руҳшуносларнинг маслаҳатларини ёдимга солади. Менда кўриниб турган нарсаларнинг юзаки тарғиботига қараганда анча чуқур манбаадан келадиган хотиржамликка эришиш имконияти мавжуд.

“Мен ўзимга четдан ачиниб қарайман, гўё “мен” бу “мен” эмас, балки “танадир”, деган экан авлиё Франциск. “Ўзига четдан ачиниб қараш” ёқимли туюлади. Агар бу нарсa Худони инкор қилувчи бу оламда қаттиқ ўзгаришларга учраган ички “худбин”лигим бўлмаса, унда нима? Ўлиб кетсам автопилотда яшаш одатимдан қутулган бўлардим. Ҳаётдан қаттиқ кўрққан шахсиятимдаги мукамал бўлмаган томонларни парвариш қилишни ўрганган бўлардим. Худонинг севгисини қабул қила оладиган ва уни қалбимнинг тубида сақлайдиган жой топган бўлардим.

“Мен ортиқ ўзимни ҳиссий ташвишларим билан солиштирмайман ва улар мени парчалаб ташлашларига йўл қўймайман”. Ҳа, туйғуларим ҳақиқат, лекин улар менинг ҳақиқий воқелигим эмас. Менинг туйғуларим жуда баланд, талабчан ва зерикарли, бироқ улар зиёфатни бошқармайди. Мен ташвиш тузоғига тушмаслигим мумкин. Мен уларни яширишим ёки инкор қилишимга ҳожат йўқ, улар шунчаки мен қабул қиладиган қарорларни бошқармайди. Мен Исо Масиҳнинг қудратли ва шу билан бирга меҳрибон ҳукмронлиги соясида яшашга ҳақлиман. Бир ҳақиқатни - ҳиссий шовқин ҳаётимдаги энг катта воқелик эмаслиги ва аслида, у умуман воқелик бўлиши мумкин эмаслигини англашни хоҳлардим.

Биз учун энг муҳим ҳақиқат нима экани ҳақида ҳаворий Павлус шундай ёзган:

Шунинг учун ҳам умидимизни йўқотмаймиз. Тўғри, бу фоний баданимиз хазон бўляпти, аммо биз руҳан янгиланиб боряпмиз. Бизнинг ўткинчи, енгил азоб-уқубатларимиз бизга ҳаддан ташқари ажойиб ва абадий улуғворлик келтиради. Ахир, биз кўринадиган нарсаларга эмас, балки кўринмайдиган нарсаларга кўз тикканмиз. Кўринадиган нарсалар ўтиб кетади, кўринмайдиганлари эса мангудир.

2 Коринфликлар 4:16-18

Мен ҳаворий таъкидлаган сўзларга жавоб бўлиши мумкин бўлган ибодатни биламан: “Раббим, бу фоний баданим хазон бўлаётганига эътибор бермаслигим ва

кўринмайдиган, бироқ бундан ҳар куни руҳан янгилашиб боришим ҳақидаги ҳақиқатга янада кўпроқ ишонишим учун куч бер. Бу янгилашиб менинг эмас, балки Сенинг хизматинг эканини ёдимда сақлашим учун ҳам куч бергин. Мен ҳар доим янгилашиб белгиларини кўрмасам-да, Сен ҳаётимни ўзгартиришга қодир эканингга шубҳам йўқ. Эй, Осмондаги Ота, тан олишим керакки, қийинчиликлар Сенинг ҳузуригдан келаётганини англаш лаёқатини йўқотганимда, бу азоблар мен учун осон ва вақтинчалик бўлиб туюлмайди. Бу азобларни бизни кутаётган абадий шон-шарафнинг чексизлиги билан, вақтинча эканлигини эса абадийлик билан таққослагандагина енгилроқ бўлади. Раббим, мен айнан ману шундай фикрга эга бўлишим керак. Мана шу уддалаб бўлмас вазифани бажаришга, яъни кўринмайдиган абадийликка қарашга мени ўргат. Мен ҳар доим ҳам хурсандчилик билан қабул қилмайдиган, Муқаддас Рух томонидан янгилашиб даққат билан қарашни ўрганишдан кўра, ўзимнинг кўзга кўринадиган азобларимга қарашим осонроқ.

ИСО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ МУЛОҚОТ

Агар сиз китобни мана шу саҳифасигача ўқиган бўлсангиз, унда бу китоб одамлар кўпроқ беъмаъни ишлардан завқланиши учун ёзилмаганини аллақачон тушуниб етгансиз. Бу мен айтаётган шошма-шошарликсиз ҳаёт тарзи эмас. Аксинча, мен ҳаёти, хизмати ва иши Исо билан шошма-шошарликсиз мулоқотга бағишланган инсонлар жамоасининг бир қисми бўлишга интиляпман. Бундай ҳаёт фақат ўзимиз учун эмас, балки атрофимиздаги одамлар учун ҳам ажойиб ҳаёт бўлади! Ахир, Қодир Худо билан шошма-шошарликсиз мулоқотда ўтадиган ҳаёт Унинг Шоҳлигини тасдиқлайди ва осмонда бўлгани каби ерда ҳам Унинг иродаси бажо бўлишини акс эттиради. Шунингдек, Чўпон билан шошма-шошарликсиз мулоқотимиз кўп инсонларни Унинг ҳузурига келишга, Уни таниб-билишга ва Унга эргашишга қарор қилишга ундаш орқали кўп ҳосил келтиришига ишонаман.

Мен ушбу бобни ва китобни ибодат билан якунлайман:

Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух,
Сен билан хотиржам мулоқотда
шошма-шошарликсиз ҳаёт кечиришимиз учун
лаёқат ва куч беришингни сўраймиз.
Бизнинг кўзларимизни оч, токи Сенинг
Муқаддас Рухинг кўрсатганларини кўра олайлик.
Қулоқларимизни оч, токи Сенинг
Рухинг айтганларини эшита олайлик.
Севги ҳақидаги кўшиқларинг билан
қалбимизни хотиржам қил.
Онгимизни оч, токи биз
беҳуда инсоний муаммолар эмас,
самовий нарсалар ҳақида фикр қилайлик.
Бизнинг марҳаматларимиз атрофимизгилар
учун марҳамат бўлсин.
Буларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух
номи билан сўраймиз, Омин!

ХУДО БИЛАН ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ЎТАДИГАН СОАТЛАР

1. Ҳаётингиздаги қайси вазиятлар ёки ҳолатлар кўп ҳолларда сизни шошилишга мажбур қилади? Уларга абадиёт нуктаи назари билан қараш учун беш-ўн дақиқа вақт ажратинг. Бундай қарашдаги ўзгариш сизга ёрдам бердими (агар ёрдам берган бўлса, қандай)? Бундай вазиятлар ҳамда ҳолатларга қарамасдан ўзингизни Худонинг ҳузурида бемалол тасаввур қила оласизми? Агар йўқ бўлса, нима учун?

2. Абдий ҳаёт – шошма-шошарликсиз ҳаёт деган хабарга муносабатингиз қандай? Қандай тушунмовчиликлар ёки қийинчиликлар сизга бу фикрни қабул қилишингизга халақит беради (агар шундайлар мавжуд бўлса)?
3. Ҳаётингиздаги қайси вазиятларда диққатингизни Исога қаратсангиз, самовий нарсалар ҳақида фикр юритишингиз осон бўлади? Бу машқ сиз учун қайси ҳолларда қийин бўлади? Мана шу ҳамда бошқа вазиятларни Худо билан муҳокама қилиш учун ҳозирнинг ўзида бир неча дақиқа вақт ажратинг.

МИННАТДОРЧИЛИК

Бу китобда умримнинг ярмига тенг бўлган давр мобайнида тўпланган фикрлар ва тажрибалар баён этилган ва албатта, руҳий шаклланишимга ижобий таъсир кўрсатган инсонларнинг ҳар бирига алоҳида миннатдорчилик билдиришим қийин бўлади. Лекин нима бўлганда ҳам шошма-шошарликсиз ҳаёт ва хизмат тарзини ўзлаштиришим йўлида менга ёрдам берган айрим дўстларим ҳамда ҳамкасбларимга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

1989 йилда ташкил топган пайтдан бошлаб менга ёрдам бериб келаётган “The Leadership Institute” даги ҳамкасбларимга, айниқса, менинг ходимларим бўлган тўрт кишига ўз миннатдорчилигимни билдираман: Пол Женсенга, Чак Миллерга, Жон Брайнга ва Уэйн Андерсонга (у 2008 йили оламдан ўтган ва ҳозирда абадийликда яшамокда). Деярли йигирма беш йил давомида сизлар менинг суюкли биродарларим, содиқ ҳамкорларим ва ибодатдаги ҳамроҳларим бўлгансизлар. Менинг ҳар бир фикримда ва айтган ҳар бир сўзларимда сизларнинг таъсирингиз бор. Институтнинг бошқа ходимларига, қолаверса, Жой Крейг, Уил, Крис, Дэвид, Жон ва Лайза, Уэнди, Жоан, Дон, Гэри, Сэнди ва Гэри Т ларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ўтган йигирма беш йил давомида “The Journey to Reach the Next Generations” дастури бўйича таҳсил олган битирувчиларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Ушбу шошма-шошарликсиз сафарни сизлар билан баҳам кўриш имконияти учун миннатдорман! Бу китобнинг кўпгина боблари руҳий етакчиларни тайёрлаш учун кўрсатмаларни ўз ичига олган.

Бу китобни ёза олишимга ишонтирган ва илк қораламаларимни тузатишга ёрдам берган Лайза Гестнинг ёрдами ҳамда далдаси бўлмаганда, бу китоб дунё юзини кўрмас эди. Ян Жонсон менинг норасмий воситачим сифатида иш олиб борди ва мен кўпдан бери ҳурмат қилиб келадиган «InterVarsity Press» нашриётнинг эшигини мендек янги муаллиф учун очди. Китоб бўйича ишларнинг бошидан охиригача Синди Банч менинг ёрдамчим ва кузатувчим бўлди. Қорамаларимни текширган ва изоҳлар берган, қолаверса, китоб устида ишлашни давом эттиришим учун илҳом бағишлаган дўстларим: Том ва Марле, Жефф ва Мэри, Грейм ва Дайан, Дуг ва Сабриналарга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдираман. Қораламалар устида ишлаётган пайтимдаги жиддий ижодий инқироз вақтида мен учун ибодат қилган, Сантьягодаги (Доминикан Республикаси) жамоатнинг ажойиб оқсоқоли Лузга ҳам руҳмат.

Китоб устидаги ишлар авжига чиққан пайтда мен кичик, лекин аҳамиятли бўлган “Исонинг издошлари” жамоасининг бир қисмига айландим. Исо билан бирга шошма-шошарликсиз ҳаёт кечириш кўникмаларини Унинг бошқа издошлари: Дуг Уэбстер, Дуг Филдз, Тим Тиммонсом, Чарли Келлер, Шерри Олден ва Сет Бартлеттлар билан биргаликда ўзлаштириш имкониятидан миннатдорман.

Ниҳоят, энг яқин дўстим, йигирма саккиз йилдан буён мен билан бирга ёнма-ён шошмасдан қадам босиб келаётган рафиқам Жемга* ҳам миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Исминг жисмингга монанд. Исонинг шошма-шошарликсиз йўллари ҳақида ўрганганларимнинг аксариятини сенда кўрганман. Мен ушбу китоб саҳифаларида баён қилган муаммолар билан курашаётган вақтимда (ва қийинчиликларга дуч келганимда) менга нисбатан кўрсатган буюк сабр тоқатинг учун сендан миннатдорман. Яна уччала ўғилларим Шон, Брайан ва Кристоферларга ҳам уларнинг авлоди бизга ўхшаб шошқалоқ бўлмасликни ўрганаётгани учун раҳмат айтаман. Сизларнинг ҳар бирингиз билан фахрланаман. Раббимиз доимо сизлар билан бирга бўлсин.

*Инглизча gem сўзидан олинган – кимматбаҳо тош, ҳазина.

1 БОБ. БЕТАРТИБ ҲАЁТ

1. Жон Ортберг, *Ўзгаришга чанқоқлик* (Шандал, 2007), 101 саҳифа. Жон Ортберг бу маслаҳатни бешинчи бобда “Шошма-шошарликсиз ҳаёт: “тезликни камайтириш” руҳий машғулотида келтирган.
2. Ўша жойда, 106 саҳифа.
3. Билл ва Даллас Уилларднинг суҳбатининг тафсилотларини www.soulshepherding.org/articles/overcoming-problems/one-word/. сайтидан топиш мумкин.
4. Яна қаранг: Paul Jensen, *Subversive Spirituality: Transforming Mission Through the Collapse of Space and Time* (Eugene, OR: Pickwick, 2009), 62–65 саҳифалар.
5. Percy C. Ainsworth, “Faith and Haste,” *Weavings*, January/February 2003, 11 саҳифа.
6. Ronald Boyd-MacMillan, *Faith That Endures* (Grand Rapids: Revell, 2006), 306–9 саҳифа.
7. Ўша жойда, 307 саҳифа.
8. Ўша жойда, 308 саҳифа.
9. Забурнинг Питер Крейгнинг изоҳлари билан ёзилган таржимаси 1–49, Word Biblical Commentary (Waco, TX: Word, 1983), 342 саҳифа — “Тўхтанг, билингки, Мен – Худоман” 45:11.
10. Wayne Muller, *Sabbath* (New York: Bantam Books, 1999), p. 70.
11. J. B. Phillips, *Your God Is Too Small* (New York: Macmillan, 1961), pp. 55–56.

2. БОБ. ШОШМАЙДИГАН ШОГИРД

1. Elton Trueblood, “The Problem of the Crowd,” in *The Yoke of Christ and Other Sermons* (New York: Harper & Brothers, 1958), pp. 110–11.
2. Paul Jensen, *Subversive Spirituality: Transforming Mission Through the Collapse of Space and Time* (Eugene, OR: Pickwick, 2009), pp. 107–8.
3. Dallas Willard, *The Great Omission* (New York: HarperCollins, 2006), p. 44.

3 БОБ. САМАРАДОРЛИК: ШОШИЛМАСЛИК – ДАНГАСАЛИК ДЕГАНИ ЭМАС

1. Gerald May, *The Awakened Heart* (San Francisco: HarperSanFrancisco, 1991), pp. 94–95.
2. Brenda Ueland, *If You Want to Write* (Saint Paul, MN: Graywolf Press, 1938, 1987), p. 33.
3. Kathleen Norris, *Acedia and Me* (New York: Riverhead Books, 2008), p. 3.
4. Иқтибос: Columba Stewart, *Prayer and Community: The Benedictine Tradition* (Maryknoll, NY: Orbis Books, 1998), p. 76.
5. Ўша жойда. 77 саҳифа.
6. Carl Honore, *In Praise of Slowness* (San Francisco: HarperSanFrancisco, 2004), pp. 209–10.
7. Иқтибос: Norris, *Acedia and Me*, 130–31 саҳифалар.
8. Джон Ортберг, *Ўзгаришга чанқоқлик* (Шандал, 2007), 104 саҳифа.
9. Henri Nouwen, *The Way of the Heart* (New York: Harper & Row, 1981), p. 63.
10. Joshua Choonmin Kang, *Deep-Rooted in Christ* (Downers Grove, IL: InterVarsity Press, 2007), p. 101.
11. Gerald May, *Awakened Heart*, pp. 94–95.
12. Thomas Merton, *The Last of the Fathers* (New York: Harcourt Brace Jovanovich, 1954), p. 60.

13. Thomas Merton, *New Seeds of Contemplation* (New York: New Directions, 1961), pp. 206–7.
14. Fr. Jean Baptiste Saint-Jure and Claude de la Colombiere, S.J., *Trustful Surrender to Divine Providence* (Charlotte, NC: TAN Books, 1983), pp. 77–78.

4. БОБ. ВАСВАСАГА ШОШМАСДАН ҚАРШИ ТУРИШ

1. Kosuke Koyama, *Three Mile an Hour God* (Maryknoll, NY: Orbis, 1979), p. 3.
2. Ronald Boyd-MacMillan, *Faith That Endures* (Grand Rapids: Revell, 2006), p. 6.
3. Shirley Carter Hughson, *The Spiritual Letters of Shirley Carter Hughson* (West Park, NY: Holy Cross Press, 1953), p. 34. (“Сўқирлик ҳақида” сонетига иқтибос)
4. Henri Nouwen, *In the Name of Jesus* (New York: Crossroad, 1991), p. 38.

5 БОБ. ШОШМАЙДИГАН СЕВГИ

1. Иқтибос: Eugene Peterson, *Tell It Slant* (Grand Rapids: Eerdmans, 2008), p. 72.
2. Kosuke Koyama, *Three Mile an Hour God* (Maryknoll, NY: Orbis, 1979), p. 7.
3. Ўша жойда. 35 саҳифа.
4. Иқтибос: Mark Buchanan, *The Rest of God: Restoring Your Soul by Restoring Sabbath* (Nashville: W Publishing Group, 2006), p. 79.
5. Gerald May, *The Awakened Heart* (San Francisco: HarperSanFrancisco, 1991), p.4
6. Cecile Andrews, *Slow Is Beautiful* (Gabriola Island, BC: New Society Publishers, 2006), p. 79.
7. Gerald May, *Awakened Heart*, p. 78.
8. Paul Jensen, *Subversive Spirituality* (Eugene, OR: Pickwick, 2009), p. 63. Jensen is quoting from D. K. Ulmer and L. Schwartzburd, “Treatment of Time Pathologies,” *Heart and Mind: The Practice of Cardiac Psychology*, ed. Robert Allan and Stephen Scheidt (Washington, DC: American Psychological Association, 1996), p. 331.
9. Paul Jensen, *Subversive Spirituality* (Eugene, OR: Pickwick, 2009), p. 64. Jensen is quoting from D. K. Ulmer and L. Schwartzburd, “Treatment of Time Pathologies,” *Heart and Mind: The Practice of Cardiac Psychology*, ed. Robert Allan and Stephen Scheidt (Washington, DC: American Psychological Association, 1996), p. 331.

6 БОБ. ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ИБОДАТ

1. W. F. Adams, *Thoughts from the Note-Books of a Priest Religious* (Westminster: Faith Press, 1949), p. 7.
2. Henri Nouwen, *Spiritual Formation* (New York: HarperOne, 2010), p. 20.
3. E. Glenn Hinson, *Spiritual Preparation for Christian Leadership* (Nashville: Upper Room, 1999), p. 85.
4. Frank Laubach, *Letters by a Modern Mystic* (Westwood, NJ: Fleming H. Revell, 1937, 1958), p. 56.

7 БОБ. ХОТИРЖАМЛИК: ЯРАТИШ СУРЪАТИ

1. Eugene Peterson, *Working the Angles* (Grand Rapids: Eerdmans, 1987), pp. 68–69.
2. Abraham Heschel, *The Sabbath* (New York: Farrar, Strauss & Young, 1951), p. 14.
3. Бу одат ҳақ тўланадиган таътилнинг бешдан бир қисмидан фойдаланмайдиган таътилдаги америкаликлар орасида кузатилмоқда. Carl HonoreW, *In Praise of Slowness* (San Francisco: HarperSanFrancisco, 2004), pp. 5–6.
4. Gerald May, *The Awakened Heart* (San Francisco: HarperSanFrancisco, 1991), p. 95.
5. Allen Johnson, “In Search of the Affluent Society,” *Human Nature* (September 1978): 50–59, in Robert Levine, *A Geography of Time: The Temporal Misadventures of a Social Psychologist* (New York: BasicBooks, 1997), pp. 13–14.

6. Mark Buchanan, *The Rest of God: Restoring Your Soul by Restoring Sabbath* (Nashville: W Publishing Group, 2006), p. 98.
7. Henri Nouwen, *Spiritual Direction* (San Francisco: HarperSanFrancisco, 2006), pp. 28–29.
8. Tilden Edwards, *Sabbath Time* (Nashville: Upper Room, 1992), p. 15.
9. Ўша жойда. 13 саҳифа.
10. Изланишларнинг кўрсатишича, енгил тушқунлик ҳолати телевизорда ҳажвий кўрсатув томоша қилгандан кейин кўпроқ рўй беради. Martin Seligman, *Authentic Happiness* (New York: Free Press, 2004), p. 117.
11. Joan Chittister, OSB, *Wisdom Distilled from the Daily* (New York: Harper-Collins, 1990), p. 97.
12. Ўша жойда. 100 саҳифа.
13. Stuart Brown, *Play* (New York: Penguin, 2009), p. 17.
14. Wayne Muller, *Sabbath: Finding Rest, Renewal, and Delight in Our Busy Lives* (New York: Bantam Books, 1999), pp. 82–83.
15. Thomas Merton, *No Man Is an Island* (New York: Harcourt Brace & Company, 1955), p. 123.
16. Қаранг: Амос 8:4–6; 4 Шоҳ. 4:23; Чиқиш 66:23.

8 БОБ. АЗОБЛАР: ШОШМАСЛИК ЗАРУРАТИ

1. J. B. Phillips, *Your God Is Too Small* (New York: Macmillan, 1961), p. 7.
2. Бу сўзбоши илк бор “*Conversations Journal*” да 2011 йил, 30 ноябрда пайдо бўлди. <http://conversationsjournal.com/2011/11/pain-slowsus-down/>.
3. John of the Cross, “The Dark Night,” *John of the Cross: Selected Writings*, ed. Kieran Kavanaugh (New York: Paulist Press, 1987), p. 186 (book one, ch. 10.5).
4. F. B. Meyer, *The Secret of Guidance* (Chicago: Moody Press, n.d.), 80 саҳифа.

9 БОБ. КОМИЛЛИК: КОМИЛЛИК ВАҚТ ТАЛАБ ЭТАДИ

1. Eugene Peterson, *Practice Resurrection* (Grand Rapids: Eerdmans, 2010), p. 133.
2. Brother Lawrence, *The Practice of the Presence of God*, trans. Salvatore Sciorba, OCD (Washington, DC: ICS Publications, 1994), p. 67.
3. Baron Friedrich von Hügel, *Selected Letters 1896–1924*, ed. Bernard Holland (London: J. M. Dent & Sons, 1927), p. 266.
4. Paul E. Hersey and Kenneth Blanchard, *Management of Organizational Behavior: Utilizing Human Resources*, 5th ed. (Englewood Cliffs, NJ: Prentice Hall, 1988), p. 4, курсив мой. — А. Ф.
5. Shirley Carter Hughson, *The Spiritual Letters of Shirley Carter Hughson* (West Park, NY: Holy Cross Press, 1953), pp. 212–13.
6. Peterson, *Practice Resurrection*, p. 7.
7. Мен Кент Карлсон ва Майк Льюкеннинг *Renovation of the Church* (Downers Grove, IL: InterVarsity Press, 2011) китобида ҳикоя қилинган воқеа худди шу тажрибанинг ёрқин намунаси, деб ўйлайман
8. Thomas Kelly, *A Testament of Devotion* (New York: Harper & Brothers, 1941), pp. 36–37.
9. Peterson, *Practice Resurrection*, pp. 222–23.

10 БОБ. ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ҲАЁТНИНГ РУҲИЙ АМАЛИЁТИ

1. Elton Trueblood, *The Company of the Committed* (New York: Harper & Row, 1961), pp. 43–44.
2. Paul Jensen, *Subversive Spirituality* (Eugene, OR: Pickwick, 2009), p. 286.
3. Trueblood, *The Company of the Committed*, p. 44.

4. См.: “Insufficient Sleep Is a Public Health Epidemic,” Centers for Disease Control and Prevention, March 17, 2011, www.cdc.gov/Features/dsSleep/.
5. James Gleick, *Faster: The Acceleration of Just About Everything* (New York: Pantheon Books, 1999), p. 122.
6. Douglas V. Steere, *Time to Spare* (New York: Harper & Brothers, 1949), p. 78.
7. Joan Chittister, OSB, *Wisdom Distilled from the Daily* (New York: Harper-Collins, 1990), pp. 98–99.

11 БОБ. АБАДИЙ ҲАЁТ

1. Søren Kierkegaard, *Purity of Heart Is to Will One Thing* (New York: Harper & Row, 1956), p. 107, Жон Ортбергнинг *Ўзгаришга чанқоқлик* китобига (Шандал, 2007), 116 саҳифа.
2. Thomas Kelly, *A Testament of Devotion* (New York: Harper & Brothers, 1941), pp. 55–56.
3. Richard Rohr, *The Naked Now* (New York: Crossroad, 2009), p. 135.
4. Қаранг: Эфесликлар. 1:18; Ваҳий 2:7; 2 Кор. 3:17; Кол. 3:2; ва Ибтидо 12:2

М У Н Д А Р И Ж А

1 БОБ. БЕТАРТИБ ҲАЁТ

2 БОБ. ШОШМАЙДИГАН ШОГИРД

3 БОБ. САМАРАДОРЛИК: *ШОШИЛМАСЛИК – ДАНГАСАЛИК ДЕГАНИ ЭМАС*

4 БОБ. ВАСВАСАГА ШОШМАСДАН ҚАРШИ ТУРИШ

5 БОБ. ШОШМАЙДИГАН СЕВГИ

6 БОБ. ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ИБОДАТ

7 БОБ. ХОТИРЖАМЛИК: *ЯРАТИШ СУРЪАТИ*

8 БОБ. АЗОБЛАР: *ШОШМАСЛИК ЗАРУРАТИ*

9 БОБ. КОМИЛЛИК: КОМИЛЛИК ВАҚТ ТАЛАБ ЭТАДИ

10 БОБ. ШОШМА-ШОШАРЛИКСИЗ ҲАЁТНИНГ РУҲИЙ АМАЛИЁТИ

11 БОБ. АБАДИЙ ҲАЁТ

МИННАТДОРЧИЛИК

ИЗОҲЛАР